



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси

Ўрозбой Абдурахмонов	Абдуваҳоб Нурматов
Акрамжон Адизов	Баҳамдулло Нурабуллаев
Эркин Воҳидов	Абдулла Орипов
Туробжон Жўраев	Тўра Саидов
Наим Каримов	Сирожиддин Саййид
Рустам Мирзаев	Йўлдош Солижонов
Тўра Мирзаев	Хайриддин Султонов
Иқбол Мирзо	Рустам Қосимов
Минҳожиддин Мирзо	

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод



МУНДАРИЖА

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Улуғбек Ҳамдам.

Инсон билан юксалар Ватан. Публицистика 3

ШЕЪРИЯТ

Эркин Воҳидов. Янги шеърлар 20

Саъдулла Ҳаким. Ёмғир суви. Туркум 74

Аҳмад Хўжа. Ҳаёт ифориға йўғрилган сабо. Шеърлар 89

Ахтамқули. Гул баргидек тўкилар дилим. Шеърлар 103

Даврон Ражаб. Ниғоҳим сўроққа айланди. Шеърлар 105

Самандар Воҳидов. Видо достони. Боблар 132

ҲАЗАЛХОНЛИК

Исмоил Маҳмуд Марғилоний.

Қуёш меҳрин сочар. Ҳазаллар 82

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Умида Абдуазимова. Қушларнинг ашуласи. Шеърлар 96

ҚИЗЛАР ДАҲТАРИ

Дил кўшиға чизилар сурат. Шеърлар 140

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Рауф Парфи. Яна қайтиб келдим... Шеърлар 153

НАСР

Ғуллом Қаримий. Наршах қалъаси. Тарихий роман 25

Асад Асил. Олишув. Ҳикоя 78

Ҳамиджон Ҳомидий. Ҳикоят ва нақлиёт 98

Ҳамила Эргашева. Бойбичча. Ҳикоя 108

ЖАҲОН ҲИКОЯЛАРИ ҲАЗИНАСИДАН

Нажиб Маҳфуз. Афсунгар товоғимни ўғирлади. Ҳикоя 84

НАВОИЙ САБОҒИ

Эргаш Очилов. Ҳайрат олами 92

НИҒОҲ

Нодир Ғаффоров. Баркамол авлод – жамият таянчи 113

РОМАН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Умарали Норматов.

Бадиият кўзғусида миллат тақдири 116

Муҳаммаджон Холбеков. Етакчи жанрнинг

тадрижий тамойиллари 122

ТАҲАҚҚУР ДУРДОНАЛАРИ

Эпикур. Минокевсга мактуб 138

МУТОЛАА

Абдулла Улуғов. Ғаддор ёхуд тухматномаларни

ким битган? 147

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Абдуғафур Расулов. Толерантлик ва руҳий покланиш 158

Шухрат Ризаев. Яхши “ёмон” одам ёхуд

янгиланган реализм 162

Санобар Тўлаганова. Рамзларга яширинган маъни 166

Дилмурод Холдоров. Қисса сюжетида услуб жилолари 168

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Қудратулла Омонов. Илк ва ўрта асрлар

туркий тилдаги расмий васиқалар 171

ГУЛҚАЙЧИ

Восит Аҳмад. Ақллилик балоси. Ҳажвий ҳикоя 174

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2011

3-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
ЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинмасин.

Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монетьлик кўрсатилса,

Тошкент – 100000,

«Амир Темур» тор

кўчаси, 2. Республика

«Матбуот тарқатувчи»

акциядорлик

компаниясига муурожаат

қилинсин.

Обуна индекси — 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,

«Ўзбекистон» кўчаси, 16-а уй.

Телефонлар:

227-00-81, 245-22-99

www.sharqyulduzi.uz

E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
10.06.2011 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16.

Офсет босма усулида тип.

№ 1-қоғозга босилди.

Босма тобоғи 11.

Шартли босма тобоғи 15,4.

Наширёт ҳисоб тобоғи 17,2.

Адади 4600 нусха.

Буюртма № 72-11

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган.

«Ўқитувчи» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,

«Янгишаҳар» кўчаси, 1-уй.

Саҳифаловчи:

Акбарали Мамасолиев

Мусахҳих:

Дилфуза Маҳмудова

Сотувда: «Ўзбекистон почтаси» бўлимларидан сўранг.

Copyright © «Шарқ юлдузи»

Ватан учун яшайлик



Улуғбек ҲАМДАМ

ИНСОН БИЛАН ЮКСАЛАР ВАТАН

Публицистика

ҚИЁФА

Ҳар қандай давлатнинг буюклиги, кучу қудрати, шону шавкати, аввало, унинг халқи, шу халқ орасидаги фидойию жонкуяр, элпарвару юртпарвар, донишу оқил фарзандлари билан белгиланади. Сизнинг эътиборингизга ҳаётининг айрим лавҳаларини илинганим мазкур киши, ҳеч қандай муболағаларсиз, ана шундай инсон. Ҳозир ортимга қайрилиб, уни илк бор қачон, қаерда кўрганимни эслашга уринганим билан мақсадимга етолмаслигимни яхши биламан. Бунга сабаб, эҳтимол, ўшанда, унга ҳамма қатори, ўз ташвиши билан андармон юрган миллионлардан бири сифатида қараганим бўлса, ажабмас. Бугун эса, манзара бутунлай бошқача: бугун Ортиқали ака мен таниган, билган инсонлар сирасида энг ёрқин сиймолардан бири.

Ўзи жиккаккина, ҳокисор, устига-устак, умуртқа поғонасига ёпишган бир умрлик дард боис, хиёл эгилиб юради, ҳаракатлари бемалол эмас, оғир, машаққатли. Ўтирса турмоғи, турса ўтирмоғи мушкул. Лекин, бу тасвир фақат ва фақат унинг ташқи қиёфасигагина тегишли, асло ботинига эмас. Бу кишининг ботинида битта эмас, лоф бўлмаса, ўнта соппа-соғ одамниқидан зиёдроқ кучу ғайрат бор. Агар гап фақат куч ва ғайратнинг ўзигагина тегишли бўлганда, мен бу битикларни битиб, тезкор замонамизда сизнинг олтиндан зиёд вақтингизга ҳавола этмасдим. Гап шундаки, ана ўша ҳеч қайга сиғмай тошаётган кучу ғайратга ақлу дониш йўлбошилиқ қилса, оламшумул натижаларни кутаверинг экан. Бундан ҳам муҳимроғи, ҳамма юксак сифатлар жам бўлиб, Эзгулик деб аталган байроқ остида саф тортса-чи, яхшилиқ деб аталган қайнар булоққа дуч келганингиз ўша бўларкан. Афлотун айтган экан: “Агар ният эзгу бўлмаса, билим иблисга хизмат қилади” деб. Агар катта билим катта эзгу ният билан қўшилиб кетса-чи?.. Мен сизга мана шу ҳақда ҳикоя қилмоқчиман.

ТАРЖИМАИ ҲОЛДАН

Марҳаматнинг Хўжаариқ қишлоғида улғайдим ва ўша даврдаги 15-ўрта мактабни “Олтин медал”га тамомладим. Мактабга олти ёшимда қўшни болаларга эргашиб ўқув йилининг ўртасида борганман. Мен билан суҳбатлашиб кўрган ўқитувчи дарҳол ўқишга рухсат берган. Йил 1958 эди.

7-синфда ўқиганимда шахматни ўрганибоқ ўргатганларни ютганман.

Отам узоқ йиллар бетоб бўлганлиги сабабли, мен 11 ёшимданоқ далага чиқиб ишлаганман. Одамларнинг уйида минг донасини 7-8 сўмдан ғишт қуяр эдим. 1966 йили 8-синфда ўқиганимда қўшимиз Тошмуҳаммад акани ТошДУга ўқишга кирганида палатали шаҳарга олиб бориб қўйиб келганман. Ғишт қўйиб тўплаган пулимга борганман ўшанда.

Футболни яхши ўйнар эдим. “Пахтакор” футбол мактабига кириб ўқимоқчи эдим. Отам оламдан ўтиб қолганлиги сабабли бора олмаганман.

Ҳамманинг уйида телевизор бор эди. Бизда имкон бўлмаган. Биз тўрт ака-ука дарс қилар эдик. Натижада институтларда ўқидик. Йўлқира учун ўзимиз ишлаб пул топганмиз. Шароит оғир бўлганлигидан давлат томонидан йўлқира берилар экан деб, Украинанинг Харьков Давлат педагогика институтига ўқишга кирганман. Русчани яхши билмаганим учун бор вақтимни ўз устимда ишлашга қаратганман. Катта ва қадимий шаҳардаги Короленко номидаги кутубхонада бўш вақтимнинг кўп қисми ўтган. Инглиз ва сунъий эсперанто тилларини ўрганиш учун курсларга қатнаганман. Спорт гимнастикаси билан уч йил шуғулланганман. Кечалари пул топиш учун вагонлардан тоннасини бир сўмдан юк туширган кунларим кўп бўлган. Ярим кечада туриб, то эрталабгача китоб ўқир эдим. Вақти келиб ҳаракатларим ўз мевасини берди: аспирантурага йўлланма – характеристикани Ўзбекистондан борган 125 нафар студентдан фақат менга раво кўришди. Чунки талабаларнинг илмий конференцияларида тадқиқот ишларим билан чиқишлар қилишга вақт топа олган эдим. Рус ёзувчиси Юрий Нагибин асарлари асосида “Ранг тасвир сўзларининг стилистикаси” мавзуида тайёрлаган илмий маърузам кўпчиликнинг эътиборига тушган эди.

Таътиллارга келганимда, 1969 йилдаги катта қорда йиқилиб тушган уйимизни тиклашга вақтим кетар эди. Керакли қурилиш материалларини олиб беришга ва иш ҳақини тўлашга имконлари йўқ, деб, дурадгорлар уйимизни қуриб беришга унашмаган. Дурадгорлик сирларини ўрганганман ўшанда. Оилани моддий тикланиши учун мактабда дарс бериш билан бир қаторда 10 га яқин уйни тикладим...

ДУНЁ ВА ДУНЁҚАРАШ

Инсоннинг ўзини ўраб турган дунё ҳақида билганлари, аслида, денгиздан томчи. Лекин илмда ҳам илм бор. Олимки, олам мавжудлиги ва ҳаракатланиши қонуниятларини билса ва билганларини одамийзод турмушига озми-кўпми тадбиқ этса, демак, унинг билими ҳар доим, ҳар қаерда асқотади, ардоқланади. Олимки, ҳазрати Румий айтганидек, ўзидан, яъниким, инсондан, унинг моҳиятидан узоқ, ҳаётга алоқаси бўлмаган “илм” билан шуғулланса, унинг умри сувга оқизилган, зое кетган ҳисобланади. Қаҳрамонимиз ўзининг бутун борлиғи билан илк тоифага мансубдир. Ортиқали аканинг ҳаёти ва амалиётини кузатарканман, ҳатто бир кунлик иш режаси билан йўл-йўлакай танишиб чиқар эканман, гапнинг индалло-си, ўз-ўзимдан, қилаётган ишларимдан кўнглим тўлмай кетаверади. Чунки ўзини ҳар қанча меҳнаткаш, серғайрат ҳисоблаган инсон ҳам у билан солиштирилганда, жуда назокат билан айтганда, бориб турган дангаса бўлиб чиқаверади-да.

Дунёбеҳабарлик алал-оқибатда инсонни ҳам, миллатни ҳам боши берк кўчага олиб қиради.

Дунёбохабарлик эса ана ўша кўчанинг, аввало, кенг ва равон, қолаверса, ҳамиша, ҳарвақт очиқ, серқатнов бўлишини таъмин этади. Агар бунга яна некбин руҳ, келажакка, ҳаётга иштиёқ ҳисси кўшилиб кетса борми, нур устига нур, дея-веринг. Бунга мен Ортиқали ака ҳаётини мушоҳада қилар эканман, такрор иқрор бўламан.

ТАРЖИМАИ ҲОЛДАН

Оилавий шароит мени доимо тинимсиз меҳнат қилишга ундар эди. Аспирантурага бормоқчи бўлиб турганимда қариндошлардан бири “онанг жуда қийналиб кетди, унинг ёшидаги аёллар далада ишламай кўйган, у эса ўша ердан бери келолмайди. Яна аёл боши билан ипак қурти тутуди. Энди сен ёнига киришинг керак”, деб туриб олди. Ҳар қанақасига олиб кўрмай, қариндош ҳақ эди: онамга ёрдам беришим, укаларимга ҳам ака, ҳам ота ўрнида кўмаклашишим зарур эди. (Отам раҳматли қирчиллама ёшида қазо қилиб кетган эди). Укаларимнинг ҳам институтларда ўқишга ҳақлари бор-ку. Уларни ўқитиш, уйлаш, уй солиб бериш ва синглимни узатишим керак эди. Онамга – оддий деҳқон аёлига – бу оғир юкни ташлаб кўйсам, фақат ўзимни ўйласам инсофдан бўлмас эди. Мактаб, дурадгорлик, томорқада иссиқхонадан олинган даромадлар оила харажатларига етмас эди. Доимо қарз олиб туришга тўғри келарди. Оилани моддий муаммоларини ечиш учун бизнес режа бўйича иш юритишимга ҳаёт мени мажбур этган. Ўшанда ёшим ўн иккида эди.

Меҳнатга шундай берилган эдимки, агар бирор иш тугамаса, мен ухлай олмас эдим. Ўша ишни тугатиб ётар эдим. Бир куни маҳалламизга бир меҳмон келиб тунаб қолибди. Ярим кечадан ошганда уй эгасидан: – “Тақиллаётган ниманинг овози?” – деб сўрабди. Мезбон: – “Ортиқали деган йигит ишини тугатмабди-да” – деса, меҳмон: – “Шундай кетса, соғлиғини йўқотади”, – деган экан.

Тақдирни кўрингки, шундай бўлиб чиқди. 1975 йилда анклозга (ҳаракатсизликка) олиб борувчи спондилоартрозни орттириб олдим. Ҳар қанча даволанмай натижа бўлмади. Ўша даврдаги медицина китобларида жавоб битта: бемор узоғи билан 20 йилгача яшаши мумкин. Барча бўғинлар бирикиб кетиши натижасида унинг ҳаёти азобга айланади. Тинимсиз тиббий қаров керак.

Мени ҳаракатсиз ҳаёт кутар эди. Шунда, умри тўшакка михланиб ўтган шўрлик инсонлар кўз олдимда гавдаланар, даҳшатга тушар эдим. Кўпчиликнинг раҳми келар эди менга. Ортимдан: “Эссиз, ёш экан...”, деганларини неча бор эшитганман...

ДАРД БИЛАН ЯШАШ СИРИ

Лекин Ортиқали ака дардга бўйин эгиб таслим бўлиш йўлидан эмас, унга қарши қурбат топиш йўлидан борди. Ташхиснинг юқини нозик елкаларида ҳис қилса ҳамки, ундан ҳам залворлироқ бошқа куч ҳам бор эдиким, исми ҳаёт бўлиб чиқди. Бемор Ортиқали ака ҳаётга овоз берди, унга кучининг, аввало, иймон кучининг борича талпинди. Чунки унинг зиммасига тақдир томонидан вазифа юклатилган эди. Вазифаки, ҳам ўзи учун, ҳам отаси учун бажариладиган. Вазифаки, бутун оила, укалари ва синглининг қисматларини белгилаб берадиган. Шунинг учун ҳам унинг энгилишга маънавий ҳаққи йўқ эди. Ортиқали ака яратган томонидан инсонга берилган неки қудрат, неки имкон бўлса, барини жамлаб дардин ўзидан нарига итариб ташлашга, уни йўқ деб ҳисоблашга ва гарданига тушган ўша вазифани миқ этмай адо этишга киришди. Бу айтишга осон, холос. Аслида, бунинг нима эканлигини бошидан ўтказганларгина теран ва атрофлича ҳис қилади. Ҳис қилганлар эса кўпинча индамайди, онадан янгидан туғилгандек оламга бошқача қараб, бошқача яшай бошлайди.

Ортиқали акани 1979 йилда даволаган Идрис исмли бир врач 90-йилларнинг ўрталарида Қримдан келиб, беморни тасодифан йўлиқиб қолган қўшнисидан сўраб суриштиради:

– Ортиқали ака ўтиб кетгандир?

– Нега энди? Ҳаёт.

– Наҳотки!? – Ажабланибди врач. – Ногирондир?

– Ҳа.

– Шол бўлиб тўшакка михланган, тўғрими?

– Нималар деяпсиз? – Жаҳли чиқибди қўшнининг. – Ишлаб юрибди. У қилган ишни соғлар қилолмайди. У ҳозир тадбиркор. Марказ ташкил қилган.

– Ишонмайман. Мен уни кўришим керак. Ахир, фанда бошқача айтилган. Мени ҳузурига олиб борасиз, – деб туриб олибди врач. – Бу ҳақда тезда академик Цойга ёзишимиз керак, тушуняпсизми? Ахир, бу мўъжиза-ку!

Мўъжиза деймиз-у, аслида, ҳар қандай мўъжизанинг ҳам ўз қонунияти, юзага келиш сабаблари бўлади. Кўпинча, эҳтимолдан ғоят узоқ бир неча сабаблар бир жойга жам бўлиб ва, энг муҳими, бир-бирига уйғун тушиб, бир-бирини қувватлаб, тўлдириб майдонга чиққан натижа бизнинг дунёбеҳабар нигоҳларимизга мўъжиза бўлиб кўринади. Фикри ожизимча, Ортиқали аканинг дардга чилингандан 20 йил ўтиб, врачлар айтганидек, тахминан 1995 йиллар атрофида вафот этиб кетмаганлиги бир қарашда мўъжиза бўлиб туюлса ҳам, бошқа жиҳатдан ҳаёт қонуни эди. Бўлгандаям Ортиқали ака ҳаётининг қонуни! Чунки бу киши сиймосида ҳаётда қолиб, қолганда ҳам дарди бедавога тушовни бериб қўймай, инсон каби, инсон ўлароқ яшашнинг барча сабаблари мавжуд эди. Унинг ҳаётдаги бош шиорига эътибор беринг: “Ҳаёт, бу – ҳаракат”.

Бу гап шунчаки, йўлига айтилган олифтагарчилик эмаслигини эса мен жуда яхши ҳис қиламан. Ортиқали ака билан дастлабки жиддий суҳбатимиз адашмасам, уч соатлар чамаси давом этган эди. Шунда биз бир-биримиз билан гаплашиб қолиб, даврани нутгандик. Суҳбатимиз мавзуси гоҳ тарих, гоҳ кунимиз, гоҳ адабиёт, гоҳ психология, гоҳ тил, гоҳ замонамиз муаммолари устида кечганди. Мен ўша суҳбатда Ортиқали акани, бугун мен билган, мен таниган катта қалбли, улкан Зиёлини ўзим учун кашф қилган эдим. Мавзу ўз йўлига, мавзу борасида билдираётган қарашларининг ўта замонавийлиги, жуда илғорлиги ўз йўлига, мени ҳайратга қўйгани – Ортиқали ака муносабатидаги демократик кайфият ва бу кайфиятда уфуриб турган бениҳоя самимият билан бир қаторда, вужудининг мудом, ҳар дақиқа, дақиқа нима бўпти, ҳар сонияда қимирлатиб, ҳаракатлантириб туриши бўлди. Кейин билсам, соғлиқ тақозоси – фақат ҳаракатгина Ортиқали ака гавдасининг қотиб, ҳаракатсиз ҳолга келиб қолишдан асрар эканки, буни ўйлаганим сайин унинг “ҳаёт бу ҳаракатдир” деган шиори маъзани яхшироқ чаққандек бўлавераман. Лекин Ортиқали аканинг ҳаракати фақат ва фақат вужудга қаратилмаганлигини кейинроқ тушуна бордим. У айтган ҳаракат ҳам бадан, ҳам руҳга баравар дахлдор экан. Чунки ҳаракатда ҳам ҳаракат бор. Бойлик, мансаб, шон-шухрат илинжида юрганлар ҳам тинимсиз ҳаракатдалар. Асосий гап, менимча, мана шу ҳаракатнинг нимага хизмат қилаётганида мужассам. Дарҳақиқат, ҳамма ҳаракат қилади. Бироқ биров ҳаракат қилиб уй бузса, бошқа биров уни тузади. Мана, фарқ қаерда...

Демак, кучли ҳаётпарастлик, бетиним ҳаракат, эзгу ният, кенг дунёқараш, илғор билим воситасида ёруғ орзуларни ҳаётга тадбиқ қилиб, элу юртга фойдали мақсад сари йўналтириш Ортиқали ака вужудини тўрт мучаси соғларникидек, керак бўлса, уларникидан-да чидамлироқ, фаолиятга яроқлироқ этиб келаётган сабаблар экан. Одамлар эса буни оддийгина қилиб мўъжиза деб аташаркан. Дарвоқе, яна бир малҳамни унутибмиз: ҳазилга, дардни енгишга қодир аскияга мойиллик!.. Яхшиси, энг оғир лаҳзалардаги Ортиқали аканинг гапларига ўзингиз эътибор қилинг-а:

2001 йили ўнги оёғим қаттиқ оғриб қолди. Дорилар таъсир қилмас эди. Кечалари уйқу йўқ. Оғриқ зўридан инграб чиқардим.

Рентген қилишди. Якка-ёлғиз синглим Ўктамхон врач бўлишига қарамай, кўз ёшини яшира олмай, рентген суратини кўриб:

– Ака! Жуда оғир касалликни енгиб келяпсиз. Бунга ҳам енгасиз. Мен сизга ишонаман, – деди.

“Демак, рақ” – ўйладим. Плёнкани қарасам, оёқ суякларига ўсмалар яққол кўриниб турибди.

Андижонда врачлар барча таҳлиллардан сўнги муҳокама қилиб, оёқни кесишга қарор қилишди. Фақат Асакадаги суяк сил касалликлар санаторийсидаги тажрибали врач ташхисни тасдиқлаши лозим эди. Мени олиб боришди. Врач қўйилган ташхисни тасдиқлади. Мен кулдим, негадир кўнглим тўқ эди. Врач ажабланиб: “Нега куляпсиз?” деб сўраган эди, ташхис аниқ бўлса, демак мен тузаламан, деб жавоб бердим. Ахир, медицинада ташхиснинг аниқлиги касалнинг 50% га тузалгани, деб айтишади-ку...

У ердан чиққач, синглим ва куёвимга томографияга олиб боринлар, деб илтимос қилдим. Кўнглим қолмаслиги учун ноилож олиб боришди. Мўъжизани қаранг. Томограф “Тери ости инфилтрати” номли бошқа ташхис кўйди. Лабораторияларда ўрганишиб, керакли антибиотикни аниқлашди. Бир курс даволанишдан сўнги ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Оёқ кесилмади. Унда рентгенда кўринган ўсма-чи? Мени Ортиқали деб бекорга аташмаган. Демак, фақат қулоғимдагина эмас, балки оёқ суягимда ҳам ортиқларим бор экан-да, дедим атрофимдагиларга.

ИЛК ТАДБИРКОРЛИК

“Бошқаларни ўйлаганимда, кўпчилик манфаати учун бирор ишни амалга оширганимда, йўлимдаги мушкулот ҳам ўз-ўзидан бартараф бўлиб кетаверган”, – дейди Ортиқали ака.

1989 йилда Ортиқали акага мактабда ижтимоий фойдали меҳнат ташкилотчиси деган вазифа юклатишади. Ўша вақтгача собиқ ташкилотчилар журналга “ўқувчилар қор куради, ойна артди, ҳовли супурди, ер ағдарди”, деб ёзиб, ойлик олиб келишган. Ортиқали ака бўлса маошимни ҳалоллаб олай дея энгил машина олиш учун йиғиб юрган пулига ўғил болалар учун икки юк машинада тахтачалар, қизлар учун эса бир машина тўқув ипи олиб келади ва мактабда қутичалар тайёрлашу тўқув ишларини йўлга қўйиб юборади. Оғзига кучи етмаганлар: “Жамғариб юрган пулини фойдасиз ишга сарф қилиб юборди. Эси борми, ўзи?” – дея устидан кулишган. Лекин орадан фурсат ўтиб, ўқувчилар хунарли бўлади, улар тайёрлаган маҳсулот эса даромад келтира бошлайди. Ҳамма ҳайрон. Ахир, ўқувчи болаларнинг бундай ишга қодирлигини ҳеч ким кутмаган эди-да.

– Ким рухсат берди ўқувчиларнинг бозорга чиқишларига? (Ўша даврда ўқувчиларни бозорга чиқишларига рухсат берилмас эди) – деб ёзғиргани мутасадди ўртоқ.

– Бу иш Халқ таълими министрлигининг дарс дастурига киритилган. Ўқувчиларнинг ўзлари тўқиган маҳсулотни ташлаб юбориш керакми? – жавоб бергани Ортиқали ака.

– Унда пулини нима қиласизлар?

– Харажатдан ошган соф фойданинг 80% и умумий йиғилиш қарорига биноан ўқувчиларнинг ўзларига ойлик қилиб берилади. Қолган 20% и эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун болға, игна каби иш қуроқларини сотиб олишга сарфланади.

– Дуруст. Бўлар экан-ку! – деб тан бергани ўшанда мутасадди.

Лекин бу билан ҳаммаси хамирдан қил суғургандек силлиқ кечмади. Кунлардан бир кун Ортиқали ака фаолиятини кўролмаган кишилар томонидан хабардор қилинган катта инспектор келиб бақира кетади:

– Болаларни эксплуатация қилиб бойимоқчи бўлган ким ўзи?!

– Мен!

– Ким рухсат берди сизга бундай қилишга?

– Халқ таълими министрлиги, – хужжатларни кўрсатади Ортиқали ака.

– Фойдани нима қияпсиз?

– Умумий йиғилиш қарори бўйича 80%и ўқувчилар маошига, 20%и иш кўролларига сарфланади.

– Сизга нима қолади унда?

– Ахир, мен мактабдан маош олаяпман-ку!

– Ҳм... – кейин бурилиб, – Ҳошимжон! – Директорга мурожаат қилади катта инспектор. Бу одам ўқувчиларга хунар ўргатгани ўз хисобидан шароит яратган бўлса, болалар маош олишса, синф хоналарини банд қилишмаса, тагин нима керак сизга? Ўқувчилар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатига қаранг. Шикоят қилиш ўрнига фахрланиш лозим эмасми, ўртоқ директор? Бу одамнинг ишини бутун вилоятга ёйиш керак, – дея жазолаш учун келган мансабдор шахс Ортиқали акани алқаб кетади. Шу воқеадан сўнг бошқа туманлардан иш ўргангани таълим раҳбарлари кела бошлайдилар.

Лекин энг катта эҳтиромни халқ ичидан чиққан оддий бир бобо кўрсатади. Бир йиғинда гап-сўз бўлади:

– Ўқитувчилар ўқитмай кўйди.

– Болаларимиз саводсиз бўпқоляпти.

– Қаерга қарашяпти ўзи булар?..

Шунда Чўмбоғиш маҳалласидан ўша Омонбой бобо ўрнидан туриб, Ортиқали аканинг олдига келади, ўқитувчининг эгилган қоматига бўйини тенг қилиб энгашиб гап бошлайди:

– Эй, халойиқ! Мен манови Ортиқали домлага таъзим қиламан! Кўриб кўйинглар. Менинг кампирим умрида игна ушламаган эди, келинларим ҳам кампиримга ўхшаб на тикишни ва на тўқишни билишади. Шундай бўп юрганимизда набираларим менга жемпер, пайпоқ тўқиб беришиб қолди. Мана, кўринглар, кийиб юрибман. Уларга: “Ким сизларга ўргатди?” десам, “Мактабда ўргатишди”, – дейишди. “Ким ташкил қилган?” десам, манови Зиёнинг ўғлини айтишди. “Отанга раҳмат, сира кам бўлмагин, болам!..” – Бобо Ортиқали акага юзланиб, бағрига босади.

Аслида, энг олий мукофот деганлари шу бўлади. Меҳнати натижасининг мана шу тарзда тан олинishi Ортиқали аканинг дардига малҳам бўлар эди. “Шундай бўлгач, нега тузалмаслигим керак? Менда тузалишга умидгина эмас, ишонч ҳосил бўлар эди!” – дейди Ортиқали аканинг ўзи.

ОРТИҚАЛИ АКА ХОТИРАЛАРИДАН

Маҳалла кўчаларига газ тушириш учун елиб-югуриб юрганимда қариндошларимиздан бири келиб: – “Аҳволингга қара, маймунлар йиғлайди. Одамларни деб куйиб-пишиб юраверасан. Ўзингни ўйласанг-чи? Одамлар сенга нима қилиб берар эди? Сенга битта велосипед олиб, миндириб кўярмиди? Қара, сенда ўзинг қурган уйингдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Менда эса машина, омбор тўла дон, молхонада 6 та сигир, 8 та қўй бор”, – деб койиди. Мен мақсадимдан қайтмадим. У онамга кириб: – “Ҳафиза опа, ўғлингизни муллага бир ўқитиб кўйинг. Унинг калласи айниб қолибди. Рухий касалга ўхшайди. Касалхонада даволанса ҳам бўлади”

– дебди. Онам ўшанда роса йиғлаган, лекин мени йўлимдан қайтармаган. У мендан жуда фахрланар эди.

Ўрнимдан тургазиб қўйишмасе, ўзим тура олмас эдим. Лекин буни қарангки, кўпчиликнинг хизматида чопиб юрганымда, дардим эсимгаям келмасди, уни унутардим, ўзимни соппа-соғ сезардим. Ўзимча ўйлайман: шу менинг дармоним, мукофотим эмасми?..

Ногиронликни тан олмай ўн икки йил юрганман. Врачлар тергашади. Мен эса, “ҳали ёшман, тузалиб кетаман”, дея қайсарлик қилардим. Фақат умуртқам тўлиқ қотиб, битта суякка айланиб, гавдам букилиб қолгандан сўнг, ногиронлик гуруҳига ўтишга мажбур бўлганман. Ногиронлик эса, менга яна бир мўъжиза – ногиронлик оламини очиб берди. Дунёнинг дардини дарди борлар кўтаради, деган гап тўғрига ўхшайди.

Анджон вилояти ногиронлар жамиятида ожиза бир қизнинг ҳаяжон билан ўз режалари ҳақида гапирётганини кўриб, сингелим, дунёдаги энг бахтли инсонга ўхшайсиз, десам, дунёнинг, инсонларнинг гўзаллигини кўра олмайдиган бу қиз:

– Тўғри айтасиз. Мен жудаям бахтлиман. Кўзи очиқ кўр қилиб яратмагани учун яратганга шукроналар айтаман, – деганди.

– Раҳмат, сингелим! Менинг ҳам кўзимни очдингиз, – ҳайратимни яшира олмаганман ўшанда.

КАТТА МАҚСАДЛАР САРИ

1995 йилда Ортиқали ака Марказ яратиш хаёли билан эски бир бинони сотиб олади. Аммо сунъий тўсиқлар шу ондаёқ бошланади. Хўжжатлаштириш учун отнинг калласидек пул сўрашади. Ўша зорманда бўлса йўқ. Бориям бино харидига сарфланган. Нима қилиш керак? Ортиқали аканинг боши қотади. Ахир, ўйлари, режалари нима бўлади, энди?..

Шунда Хўжаариқ маҳалласидан ёруғлик чиқади. У ернинг маҳалла оқсоқоллари тўпланиб бир иш қилишади. Натижада, Ортиқали акага кўчмас мулк кадастри идорасидан телефон қилишиб, сизлар ногиронлар экансизлар, сотиб олган бинонгизни бепул хўжжатлаштириб берамиз, дейишади.

“Мўъжизани қаранг! Нархини озроқ тушуриб беришга унамаган ташкилот раҳбарларининг дилига ким бекорга хизмат кўрсатиш истагини солди экан? Бу кўпчилик манфаати учун ишлашга жавоб эмасми?” – деб тўлқинланади Ортиқали ака. Аслида-чи? Аслида, Ортиқали аканинг Хўжаариқ маҳалласига бир вақтлар қилган яхшилиги ўзига қайтган эди. Ўшанда, Ортиқали ака елиб-югуриб ўша маҳалланинг газлаштириш ишига бош-қош бўлган эди.

Шундай қилиб “Турон” ўқув маркази жадал қурила бошлади.

ТАҚДИРНИНГ ЎЗИ ТУШУНТИРИБ ҚҲЙДИ...

Қурилатган бино учун ойна олинадиган бўлди. Ортиқали ака Қувасойдаги “Кварц” заводига йўл олади. Аммо завод масъул ходими унга ойна сотилмаслигини айтади. Шунда ҳайратангиз бир воқеа юз беради. Ортиқали ака масъул ходимдан санани сўрайди. У “15 май” деб айтади. Ортиқали ака беихтиёр чўнтагидан паспортини олади ва: “Мана қаранг, мен 15 май куни туғилганман. Ҳисоблаб кўринг. Бугун роса 55 ёшга тўлдим. Ўқитувчи 55 ёшга кирганда нафақага чиқади, юбилей қилади. Яқинлари, дўстлари, жамоаси уни тўрига ўтказади, унга миннатдорчиликлар билдирилади. Унинг учун энг қадрланган кун бўлади бу кун. Мен эса, мана шундай ҳурматдан воз кечиб, ёшларимиз тарбияланадиган бир маскан яратаман, деб юрибман”, дейди. Шунда ходим ўрнидан туриб кетади.

– Табриклайман! Қанча ойна керак?
 – 200 м².
 – 400 м² олинг. Бозорда, қўлда икки баробар қиммат. Ортиғини сотсангиз, ойна сизга текинга тушади, – деб ўқитувчи тадбиркорга янаям яхшилиқ қилмоқчи бўлади ходим.
 – Йўқ, мен эзгу иш бошлаганман. Бунга харом аралашишини истамайман, – дейди Ортиқали ака...
 – Ажойиб одам экансизу, 250 м² олинг унда, лоақал йўлкирангизга яраб қолар...
 Ортиқали ака шу ерда тортишмайди ва хато қилганини кейин англайди. Буни унга тақдирнинг ўзи тушунтириб кўяди: ташқаридан юк машинаси қидиради. Қани энди учраса. Ахийри, бир машина топилади. Қарангки, ўша куни йўлиққан биргина машинага 200 м² ойна сиғар экан. Ортиқали акага “туҳфа” этилган 50 м² ойна заводда қолади. “Елкамдан тоғ тушди. Менга “яхшилиқ” қилмоқчи бўлган одам эса ҳайратдан ёқа ушлади”, – дейди Ортиқали ака. Шу билан бирга, тақдир унинг ўзига ҳам яхши бир дарс ўтиб қўйганини ҳис қилади...

ҚУРИЛИШДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР

Қурилишда жуда кўп мўъжизалар юз берди, деб эслайди Ортиқали ака. У Қувасой цемент заводидан цемент, шифер ва алибастр каби хомашёларни завод нархида пул ўтказиш йўли билан сотиб олганига ҳам, ўзи ногирон бўлишига қарамай мактаб қураепти, дея ҳашарга келган туман аҳолисининг ҳимматига ҳам олам-олам севинди. Айниқса, бир оқсоқолнинг: – “Ҳорманг, иним! Мен ҳам сиз қилаётган савоб ишга ҳисса қўшсам, дейман. Ҳажга деб тўплаётган пулим бор. Биламан, шу тобда сизга маблағ жуда зарур. Мен шу пулни олиб келиб берсам. Ҳаж навбатим келганда қайтариб бераверасиз”, – деганини кўп эслайди. Яна Ортиқали ака ўзи мутлақо танимайдиган, билмайдиган одамларнинг: “Ҳорманглар-ов!” – дея кириб келиб, бир-икки кун беминнат ёрдам бериб кетганларини чинакам мўъжиза дейди. Қурилиш асносида, айримларнинг тушлик олиб келишлари ёки тушлик учун пул ташлаб кетишлари одатий ҳолга айланганди.

Ниҳоят, бино қурилиши якунига етиб, навбат ёнбошдаги ташландиқ боғга келади. Ортиқали аканинг саъй-ҳаракатлари туфайли у ҳам қайта таъмирдан



чиқарилади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Марҳаматда шундай воқеа юз беради: бир муллага ўрта ёшлардаги аёл келиб:

– Бир одамнинг ҳақиқага дуо беринг, – дейди.

– У кимингиз бўлади? – сўрайди мулла.

– Ҳеч кимим, – дейди аёл.

– У сизни танийдимми?

– Йўқ.

– Қизиқ, сиз танимайдиган ва сизни танимайдиган одамга шунча жойдан харажат қилиб келишингиз сабабини билсам бўладими?

– Ўтган йили Афғон боғидан (боғ Афғонистон урушида ҳалок бўлганлар хотираси учун шундай аталарди) ўтиб кетаётган эдим. Чарчаб, бир оз скамейкада дам олмоқчи бўлдим. Олдимга ичиб олган бир йигит келиб, тегажоглик қилиб қолди. Қаршилиқ кўрсатдим. Бақирдим. У эса: “Яхши аёл бўлганингда бу жойда ўтирармидинг?”, – дея мени изза қилди. Зўрға қочиб қутилгандим ўшанда...

Бугун йўлдан ўтиб кетаётиб боғга қарасам, бутунлай бошқа манзара: атрофи чиройли панжара билан ўралган, гуллар экилган, лайлақлар ва жайронлар макетлари ўрнатилган, ўртага фонтанли суҳбатгоҳ қурилган. Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг катта портрети тўрида илинган турибди. Одамлардан: “Ким бу ерни обод қилди?” деб сўрасам, ичкарида гавдаси эгилиб юрган бир ногирон одамни кўрсатишди. Мен тўғри сизнинг олдингизга келиб нопок ерни поклаган ўша одамга дуо сўраб келдим. У одам фақат аёлларнинггина эмас, эркакларнинг ҳам шаънини ҳимоя қилибди. Чунки мен каби қайсидир эркакнинг аёли, қизи ёки келини ҳам жабр кўриши мумкин эди-ку...

ЭЛ ХИЗМАТИДА

2004 йилда халқ депутатлари туман кенгашига депутатликка Ортиқали аканинг номзоди қўйилади.

Депутатлик фаолияти эса унинг элга хизмат истаги ва интилишларини обдон тоблайти: Тош йўли, Чўмбоғиш ва Хўжаариқ маҳалларига 6,7 км узунликда ичимлик суви тармоғи янгитдан тортилади. 2,6 км йўл асфальт билан қопланади. Ўнлаб тадбиркорлик объектлари ишга туширилади. Маҳаллалар ободонлаштирилади. Янги коллеж ишга туширилади. Энг асосийси, сессияда, матбуотда кўтарган ва вилоят кенгашига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига сенатор М.Хўжамбердиев орқали олиб чиққан масаласи – Чўмбоғиш маҳалласидаги ширкат усталари томонидан хом ғишт билан қурилган, кейинчалик мослаштирилган мактабни янгитдан қуриш бўлади. Бу мактаб 2004-2009 йиллар дастурига таъмирлаш учун киритилган эди. Таъмирлашнинг иложи йўқ эди, ўта хароб ҳолга тушиб қолганди. Ортиқали аканинг саъй-ҳаракатлари натижасида 2009-2010 ўқув йилига 120 ўринли янги мактаб ўқувчилар ихтиёрига топширилади.

“Давлатимизда бўлаётган ўзгаришлар, чиқарилаётган қонун ва қарорлар, юрт равнақи, халқ фаровонлиги, ватан ривожини йўлидаги Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат тўғрисида аҳолига учрашувларда, давра суҳбатларида узлуксиз тушунтириш ишларини олиб борардимки, натижада сайловчиларда келажакка ишонч, ўзини бунёдкорлик ишига сафарбар этиш истаклари ортиб бораётганини кўрдим”, – дейди депутатимиз.

Ортиқали ака депутат сифатида ўзини сайловчиларга ибрат бўлишим керак, деб билди. Эркинлик ва ҳуқуқлардан фойдаланиш, давлат олдидаги фуқаролик бурчини тўлиқ бажариш унга катта имконлар эшигини очиб берди. Тадбиркорликка яратилган ҳуқуқий шароитни аҳолига амалда кўрсатишга азму қарор қилди. Чунки депутатимизга “бизда тўсиқлар кўп, ишлагани қўйишмайди”, деган нолишлар сира ёқмас, ҳатто ғашини келтирар эди. Шунданми, “Яхши ният ярим мол”, деган нақл

ёнига Ортиқали ака: “Кучли хоҳиш (ният) тўлиқ мол”, деб кўшиб қўяди. Чунки у қадимги ҳинд донишмандларининг: “Қалбингиз тубидаги истак (ният) қанчалик кучли бўлса, иродангиз шунчалик кучли бўлади. Иродангиз қанақа бўлса, ҳаракатингиз шунақа бўлади. Ҳаракатингиз қандай бўлса, тақдирингиз шундай бўлади”, деган ҳикматини ёқтиради. Демак, ҳамма гап ният ва ҳаракатда, дейди қатъий қилиб.

ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИ

Давлатимиз ёшлар тарбиясига, маорифга жуда катта эътибор бермоқда. Мен ҳам касбим ўқитувчи эканлиги боис, мана шу жараёнга рақобатни олиб кириш, бюджетдан ташқари маблағ жалб этиш орқали камтарона бўлса ҳам ҳисса қўшишни жуда истар эдим.

2005 йилда Ҳамкорбанкнинг Асака филиалидан 15 000 АҚШ доллари эквивалентида кредит олиб тадбиркорликни ривожлантирдим. Марказда компьютер саводхонлиги, инглиз, рус тиллари бўйича ўқув, аҳолига компьютер ёзуви, нусха кўчириш, компьютер ва оргтехникаларни таъмирлаш хизматлари кучайтирилди. Янги ишчи ўринлар яратилиб, ходимлар сони 11 тадан 23 тага ошди. Марказ биносини янгиитдан қуриш имконияти яратила бошлади.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

“Турон” ўқувчи ёшлар ва ногиронлар ўқув ишлаб чиқариш марказига, асосан, ногиронлар ишга қабул қилинди. Албатта, аввалига уларга иш ўргатилди. Етарли тажрибага эга бўлишлари билан эса мустақил равишда вазифаларини бажаришга рухсат берилди. “Гулсорахон деган қизимизни фақат бир кўлида ёлғиз бош бармоғи бор. У мижозларга компьютерда ёзув хизмати кўрсатади. Мўъжиза: айтинг, ким ногирон? Ўнта бармоғи билан Гулсорахон ёнида ўтириб хат ёза олмаган мижозми? Ёки бир бармоғи билан хат ёзиб берган инсонми? Кўпчилик томонидан ногиронлик бахтсизлик деб қараладиган бир пайтда, уларнинг меҳнат қилишларига, фойда келтиришларига шароит яратганимдан, кўзларида бахт учкунларини порлашига сабабчи бўлаётганимдан мен ўзимни энг бахтиёр инсон-



ман, деб айтаман ва шу йўл орқали бедаво дардга шифо топишга ўз ҳиссамни қўшаяпман, деб ўйлайман”, дейди Ортиқали ака фахр билан. Фақат бугина эмас, у яна бир хайрли ишга ҳам қўл урмоқда: ногирон ходимларнинг ўз тенгини топиб турмуш қуришларига ёрдам бермоқда, буни ҳатто инсоний бурчи деб билади. Марказда тўрт оиланинг бунёд бўлиб, тинч тотув яшаётганидан ғоят севинади Ортиқали ака.

САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДАГИ БУРЧ

Ҳадемай, Ортиқали ака ҳузурига сайловчилар ўз муаммоларини кўтариб келишадиган бўлишади.

Шукурмерган қишлоғидан бир одам келиб: “Тўрт ойдан бери ҳокимга қатнайман, 2 дона чинор сўраб ариза берган эдим. Натижа бўлмади. Вилоятга борган эдим, сизга учрашимни айтишди”, – дея Ортиқали акага мурожаат қилади.

– Нега чинор сўрадингиз?

– Қурилишга ишлатаман.

– Қаердан кесмоқчисиз?

– Қува йўлидаги чинорлардан.

– Нима учун сизга ҳоким чинор бериши керак?

– Ахир мен ногиронман. Иккинчи гуруҳ. Бир оёғим протез.

– Хўжаариқ маҳалласига боринг. Жўрабек деган одам бор. Унинг ҳам бир оёғи протез. Лекин бой-бадавлат яшайди. Чунки у ишлайди, дурадгорлик қилади. Тўрт мучаси соғлар ундан қарз сўрайди. Фарзандларингиз борми?

– Ҳа, учта.

– Агар чинорни уйга олиб борсангиз, улар “дадамга ногиронлиги боис нима сўраса, бераверишар экан”, деб ўйламайдиларми? – дейди Ортиқали ака ҳожадмандга. – Болаларингиз меҳнат қилиш ўрнига дадам касал, деб улар ҳам маблағ ундиришга интилмайдиларми?..

Агар сиз меҳнат қилиб, уларга ўртак бўлсангиз, дадам шу ҳолида ишляпти, деб ўзларининг ҳам меҳнатга муносабатлари ўзгариши мумкин-ку! Тўрт ойдан бери ҳокимнинг олдига қатнайвериб, асабларингиз ҳам таранг бўлгандир. Балки йўлкирага тўрт ой давомида иккала чинор нархидан кўра кўпроқ пулни сарфлаб қўйгандирсиз?..

Энди айтинг. Шунча гаплардан кейин ҳам ҳокимнинг қабулига кириб, аризангизга қўл қўйдириб берайми?

– Йўқ, асло! Яхшиси, менга нима иш қилишни ўргатсангиз, бас, – ниҳоят ўз аянчли ҳолини англайди шикоятчи.

* * *

Ортиқали ака 2004 йилда туман кенгашига, 2009 йилда эса ҳам туман, ҳам вилоят кенгашига депутат этиб сайланади.

Бир куни вилоят ҳокимиятига фаол депутат сифатида олиб боришади. Ортиқали аканинг эгилган гавдасини кўрган масъул ходим уни олиб борган туман ҳокимлигининг ходимига: – Бу одамни қийнаб нима қиласиз? Бошқа депутат қуриб кетганми? – дейди жаҳл билан.

Ходим хижолат тортади. Ортиқали ака бўлса кулиб қўяди.

Аммо, кўп ўтмай, ўша масъул ходим бошқалардан кўра кўпроқ Ортиқали акани ёрдамга чақирадиган бўлади.

* * *

Бир олий маълумотли одам ҳаётдан нолиб келади. Ортиқали ака:

- Нимадан норозисиз? – деса, у:
- Ҳаётдан – дейди.
- Сиз ноҳақсиз.
- Нега энди, атрофга қаранг, кўнгилни қувнатадиган нима бор?
- Кечирасиз. Мен сизга бир нечта савол бераман. Агар ҳамма саволга розиман, деб жавоб қайтарсангиз, сиз ноҳақ бўлиб чиқасиз. Агар бирорта саволимга норозиман, деб жавоб берсангиз, унда сизга ҳақ берганим бўлсин, – дейди Ортиқали ака.
- Қани...
- Дунёда 50% дан кўпроқ одам тўйиб овқат емайди. Бунинг учун имкони йўқ. Сиз тўйиб овқатланасизми?
- Ҳа.
- Сиз қорнингиз тўйиб овқат еганингиздан норозимисиз?
- Розиман.
- Дунёда 70% одам саводсиз. 2 миллиарддан ортиқ одам ҳарф танймайди. Олий маълумотлиларнинг сони 1% ни ташкил қилади. Сиз дунёдаги 99% одамдан бахтлироқ эканлигингиздан норозимисиз?
- Розиман.
- Дунёда 500 миллионга яқин одам уруш зонасида, ўлим хавфи билан яшайди. Сиз тинч яшаётганингиздан норозимисиз?
- Розиман.
- Дунёда бир кечада бир миллиондан ортиқ одам эрталаб кўзини очмайди – абадий уйқуга кетади. Сиз эрталаб соғ-омон кўз очганингиздан норозимисиз?
- Розиман!
- Дунёда 3 миллиард одам эркин равишда ибодат қила олмайди. Сиз эркин ибодат қила оласизми?
- Ҳа.
- Сиз эркинлигингиздан норозимисиз?
- Розиман.
- Унда сиз нимадан норозисиз?.. – Синчков тикилади суҳбатдошининг кўзларига Ортиқали ака.
- Ўзимдан. Ўзим ношукур эканман, – дейди хижолат тортиб яна бир бор шикоятчи.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Менинг орзуларимдан бири – халқимизни, айниқса, ёшларимизни ватан-парар этиб тарбияланишига, киндик қони тўкилган юртига ғурур туйғусини сингдириб, унинг равақи учун хизмат қилишига ҳисса қўшишидир. Шу мақсадда, ёшларимизга биз яшаётган тумандан чиққан буюк шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи иккита катта китоб шаклида варақланадиган панноларни ташландиқ ҳолатдан ёшларимизнинг маънавий марказига айланиб бораётган боғга ўрнаттирдим. Китобни ўқиганларнинг кўзларида ўз юртига нисбатан меҳри товланиб бораётганини ҳис қилиб тураман. Меҳмонлар эса: “Бу олим марҳаматликми?”, “Бу ижодкорлар ҳам сизларданми? – деб ҳайратланишади. – Агар биз Марҳаматга кўчиб келиб яшасак, бизни ҳам китобингизга киритасизми?” – дейишади. Инсонга, у ким бўлмасин, энг катта совға – унга бўлган эътибор эканлигини шу ерда янада чуқурроқ сездим. Бу мен томонимдан кўрсатилган озгина эътибор Марҳаматнинг улуғларига қанчалик таъсир этганини билсангиз, ёш боладай қувонганларини кўрсангиз, – сиз ҳам дунёдаги энг бахтли инсонга айланасиз. Улуғлашасиз. Айтинг, бундай маънавий жараённи юрагидан ўтказаетган одамнинг ҳар қандай дарди аримайдими? Бедаво дард ҳам чекинишига мажбур

Бўлмайдими? Одам бошқаларнинг дарди билан яшаганда, ўз дардини унутади. Мана, менинг малҳамларим. Буни пул билан ўлчаб бўлармиди?!

АДАБИЁТ БОҒИ

Мана бир неча йилдирки, ҳар апрель ойида Ортиқали ака Ҳусанов ташаббуси билан “Турон” боғида халқимизнинг севикли шоири Муҳаммад Юсуф туғилган кунига бағишлаб халқ сайли ўтказилади. Аммо, бу сайилга иштирок этишнинг биттагина шarti бор. У ҳам бўлса, қатнашувчи шоир шеърларидан ёки шоир ҳақидаги шеърлардан бирини ёд айтиши шарт. Бир пайтлар, хорижда ўқиб юрган кезлари Ортиқали ака улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой туғилиб, яшаб ўтган гўша – Ясная Полянага бориб, у ердаги одамлар билан ёзувчи ҳақида узоқ-узоқ гаплашган эди. Ўшанда, Ясная Полянадаги мансабдор кишидан энг оддий қоровулгача, далада ишлаётган мужиккача ҳамма-ҳамма Толстойнинг таржимаи ҳолидан тортиб, барча асарлари исмини, таърифини, ҳатто, уларнинг айримларидан бутун-бутун парчаларни ёд билишлари Ортиқали акани ҳайратга солган эди. Бугун у ўз юртида шундай бўлишини хоҳлайди. Ўлкаси улуғларини халқ билишини, улар амалга ошириб кетган ишлардан яхши хабардор бўлиб, асарларига сингдирилган ғоялару кечинмаларни юрак-юракдан ҳис қилишларини истайди. “Сайилга бутун Ўзбекистонимиздан ташриф буюришади!” дейди у ифтихор билан. – *Айтинг, бир ногирон одамнинг атрофида содир бўлаётган шунча яхши ҳодисалар умрига умр қўшмайдими? Худо хоҳласа, мен 100 ёшдан ошаман! – Медицина 35 йил аввал узоқ яшамайди, дея хулоса берган эди. Мен бу хулосани қарийб 15-20 йилдан бери чиппака чиқариб яшаяпман. Чунки юрагимда ҳаётга, Ватанимиз келажигига бўлган умид ва ишонч руҳи барқ уриб туради!*

ЮРАКДАГИ ОҒРИҚЛАР

Менинг дардим – жисмоний дард эмас. Менинг дардим – кўпчиликнинг ҳар хил йўллар билан пул топишни мақсад қилиб олганликларида. Айрим ёшларимизнинг нуфузли олийгоҳларни тамомлаб, ўзи эгаллаган мутахассислиги бўйича эмас, кўпроқ пул топиш илнжида у соҳадан-бу соҳага ўтишлари, савдога ўзларини уришлари, бошқа мамлакатларда билимига мос келмайдиган ишларни бажаришлари, ўз устида ишлаб, малакасини ошириш ўрнига, фақат пул кетидан бегона соҳаларда сарсон юришлари мени қийнайди. Улар пулнинг мақсад эмас, у ёки бу ишни қандай бажарганинг белгиси ёки натижаси эканлигини тушунмайдилар. Мана, бир мисол:



– Домла, ҳамкорликда иш қилсак. Боғингиз жуда чиройли экан. Мана бу жойга “Музқаймоқ” ташкил қилсам, ана бу ерга “Гамбургер” очсам. Фойданинг яримини сизга берар эдим. Нима дейсиз?

– Мақсадингиз нима, ўғлим?

– Албатта, пул топишда, – ҳайрон қарайди менга ёшларимизнинг бир вакили...

– Кечирасиз. Манзилдан адашибсиз.

– Сизнинг мақсадингиз пул топиш эмасми? Ҳозир ҳамма шу мақсадда яшайди-ку? – дейди у янаям ажабланиб.

– Кечирасиз. Қушнинг икки қаноти бўлганидек, ҳаётда ҳам маънавият ва моддий деган тушунчалар маъжуд...

Фақат моддий бойлик ортидан қувишлик узоққа олиб бормади. Бу ер эса хотира хиёбони, маънавият ва маърифат боғи. Атрофимизни қаранг, ҳар қадамда ошхона, чойхона, музқаймоқхона. Лекин шаҳарда 1 дона ҳам китоб дўкони йўқ. Очинг, ёрдам бермаган номард!..

– Китобдан фойда йўқ-да, – дейди олий маълумотли одамча мендан ҳафсаласи пир бўлиб...

Мана бу мен учун энг оғриқ нуқталардан бири.

ОРИҚАЛИ АКАНИНГ АНГЛАБ ЕТГАНЛАРИ

Мен бир ҳақиқатни англадим – кўпчилик манфаати орқали одам эзгулик қила олади. Демак, шахсий манфаат доимо умумманфаатга хизмат қилиши керак. Умумманфаат шахсий манфаатдан доимо устун бўлиши шарт. Одам фақат умумманфаатга хизмат қила турибгина шахсий манфаатига эришиши мумкин. Шахсий манфаатни устун қўйганлар қаттиқ адашадилар. Минг афсуски, буни кўпчилик тушунавермайди.

* * *

Мен ҳар кун кўпчилик манфаати учун хизмат қилишга, менга ёмонлик қилганларга ҳам яхшилик қилишга куч-қувват беришини оллоҳдан сўраб, дуога қўл очаман.

* * *

Менинг ягона орзуим – Ўзбекистонимизни буюк давлатлар сафида кўриш ва мана шу мақсадга бор кучимни, билимимни сафарбар этишдир.



* * *

Мен ким биландир бирон ишга қўл урмай туриб, у ҳақида, унинг фойдаси ҳақида қайғураман.

– Сиз ҳамкорингизни фойдасини кўзлаб иш қилганингизни сездим. Боиси ни-мада? – деб сўраб қолишади одамлар.

– Ҳар қандай одам сиздан-да кўпроқ фойда кўрса, сизга интилади. Акс ҳолда сиздан қочади. Улар сизга кўпроқ интилишлари, охир натижада, сизга кўпроқ ёрдам беришларини хоҳласангиз, уларга сиздан кўпроқ фойда олишларига имко-ният яратиб беринг, – дейман уларга.

* * *

– Дада, – деди мен билан ишлайдиган катта ўғлим Ҳасанбой, – бизнинг қачон биримиз икки бўлади. Сутқада 24 соат, ҳафтада 7 кун ишлаймиз. Ҳамма дам олади, биз эса йўқ. Одамлар ўз шахсий машиналарида юришади, биз эса пиё-да. Сиз ҳар ёрдам сўраганга ҳам, нархини тушириб беринглар деганга ҳам, на-сияга ҳам рухсат бераверасиз.

– Эй, ўғлим. Ҳамма бизнинг олдимизга фойда кўргани, мушкулини осон қилгани, ишини битиргани келади. Агар зарар кўрганида келишармиди. Худо-га шукур қилишимиз керак: Юртимиз тинч, обод. Давлатимизни қара, жадал ривожланмоқда. Биз ҳам ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилиб, Ватанимизнинг ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак, – десам, у мени тушунди.

* * *

Фарзандларимнинг қолган тўрттаси ҳам мени тушунишади. Ўртанчи ўғлим Ҳасанали Тошкентдан бир куни тунда соат иккиларда келди. Ўша куни биз иши-мизни тугатаолмай турган эдик. “Дада, бир оз дам олинг”, – деб қўлимдан ишни олди. У йўлда чарчаб келган деб ишдан қайтарсам, уни ҳаёт манбааси, ҳалоллик булоғи – меҳнатдан қайтарган бўламан-ку. Меҳнатсиз ҳаёт ўғрилиқдир, ҳаромдир. Ҳалол яшайман, деган одам меҳнат қилмоғи зарур. Ногирон ҳолим би-лан меҳнат қилаётганимнинг ўзи улар учун ибрат, дарс, мактаб. Тоғаларининг раҳми келади жиянларига, Ортиқали болаларини эксплуатация қиляпти, деб койишади баъзан. Лекин фарзандларим ёнимда туришади. Агар улар мени ту-шунишмаганларида, қўлламаганларида, яхши ўқимаганларида, олийгоҳларни битириб қўлтиғимга кирмаганларида, менинг дардим енгиллашармиди? Улар ҳам мен каби умумманфаатга хизмат қиладилар. Демак, улар она Ватанимизга хизмат қиладилар. Мен бунга ишонаман.

* * *

“Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” – деган Президентимиз. Ҳақрост. Билим эса ўша буюк келажак калитидир. Мен айнан шунинг учун ўқув ишлаб чиқариш марказини очганман.

* * *

Менинг ютуқларимнинг сирини – отам, онам, турмуш ўртоғим, фарзандла-рим, яқинларим, “Турон” жамоаси, мустақиллик берган эрк, ҳуқуқ, имконият, бурч, буюк ва улуг Ўзбекистон халқи, инсоният эришган натижалар, она замин. Мен оладиган куч, эрталик кунга ишонч ҳам улар. Барчалари учун оллоҳга минг бор шукур қиламан. Ундан юртимизга тинчлик, омонлик ва ривож сўрайман.

МАЪНАВИЯТ ДАРСИ

Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган зиёли, шоир ва ёзувчилар билан ҳар хил тадбирлар олиб боргани, уларга қадим Мингтепани таништириб чарчамагани боис, бир куни қўшни маркет эгаси Ортиқали акадан пичинг аралаш сўраб қолибди:

– Қачон қарамайлик, тўрт-бешта шоир, ёзувчини ортингиздан эргаштириб юрганингиз-юрган. Сўрасам, маънавият дарғалари, дейсиз. Ҳайрон бўламан. Бугун нимага керак ўша зиёли тарқатаётган маънавият?

Ортиқали ака ўз феълига яраша босиқлик билан жавоб берибди:

– Сиз ҳар куни иш якунида ҳайҳотдек дўконингизга биттагина қулф осиб бежавотир уйингизга кетасиз, тўғрими?

– Тўғри.

– Йўлда сизга ҳеч ким ҳужум қилмайди, йўлтўсарлик қилиб пул-мул талаб қилмайди, буям тўғрими?

– Ҳа.

– Уйга келганингизда оилангиз соғ-саломат сизни кутиб олади, бир коса ризқингизни олдингизга қўйишади ва сиз кечаси яхши хордиқ чиқариб, тонгда яна ишингизга хотиржам йўл оласиз. Келасиз, таланмаган, ёқилмаган, ташиб кетилмаган дўконингизни очасиз ва гўё ҳаммаси шундай бўлиши керакдек савдонгизни бошлайсиз, тўғрими?

– Тўғрилиқка тўғри, аммо буларнинг менинг саволимга нима дахли бор? – жиғибийрони чиқибди дўкондорнинг.

– Шунинг учунки, ана ўша сиз тушунмаётган, тўғрироғи, тушунишни истамаётган маънавият туфайлигина сиз мана шундай соғ-саломат, эмин-эркин ўз ишингиз билан машғул бўлиб юрибсиз, дўконингизни тунашмаяпти, ўзингизга озор етказишмаяпти. Сиз назарга илмайётган ёзувчи зотию барча зиёли халқи маънавият элчилари, тарғиботчилари бўлади. Тагини суриштирсангиз, сиз улардан ўла-ўлгунингизча қарздорсиз.

ИНСОН ИМКОНЛАРИГА ЧЕГАРА ЙЎҚ

Ортиқали ака ҳаётини, амалга оширган ишларию ёруғ ўйларини ҳар сафар ўйлаганимда, инсон деб аталган мавжудотнинг жуда кўп юксак сифатлари бир жойда жам бўлаверади. Қаранг, ўзимча шунча гапларни айтибман-у, унинг шахмат билан боғлиқ ҳаётини, ўзининг шахмат бўйича мастерликка номзод эканлигинию бу соҳада неча-неча республика чемпионати қатнашчиларини, ҳатто ғолибларини етиштириб берганлиги ҳақида лом-мим демабман. У барпо этган, Марҳамат шаҳри марказига кўрк бўлиб қўшилган 3 қаватли “Турон” ўқув маркази биносининг ажойиботларию Ортиқали ака ихтиро қилган биттагина печь ёрдамида катта иморатнинг учала қаватидаги 30 га яқин хоналарининг иситишга муваффақ бўлганлиги борасида ҳам тўхталишга имкон топмабман. Ўқув марказида 5-6 ўқувчидан иборат гуруҳ тузиб, синф хонасининг ўзида айланма ҳаракат асосида, компьютерлар воситасида янгича ўқитиш методикасини жорий этганлиги ҳақида ҳам индамай ўтибман. Бинонинг учинчи қавати тўлиғича туман рассомлари марказига айлантилганлиги, у ерда кўпдан-кўп кўзни ва кўнгилни яшнатадиган, инсонни фикрлашга ундайдиган расмларнинг борлиги тўғрисидаги гурунгимиз ҳам бошқа сафарга қолибди. Майлида, муҳими улар бор-ку! Борлиги билан ҳам узоқдан бўлса-да, кўнглимизни ёритиб туради.

СИЙРАТИНГДА ВАТАН ЯШАСИН ёки Ортиқали Ватанпарвар

Ватан ҳақида кўп гапирамиз, уни севиш, ардоқлаш, ҳимоя қилиш тўғрисида бир-биримизга ваъзлар айтамиз, уқтирамиз, китоблар ёзамиз, буларнинг бари яхши. Лекин Ортиқали ака каби ватандошларимизнинг борлиги, уларнинг қилган амаллари, айтган сўзлари, бошқаларга тирик намуна эканликлари Ватан ва унинг мазмун-моҳияти борасида энг теран ҳақиқатларни англатиб туради. “Наҳотки, Ватанни шунчалар беминнат, шунчалар фидойилик билан севиш мумкин бўлса?!”, дея ўзимга-ўзим савол бераман ва беихтиёр илдизини қидириб кетаман... Ортиқали аканинг отаси 1940 йили совуқ ўлкаларда ҳарбий хизматда бўлган. У постда 3 кун қор остида қолиб кетади. Натижада, оёқларини совуққа олдиради. Врачлар: “Иккаласини ҳам кесамиз, агар кесмасак, сени бу оёқлар 15-20 йилдан сўнг ўлимга олиб боради” – дейишади. Шунда Зиёвуддин ака: “Сизлар 15 йилни айтяпсизлар. Мен юртимга ўз оёқларим билан кириб бориб, унинг ойдек жамолига бир бора тўйиб, қучоғида бир маротаба чуқур нафас олсам, бас, бу дунёдан армонсиз кетаман”, – деб жавоб қилади ва оёқларини кесишларига кўнмайди. Мана, ўша илдиз, Ватанга бўлган Ортиқали акадаги меҳр-муҳаббат илдизи! Бу дунёда одамларнинг касб-коридан ташқари ўз табиати, феъли, қилиқ-қиёфаси, амали, сўзи натижасида қозонган алоҳида номи, сифати бўлади. Йўқ, бу лақаб эмас, ундан чандон катта маънога эга исм. Мисол учун халқимиз ўтирганни бўйра, юрганни эса дарё дейди. Худди шундай Ортиқали аканинг ҳам Андижонда бир алоҳида сифати, оти бор – Ватанпарвар! “Наҳотки, Ватанни шундайин севиш мумкин?!” дея боз ўз-ўзимга савол берганимда, энди, кўз ўнгимда бунинг мумкин эканлигини бутун ҳаёти билан исбот қилиб келаётган ортиқали акалар намоён бўлади. Чунки уларнинг сийратига бир қарабоқ, Ватаннинг нима эканлигини тушунасан, ҳис қиласан, киши! Сенинг ҳам кўнглингда шундай бўлиш, шундай яшаш ва шундай ёниш туйғулари жўш уради!





Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири



Янги шеърлар

Шоирга мактуб

– Мен бир қизни севаман, аммо
Қиз дер: – Боринг, тошингиз теринг.
Шоир ака, сиздан илтижо,
Менга битта шеър ёзиб беринг.

Ўқисину ўша парвосиз –
Юрагида меҳр уйғонсин.
Қасамимга ишонмаган қиз
Ўша ёниқ байтга ишонсин.

Шундай ёзинг, токи, қиз қалби
Эриб кетсин бўлса ҳамки тош.
Жонига ўт тушсин мен каби,
Оқиб кетсин кўзларидан ёш.

Ошиқда шиқ бўлса мукаммал
Маъшуқани этармиш шайдо.
Мажнунлигим англаб у гўзал
Зора севса бамисли Лайло.

Қучогимга отилса дилбар,
Юрагимда армон қолмаса...
Ахир, шоир шоирми агар
Бир юракни эритолмаса.

*Шеър кутарман сиздан умидвор,
 Ёрга етсам бахтли бўларман.
 Йўқса, менга ҳаёт не даркор,
 Тоғдан ўзни ташлаб ўларман.*

*– Оҳ, бечора ошиқ укажон,
 Андуҳларинг менга аёндир.
 Ишиқ-вужудни ўртаган армон,
 Англаб бўлмас сирли жаҳондир.*

*Бир бевафо ишиқда мен ҳам
 Поёни йўқ дардга тўлганман.
 Шу дард менга тутқазган қалам,
 Куя-куя шоир бўлганман.*

*На оҳимга парво қилган у,
 На шеъримни назарга илган.
 Неча дафтар тўлдирганману
 Улар бари йиртиб отилган.*

*Укам, менга қилмагин ҳавас,
 Юрагимда юз минг армонлар.
 Бахтли бўлсанг битта шеър эмас,
 Ёзиб берай сенга дostonлар.*

*Ташибеҳларим қадрига етиб,
 Ёринг кўнгли тушса жойига,
 Менинг бор-йўқ ёзганим элтиб
 Ташла ўша қизнинг пойига.*

*Бўлсин, укам, умринг чароғон,
 Мен етмаган бахтга етгин сен.
 Ёрингни ишиқ деган бепоён
 Осмонларга олиб кетгин сен.*

*Гул очди, деб, бир қалб сўзимдан
 Баҳра олди, деб, биргина жон –
 Рози бўлай мен ҳам ўзимдан,
 Бу дунёдан ўтай беармон.*

2011, апрель

Ҳазил

*Бир замонлар Эрон шоҳи
Ҳоким бўлган дунёга.
Юнон юзта олтин тухум
Бож тўлаган Дорога.*

*Ёш Искандар Юнон тахтин
Олгач деди: – Бас хирож!
Тухум қилган у товуқлар
Ўлиб кетди, на илож!*

*Шу ҳазилдан жанг бошланди,
Юнон енгди Эронни.
Шоҳ Искандар ҳазил билан
Олди ярим дунёни.*

*Кўҳна тарих кўп турфа хил
Ҳазилларга гувоҳдир.
Ҳазил борки, кони савоб,
Ҳазил борки, гуноҳдир.*

*Массагетга ҳазил қилмоқ
Йўқ, деб айтган Искандар.
Окс бўйида оёғидан
Ўқ еб қайтган Искандар.*

*Соҳибқирон қудратидан
Беҳабар эл қолмаган.
Ман-ман деган жаҳонгир ҳам
Ҳазиллаша олмаган.*

*Наполеон Россияга
Қалтис ҳазил ўйлади.
Совуқ уни хуштак чалиб
Парижгача қувлади.*

*Юз ўттиз йил ўтиб яна
Бир ҳазилкаш юз тубан.
“Катюшалар” қаҳ-қаҳ отиб
Кулдилар ёв устидан.*

Бекормаски, эл қадимдан
 Ҳазил таги зил, дейди.
 Ҷинаб ҳазил қилганда ҳам
 Ҷйлаб ҳазил қил, дейди.

Ҷйнашмагин арбоб билан,
 Арбоб гарчи минг дилкаш.
 Билки, бўри қўзичоққа,
 Шер оҳуга ҳазилкаш.

Бўзма илон қуёнга дўст,
 Қучоқлашни ўйлайди.
 Мушук эса сичқон билан
 “Микки-маус” ўйнайди.

Менинг ҳам кўп дўстларим бор,
 Кўп келишар ёнимга.
 Улар – юз хил хасталиклар,
 Ҳазилкашдир жсонимга.

Дору билан меҳмон қилсам
 Тинчигандай бўлишар.
 Зум ўтмасдан яна йиқиб,
 Юмалатиб кулишар...

... Ҳазилни ҳеч ўйин дема,
 Ҳазил таги пуч эмас,
 Қанот ёзган бир ҳазил сўз
 Ҳазилакам куч эмас.

Бу дунёда яйраб яша,
 Шўх, ҳазилкаш бўл, майли.
 Лекин англа, ҳазил билан
 Ҳазиллашиб бўлмайди.

2011, май

Амалиётдан сўнг

Амалиётдан сўнг кўз очган бемор
 Дейди: – Раҳмат, доктор, муташаккирман.
 Доктор айтар: – Сўзинг кўп жимжимадор,
 Лекин мен доктормас, Мункарнакирман.

*Бемор кулар: – Эҳ-ҳа, фариштаман, денг,
Ҳазилингиз бунча совуқ, докторжон!
Мункарнакир айтар: – Сўроққа келдинг,
Раббинг ким, жавоб бер, гуноҳкор инсон?..*

*... Умрим кўни ўтди ёлгонга ҳамроҳ,
Ишончим оз қолган алдоқлар сабаб.
Мана, сиз ўзингиз – қўли гул жарроҳ
Мункарнакирман деб турибсиз, ажаб.*

*Ахир, гўдакка ҳам аён ривоят –
Мункар билан Накир икки малакдир.
– Рост, лекин бизда ҳам қисқарган штат,
Иш кўп, улгурулмай жоним ҳалакдир.*

*– Хўп, Накир бўлсангиз Мункар қаёқда,
Мункар бўлсангиз не иш қилар Накир?
– Жонга тегдинг, сенми ё мен сўроқда,
Бор, йўқол, кўзимга кўринма, фақир?!*

*Амалиётдан сўнг кўз очган бемор,
Мункарнакир қувган фақир мен ўзим.
Оғриқларим унут, олам безубор,
Шунчалар ёруғки, қамашар кўзим.*

*Қайтдим мулки бақо остонасидан,
Уйғондим қайта бу ажиб гулшанда.
Ё жой олдим фирдавс кошонасидан
Гуноҳи авф бўлган мен осий банда.*

*Кўзимни яшнатиб кезган боғ аро
Фаришталарми ё гулрухсоралар?
Жаннат насими ул ё субҳи сабо,
Бу оби кавсарми ё фавворалар?*

*Қайдаман? Кўз тўла, дил тўла ҳайрат,
Равзаи ризвоми ё ўз чаманим?
Мен Ватанда бўлсам, демак, у жаннат,
Агар жаннатдаман, жаннат – Ватаним!*

*Гўё икки олам менга ошино,
Уйғоқлигим тушидек, уйқуда бедор –
Қадамлаб юрибман ер ва кўк аро
Амалиётдан сўнг кўз очган бемор.*

2011, май

наср



Гулом КАРИМИЙ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

Тарихий роман

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Биринчи боб

– Хўш, сўйла-чи, – деди Муқанна Бухоро вилоятидан қайтиб келган доийсига¹. – Бухорода не аҳвол? Тарафдорларимиз ҳақида не мужда келтирдинг?

– Бизга хайрихоҳлар Бухорода кун-бакун ошмоқда, – деди доий салмоқ билан. – Биргина сардор Ҳакимга эргашган кишилар беш юздан зиёд. Волий талвасага тушмиш. У исённи қўллаган қишлоқларни вайрон қилиб, ўч олмоқда. Аммо қуролли исёнчилар яширинган чўл-биёбон ва тўқайзорларга оралашга араблар журъат этолмайдур. Волий юборган баъзи сарҳанглар² чўлда ҳеч иш чиқаролмай, билъакс, катта талафотлар кўриб қайтган.

– Биз жўнатган қурол-яроғларчи, ёронларга етказолдингми?

– Минг машаққатлар билан бўлса-да, етказдик, ҳазрат. Мен ва ҳамроҳларим бунча яроғни вилоятга сездирмай элта олмас эдик. Шу боис Бухоро вилояти сарҳадига етганимизда барчасини наमतга ўраб, бир бархан тагига кўмиб, белги қўйдик. Ҳакимнинг қароргоҳига етгач, дуои саломдан сўнг, бундан уни воқиф қилдик. Дарҳол чўлни ўз кафтидай биладиган отлик жангчиларни жўнатди. Алар тунда йўл босиб, яроғ-аслаҳани ковлаб олиб, зиён-заҳматсиз қароргоҳга келтирмиш. Қилич-найза, совут-қалқонларни Ҳаким ботир йигитларига тақсимлаб бермиш.

– Қуролланиш зарур. Вале, кураш мақсадини англамоқ бундан-да муҳим. Бу жиҳатдан не юмушлар бажардинг?

– Мен ўзим бўлган ҳар бир исёнчилар қароргоҳида ўгитларингизни баён қилдим. Жон қулоқлари билан тинглашди. Албатта, ўзлари ҳам юз бераётган воқеалардан хабардордирлар. Кеш³ ва Нақшобдаги⁴ кўзғолон овозасию биз қозонган зафарлар хабари аларни ҳам оёққа туришга ундаган. Исёнчи гуруҳлар, асосан, жабру зулмдан безган

¹ Доий – ташвиқотчи.

² Сарҳанг – халифа қўшинида бўлук бошлиғи бўлган саркарда.

³ Кеш – ҳозирги Шаҳрисабз.

⁴ Нақшоб ёки Нахшаб - Қарши шаҳрининг қадимий номи.

деҳқону косиблар. Аммо бизнинг тарғибот, айниқса, Туронда ўз давлатимизни тиклаш гоёси зодагонларни ҳам халифага қарши исёнга мойил этмоқда. Яна бир хушхабар шулки, вилоятнинг зодагон бойларидан Ҳашвий ҳам уй ичи, навқару хизматкорлари билан кўзғолончиларга қўшилган.

– Ошқора тарздами? Бизни пинҳона қўллайдиган аслзодалар бор, аммо молини ва жонини хатарда қўйиб, кураш йўлига ошқора ўтадиганлар кам чиқмоқда.

– Ҳашвий: “Наинки мол-дунём, балки азиз жонимни дағи Ватан эрки учун қурбон қилурмен”, деганини ўз қулоғим билан эшитдим. У чорбоғли Фузайл кўшкини тарк этиб, аллақачон Ҳаким қароргоҳига кўчиб ўтган. Ҳузурингиздан келганимни айтгач, Ҳаким-да, Ҳашвий-да зўр эҳтиром кўргузишди. Алар: “Биз оқ кийимлилармиз ва Муқаннинг та-рафдорларимиз”, дея онт ичишди.

– Мендан тилаклари не баҳодирларнинг?

– Алар сиздан яна қурол-яроғ ва аскарий мадад сўрашмоқда. Жанг кўрган, иш билган сардорларга, айниқса, эҳтиёж бисёр. Тўғри, ўз ораларидан ҳам жасур ва уддабурон сардорлар етишиб чиқмоқда. Бирининг исми – Ғирдак. Афсус, уни кўролмадим. Довруғи бутун вилоятга ёйилган. Ҳаким унинг номини фахр ила тилга олур.

– Ғирдак Ҳаким билан бирга эмасми?

– Йўқ, у алоҳида гуруҳ бошлиғи. Ғиждувонлик бу йигит олдин Бухоро волийси қўшинида ўнбоши бўлган. Вилоятда оқ кийимлилар хуружлари бошланганда у волий сарбозлари қатори бир қишлоқдаги ғалаёни бостиришга юборилган. Аммо қўшин қишлоққа етмасдан, Ғирдак бир неча дўстлари билан қочиб, ғалаёнчиларни огоҳлантирган ва аларни ҳам эргаштириб, Моҳондарё тўқайзорларида яширинган. Ўқтин-ўқтин йўлбарсдек қишлоқларни оралаб, волийнинг лашқар учун озуқа йиғадиган аскарларини тумтарақай қилиб, ўлжанинг ярмини эгаларига қайтариб, ярмини ўзи ва йигитлари учун олиб қоларкан. Яқиндаги бир воқеадан сўнг эса унинг номини эшитганда Бухоро волийси Ҳусайн ибн Маоз ҳам даҳшатга тушадиган бўлибдир.

– Қойил, ул воқеа тафсилотин эшитдингми?

– Бу ҳайратангез воқеа Чеккақудуқда юз бермиш. Чўл ичкарасида, карвон йўлларида чеккадаги қудуқ шундай аталур. Юзбошилардан бири волий ваъда қилган олтинлар илинжида Ғирдак ва йигитларининг ўлик ё тиригини келтиришга қасд қилиб, чўлга ичкарилади. Шунқорларни топа олмай сарсон бўлиб, силласи қуриб, туш пайтида мазкур қудуқ ёнига келишган. Отларини суғориб, ўтлагани қўйиб юборишган. Аскарлар иссиқдан қочиб, юлғун ва саксовуллар соясида ўлтириб, баъзилари бамайлихотир ёнбошлаб ҳам олишган. Шу пайт, гўё ер остидан чиққандек, нарироқдаги бархан ортидан отлик ва пиёда оқ кийимлилар ҳайқириб ёпирилган. Яшин тезлигида ҳамла қилишганидан, аксар ғанимлар отга минишга улгуролмай, пиёда жанг қилишга мажбур бўлган. Тўқнашув бошидаёқ Ғирдак юзбошининг бошини танидан жудо қилган. Волий аскарларидан озгинаси қочиб қутулган, холос. Арабий аргумоқлар ва Дамашқ пўлатидан ясалган қурол-яроқлар шунқорларга ўлжа бўлмиш.

– Оббо, азамат-ей! Бизнинг кураш учун айна шундай сардорлар зарур!

– Ҳа, бунгача исёнчилар фақат кичикроқ қоровулхоналар, кам сонли соқчилар билан кетаётган чопарлар, қишлоқларни қақшатган солиқчиларга ҳужум қилишарди. Чеккақудуқ воқеаси кўзғолон олови Бухоро вилоятида ҳам гуриллаб аланга олганини дўсту душманларимизга яққол аён этди.

– Ҳаким ва Ғирдак ҳануз бирлашмаётганининг сабаби не?

– Аларнинг қароргоҳлари бир-бириникидан йироқ. Боз устига Ғирдак бир жойда қўним топмай, шамолдай кўчиб юрадир. Ҳаким алоқа боғлаш учун бир неча бор юборган чопарлар уни тополмай қайтиб келмиш.

– Алар бирлашса, Чеккақудуқ зафаридан ҳам каттароқ ишларни бажаришга қодир бўлурлар. Сен энди дамнинг ол ва яна сафарга ҳозирлан. Тез фурсатда Бухоро вилояти оқ кийимлиларига мактуб ва фармонимни олиб, яна йўлга тушасен.

– Амрингиз бошимга тож, ҳазратим! Бухоролик ёронларимиз ҳар бир хабар ва фармонингизга муштоқ. Мактуб бирлан ҳарбий мадад ҳам етса, аларнинг бошлари кўкка етур.

– Мадад ҳам жўнатурмиз, албатта. Ўзлари янглиғ қоплонюрак ва алп сардор бошчилигида. Аммо бу иш бир оз сўнроқ ва эҳтиёткорлик бирла қилинур. Ҳаким қароргоҳига

етиб боргач, биз жўнатадиган отлик бўлук қай йўлдан ва қай тарзда бориб қўшилишини алар бирла келишиб оласен.

– Бош устига! Бу хушхабар бирла ёронлар кўксини тоғ этиш учун, ҳозироқ бу соясалқин тоғ дараларидан жазирама Бухоро чўллари сари қушдек учишга ҳозирмен!

Иккинчи боб

Ҳижрий 159 йил¹ кузи. Найза бўйи кўтарилган қуёш ёғдусида чўл бағридаги кичик кўл соҳилида жойлашган исёнчилар қароргоҳи антиқа манзара касб этган. Саёз жойларида қамиш ва қўғалар, қирғоғида тўп-тўп юлғунлар ўсиб ётган кўлнинг кунчиқар томонида чодир, олачик, қамиш қапа, саксовул ва юлғун шохларидан тикланган чайлалар бетартиб ва аралаш-қуралаш ҳолда эди. Чеккароқда эса бир неча серҳашам ўтов тикилган. Қароргоҳда аксарияти оқ бўздан либос кийган, аммо турлича қуролланган, яъни кўлларида қилич ва найзадан тортиб, паншаха ва сўйилгача тутган одамлар кўринади. Улар чодирлар орасидаги ялангликларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб, турфа қуроллар билан машқ қилишмоқда. Қароргоҳ яқинида эса бир тўп отликлар ерни чангитиб, отда елиб бораётиб, саксовуллар тепасига бойланган нишонларга камондан ўқ узишмоқда.

Қароргоҳнинг қоқ ўртасидаги дўнгликка сардор Ҳақимнинг чодир тикилган. Эшик вазифасини ўтовчи қанор парда куну тун кўтариғлик турар ва сардор ҳар дам қароргоҳни кузата оларди. Ҳақим наमत устида чўккалаб ўтириб, олдида дасталаб кўйилган янги яроғ-аслаҳаларни кўздан кечирарди. Сардор ҳар бир қуролни кўлига олиб, дастаси қанчалик мустаҳкамлигини текширар, тиғининг обдорлигини туйнуқдан тушаётган ёруққа солиб кўрарди. Қиличлар, найза учлари, пайконлар² бир тутам қуёш нурига тутилганда совуқ ялтиллаб кетарди. Ҳақим ўрта бўйли ва қадди хиёл букик бўлса-да, яроғ дастасини узун бармоқлари билан маҳкам қисиб, ҳавода сермаганида дев билан олишишга шайланган паҳлавонга ўхшаб кетарди. Сардорнинг мошгуруч соқол қоплаган қорамтир юзида, тийрак кўй кўзларида қониқиш ва мамнунлик ифодаси жилва қилганини кўриб, қаршисида тик турган қуролсоз темирчининг хавотири тарқади.

– Олдингиларга кўра анча дуруст, – деди Ҳақим. – Айниқса, қиличлар соз! Найзалар учига бақувват дасталар ясаб кийгизиш лозим. Шунда яна ўн бешта жангчини қуроллантира оламиз. Тангри сенга ва шогирдларингга қувват берсин.

– Қуллуқ, сардор, – енгил таъзим қилди темирчи. – Яроғ ясашга ҳам кўлим келиб қолди. Бир пайтлар ўроқ, кетмон ясардим. Энди уларни эритиб, қилич ва найза ясаепмен. – Шундай дея у хўрсиниб кўйди.

– Начора, мен ҳам бир пайтлар мато тўқувчи эдим, – деди Ҳақим унинг ҳолатини англаб. – Зап тўқир эдим-а занданачини³. Мен тўқиган матодан тикилган либосларни нафақат Бухорою Самарқанд, ҳатто Бағдоду Дамашқда ҳам кийишарди, десам лоф эмас. Шом⁴ ва Румга⁵ мол элтадиган савдогарлар менга бир йил олдин буюртма беришарди. Афсус, зулм туфайли биз дўкону дастоғ ва ота касбимиздан жудо бўлиб, саҳро ўртасида макон тутдик. Начора, то ғаним устидан зафар қозониб, юртимизга ўзимиз эга бўлмагунча, мен сардорлик қилишим ва сен қурол ясашинг лозим.

– Эрк учун болғамни эритиб яроғ ясамоққа ҳозирмен. Қароргоҳда ўроқ ва кетмон қолмади ҳисоб. Барисини эритиб аслаҳа кўйдик.

– Темир қозонларни ҳам эритинглар. Ошни мис қозонларда навбати билан пишириб олаверишади. Дарвоқе, мисдан ҳам яроғ ясаса бўладими? Қароргоҳда мис буюмлар анча-мунча бор-ку!

– Ясаш мумкин, лекин унча ўткир бўлмайди ва тез ишдан чиқади. Тўғри, озгина қалайи аралаштирилса, жезга айланиб, бирмунча мустаҳкам бўлади.

– Унда тез ишга киришинглар. Қароргоҳдаги барча мис буюмларни йиғиб, устахонага элтиб беришадур. Ма, буни ҳам ола кет. Сувни сопол кўзадан ичаверамиз.

¹ Мелодий 775 йил.

² Пайкон – ўқ учи.

³ Занданачи – мато номи.

⁴ Шом – Сурия.

⁵ Рум – ҳозирги Туркия ҳудуди.

У чодир бурчагидаги мис кўзани узатди. Темирчи қорнига нақшлар солинган кўзани кўлида айлантириб кўраркан, афсусланиб деди:

– Жуда нафис буюм. Қўли гул уста ясаган!

– Начора, уни эритиб, ханжарми, найзами яса. Бизга қурол керак!

Темирчи таъзим қилиб, чодирдан чиқди. Ёлғиз қолган Ҳақим, бу қуролларни биринчи навбатда кимларга берсам экан, дея йигитларини бир-бир кўз олдидан ўтказа бошлади. Улар кечагина деҳқон, чўпон ё косиб эди. Энди эса бари жангчи...

Ҳақимнинг ўзи ҳам қадимий Зандана қишлоғидаги тўқувчилар маҳалласининг оқсоқоли эди. Қишлоқ аҳли асосан ҳунармандлар бўлиб, қўли гул Зандана тўқувчилари ихтиро қилган мато олам аҳлига манзур бўлган ва шуҳрати етти иқлимга ёйилган. Уни тўқиш вилоятнинг бошқа қишлоғу шаҳарларига ҳам ёйилди, аммо барча ерда илк чиққан жойи номи билан занданачи деб аташарди. Асрлар давомида олис ўлкаларга ҳам карвон-карвон мато чиқариши натижасида Зандана қишлоғи обод бўлиб, кичикроқ шаҳарга ўхшарди.

Қутайба Мовароуннаҳрни фатҳ этгач, Зандана қишлоғи халифалик хирожини мато билан тўлайдиган бўлди. Занданачи халифа саройида ҳам қадрланиб, аъёнлардан тортиб, ҳарамдаги хонимларгача шу матодан либос тиктира бошладилар. Катта саройнинг эҳтиёжи ҳам, албатта, катта бўлади. Халифанинг солиқлари йилдан-йилга ошиб, уларни тўлаш тобора оғирлашиб борарди. Ҳақим оқсоқол сифатида тўқувчиларни ноҳақ солиқлардан ҳимоя қилишга уринди. Бағдоддаги халифа саройининг эҳтиёжига яраша мато жўнатишни ўзига фарз билган Бухоро волийси ҳукмдорларга эмас, балки қора халққа қайишадиган оқсоқолни йўқотиш пайига тушди. Қўшимча солиқлардан бош тортиган Ҳақим ва яна бир неча саркаш тўқувчи ҳибсга олинди. Улар қатл этилиши, камда кул қилиб сотилиши керак эди-ю, аммо моҳир уста эканликлари туфайли Бухородаги “Байт ут-тироз” корхонасининг тутқунлари сафига қўшиб қўйилди. Корхонада маҳбус косиблар калава, ипак ва юнгдан гилам, дарпарда, жойнамоз, ипак ва зарбоф матолар тўқишар, бўёқчилар уларни кўк, сариқ, зангор ва қизил рангларга бўяшарди. Той-той ёрқин ва нафис буюмлар туяларда дорулхилофат Бағдодга – халифа хазинасига жўнатиладди.

Косиблар кун бўйи букчайганча, чанг ютиб ишлашар, оғир меҳнатлари эвазига бир бурда нон ва бир коса обиёвгон бериларди, холос. Ҳолдан тойиб сустлашганларни назоратчилар қамчи билан аёвсиз савалашарди.

Ҳақимнинг қадди букиклиги, чакка сочларининг оппоқ оқаргани ва кенг пешонасидаги чуқур ажинлар “Байт ут-тироз”даги изтиробли тутқунлик асорати эди. Кўзларидаги мунг эса ўғил-қизлари қул сифатида Арабистонга олиб кетилгани ва мусибатларга чидолмаган хотини қазо қилганини эшитгандан сўнг пайдо бўлган. Бироқ Ҳақим эгилса ҳам, синмайдиганлар тоифасидан. Кеш ёнидаги Сом тоғида халифага қарши кураш байроғини кўтарган Муқаннинг даъватлари ўнлаб соқчилар кўриқлайдиган “Байт ут-тироз”га ҳам йўл топиб кирди. Ҳақим сирдош тутқунлардан беш-олти кишилик гуруҳ тузди. Улар исёнчиларга қўшилишга аҳд қилиб, башарти қўлга тушиб қолишса, ўлимга ҳам рози эканликларини айтиб, онт ичишди. Бир куни кечқурун дастгоҳ синиқлари ва сиртмоқлар билан қуролланиб, корхона ичидаги назоратчиларни гумдон қилишди. Бошқа тутқунларни ҳам ўз аҳдларидан воқиф қилиб, хоҳлаганларни сафларига қўшилишга чақирди. Сўнгра соқчиларга ҳужум қилиб, баъзиларини ўлдириб ё яралаб, қуролларини тортиб олиб, қолганларини қочишга мажбур этишди.

Корхона шаҳристон¹ деворига яқин эди. То соқчиларга мадад келгунча, исёнчилар арқон ёрдамида девор ошишди ва тун қоронғисида шаҳарни тарк этишди. Шу тариқа Бухоро вилоятига туташ бепоён Қизилқум чўлида Ҳақим бошчилигидаги исёнчи гуруҳ пайдо бўлди. Унда-бунда қишлоқларда кўтариладиган ва тез бостириладиган ғалаёнлардан фарқли ўлароқ, Ҳақим бошчилигидаги тўда волий қўшинига тутқич бермас, тез-тез жойини ўзгартирар, майдароқ аскарлар гуруҳларга ҳамла қилишдан ҳам тап тортмасди. Тўда тез ўсиб борар, турли қишлоқ ва овуллардан отлиқ ва пиёда йигитлар келиб қўшиларди. Исёнчиларга ихтиёрий равишда озуқа етказиб берадиган, хавф-хатардан огоҳлантирадиган хайрихоҳлар бундан-да кўп.

Қароргоҳ яқинида от дупури эшитилди. Ҳақим ўйчан нигоҳини қурол-яроғлардан узиб, сергакланиб ташқарига қаради. Қароргоҳ чеккасига бир неча отлиқ келиб тўхтади.

¹ Шаҳристон – шаҳарнинг мудофаа девори билан ўраб олинган қисми.

Улардан бири одан сакраб тушиб, бошқаларни кутмасдан, тез-тез юриб Ҳаким чодир томон кела бошлади.

“Эрназар қандайдир ошиғич хабар келтирибдур”, дея кўнглидан ўтказди сардор ва бир қор-қол рўй беражагини сезгандек, чодир устунига осиглиқ камари ва қиличини олиб, белига тақди-да, дубулға кийиб, чодирдан чиқди. У эшик олдидаги найза тутган икки соқчи орасидан ўтиб, тепаликка кўтарилаётган Эрназарга пешвоз чиқди. Юз-кўзи чангга беланган новча йигит сардор олдига етиб, таъзим қилди ва ҳансираб деди:

– Ўн чақирим нарида қуролли суворийларни кўрдик! Тўғри қароргоҳ томон келишмоқда.

– Суворийлар?! Шунчалик яқиндами? Демак, изимизни олишган! Йўл биладиган кимдир аларни бошлаб келаётгандир?!

– Сотқин бўлмаса, ўзлари йўл топмоғи мушкул эди.

Ҳаким чодир олдидаги соқчилардан бирига буюрди:

– Тезда Ҳашвийни чақир!

Соқчи найзасини кўтарганча, ғизиллаб пастга тушиб кетди.

– Аларнинг сонини аниқладингми? – сўради сардор Эрназардан.

– Юз-юз эллик отлик, барчаси яхши қуролланган ва арабий отларда.

– Алар араблар эканига шубҳа йўқ, – деди Ҳаким ва иккинчи соқчига юзланди: – Тезда юзбоши ва ўнбошиларга буйруғимни етказ: бурғу чалинсин, барча оёққа турсин!

Кўп ўтмай қароргоҳда бурғу садоси янгради ва сокин қароргоҳ кучли тўлқинга дуч келган кемадек қалқиб тушди. Гўё ари ини бузилгандек, чодир капалардан одамлар юғриб чиқа бошлади. Қилич, найза, камон, сўйил, чўқмор, паншаха, болта, учи йўнилган таёқ кўтарган исёнчилар ҳар ер-ҳар ерда тўп бўлишди. Ўтовларга яқин жойда отлиқлар бўлуки пайдо бўлди. Юзбоши ва ўнбошилар жангчиларни сафга тизиб, сардорнинг навбатдаги буйруғини кутишарди.

Отлиқ жангчилар тарафидан ўз яроқбардори билан бирга Ҳашвий от чоптириб келди. У серҳашам эгар-жабдуқ ва зар ёпқичли, тилла юган урилган оти жиловини яроқбардорига тутқазиб, ўзи Ҳаким ҳузурига шошди. Ҳашвий пўлат совут ва дубулға кийган, заррин камарига кумуш дастали дудама қилич тақиб олган. Унинг қалқони ва чўқмори эгар қошида осиглиқ, бошқа қуроллари, яъни найза ва ўқ-ёйини яроқбардори кўтариб юрарди. Ҳаким унга вазиятни қисқача тушунтирди.

– Ғаним анча яқин келибди. Қароргоҳни тездан тарк этиш даркор. Илдам юришга монелик қиладиган чодир чайлалар, бошқа лаш-лушлар ташлаб кетилсин. Аммо бир дона ҳам қурол қолмасин. Олдин пиёдалар йўлга тушур, сен ўз отлиқларинг билан аларни орқа тарафдан ҳимоя қилиб борурсен.

– Ёғий юз-юз эллик атрофида экан-ку! Биз алардан уч баробар кўпмиз, – деди Ҳашвий.

– Лекин алар барчаси суворий ва тиш-тирноғича қуролланган.

– Бизда ҳам қуроллар кўпайиб қолди. Саваш тажрибамиз ҳам ошган. Отлиқлар ҳам етарли.

– Ғаним билан сўғишайлик демоқчисен-да.

– Албатта, агар изн берсангиз, сардор. Қачонгача ёғий қораси кўринган ҳамон тум-тарақай қочиб юраверамиз?

– Ким билади, бу отлиқлар ёғийнинг илғор қисмидур балким, – дея бир зум ўйлашиб қолди Ҳаким ва Эрназардан сўради: – Аларнинг ортидан янада каттароқ лашкар келмаётганмикин?

– Буни аниқлашга уриндик, сардор. Ён-атрофдаги баланд барханларга чиқиб қарадик. Бироқ бирон лашкар қораси ёки унинг аломатини билдирувчи чанг-тўзон кўринмади.

– Ундай бўлса, ёғийни жанг билан қарши оламиз. Тангрим мададкор бўлсин!

Бунга жавобан Ҳашвий ва Эрназар бир-бирларига зимдан мамнун қараб кўйишди.

– Бироқ бунча отлиқ ғаним билан очиқ майдонда савашмоқ осон эмас, – сўзида давом этди Ҳаким. – Пиёдалар қароргоҳнинг жануб тарафида зудлик билан тўсиқлар яшашсин. Ҳашвий, сен отлиқ бўлукинг билан сўл қанотни эгаллаб тур. Унг томонда кўл бор – бу тарафдан бежавотирмиз.

– Бош устига, – деди Ҳашвий ва отланиб, яроқбардори билан ўз бўлуки сари елиб кетди. Ҳаким соқчиларга: “Чодирдаги аслаҳаларни юзбошиларга элтинг, энг эпчил йигит-

ларга тарқатишсин”, – деб буюргач, Эрназарга юзланди:

– Сен йигитларинг билан ёғийни ён томондан айланиб ўтиб, ҳар тарафга кўз-қулоқ бўлиб тур. Чанг-тўзон ё лашкар қораси кўринса, дарҳол хабар қилинғизким, қуршовга тушиб қолмайлик.

Сардорнинг буйруғидан шашти тушган Эрназар оппоқ ғубор инган қошларини чимириб сўради:

– Биз савашда қатнашмас эканмиз-да! Шундоғми, ҳазрат?

Ҳақим унинг ҳолатини англаб деди:

– Буюм муҳим жанговар топшириқ. Ҳеч ким сизларга жанг пайтида қўл қовуштириб туришди, деб таъна қилмайди.

Эрназар таъзим қилиб кетгач, Ҳақим пастга тушди. Ёнбағирда аллақачон эгарланган отга шаҳд билан сакраб минди ва отлиқ соқчилар ҳамроҳлигида пиёда жангчилар томон юрди. Пиёдалар жон-жаҳдлари билан тўсиқ ясашар, юзбоши ва ўнбошилар бақириб-чақириб буйруқ қилишарди. Шох-шабба ва қўлга илинган ашқол-дашқоллардан бунёд этилган ғов нафсиламрида унчалик мустаҳкам эмаслиги аён. Ҳақимнинг кўрсатмасига биноан, қароргоҳдаги араваларни тўсиқнинг турли жойларига ўрнатишди. Араваларга ёйандозлар чиқиб олиб, улар ёнида даста-даста ёй ўқлари тахлаб қўйилди. Ҳақим юзбошиларга аскарларни тўсиқ бўйлаб сафга тизишни буюрди. Совут ва дубулға кийган жангчиларни аравалар оралиғидаги ёғий ёриб ўтиши эҳтимоли мавжуд жойларга қўйди.

Ниҳоят, айғоқчилар хабари тасдиқланиб, жануб тарафдан кўтарилган чанг-тўзон тобора яқинлашиб, тўзон орасидан суворийлар қораси кўринди. Арабий отлари ёғий эканига шубҳа қолдирмаса-да, аммо кўпчилиги ўзларидек оқ либос кийишгани исёнчиларда ҳайрат ва таажжуб уйғотарди.

Оралик масофа ёй ўқи етгудай қисқаргач, Ҳақим ўқ узишга буйруқ бермоқ учун оғиз жуфтлаган ҳам эдики, кутилмаганда суворийлар жиловларни тортиб тўхташди. Улар орасидан бир нечтаси отларини чоптириб, тўсиққа анча яқин келишди.

– Биродарлар, биз ёв эмасмиз! – деб қичқирди улардан бири баланд овозда.

– Сиз каби оқ кийимлилармиз. Сардоримиз Ғирдак паҳлавон бошчилигида сизни қора тортиб келдик. Ҳақимбек баҳодирга кўшилишга жазм этганмиз.

Исёнчилар орасида аввалига шивир-шивирлар, сўнг қувончли хитоблар ёйилди. Чунки Ғирдакнинг номини эшитмагани йўқ эди.

– Ўзимизникилар экан-ку! Ахир, қаранглар, барчаси оқ либосда!

– Шу боис бамайлихотир, қиличларини қинидан чиқармасдан келишаётган экан-да.

– Ғирдак – Ғиждувондан чиққан йўлбарс-ку!

Қароргоҳда шодиёна кийқириқлар янграб, сурон кўтарилди. Жангчилар қуролларини силкитишар, қилич орқасини қалқонларга уриб тарақлатишар, томоқлари йиртилгудек қичқириб, хурсандликларини изҳор қилишарди. Сабри чидамаганлар ғовдан сакраб ўтиб, отлиқлар истиқболига югуришди. Чавандозлар ҳам олға юриб етишгач, отларидан тушдилар. Бир-бирини танимаса-да, ҳар икки тараф одамлари юз йиллик қадрдондай кучоқ очиб кўришарди.

Ҳақим Ғирдакни туғишган иниси каби бағрига босди. Довруқли сардор йигирма беш ёшлардаги бўз йигит экан. Буғдойранг юзи чўл шамолидан хиёл қорайган, кўзлари самимият ва қувончдан чарақларди. Қалдирғоч қаноти янглиғ мўйлови, дубулға остидан чиқиб турган ўсиқ сочлари ярашиб турарди. Чайир жуссаси, ўктам қиёфасида йигитлик кучи ва шижоат барқ урарди. Узоқ йўл босиб келганига қарамай, толиққани сира билинмасди. У Ҳақимни қурол-яроғи билан азот кўтариб, анчагача ушлаб турди. Ҳақим Ғирдакнинг елкасига қоқиб қойил деди ва аскарларига буюрди:

– Тўсиқни бузиб, меҳмонларга йўл очинг. Қўй-эчкилар сўйиб, мўл таом ҳозирланг. Новвойлар қайроқи буғдой унидан нон ёпишсин.

Мезбонларнинг бир қисми меҳмонларнинг отлари жиловидан олиб, суғоргани олиб кетди, қолганлари уларни қароргоҳга даъват этишди.

Ҳақим Ғирдакни чодирига бошлади. У азбаройи қувонганидан тепаликка чиқаётганда ҳам Ғирдакнинг кенг елкасига қоқиб кўярди.

– Баракалла, Ғирдак иним! Ёғий келди деганимизда бизга мадад ва куч-қувват келди-я! Тангрим қўллагани ҳаққирост бўлсин!

Учинчи боб

Чодирга киришгач, Ҳақим меҳмонга наमत устидан жой кўрсатди. Ғирдак қурол осиглиқ камарини ечиб, Ҳақим қаршисига чўккалади. Бир-бирларига мамнун қараб олишди.

– Чеккақудуқ ёнида ёғийнинг додини берганинг йигитларимиз тилидан тушмайдур, – деди Ҳақим ёш сардорга меҳр ва эҳтиром билан боқиб. – Куппа-қундузи юз отлиққа ҳамла қилиш! Бошқа вилоятларда Муқанна ва саркардалари бундан ҳам каттароқ савашлар қилишганини эшитганмиз-у, лекин бизнинг вилоятда бунақа зафар бўлмаган эди ҳануз.

– Ҳамла қилганимизда алар отлиқ эмас, балки пиёда эдилар, – деди Ғирдак. – Ёғий чўлга оралаганидан огоҳ бўлгач, чопқир отлиқ бир даста йигитга узоқдан кўриниб қочиб, ғанимни чалғитишни тайинлаб, асосий кучимизни қудуқ ёнидаги қалин юлғунзорда пистирмада сақладик. Чунки ёғий отларини суғориш учун келмоғи мумкин эди. Ўйлаганимиздек бўлди. Тангри ишимизни ўнглаб, мана, ҳузурингизга арабий арғумоқларга миниб келдик.

Чодир олдида Ҳашвий кўринди.

– Кир, Ҳашвий, – деди Ҳақим. – Ғирдакни бизга худонинг ўзи етказди.

Ғирдак чаққон ўрnidан турди. Ҳашвий қучоғини очганча хитоб қилди:

– О, Ғиждувон паҳлавони ва Чеккақудуқ қаҳрамонини кўрадиган кун ҳам бор экан-ку!

Улар қучоқлашиб кўришишгач, ёнма-ён ўтиришди. Ҳақимнинг хос навқари таъзим қилиб кириб, дастурхон ёзди. Бир жуфт арпа нон устида бир сиқим жийда ва майиз бор эди. Ҳақим нонни ушатиб, меҳмонларни дастурхонга манзират қилди:

– Қани олинглар, ҳализамон иссиқ нон ҳам келади.

Ҳашвий нондан бир бурда оғзига солиб деди:

– Сардор, хўп десангиз, менинг ўтовимга ўтсак. Ғирдак шарафига бир зиёфат қилсак.

– Кўп айтардинг, ҳеч фурсат бўлмасди. Аммо бугун Ғирдак янглиғ азиз меҳмон келди, бормоқ раводур, – деди Ҳақим.

– Шароб ҳам равоми бугун? – қувлик билан сўради Ҳашвий. Ҳақим қароргоҳда шаробхўрликни тақиқлаган эди.

– Майли, сенга ва Ғирдакка раво бўла қолсин. Вале, мени маъзур тутасизлар.

Улар дўнглиқдан тушиб, ола-ғовур қароргоҳни оралаб, Ҳашвий ўтови томон юришди. Қароргоҳ шимолидаги баҳаво жойга тикилган уч ўтовдан бири олдида жез оташдонда олов ёнарди. Бу ўтовда яшайдиган зардуштий қоҳинлар кечаю кундуз навбати билан ўтин ташлаб, оташдондаги олов ўчиб қолмаслигига кўз-қулоқ бўлиб туришади. Ҳашвий Зардушт динига эътиқод қиларди. Ўртадаги ўтовда ўзи, нариги ўтовда хотини ва болалари туришарди. Навқарлар ва хизматкорлар учун эса ўнлаб чодирлар тикилган.

Ўтов олдида хизматкорлар обдастадан меҳмонлар кўлига сув қуйишди. Ҳашвийнинг ўспирин ўғли Элбек сочиқ тутди. Ҳақим кўлини артгач: “Элга бек бўладур бу йигит”, – дея елкасига қоқиб қўйди.

Кенг эшикли серҳашам ўтовга киришди. Дарча ва туйнуклардан қуёш нури ва шабада кириб турганидан ўтов салқин ва ёруғ. Деворларга қимматбаҳо қурол-яроғлар осилган, тўрдан бир неча катта сандиқ жой олган. Дастурхон тузалган узун хонтахта атрофига шоҳи ва баҳмал кўрпачалар солиниб, пар болишлар қўйилган. Ерга тўшалган, турфа гуллари ял-ял ёнган гиламларни кўриб, сардорлар этикларини ечишди. Ҳашвий уларни ичкари бошлади. Қақроқ чўлда шунча ноз-неъмат топилмоғи ҳайратангиз эди. Кумуш баркашларда писта, бодом, майиз, қоқи, идишларда турфа ҳалво, қаймоқ ва мураббolar тортилган. Катта сават кўтарган хизматкор дастурхонга ҳозиргина тандирдан узилган иссиқ нонларни қўйди. Ўтовни ёқимли нон ҳиди тутиб кетди. Ҳашвий юмуш билан ташқари чиқди. Ғирдак одатланмаганидан баҳмал кўрпачалар устида қисиниб-қимтиниб ўтирарди.

– Бемалол ёнбошлаб ўтиргин, – деди Ҳақим бунни сезиб. – Йўл юриб чарчагансен. Албатта, чўл ўртасидаги бундай ҳашамат сени ажаблантирмоқда. Лекин бой-бадавлатлар учун бу табиий ҳаёт тарзи. Ҳашвийнинг ота-боболаридан беҳисоб еру мулк, кўшқу чорбоғлар қолган. Бари мол-мулки билан бизга қўшилди. Бундайлар қароргоҳда бир

неча киши. Алар орасида энг етук эр шу биродаримиз Ҳашвий бўладир. Хотини Шодия ҳам ўзига муносиб: овдаям, сафардаям ҳамроҳи.

– Биз-ку зулмга қарши бош кўтардик, – деди Ғирдак ўйланиб. – Ҳашвий оға каби рўшноликда яшаётган киши ҳаловатдан воз кечиб, исёнга қўшилган экан, демак, Ватан эрки барча нарсадан азиз эканини англаган.

– Озодлик ўрнини ҳеч қандай бойлик босолмайдур, иним Ғирдак, – деди Ҳаким. – Шунча мол-дунёси билан Ҳашвий ҳам ўз юртида қарам эди. Зардуштий бўлгани учун хирождан ташқари жузя ҳам тўларди. Ақли, тадбиркорлиги ва давлатмандлигига қарамай, юқори мансабларни эгаллаш йўллари унга ёпиқ. Ҳолбуки, аждодлари бухорхудотлар¹ билан қариндош бўлган. Тангри мадади билан Бухоро ва бутун Мовароуннаҳр халифа истибодидан озод этилса, Ҳашвий камида вилоят ҳоқими ё вазир бўладур.

Ҳашвий чундуги ўрдак боши шаклида ишланган чинни кўза кўтариб кирди. Изидан хизматкор катта барқашда иссиқ кабоб киритди. Ҳашвий иккита пиёлага қултиллашиб шароб куйди. Ғирдак шаробга ўрганмаган бўлса-да, Ҳашвийнинг қўлини қайтаролмади. Бир-икки пиёладан кейиноқ юзига қизиллик югуриб, боши хиёл айлана бошлади. Кўза яримламасдан Ҳашвий уни четга суриб қўйиб деди:

– Таомдан кейин жиддий суҳбатимиз бор. Шу сабабли майнинг ози яхши.

– Ози ҳам менга ўз кучини кўрсатди, – деди Ғирдак жилмайиб.

– Ўткир май-да. Ўз боғимиз узумидан. Афсуски, боғ ҳам қаровсиз қолмиш.

– Ғалабадан сўнг боғ-роғларни яшнатамиз, Ҳашвий оға. Истасангиз, ўзим сизга боғбон бўлурмен.

– Ғирдак – боғбон. Унча қовушмаяпти. Энди кечмишдаги касбингни унут, иним. Биз ёғийни Мовароуннаҳрдан қувиб, ўз давлатимизни тикласак, сен лашкарбоши бўлиб қолурсен. Ҳарб ишида маҳорат касб этган одам бу ишни бошқа машғулотга алмаштирса, хайф бўладур.

Қоронғи тушгач, кумуш шамдонларда шамлар ёқилди. Хизматкорлар лаганларда ҳил-ҳил пишган гўшт ва косаларда қайноқ шўрва олиб киришди. Ҳашвий дандон сопли пичоғида гўштни катта-катта бўлақларга тўғради. Сардорлар шўрвага патир тўғраб ейишди. Тўйиб қолишганидан, Ҳашвийнинг қисташларига қарамай, гўшздан бир-икки бўлақ егач, мойлик қўлларини сочиққа артишди. Бундай тўкин зиёфатни кам кўрган Ғирдак йигитлари билан очин-тўқин саргардон юрган пайтларини эсларди.

Улар чўлда жайрон ва қуён овлашар, қўллардан балиқ тутишарди. Ов бароридан келмаганда ё таъқиблар боис имкон бўлмаганида, баъзан бир неча кунлаб оч қолишарди. Айрим қишлоқлардаги хайрихоҳ одамлар имкон даражасида егулик беришарди. Бир-икки бор мол ўғирлаш содир бўлди. Ғирдак ғазабланиб, айбдорларни жазолаб, ўғирланган молларни эгаларига элтиб топширишни амр қилди. Хуллас, ўғирлик ё талончиликка мойил кимсалар ё бу одатини ташлар, ё унинг гуруҳини тарк қиларди.

– Аввал таом, баъд аз калом, деганларидек, энг олдин Ғирдақдан эшитсак, – деди Ҳаким. – Орқаваротдан уни яхши таниб, кўп таҳсинлар айтиб юрардик.

Ғирдак гуруҳини қандай ташкил қилгани ва қай тарзда қуроллантиргани ҳақида қисқача сўзлаб берди.

– Ўнлаб йигитларимиз тўқнашувларда ҳалок бўлишди, – деди ачиниш билан. – Бироқ бизга кун сайин янги тарафдорлар келиб қўшилаверди. Қишлоқларни оралаганда Муқанна номи билан одамларни сафимизга киришга даъват этдик. Аллақачон сизлар билан бирлашмоқчи эдим. Аммо олдин йигитларимни яхшилаб қуроллантирдим. Энди Ҳаким оғага тўлиқ итоат этамиз ва қандайки вазифа бўлса, бажо келтириш учун жонимизни ҳам аямаймиз.

– Биз ҳам сизларни биродарларимиздек сафимизга қабул этдик, – деди Ҳаким. – Аслида бир мақсад йўлида кўлимизга қурол олган фурсатданоқ сафдош эдик. Йўлбошчимиз Муқанна ҳам вилоятдаги барча исёнчи кучларни бирлаштириш ниятидадир. Яқинда келган мактубида у ҳар биримизнинг номимизни атаб, бирлашишни амр этган.

– Менинг номимни атамагандир, ҳар нечук, – деди Ғирдак ишонқирамай. – Кўзғолон йўлбошчиси Муқанна мен каби кичик бир гуруҳ бошлигини қайдан билсин?!

¹ Бухорхудотлар – араблар истилосигача Бухорода ҳукм сурган маҳаллий сулола. Бу сулола авлодлари кейинчалик ҳам ўз мавқеларини қисман сақлаб қолган.

– Йўлбошчимизнинг назари ўткир. Сендай садоқатли ва шижоатли сардори бор экан, нега у хабардор бўлмасин? – деди Ҳақим ва қўйнидан найча қилиб ўралган қоғозни олиб, Ҳашвийга узатди: – Ҳашвий, мактубни ўқи, Ғирдак ҳам воқиф бўлсин.

Ҳашвий шалдиروق қоғозни авайлаб ёйиб ўқиди:

“Тангри номини ёд этиб, Муқанна сўзимиз!

Бухоро вилоятида менинг даъватимга кўра курашга қўзғалган сардорлар Ҳақим, Ҳашвий ва Ғирдакка!

Тангри хоҳиши ва иродаси билан мен – Муқанна Туронни истило этган ёғийга қарши аёвсиз кураш бошладим. Барча вилоятларни озод этсак, бутун юрт асоратдан халос бўлур. Сиз Бухоро вилоятида кураш байроғини баланд кўтаринг. Менинг номим билан элни курашга даъват этинг. Тарафдорларимиз оқ либос кийиб, оқ туғ билан жангга киришсин. Кучларни бирлаштириб, аҳилликни шиор қилинг. Ушбу мактубим етиб борган кундан биродарим Ҳақим Бухоро вилоятидаги жамийки оқ кийимлиларнинг бош сардори дея эътироф қилинсин. Ҳашвий, Ғирдак ва бошқа сардорлар унга бўйсуниб, амрига мувофиқ иш кўрсинлар. Мен ҳақимда ёғий тарқатаётган бўҳтонларга ишонманг. Мен сизнинг йўлбошчингиз, мадақкорингиз ва халоскорингизман. Сизни зафарга ва нажотга мен элтгумдир! Қолган амру фармонлар ушбу мактубни элтган чопар орқали оғзаки етказилур”.

Ғирдак шунча узоқда туриб, бу ерда бўлаётган воқеалардан бохабар ва уларга нажотдан мужда берган Муқаннага қойил қолиб, унга ихлоси янада ошди.

– Муқаннанинг бирлашиш ҳақидаги фармонидан огоҳ қилиш учун чопар жўнатган эдик, – деди Ҳақим. – Аммо у сизларни тополмай қайтиб келди. Бугун эса ўзинг етиб келдинг.

– Ғирдак йўлбошчимизнинг фармонини қалб қулоғи билан эшитибдур, – деди Ҳашвий.

– Мактубда ишора қилинган “қолган гаплар” нима экан? – сўради Ғирдак.

– Қолгани ҳам хушxabар, – деди Ҳақим. – Чопарнинг айтишича, Муқанна атоқли лашкарбоши Боғий паҳлавонни беш юз отлиқ аскар билан бизга мададга юбориш тадоригида. Боғий ҳам асли Бухоро вилоятидаги Наршах¹ қишлоғидан. Бир неча йил илгари қирқ-эллик йигити билан Кешга бориб, Муқаннага кўшилган.

– Кураги ерга тегмаган алпағут² у, – кўшимча қилди Ҳашвий. – Менинг тўйимдаги полвонлар курашида бош совринни олган. Қўйинги, барча беллашувларда ғолиб чиққанидан бош совринни Боғий соврини дейишарди.

– Беш юз отлиқ аскар! Яна шундай сардор бошчилигида! – хитоб қилди Ғирдак энтикиб. – Чиндан Муқанна мадақкоримиздир. Катта ишларнинг фурсати келди, ниҳоят!

– Бироқ қиш ҳам яқин. Тарафдорларимиз кўпайгач, энди чўлда қишламоқ мушкул. Озуқа ва ўтовлар камлик қиладур. Қишлоқлардан бошпана тополмаймиз: волий қарши лашкар юборур. Ҳашвий билан вилоятдаги биронта қалъани забт этишининг баъзи режаларини тузиб қўйганмиз. Буни сендан сир тутмаймиз, албатта. Аммо ўзинг айтганингдек, бу – катта иш. Шу боис, унга Боғий келгачгина киришурмиз.

– Демак, Боғий қишгача етиб келур.

– Шундоқ, эҳтимол, у йўлга тушгандир ҳам. Бироқ йўл хатардан холи эмас. Халифа саркардаси Жунайд Кеш ва Нақшобга юриш қилиб, Муқаннадан мағлуб бўлиб чекингач, қолган-қутган кўшини билан Бухоро-Нақшоб вилоятлари сарҳадида ўрнашиб олмиш. Боғий бўлуки келаётганидан хабар топса, йўл тўсишга уринмоғи тайин. Зап пайтида келдинг, Ғирдак! Энди Ҳашвийни юз отлиқ билан Боғий истиқболига жўната олурмиз. У чўл оралаб бориб, Боғий билан бирлашгач, ёронларимизни бехатар йўлдан бошлаб келур.

– Лозим кўрсангиз, Ҳашвий оға билан бормоққа ҳозирмен.

– Сен билан йигитларингга бошқа юмушлар бор.

– Амрингиз бошимизга тож!

Қизғин суҳбат ва келгуси тadbирлар режалари муҳокамасидан сўнг Ҳашвий яхши чолғучи борлигини айтиб, чақиртирмоқчи бўлганида, Ҳақим эътироз билдирди:

– Чолғу тингламоқ бўлса қочмас. Ғирдак дам олсин. Эртага оқиндан дostonлар эшитамиз. Қадим турк баҳодирлари ҳақидаги бу дostonларда аждодларимизнинг жанг усул-

¹ Наршах харобалари ҳозирги Вобкент тумани ҳудудида бўлиб, Нарчоқтепа деб аталади.

² Алпағут – энгилмас курашчи.

лари, курашдаги матонати ҳақида ажиб хабарлар бор. Айниқса, Широқ ҳақидаги достонни қулоққа қуйиб олиш керак. Беадад душманга мардона қарши туриш хусусида зўр сабоқдир бу ривоят.

Ҳақим ва Ғирдак меҳмондорчилик учун Ҳашвийга ташаккур айтиб қўзғалишди. Ташқари чиқишгач, Ҳашвий деди:

– Сардор, сиз учун ҳам бир ўтов ҳозирлатиб қўйибмиз. Эртага хизматкорлар элтиб, тикиб беришадур.

– Қуллуқ Ҳашвий, аммо узким, мен катта ўтовга одатланмаганмен. Чодирга ўргандим ва ҳеч шикоятим йўқ. Ғирдакка ҳам бир қапа тиклаб берурмиз. Бу кеча меникида тунайверади.

– Ўтов кенгаш ўтказиладиган боргоҳ бўла қолсин. Ахир, фақат юзбошилар йиғилса ҳам чодирингиз торлик қилади.

Ҳақим эътироз билдирмади ва хайрлашди. Ғирдак билан иккаласи яна қароргоҳни оралаб қайтишди.

Тун бепоеън чўлни оғушига олган, осмонга юлдузлар бодроқдек сочилган. Сарин ва оромбахш шабада чўл гиёҳларининг тахир ҳидини димоққа уфуради. Кундузи ининида бекиниб ётган чўл жониворлари ўлжа излашга чиққан. Тунги қушлар сайроғи, чирилдоқларнинг чириллашига басма-бас қўл қурбақалари қуриллайди.

Қароргоҳнинг турли тарафларида гулханлар чирсиллаб ёнар, атрофида тўп-тўп аскарлар суҳбат қуришмоқда. Қурол-яроғлар гулхан алангасида ялт-юлт қилади.

Ҳақим чодирни тикилган тепаликка яқинлашгач, Ғирдак ижозат сўраб, орқада қолди. У сўроқлаб, ўз ўнбошиларидан бир нечасини топди ва бўлукнинг қандай жойлашганини суриштирди.

– Ҳаммаси жойида, йигитлар хурсанд, – деди ўнбошилардан бири. – Ўзларимиз таом еб, отларга ҳам ем бердик. Бизга қапаю чайлалардан жой етмаса ҳам, ҳечқиси йўқ. Гулхан яқинида бошимиз остига эгар қўйиб, тўн ёпиниб ухлайверамиз.

– Бу тун яхшилаб дам олинглар. Эртадан бизга ҳам юмушлар кўп. Кечаю кундуз қароргоҳ атрофида – яқин-узок жойларда отлиқ қоровуллар қўйилади. Навбати билан қоровулда турамыз. Яна чўлдан ўтин чопиб келиш, озуқа учун қишлоқларни яширинча оралаш, энг муҳими эса жанговар машқлар ўтказиш зарур.

Ғирдак тепаликка кўтарилганда Ҳақимнинг чодирда қора чироқ ичкарини хира ёритиб турарди. Сардор унга ўрин кўрсатди:

– Бу наमत сенга, мен анави шолчада ётамен. Иккаламизга иккита ёстиқ бор-у, кўрпа йўқ. Ўзим ҳам тўн ёпиниб ухлаймен.

Улар ўринларига чўзилишгач, навкар шарпасиз кириб, чироқни олиб чиқди.

Тўртинчи боб

Ривоятларга кўра, шаҳристон ўртасидаги Бухоро аркини Турон хоқони Афросиёб қурдирган. Ўшандан бери не-не тождору ҳокимлар истиқоматгоҳи бўлган қадимий қалъани эндиликда Бухоро вилояти волийси Ҳусайн ибн Маоз эгаллаган. Сўнгги пайтдаги нотинчлик боис арк қўриқчилари кўпайтирилган, кириб-чиқиш қаттиқ назорат остида.

Кеч кузнинг рутубатли кунларидан бирида арк дарвозасидан одатдагидан кўра кўпроқ аъёну саркардалар киришди. Волий уларни ошиғич машваратга чорлаган. Аъёну акобирлар девонхонага кириб, тўрда чоркунжак тахтада ўтирган волийга таъзим бажо келтиргач, ҳар икки тарафда девор бўйлаб тизилган заррин курсилардан ҳар бири ўз рутбасига кўра жой олди. Ким саллалли, ким бўркли, кимдир дубулғали бошини ярим буриб, қулоқларини динг қилиб, нигоҳларини баланд тахтадаги волийга қаратишди. Зарбоф либосдаги Ҳусайн қирқ ёшлардаги қотма, чўзинчоқ юзли, қирғий бурун, сийрак малла соқолли, лаблари қалин киши эди. Йирик инжу-гавҳарлар қадалган симобий салласи вазминлик қилгандек боши хиёл эгилган. Узун бармоқларидаги қўша-қўша узукларнинг лаъл ва феруза тошлари қизғиш ва кўкиш тусда товланади.

Ўн йил муқаддам халифанинг Хуросондаги ноибни Ҳусайнни Бухоро вилояти волийси этиб тайинлади. Ҳамиша оғир-вазмин волийнинг бугун алланечук асабий қиёфада

экани-ю, бармоқларининг хиёл титраши, чап кўзининг гоҳ-ногоҳ учишидан ҳозир бўлганлар нохуш бир хабарни эшитишга чоғланарди.

– Биз Муқанна узоқда, йўлини саркарда Жунайд тўсиб турибди, деб хотиржам эдик, – асабий сўз бошлади волий. – Аммо унинг тарафдорлари кўпдан Бухоро атрофида изғиб, исёнчи тўдалар тузиб, бебошлик қилмоқда. Қора ниятли бу малъунларга оқ либос кийиб юришни пешволари дажжол Муқанна амр этган эмиш. Кўпларини дорга осдик, зиндонлар ҳам тўлиб кетди. Бироқ алар баттар кўпайиб бормоқда. Шу яқинда яна Нақшоб ёнидан Боғий отлик ўғрибоши бир неча юз отлик бирла келмиш. Ул вилоятда исёнчилар билан жанг қилаётган кўшинлар ёнидан қандоқ ўтгани бизга қоронғи, аммо куни кеча алар Бухоро вилояти ҳудудидаги Наршах қалъасини эгаллаб, бор аскарларни қиличдан ўтказишган. Вилоятдаги исёнчиларнинг бош қароргоҳи энди Наршахда, шундоққина бурнимиз тагидадур.

Бу хабар қандай таъсир қилганини билмоқчидай, волий йиғилганларга бирров кўз югуртирди. Қадим Бухоро шоҳлари авлоди бухорхудот Бунёт ҳам шу ерда. Ўттиз ёшлардаги хушқомат, юзи думалоққа мойил, калта қора соқол-мўйловли Бунёт бухороча зарбоф либослар кийиб, камарига дастаси ялтироқ нодир тошлар билан безатилган сўғдий ханжар қистириб олган. У суяниқли нақшин курсида ястаниб ўтирар, чеҳрасидаги хотиржамликдан бу кўнгилсиз воқеаларнинг унга ҳеч бир дахли йўқдай эди.

Бунётнинг бобокалони бухорхудот Тоғшода ўзидан олдин Бухоро маликаси бўлган онаси Қабож хотуннинг аксича, Мовароуннаҳр фотиҳи Қутайбага қаршилик кўрсатмасдан таслим бўлиб, “уйингни ёв таласа, сен ҳам кўшилиб тала”, дея ўз мулки бўлмиш Бухоро вилоятининг батамом бўйсундиришда унга мадад кўрсатган. Вардона¹ қалъаси ҳокими Вардонхудот каби айрим бўйсунмас саркардалар ва вилоят аҳолисининг катта қисми ҳамон қаршилик кўрсатишар, аммо юрт подшоси истилочилар билан иттифоқликда уларни бостириш учун курашарди. Мовароуннаҳр фотиҳига садоқатини жон-жаҳди билан кўрсатишга интилган Тоғшода исломни қабул қилиб, ўғлига Қутайба деб исм қўйди. Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятларидаги маҳаллий сулолаларга мансуб тождорларнинг аксариятини ялпи қиличдан ўтказган Қутайба ибн Муслим “Ҳар жойнинг тулкисини ўз тозиси билан овлаш лозим” маталига биноан, Тоғшоданинг хизматларини инobatга олиб, бухорхудотлар сулоласига шафқат қилди. Тоғшоданинг авлодлари тахтдан жудо бўлишса-да, бошларини, унвонларини ва жиңдак мавқеларини сақлаб қолишди. Бухорхудотлар волийнинг чизган чизигидан чиқмас, халифа хизматига камарбаста бўлиб, аҳолини итоатда тутиб туришда ёрдам кўрғазишар эди. Ярим асрдан зиёд бу вазифани қойилмақом бажариб келаётган бухорхудотлар хонадони хизматлари эвазига анчагина ер-мулкларини ўз қўлларида сақлаб қолишган, қулай фурсат туғилганда кенгайтиришга ҳам интилишарди. Ундан олдин бухорхудот бўлган акаси Сукон бир неча йил бурун вафот этгач, бу тожу тахтдан айро унвон Бунётга ўтди. Бунёт ҳам зоҳиран Тоғшодадан буёнги ажодлари сиёсатини давом эттирар, ўз мавқеини ошириш учун волийнинг синглисига уйланган, Муҳаммад пайғамбар Сайфуллоҳ, яъни Аллоҳнинг қиличи деб атаган буюк ислом саркардаси Холид ибн Валид шарафи учун ўғлига Холид деб исм қўйган эди.

Бунётнинг сўл томонида жойлашган, эгнига узун шоҳи тўн кийиб, бошига печи елкасига осилиб тушган катта яшил салла ўраган Бухоро қозикалони Омир ибн Умарга волийнинг сўзлари ўзгача таъсир қилди. Ваҳшатли хабардан унинг гўштдор юзи хиёл оқарган, пастки жағи ва узун соқоли титрар эди. Асабийлашганидан доналари йирик қаҳрабо тасбеҳини тез-тез ўгирар, исёнчилар эгаллаган Наршах қалъаси атрофидаги ўзига қарашли ер-мулклар хаёлида чарх урарди.

Бошдан-оёқ зирҳли кийимлар кийиб, турфа қурол-яроғ тақиб олган саркардаларнинг қиёфаларида бир пайтлардаги виқор ва салобатдан асар ҳам қолмаган. Улар бўшашиб ўтиришар, волийнинг нигоҳидан кўзларини олиб қочишарди.

Муқанна бошчилигидаги кўзғолон бир неча йилдан бери давом этмоқда. Уни бостириш учун барча уринишлар зое кетди. Халифанинг биронта саркардаси йирик зафар куча олмади. Ғалаба ва шон-шухрат истагида Нақшоб ва Кеш сари от сурган не-не донгдор саркардалар мағлубият ва иснод, баъзилари эса ҳалокат оғусини тотишди. Бу ваҳшатлар барчаси шу пайтгача қўшни Нақшоб вилоятида рўй берарди. Энди эса

¹ Вардона ёки Вардонзех – ҳозирги Шофиркон туманидаги қадимий қалъа.

кўзғолон аталмиш серпанжа махлуқ бир панжасини Бухоро вилоятига чўзган, уни шарт кесиб ташламаса, эрта-индин вилоят бошкентига чанг солиши муқаррар эди.

Бухорхудот сифатидаги мавқеини қадрлайдиган Бунёт воқеага биринчи бўлиб муносабатини билдирди:

– Наршахдек мустаҳкам қалъани яхши қуролланган аскарлар бир тўда исёнчилардан ҳимоя қилолмагани таажжуб. Ваҳоланки, ялангоёқлар деб, уларни ҳеч ким назарга илмасди.

Бу гапни у хотиржам айтган бўлса-да, Хусайн кинояни пайқади.

– Исончилар муҳофизларни ғафлатда қолдириб, қўққисдан ҳужум қилган, – деди Хусайн. – Хавф ошгани шундаки, қароқчилар кучларини бирлаштирган. Занданалик Ҳаким, ғиждувонлик Ғирдак, Фузайл кўшкидан Ҳашвий ва Муқанна юборган Боғий аларнинг асосий бошлиқлари. Бир ёмоннинг бир яхшиси бўлганидек, барча дордан қочган осийлар бир жойга жам бўлмиш. Қуршаб олиб, бир йўла ҳаммасини қириб ташлаймиз.

Волийнинг овозидаги қатъият қозикалоннинг дардини бир оз енгиллаштирди. Унинг юзига яна қизиллик қайтиб, енгил тин олди. Саркардаларнинг қиёфаси эса жиддийлигича қолди. Волий учун айтишга осон ишларни улар тер ва қон тўкиб амалга оширишлари керак эди.

Бунётнинг чеҳрасида бепарволикдан бўлак ифодани илғаш қийин эди. Хусайнга бу бепарволик остида истеҳзо ва гапларига ишончсизлик яширингандай туюлди. У бухорхудотга писанда қилгандек давом этди:

– Оқ кийимлиларнинг мақсади фақат халифага қарши исён эмас. Алардан барча муслмонларга катта хатар бор. Илоннинг бошини вақтида янчмоқ даркор. Наршахни аларнинг қабристонига айлантирамиз. Фармонимизни жарчилар кўшин ва аҳолига эълон қилишсин. Бугундан бошлаб, барча йўллар қаттиқ назорат қилинсин. Бухоро кўчаларида тунда юрган ҳар бир кимса ҳибсга олиниб, сўроққа тортилсин. Махсус ижозатимсиз бирон киши шаҳардан чиқмасин ҳам, кирмасин ҳам.

Энди Наршахни қандай эгаллаш, бу ишга кимни бошлиқ қилиш хусусида ҳар ким ўз фикрини баён этсин. Қўшиннинг ярми бўлмаса ҳам, камроғи Бухорода қоладур.

Хусайн изоҳ бермаса-да, бор кўшинни Наршах устига юбормаётгани сабабини ҳамма тушунди. Аввалига фақат жазо гуруҳлари билан ғалаёнларни бостиришга уринган волий, эндиликда вилоят бошкенти Бухорони исёнчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш чоралари ҳақида бош қотиришга мажбур эди.

Ҳарбий кенгаш анчагача давом этиб, оғир кечди. Турли мулоҳазалар билдирилиб, исёнчиларни бир зарб билан маҳв этиш хусусида режалар тузилди. Режалар зоҳиран бенуқсон туюлса-да, уларни амалга ошириш учун етарли куч топиш мушкул эди. Хуросон ноиби Ҳумайд ибн Қаҳтобанинг фармонида кўра, Хусайн баҳордаёқ Бухородаги халифа қўшинининг бир қисмини Муқанна билан жанг қилаётган саркарда Жунайдага мадад сифатида жўнатди. Аммо Мовароуннаҳрдаги асосий ҳарбий кучларга бошчилик қилаётган Жунайд кетма-кет мағлубиятга учраб, тинимсиз мадад сўраб, волийни безор қилди. Самарқанд волийсидан ёрдам сўраш бефойда. Чунки Сўғд вилоятининг ҳам турли жойларида Муқанна дойилари қутқуси ила исёнлар кўтарилиб, Самарқанд волийси уларни ғоят қийинчилик билан бостираётгани Хусайнга аён.

– Наршахдаги исёнчиларни саркарда Абдуллоҳ яқсон этгай ва бухорхудот Бунёт аскарлари билан унга ёрдам берсин, – хулоса қилди волий. – Биз ҳали йиллик хирож ва Бағдод бозори учун тўпланган қулларни дорулхилофатга жўнатмоғимиз лозим. Самарқанд вилоятидан йиғилган хирож ҳам Бухорода. Фарғона ва Чоч хирожини Муқанна ғасб қилган. Шу тариқа уч баравар камайган Мовароуннаҳр хирожини кўриқлаб боришга сарҳанг Исмоилни уч юз отлик билан тайинлаганмиз. Бироқ йўллар шу қадар нотинчки, саркарда Абдуллоҳ қўл остидаги сарҳанг Наим ибн Саҳл ҳам беш юз отлик билан хирож ва қуллар карвонини то Жайхун соҳилигача кузатиб борсин, деган қарорга келдик.

Зиммасига тушган вазифадан хаёли паришон Абдуллоҳ волийнинг сўзидан бехос қалқиб тушди-ю, дарҳол эътироз билдирди:

– Наршахни қайта эгаллаш учун камина ихтиёрига берилган кучлар шундоқ ҳам кўп эмас. Ундан ҳам беш юз отлик ва яна Наим каби иш кўрган сарҳанг олиб қолинса, аларнинг ўрнини не билан тўлғазамен, ҳазрат?!

Бухорхудот ҳам Абдуллоҳни қўллади:

– Хирож олиб кетиладиган йўл Наршах ёнидан ўтса эканки, оқ кийимлилар ҳужумидан хавфсирасак!

Волий Ҳусайн ибн Маоз саркардаларнинг бу далилларига ён беришдан ўзга чора топмади.

Бешинчи боб

Ҳарбий машварат тугагач, волий девонхонада қарлуқ хоқони Фаллуҳнинг элчисини қабул қилди. Марвга – халифанинг Хуросон ноиби ҳузурига кетаётган элчи ва ҳамроҳлари Бухорога икки кун бурун етиб келишган. Фаллуҳ хоқон Еттисув¹ ва унга туташ ўлкалар ҳукмдори: қарлуқлардан ташқари турғаш, чигил, яғмо, тухси каби туркий қабилалар унга тобеъ.

Мулозим мўйнали пўстин ва қоракўл телпақли элчи билан ҳамроҳларини бошлаб кирди. Ҳусайн чарчаганини билдирмасликка уриниб, виқор билан ўтирар, аъёнлар икки тарафда саф тортишган эди.

Турклар бир неча қадам босиб, таъзим қилишди. Сўнгра қадларини ғоз тутиб, волий ва аъёнларга тик қарашди. Хизматкорлар хоқоннинг совғаларини тахт пойига келтиришди. Волий кўз қирини ташлади. Қуйма олтин, қимматбаҳо мўйналар ва чин матолари совғалар орасида ажралиб турарди. Гулдор чинни идишдаги мушк ҳиди девонхонани тутиб кетди.

Волий таомилга кўра, хоқоннинг соғлиғини сўраб-суриштирди. Элчининг жавобидан сўнг яна сўради:

– Сафарингиз зиён-заҳматсиз ўтдимми? Афсус, шу замонда Мовароуннаҳр жуда нотинч.

– Сафаримиз осойишта кечаётир, – деди элчи кулимсираб. – Улуғ хоқоннинг элчилари эканлигимизни билиб, барча манзилларда кўноқ қилиб, иззат-ҳурмат кўрғазишди.

Ҳусайн алам ва нафратдан билинар-билинимас гижиниб қўйди. Нотинч йўлларда элчиларга бирон зиён-заҳмат етмагани халифа қаламравидаги Мовароуннаҳрни неча йилдан бери ларзага солаётган машъум кўзғолонга Фаллуҳ хоқоннинг ҳам алоқаси борлигидан далолат бермайдими? Волий “хоқоннинг қинғир ишлари бизга маълум”, деб элчиларга заҳрини сочмоқчи бўлди-ю, яна ўзини босди. Ҳозирги вазиятда хоқонга ошқора уруш эълон қилиш ўзини оқламас, боз устига, Ҳусайн бундай салоҳиятга эга эмас. Зеро, Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги бор ҳарбий кучлар оқ кийимлилар кўзғолонини батамом бостириш учун ҳам камлик қилаётир.

Бундан атиги ўн йил бурун Балхаш қўли жанубидаги бепоён Еттисув ўлкасида туркийларнинг турғаш қабиласи ҳукм сурарди. Улар Мовароуннаҳрдаги халифага қарши исёнларни қўллашар, қулай имкон туғилгани ҳамано, Сайхунни кечиб, бостириб киришарди. Урушқоқ турғаш хоқони Сулуга араблар Сузағон деб лақаб қўйишди. Халифалик бахтига турғашларни бошқа бир туркий қabila – қарлуқлар тор-мор келтирди. Шарқий сарҳадлар бир оз тинчиди. Тўғри, қарлуқлар турғашларнинг аксича халифага эл бўлади деб айтиш қийин. Аммо эндиликда халифа саройининг узоқ шарқий сарҳадларга нисбатан сиёсати ўзгарган. Бағдоддан ғозийлар лашкарини юбориб эмас, балки сабр-тоқат билан исломни тарғиб қилиб, Мовароуннаҳрга ёндош ҳудудлардаги қабилаларни ўзларига тобеъ этишга жидду жаҳд қилишарди.

– Ноиб ҳазратлари ўтган йил хоқонга элчилар жўнатиб, уни ва қавмини дини исломга даъват этган эдилар, – деди Ҳусайн. – Диний хизматлар учун бир неча имомлар ҳам юборилмиш эди.

– Биз улуғ хоқоннинг ноибга жавоб мактубини олиб кетаётирмиз. Имомлар соғу саломат. Тароз шаҳрида масжид қуришга ижозат этилган. Исломга кирганлар ва тижорат қарвони билан келган мусулмонлар исломий ибодатларни бажо келтира олулар. Имомлар таъриф-тавсиф қилган ислом бизга ҳар жиҳатдан эзгу дин бўлиб кўринди. Муҳаммад пайғамбар ҳам ўқуш² донишманд зотдур. Биз ҳам ягона худо – Қўқтангрига сиғинамиз. Араблар уни Аллоҳ дейишар экан. Динларимиз орасида унчалик фарқ йўқлиги шундан маълум.

¹ Еттисув – ҳозирги жанубий-шарқий Қозоғистон ва шимолий Қирғизистон ҳудуди.

² Ўқуш – кўп; ғоят.

– Бироқ Мовароуннаҳрдаги туркийлар аксарият исломга ўтишди. Олдин Хурмузга ёки Кўктангрига топинганлар ҳам, алал-оқибат, исломнинг ҳақлигини эътироф қилиб, янглиш эътиқоддан қайтмоқда.

– Бу тўғри, аммо ислом аларга рўшнолик келтирганини ҳали кўрмадик. Бутун Мовароуннаҳрни халифага қарши исёнлар қамраб олмиш. Не ажабки, алар орасинда мусулмонлар доғи кам эмас.

– Алар мусулмон эмас, балки диндан қайтган муртадлар! Чин мусулмон амирал-муслимин ҳазратларига тобеъ бўлишни ўзи учун саодат билур. Исёнларни бостиришга кучимиз етарли, – деди Хусайн зоҳирий ғурур билан. Аммо ўзи ичидан зил кетди. Элчининг волий сўзига ишонқирамагани, халифанинг Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлиги дарз кетганлиги унга аён экани маънодор кулиб турган кўзларидан билинади.

Волий Фаллух хоқоннинг ҳарбий ва сиёсий тадбирларига доир илмоқли саволлар берди-ю, жўяли жавоб ололмади. Элчи обдон пишиқтирилгани, ундан ортиқча гап олиб бўлмаслиги кўриниб турарди.

Элчи ўз карвонига қарлуқ, уйғур ва чин савдогарлари ҳамроҳ эканини айтиб, ҳордиқ чиқариш ва савдо-сотиқ учун бир ҳафта Бухорода қолишга изн сўради.

– Майли, Бухоро бозорларида савдо-сотиқ қилаверинглар, – деди Хусайн. – Аммо бошқа шаҳру кентлар карвонлар учун ёпиқ. Чунки баъзи савдо карвонлари орқали оқ кийимлиларга қурол-яроғ етказиб берилганидан воқиф бўлдик.

Элчиларга ижозат берилгач, аъёнлар тарқалаётиб, хоқон элчисини ўзини ҳаддан ташқари кибрли тутишда айблашарди.

– Бу саҳройи қарлуқлар, халифа эмас, Муқаннага эл бўладур, деб гаров боғлашга ҳозирмен, – деди Абдуллоҳ. Бошқалар бош қимирлатиб ва хитоблар билан унинг сўзини тасдиқлашди. Ташвишли ва ғазабнок қиёфалар орасида волий ёлғиз Бунётнинг сокин чеҳрасидагина пинҳона мамнуният ифодаларини илғади.

“Сайхун ортидаги элдошларининг саркашлигидан хурсанд”, – деб кўнглидан ўтказди у нохушлик билан. Кейин барчага қарата деди:

– Хоқон ўз эли билан ислом динига ўтишга рўйхушлик бермаяпти. Аллоҳ ҳидоят қилмагани ҳеч ким ҳидоят қила олмас. Бир замонлар расулуллоҳ Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам Эрон шоҳи Хусрав Парвезни мусулмонликка даъват этиб, нома йўллаганларида шох такаббурлик ила табаррук мактубни йиртиб ташлаган. Хўш, оқибати не бўлди? Хусравни хотинига ошиқ ўғли Шеруя қатл этди. Эрон давлатидан нима қолди? Тайсафун¹ вайроналарими? Аларни ҳам марҳум халифа Абужаъфар Мансур буздириб, ғишт ва тошларини Бағдод иншоотларига ишлатиб юборди. Бир пайтлар бутун жаҳонга пойтахт бўлиш лофини урган, аммо энг яшнаган даврида йўқликка юз тутган Бобил ва Тайсафун каби шаҳарлар ўрнида Аллоҳнинг инояти ила Бағдод каби буюк ислом шаҳри қад кўтарганига катта ҳикмат бор. Фаллух хоқонни ҳам Хусрав Парвез сингари ҳалоқат кутаётганига имонини комил. Унинг элчиси Марвда – ноиб ҳазратлари хузурида ҳам ўзини шундоқ тутса, гарчанд Қутайба бугун йўқ бўлса-да, халифа ҳазратлари қарлуқларни жиловлаш учун ундан қолишмайдиган бир ислом лашкарбошисини албатта топади.

Олтинчи боб

Волий аъёну саркардалар билан арк дарвозасидан чиқиб, отлиқ соқчилар ҳимоясида шаҳар кўчалари бўйлаб, Пайканд дарвозаси томон йўл олишди. Бағдодга жўнатилаётган карвон Сақматин² кишлоғи ёнида тўпланган эди. Дарвозадан чиққач, отларга шиғов бериб чоптиришди.

Хусайннинг баланд ва ўмровдор арабий отига нақшли эгар остидан зар ёпинчиқ солинган. Волий соқчилари бир хилда пўлат совут ва дубулғалар кийиб, бир тусдаги арабий арғумоқларда елиб боришар, қўлларидаги узун найзалар от туёқларининг ҳаракатига монанд диркилларди. Йўлнинг икки томонида ҳосили йиғиштириб олинган далалар ястанган. Ундан нарида тоқзорлар рутубатли ҳавода қорайиб кўринади.

Шаҳар яқинидаги Сақматинга тезда етиб келишди. Бир неча минг кишилиқ отлиқ қўшин ҳам шу ерда жойлашган. Волий келаётганини пайқашгач, лашкаргоҳда довул

¹ Тайсафун – сосонийлар сулоласи давридаги Эрон давлати пойтахти, ҳозирги Ироқ ҳудудида бўлган.

² Сақматин – ҳозирги Чорбақр.

қоқишди. Аскарлар чодирлардан югуриб чиқиб, йўл-йўлакай қуро-яроғларини тақиб, отлари томон чопишарди. Лашкар кўрик пайтидагидек жанговар сафга тизила бошлади. Волий ва аъёнлар етиб келиши ҳамона суворийлар бараварига сурон кўтаришди. Сўнги кунлардаги нохуш хабарлардан дилхун Ҳусайн лашкарнинг яхши қуро-яроғларини, буйруқ берилса, ҳозирок жангга киришга шайлигини кўнгли тўлиб кузатарди. У жангчиларнинг саломига алик сифатида қўлини кўтариб, боши билан имо қилди. Бунга жавобан аскарлар яна томоқлари йиртилгудек наъра тортишди.

Волий аъёнлар ҳамроҳлигида сафлар олдидан ўтиб, лашкаргоҳнинг нариги чеккасига бориб тўхтади. Бу тарафда очиқ далада икки минг атрофида эркагу аёл бандилар тўпланган, уларни отлиқ ва пиёда соқчилар ўраб олган. Халифа фармонига кўра, пойтахт Бағдодга қул қилиб жўнатилаётган бу бахтиқароларнинг бир қисми Бухоро вилоятидан, қолганлари Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларидан йиғиб келинган. Уч-тўрт йилда бир келадиган бундай фармон ўлка учун бамисли мудҳиш офат. Қул қилиш учун эса баҳона кўп. Хирожу жузьяни вақтида тўламаганлар, мажбурий юмушларни бажаришдан бош тортганлар, ғалаёнларда иштирок қилганлар ва уларнинг бола-чақасига қуллик кишани кийдириларди.

Қуллар ёнида катта қоплар тирбанд аравалар ва халифа саройида қадрланадиган той-той матолар юкланган юзлаб туялар саф тортган. Булар Мовароуннаҳрнинг бир неча вилояти хирожи бўлиб, аҳолини қон қақшатиб йиғиб олинган. Нақшоб вилоятига солиқчилар йўлай олмас, Чоч ва Фарғона вилоятларидан ҳам араблар ҳайдаб чиқарилган. Буларнинг ўрнини қоплаш учун Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чағониён¹ вилоятларидан хирож ортиғи билан йиғиб олинди. Турнақотор йўлга ҳозирланган юзлаб аравалардаги қопларни буғдойга тўлдириш учун баъзи хонадонлар қишдан чиқиб олиш ва уруғлик учун асраган сўнги ғалла захираларидан маҳрум бўлди.

Хирожнинг асосини икки лак² дирҳам қумуш танга ташкил қилар, уларнинг орасида ҳозиргача Бухоро вилоятида муомалада бўлган, исломдан олдинги бухорхудотлар томонидан зарб қилинганлари ҳам учрарди. Улар соф қумушдан бўлгани боис ислом даврида бошқа маъданлар аралаштириб зарб қилинган тангалардан қимматроқ. Кечмиш бухорхудотларнинг тож кийган суратлари нақш қилингани ҳам тангалар қадрини зарра туширмас эди. Бу тангалардаги аждодлари сиймосига кўзи тушганда Бунётнинг юраги орзиқиб кетар, “Мен ҳам мустақил ҳукмдор бўлиб, суратим нақшланган тангалар зарб қилдирадиган кунлар келармикан”, – деган хаёлларга бериларди.

Юз йил бурун, Қутайбадан ҳам илгарироқ Мовароуннаҳрга илк бор бостириб кирган араб саркардаси Убайдуллоҳ урушда ғолиб бўлган ва Бухоро маликаси Қабож хотундан бошқа ўлжалар қатори ўн лак дирҳам товон олган. Бухоронинг ўша даврдаги бойликлари ҳозир эртақдек туюлади. Юз йил давомида Турондан Дамашқ ва Бағдодга ташиб кетилган олтин кумушлар бир ҳайда тўпланса, улардан катта олтин шаҳар қуриб, кўчаларига қумушдан фарш қоплаб чиқса бўлади.

Хирож қарвони билан ўнлаб туяларга ўз молларини юклаган савдогарлар гуруҳи ҳам йўлга ҳозирланган. Улар орасида мовароуннаҳрликлардан ташқари, араб, форс, армани ва яҳудий тожирлар ҳам бўлиб, савдо аҳлига хос тарзда тезда бир-бирлари билан тил топишиб олишган.

Волий от устида бандиларни бамисоли бозорга жўнатиладиган молларни кўздан кечиргандек кузатарди. Катта ёшли эркак бандилар арқон билан бўйнидан боғланиб, арқон учлари бир-бирига уланган. Ёш бола ва ўспиринлар айниқса кўп, уларнинг аксари чорвадор туркий қабилалардан йиғилган. Халифа фармонида бу алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. Турк қавмидан абжир жангчилар етишиб чиқиши халифа саройининг ҳарб ишлари девонига аллақачон аён. Чунки чавандозлик, мерганлик, довюраклик, ҳарбий сафар машаққатларига чидам уларнинг қонида бор. Қуллар бозорга солинишидан олдин халифа қўшини тавочилари турк болаларидан боқса аскар бўладиганини саралаб олишади. Болаларни – энди уларни ғулومлар деб аташади – махсус қароргоҳга элтиб, узлуксиз ҳарбий таълим беришади. Улғайгач, айниқса, қобилиятлилари ўнбоши, кейин юзбоши, айрим бахти қулганлари ҳатто халифа эътиборига сазовор йирик саркар-

¹ Чағониён шаҳри ҳозирги Сурхондарё вилоятидаги Денов ўрнида жойлашган бўлиб, шу номли вилоят маркази бўлган.

² Икки юз минг.

да бўлиб етишади. Ҳозир йиғлаётган бу қулваччалар келажаклари ватанидагидан кўра омадли кечишини билишса, йиғидан тўхтаб, хандон отиб қулишармиди? Келгусида улар ўзлари халифа туғи остида бошқа ўлкаларга зафарли юришлар қилиб, асиру ўлжалар олиб қайтишар. Ҳар бирининг чодирда румлик оқбадан асиралар хизматда бўлар. Чунки халифага хануз тобе бўлмаган, Бағдод билан деярли доимий уруш ҳолатида бўлган сўнги йирик қўшни давлат Рум эди. Рум қайсарининг лашкари ва куч-қудрати халифаникидан кам эмас.

“Румни енгиш ва бўйсундириш учун араблар куч-қудрати ва салоҳиятига турк шиддати ва жанговарлигини қўшиш керак. Шундагина кучлар нисбати бизнинг фойдамизга кескин ўзгаради”, – деб таъкидлашарди халифа саройидаги тажрибали вазир ва сиёсатдонлар.

“Тобе халқлар куч-ғайратини ҳам ўз қудратини юксалтиришга хизмат қилдирган давлат боқий қолур, – кўнглидан ўтказди Ҳусайн. – Турк насли араб шавкатига хизмат қилса, дунёнинг иккинчи ярмини ҳам эгаллашимиз шубҳасиз”.

Тутқунлар волий ва аъёнларга нафрат ва иложсиз ғазаб билан қарашар, улардан шафқат сўраш бефойдалигини билишарди. Бироқ айрим бандилар волий ёнида турган Бунётни таниб жонланишди ва унга томон қўлларини чўзиб, илтижо қила бошладилар.

– Бизни қутқар, молдек ҳайдаб кетишса ҳам, қараб тураверасанми?!

– Бухорхудот деган номинг бор, ахир! Бухоро одамсиз саҳрога айланиб қолса, сен ким бўласен?!

– Бор-будимизни шилиб, хирож тўлашга ҳеч вақо қолдирмаган бўлсалар, бизда нима айб?!

– Лоақал болаларимизни халос эт қўлликдан!

Мовароуннаҳрда кўп йил яшаган волий ҳам улар нима деяётганини тушунди. Зимдан бухорхудотга қаради. Бундай ҳолатларга кўп дуч келган Бунёт ҳар доимгидек ўзини хотиржам тутишга уринса-да, юзи билинар-билимас оқарган, кўзларида хижолат, алам ва ҳаяжон ифодаси бор эди.

– Шовқин кўтаришларига ҳайронсен, – деди Ҳусайн. – Бу ерда ҳам алар қул, Бағдодда ҳам қул бўлишур. Нима фарқи бор? Йўлда ҳаром қотмасалар бўлди, Бағдодда очдан ўлишмайдур.

Бунёт лом-мим демай, отининг бўйнига секин қамчилаб, нари кетди. У бандиларнинг юракни эзувчи дардли илтижолари, мунг ва таъна тўла нигоҳларига бардош беролмади.

Жўнашга буйруқ берилди. Отлиқ аскарлар бандиларни қамчилаб, найза билан ниқтаб-туртиб, подадек ҳайдай бошлашди. Доду фарёд, йиғи-қарғиш овозлари авжига чиқди. Улар ўз юртлари ва яқинларини ортиқ ҳеч қачон кўролмасликларидан оху нола қилишарди. Хотин, бола-чақаларининг ҳоли не кечади? Кимларнинг қўлида қолади? Ерлари бошқалар қўлига ўтадими ё қаровсизликдан янтоқ босиб кетадими?

Алоҳида ҳайдаб кетилаётган ўғил ва қиз болалар бошларига тушган фалокатни тўла англаб етмаган бўлишса-да, кўрқувдан тинмай йиғлашарди. Ҳар куни бир бурда қора нондан бошқа нарса беришмаганидан улар чўпдай озгин, яланг оёқларини базўр кўтариб юришарди. Буни кўрган Ҳусайн: “Ярми тирик етсаям, гўрга эди”, – деб қўйди ўзича.

Озгина юрар-юрмас, видолашгани келган қариндош-уруғларига кўзлари тушган бандилар ерга михлангандек таққа тўхташди. Узоқ қишлоқлардан изма-из келиб, жигарларини сўнги бор кўришга интилган одамларни соқчилар аёвсиз қамчилаб, нари ҳайдашарди. Улар юз-кўзлари аралаш тушаётган қамчиларга қарамай, от оёқлари орасидан эмаклаб ўтиб бўлса-да, бандилар тўпига яқинлашишар, кўзлари олазарак жигарларини излаб, титроқ овозда номларини айтиб чақиршарди. Соч-соқоли эрта оқарган бир мўйсафид ўспиринлар тўпидаги ўз ўғлини таниб, дод солиб юборди:

– Болам, жон болам, илоё бошинг тошдан бўлсин. Бизни, элингни унутма! Жафокаш отангинг сендан ёлғиз ўтинчи шу.

– Унутмаймен, отажон, – деб қичқирди ўспирин. – Онамни, укаларимни асранг. Ортиқ ҳеч бирини қўлликка берманг. Онажонимга айтинг, мени деб қайғурмасин. Арабистондан бўлса ҳам барибир қочиб келамен.

– Онанг тугун қилиб берган эди, болам, – деб ота яқинлаша бошлаган эди, ўғли қичқирди:

– Керак эмас, яқин келманг, отажон, булар уриб ўлдиришади.

Унинг гапи тугамасдан, соқчилардан бири отасининг юзига қамчи солди. Юзида узунасига қонли из пайдо бўлиб, тугун қўлидан тушиб кетди. Кулчалар ер билан битта бўлиб сочилиб, тупроққа қоришди. Отасининг қоқсуяк қўли билан қамчи теккан кўзини ушлаб инграётганини кўрган ўғил қоплондек сакраб, соқчининг найзасига ёпишди. Соқчининг чап қўлидан найза чиқиб кетди. Йигитча найзани икки қўли билан маҳкам ушлаб, зарб билан унинг қорнига санчди. Соқчи бўкириб, отдан ағдарилиб тушди. Аскарлар орасида олағовур кўтарилиб, бир нечаси баравар йигитчага ташланди. Уч-тўрт найза унинг баданини турли жойидан тешиб ўтди. Қонли найзалар суғуриб олинганда, гавдаси қон халқобига оҳиста йиқилди. Боёқиш отанинг фарёди тутқунларнинг ҳам юрагини тешиб ўтди.

– Вой-дод, золимлар боламини ўлдиришди! – Шундай дея у найзалардан ҳам ҳайиқмай, ўзини ўғлининг жасади устига ташлади.

– Қул бўлишни хоҳламаганларнинг жазоси – ўлим!, – деб бақирди карвон қўриқчилари бошлиғи сарҳанг Исмоил. – Буларга қамчи ҳам таъсир этмай қолибдур. Қилич-найзаларни ишга солинг!

Соқчилар яна бир неча бўйсунмасни қилич ва найза тиғи билан ўз қонига белагач, ниҳоят, бандилар тўпи жойидан кўзғалиб, жанубга томон жила бошлади. Фарёд ва қарғиш овозлари тинмас, аммо дарғазаб соқчиларнинг дағдаға ва таҳдидлари остида бирмунча босилиб қолган эди.

Видолашишга келган оломон ҳам ипсиз боғлангандек бандилар изидан борарди. Карвонни қўриқлаб бораётган уч юз отлиқ аскар энди волийга кам кўринди. Туғишганлари ўз юртидан жудо қилиниб, кулликка ҳайдаб кетилаётганини иложсиз ғазаб билан кузатиб турган оломон орасида, албатта, оқ кийимлиларнинг айғоқчилари ўралашиб юрибди. Улар дарҳол бу хабарни сардорларига етказишади. Мустаҳкам қалъани забт этган бу бадкорлар қуллар карвонига ҳужум қилишдан ҳайиқишармиди? Соқчилар сонини кескин ошириш зарур.

Бир тўхтамга келган волий сарҳанглар орасидаги Наим ибн Саҳлга буюрди:

– Сен ҳам аскарларнинг билан карвонга етиб ол. То Пайкандгача бандиларни қўриқлашда мадад қил. Сўнгра шитоб билан ортга қайт!

Еттинчи боб

Шаҳар марказидаги бухорхудот ҳовлиси аркнинг ғарбий деворига яқин. Кенг ҳовли баланд паҳса девор билан қўрғонсифат ўраб олинган, дарвозани қуролли соқчилар қўриқлайди. Бунётнинг хос мулозими қарлуқ хоқони элчисини қўш тавақали дарвозадан эмас, балки қўрғон орқасидаги эшикдан бошлаб кирди. Заррин бўҳчада совға-саломлар кўтариб олган элчи ёлғиз бўлиб, ҳамроҳлари карвонсаройда қолишган. Бухорхудотнинг пинҳоний чорловига элчи дарҳол розилик берди. Афтидан, бундай таклифни кутган бўлса керак, кўзга ташланмаслик учун одмироқ кийиниб, мулозимга эргашди. Кечки пайтга тайинлангани ҳам мулоқотга сирлилиқ бахш этарди. Мулозим ва элчи ҳувиллаган боғни оралаб, яланғочланиб қорайган дарахтлар тагидан ўтишди. Қалин қовжирок барги хазон оёқ остида шағирларди. Баланд ғиштин уйга ҳам серҳашам айвон орқали эмас, бир қарашда кўзга ташланмайдиган ён эшикдан киришди.

Мулозим элчини мўъжаз ҳашамдор хонага бошлади. Хона деворида ранго-ранг нақшлар, тоқчаларда олтин-кумуш буюмлар, ердаги момиқ гилам устига шоҳи, бахмал тўшақлар солиниб, парку болишлар қўйилган. Бухороча зар чопон кийган Бунёт баланд хонтахта ортида чордана қуриб ўтирарди. Унинг либосидан тортиб, мева ва ҳовалар қўйилган қимматбаҳо идиш-товоқларгача шифтга осиглиқ қандилдаги шамлар ёруғида товланарди.

Бухорхудот элчининг саломига бош ирғаб алик олди ва қаршисига ўтиришга ундади. Пахталик қора тўн ва чолвор кийган элчи шоҳи кўрпачага чўккалаб ўтирди. Одатий ҳолаҳвол сўрашдан сўнг, Бунёт: “Олисидаги дўст хабарин карвон келтирар”, дея хоқоннинг қароргоҳи қаердалиги билан қизиқди.

– Улуғ хоқон манзилма-манзил кўчиб юрадурлар, – деди элчи ўнг қўли билан соқоли учини силаркан. – Элимиз подаси ва йилқилари еру кўкка сиғмайду. Бир яйловда ўт-ўлан тугагач, бошқа ерга кўчамиз. Мен сафарга отланганимда улуғ хоқон Или соҳилидаги серўт яйловда қароргоҳ курган эдилар. Ҳозир Балхаш кўли соҳилларида бўлсалар ажабмас. Диёримиздаги Тароз, Суёб, Навокат, Илибалиқ, Барсхон, Болосоғун каби шаҳарларга хоқон кам кўнадурлар. Қиш фаслидагина аларнинг биронтасини қишламоқ учун танлаб, саройда истиқомат қиладурлар. Баҳор келиши билан диққинафас шаҳарни тарк этиб, гуллолалар қийғос очилган дашт сари отланурлар.

Элчи ҳикоясини давом эттирар экан, мулозим чинни кўзадан қумуш қадаҳларга май тўлатиб, таъзим билан олдин Бунётга, сўнгра элчига узатди. Элчига май маъқул бўлди, қадаҳларни дам-бадам тўлатишга тўғри келди. Бунёт мийиғида кулиб сўради:

– Хўш, қимизнинг ўрнини босадурми?

– Нақ учмоҳ¹ ичимлиги экан, бизда фақат хоқон ва хонзодалар ўтовиди бўладур, – деди элчи бўшаган қадаҳни мулозимга узатаркан.

– Ҳаётимиз тамуғ² янглиғ бўлгани учун, учмоҳ яратишнинг ягона воситаси май бўлиб қолди, – деди Бунёт сўлиш олиб.

– Биламиз, сизга қийин, аммо интиқом фурсати яқин. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғдир.

– Ким келтиради ўша ёруғ кунларни? Оқ кийимлиларми?

– Танҳо улар эмас. Бирлик бўлмагани учунгина Қутайба Туронни мағлуб эта олди. Турон бирлашса, уни маҳв эта оладиган куч дунёда йўқ.

“Ўзи мададга муҳтож кимса бирликка чақирар экан-да, – кўнглидан кечарди Бунётнинг. – Турғаш хоқони халифага қарши курашаётганда қарлуқлар орқадан хиёнаткорона зарба бериб, уни маҳв этишди. Энди эса туркийлараро иттифоқ зарурлиги ҳақида бонг уришмоқда. Нега шуни илгарироқ ўйлашмади? Турғашлар ва қарлуқлар бир-бирларини қириш ўрнига, ўз вақтида иттифоқ тузишганида, Мовароуннаҳр аллақачон озод этилмасмиди? Буюк турк хоқонлиги парчаланиб кетгач, туркий қабилаларнинг деярли ҳар бири ўз бошига бир хонлик тиклаб олди. Оқибатда туркнинг боши низолару кулфатдан чиқмаяпти. Араблар эса ягона давлатга бирлашган. Мана, уларнинг куч-қудрат манбаи қаерда!” Бунёт ўйларини сиртига чиқармасдан, элчига деди:

– Лекин ўша бирлик ҳозир ҳам йўқ-ку. Мана, Фаллух хоқон сени Хуросон ноибига элчи қилиб жўнатибдур. Халифа ва ноиби билан ҳар қанақа тинч муносабатларга чек қўйиб, ёлғиз қилич тили билан сўзлашса бўлмайдимми хоқон?

– Элчи жўнатмоқ хоқонларга қадимдан одат. Улуғ хоқон доимо турк улуси ҳақида қайғурадилар.

– Хоқон менинг ўзимга қарата бирон гап-сўз айтмадимми сенга?

– Айтди, лекин бу ниҳоятда махфий гап.

– Айтавер, шу боис сен билан холи гаплашяпмен-да!

– Хоқон халифага қарши курашда сизнинг кўмагингизни истайдур.

Орага жимлик чўқди. Май таъсири ва ҳаяжондан юзлари қизарган элчи Бунётга тик қараб жавоб кутарди. Бухорхудотни эса унинг сўзлари ўйлатиб қўйди: “Мовароуннаҳр озодлиги! Бу сўзларда, албатта, туман-туман кишиларнинг армони акс этган. Бундан хоқоннинг ҳам, Муқаннинг ҳам кўзлаган мақсади борлиги, шубҳасиз. Мендан ҳар иккаласи мадад сўрамоқда. Бироқ менинг ҳам ўз мақсадим бор-ку! Мовароуннаҳр тожу тахтига бўлган ҳаққим аларникидан ортиқдир!”

– Бу ишда қандай ёрдам беришим мумкин?, – деди Бунёт дудмаллик билан. – Бухорхудот бўлсам-да, кажрав фалакнинг гардиши билан халифа волиисининг хизматқори даражасига тушиб қолганмен.

– Сиз қадимий сулолага мансубсиз ва аҳоли орасида мавқеингиз баланд. Ўз мулкингиз учун курашга кўзғалсангиз, тарафдорлар бисёр. Ғалабадан сўнг бобомерос мулкингиз Бухорода шоҳ бўлурсиз.

Пинҳоний ўй-ниятларига, дили тубида ҳамиша ардоқлаб юрадиган армонларига ҳамоҳанг бу сўзлар Бунётни жунбушга келтирди. Бироқ бухорхудот ҳаяжонини босди. Мовароуннаҳр – фақат Бухоро дегани эмас. Ғалабадан сўнг бошқалар ундан каттароқ

¹ Учмоҳ – жаннат.

² Тамуғ – дўзах.

улуш олишса, бу адолатдан бўлурми?

– Мовароуннаҳрда Бухородан бошқа вилоятлар ҳам кўп. Бир нечтаси аллақачон оқ кийимлилар кўлига ўтди. Аларнинг йўлбошчиси Муқанна халифа саркардаларини кетмакет мағлуб этаётир. Турган гапки, хоқон ва Муқанна ўртасида ҳам қандайдир музокаралар олиб борилмоқда.

Энди элчи ўйга чўмди. Пешонаси билинар-билинемас тиришди. Май сунмоқчи бўлган мулозимга кўли билан “етар” ишорасини қилди. Соқолини силаб, салмоқлаб гапира бошлади:

– Ой тўлин бўлса, илигин имламас¹. Қамуғ² турк элларида Муқанна улуғ эр сифатида от қозонди. Халифага қарши курашнинг йўлбошчиси у! Шу боис, у билан келишиб, иттифоқликда ҳаракат қилишимиз лозим. Турон улуғлари бир-бирларига рақиб эмас, балки иттифоқчи бўлсаларгина кураш ғалаба келтирарлик кўлам касб этадур.

– Бинобарин, иттифоқчилар бир-бирларидан режаларини махфий тутмасликлари лозим. Муқаннанинг элчиси хоқон ўрдасида бўлганидан хабарим бор, аммо алар не хусусда музокаралар олиб боришгани менга маълум эмас.

– Халифага қарши бирга курашиш хусусида иттифоқ тузилди. Бундан ташқари, Муқанна ўз элчиси орқали хоқонимизни уйғур хоқони Идиғон билан ярашишга чақирди. “Қарлуқлар ва уйғурлар орасидаги низолар душманлар тегирмонига сув қуядур”, – деди у. Унинг воситаси билан икки ўртада сулҳ тузилди.

– Ўҳ-хў, Муқаннанинг обрўси Мовароуннаҳрдан ташқарида ҳам зўр-ку, – деди Бунёт ҳасади келгандек кесатиқ билан. – У уйғур хоқонидан ҳам мадад сўрашни эсидан чиқармагандир.

– Бундан воқиф эмасмиз. Аммо хоқон Идиғоннинг мадад бергулик ҳоли йўқ. Хитойлар билан урушда уйғурлар кўп талафот кўрди.

– Фаллух хоқон шу пайтгача Муқаннага не мадад кўрсатди?

– Чоч тудуни³ оқ байроқ кўтариб, Муқаннага издош бўлганида хоқон сарҳаддаги бу вилоятга бир бўлук отлик жўнатди. Тудун арабларни вилоятдан қувиб чиқариб, Муқаннага тобелик изҳор қилди. Муқанна Чочга халифа оладиганидан икки баравар кам хирож белгилади. Тудун шу хирожни тўлаб, маълум миқдорда аскарый мадад бериб турса бас. Бошқа барча ишларда у мустақилдир. Фарғонанинг қадим шоҳлари хонадонидан ҳеч ким қолмагани учун бу вилоятни Муқанна саркардаси бошқаради. Усрушана⁴ ҳам оқ кийимлилар қўл остида.

– Ҳа, Муқаннанинг иштаҳаси карнай. Чағониён ҳам унинг кўлига кирай деб турибди. Бу вилоятларни у биров билан бўлишмаса кераг-ов! Хоқон ўз мадади учун нимага эга бўлди?

– Чоч шимолидаги даштларда эркин кўчиб юрадиган бўлдик. Вилоят ҳунармандлари ясаган буюмларнинг бари олдингидек Бағдодга олиб кетилмасдан, катта қисми савдогарлар орқали бизга чиқариладиган бўлди. Ахир, қадимдан ҳар туркнинг чочий камони ва отида чочий эгар бўлган. Бошқа жойда бунақасини яшашмайдур. Энг улкан ютуқ эса Туронзаминнинг яна бир вилояти истибоддан халос бўлганидир.

– Аммо менинг халифадан қутулиб, Муқаннага тутилиш учун курашга қўшилиш ниятим йўқ.

– Такрор айтаменки, сизни тенгма-тенг иттифоқчи сифатидагина курашга даъват этмоқдамиз. Чоч тудунининг аждодларини бир пайтлар турк хоқони Истами тайинлаган. Сизнинг сулолангиз эса асл ва қадимийдир. Бироқ эл эркли бўлсагина, эр тахтли бўлур. Бобомерос тожу тахтга ҳаққингиз борлигини исботлаш фурсати келди. Сиз ошкора кураш йўлига ўтсангиз, халифанинг Мовароуннаҳрдаги ҳокимияти батамом дарз кетадур.

Бироқ мулоҳазакор Бунёт ҳали бундай фурсат етди, деб ўйламасди. Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Чағониёнда араблар етарли ҳарбий кучга эга. Бу шаҳарлар кўзғолончилар тарафидан эгаллансагина, Мовароуннаҳрнинг озодлик тонги отди, дейиш мумкин.

¹ Тўлин ой қўл билан кўрсатилмайди.

² Қамуғ – барча, ҳамма.

³ Тудун – Чоч (Шош) вилояти ҳокимлари сулоласи унвони. Туркий “тутмоқ” сўзи билан ўзакдош.

⁴ Усрушана – Ҳозирги Тожикистондаги Ўратепа тумани ва унга ёндош ҳудудларни ўз ичига олган вилоят.

– Мен, албатта, хоқонга ва Муқаннага содиқ иттифоқчимен, – деди Бунёт унинг бадгумонлигидан ранжигандек бошини қуйи солиб ўтирган элчига. – Ҳозирча ёғийнинг ишончидан фойдаланиб, унинг сир-асроридан, айниқса, ҳарбий режаларидан дўстларимизни воқиф қилиб турамен. Мақбул фурсат келгани ҳамано, ошқора кураш йўлига ўтамен. Акс ҳолда, кўк кирсин, қизил чиқсин!

Гарчанд иттифоқлик шартлари қоғозга ёзилиб, муҳр босилмаган бўлса-да, бухорхудо-дотнинг қадим туркий удумга кўра: “Агар аҳдимга хиёнат қилсам, тиг танимга кўк кириб, қонга беланиб, қизил чиқсин”, дея қасам ичиши элчига етарли эди.

– Тил тугмишин тиш язмас¹, – деди у хоқон томонидан зиммасига юклатилган катта юмушлардан бирини адо этганидан мамнун ҳолда.

Элчи ва уни кузатиш учун чиққан мулозим хонани тарк этгач, Бунёт кўза тагидаги майни қадаҳга қуйиб сипқорди-да, гоҳ аламли, гоҳ сархуш хаёлларга берилди. Нотинч ўйлар алмашинувига қараб, унинг юз ифодаси ҳам дам-бадам ўзгарарди.

Даҳлизда енгил қадам товушлари эшитилди ва эшик унсиз очилиб, ҳарир либосларга бурканган бир париваш кирди. У Бунётнинг хотини, Ҳусайннинг синглиси Хадича эди. У ҳамон жойида ўтирган эрига салом берди-да, эгилиб таъзим қилди. Эгилганида қимматбаҳо тақинчоқлари шалдираб кетди. Хадича киргач, унинг ял-ял ёнаётган зар либослари ва турли рангда товланаётган ялтироқ тақинчоқларидан хона янада чароғон бўлиб кетгандек туюлди. Атир ҳиди гуркираб, ҳатто май исини босиб кетди. Бунётнинг ҳамма ташвишлари бир зумда ғойиб бўлди. У соҳибжамол хотинига гўё биринчи бор кўраётгандек ҳайрат билан қараб турарди. Хадича сарвқомат, сийналари дуркун, оқиш юзидаги қай бир жиҳатлар билан акаси Ҳусайнга ўхшаб кетарди. Лекин Ҳусайннинг нигоҳи доимо совуқ ва шубҳали бўлса, буники латиф ва мулойим эди. Кенг этаги товонига тушиб турган гулдор оқ ипак кўйлак устидан кийган заррин нимчаси белини ва сийнасини сириб турарди. Бошида тиллақош ва бухороча зар дўппи, қизғиш-қора сочларига эса заркокиллар тақилган. Эрининг ҳам ҳайрат, ҳам савол назари билан қараб турганини кўриб, инжу тишларини кўрсатиб жилмайди:

– Маъзур тутинг, хўжам, ҳузурингизга беижозат кирдим. Мажусий элчи келиб-кетганини эшитиб, жуда қизиқдим. Қарасам, ҳали ухламагансиз.

Бунёт унинг махфий учрашувни сезганидан ҳадиксиради.

– Ҳа, бугун хоқон элчиси билан бир оз суҳбатлашдим.

– Қизиқ гаплар айтгандир, қайси юртдан келибдур? Ўшал юртнинг қандай фаройиботлари бор экан?

“Оббо, бу бир нарсанинг тагига етдимикан, – ташвиш билан ўйлади Бунёт. – Акасига гуллаб қўймасин-да”.

Лекин Хадичанинг юзида шубҳа аломатлари кўринмас, ёлғиз қизиқиш ифодаси зоҳир эди.

– Элчининг ўз мамлакати ҳақидаги ҳикоясини, сафардаги саргузаштларини тингладим, – деди Бунёт. – Аларнинг юрти Хитойга яқин. Бир қанча камёб буюмлар олиб келибдур. Сенга ҳам хитойи либослар совға қилди.

У элчи қолдирган зар бўхчани олиб, хотинига узатди. Чиний либослар дарагини эшитиб, Хадичанинг ҳеч бир аёл мустасно бўлмаган буюм ва безакларга шавқи уйғониб, бошқа ҳамма нарсани унутди. Бўхчани очиб, совғаларни кийиб кўриб, ўзига қанчалик ярашганини билиш учун канизаклар олдига югурди.

Ярим кўчманчи эл бўлмиш қарлуқлар диёри ҳақида хотинига сўзлаб бериш мажбуриятидан қутулган Бунёт яна ўз ўйларига берилди. Уйқуси келмас, ора-сира кўзи илинганда ҳам катта қўшинни бошлаб бораётгани, арқдаги тахтда ўтириб, сулҳ истаб келган халифа элчисини қабул қилаётгани каби манзараларни кўрар, ноҳос ниқоб кийган бир кимса пайдо бўлиб, уни тахтдан тортиб туширмоқчи бўлганида, чўчиб тушарди.

Бухорхудо тонг саҳарда сафар кийимларини кийди. Кўнглида турли ўй-ҳислар ғужгон ўйнар, Бухорода қолгиси келмас, бутун борлиғи Варахша томон талпинарди. У ҳовлига чиққанда, буйруқ олган бир гуруҳ навкарлар отланишиб, жўнашга шай бўлиб турарди.

Бунёт хотини билан хайрлашиш учун ичкари хонага кирди. Хадича аллақачон чин либосларини кийиб, тўй кечасидаги келинчақдек ясаниб олган. Эрининг бир неча кунга

¹ Тил билан боғланган тиш билан ечилмас.

Варахшага кетаётганини эшитиб: “Мен ҳам ўғлим билан борайми, хўжам” – деди эркаланиб.

Беш ёшлардаги ўғли Холид уйғониб, югуриб келиб, дадасининг тиззасини кучоқлади.

– Ҳали сизлар учун уйлар битмаган, – деди Бунёт ўғлини эркаларкан. – Мен қурилиш ишларини кўздан кечириб қайтурмен.

– Сарой бўлиши шарт эмас-ку, чодирда ҳам яшайверамиз.

– Ҳозир хавфли, ҳамма ёқда оқ кийимлилар изғиб юрибди.

– Сиз билан бирга бўлсам алардан қўрқармидим, – деди Хадича эри унамаётганидан йиғлагудек бўлиб.

– Бўпти, кейинги гал борурсен, – деди Бунёт бошқа баҳона тополмай. – Унгача сизлар учун бир уйни ҳозирлатиб қўямен.

Бунёт навкарлари билан шаҳар дарвозасидан чиқди ва Варахша йўлидан отларини елдириб кета бошладилар. Йўлнинг икки чеккасида қишлоқлар қорайиб кўринади. Ҳосили йиғиштириб олинган далага моллар ёйилган. Йўл сокин бўлиб, унда-бунда бозор-ўчар учун шаҳарга келаётган, эшак ва от қўшилган араваларга узум, сабзи-пиёз тўла саватлар ёки пахта тўлдирилган қанорларни юклаб олган деҳқонлар кўринади.

Ваҳоланки, бир пайтлар бу қадимий савдо йўлидан карвонлар кети узилмай турнақатор қатнаган. Бу йўл Варахшадан ўтиб, Қизилқумни кесиб Хоразмгача борарди. Хазар ва Булғор тожирлари ҳам Мовароуннаҳрга шу йўлдан келарди. Араблар босқинидан сўнг қатнов тўхтаб, қудуқлар ва карвонсаройларни қум босди. Хароб ҳолга келган ва тамом унутилиб кетаёзган бу кўҳна йўлнинг Варахшагача бўлган қисми Бунётнинг шарофати билан сўнги йилларда қайта тикланган эди.

Саккизинчи боб

Отларни шиғаб чоптириб, йўлдаги қишлоқлар хос отхоналарида алмаштириб, бухорхудот ва ҳамроҳлари Варахшага ботаётган куёшнинг қизғиш нурлари кўҳна шаҳар харобаларини чулғаб олган пайтда етиб келишди. Шафақ ёғдусининг ранги уфқ ва теваракка кўчган, ўрқач-ўрқач қумтепалар шабадада тебраниб, тўрт томондан қонли тўлқинлар оқиб келаётгандай. Қип-қизил сахро ўртасидаги вайрона шаҳар манзараси маҳзун кайфият бағишлайди. Яқин йиллар мобайнида бу ерда одам зоти кўринмас, унутилаётган маконни қабристон сукунати қоплаганди. Ваҳоланки, ўтмишда бу ерда гавжум ва қайноқ ҳаёт жўш урган. Бухорхудотларнинг ёзги истиқоматгоҳи бўлмиш Варахшада муҳташам сарой ва қўшқлар қад кўтарган. Уларда Бухоро ҳукмдорлари зеб-зийнатга кўмилиб, айш-ишратга берилиб умргузаронлик қилишган. Лекин қадимий шаҳарни бешафқат Қутайба лашкари ер билан яқсон қилди. Улуғвор сарой ва қасрлар билан бирга ерли халқнинг ғурури ва ўз қудратига ишончини ҳам яқсон қилиш учун бузиб, ўт қўйишди. Бир пайтлар ранг-баранг тасвирлар ва нақшлар билан безалган, тўрига мунаққаш олтин тахт қўйилган серустан ва маҳобатли айвон нураб ётибди. Унда-бунда бутун қолган девор ва устунларнинг ҳам расм ва нақшлари қилич ва ханжарлар билан қиртишлаб ташланган. Атрофда катта-кичик девор бўлаклари, ўймакор нақшли устун парчалари, чорси ғишт синиқлари. Улар бузилган иншоотларнинг нақадар гўзал ва улуғворлигидан ривоят сўйлайди.

Бунёт Варахшани қайта тиклашга жазм этди. Ишни бухорхудотларнинг қадимий саройини таъмир этишдан бошламоқчи бўлди. Аммо олдингидек улкан иморат бунёд этишга қурби етмаганидан вайроналар ёнида кичикроқ сарой қурдира бошлади. Ўтмишда Варахша тумани ўн иккита катта ариқдан сув ичган. Бунёт кўмилиб қолган бу ариқлардан бирини қаздириб, сув келтирди. Қуриб қолган эски боғ ўрнида ёш ниҳоллар эктирди. Ҳали улар ҳосилга кириб улгурмаган. Сахрога таслим бўлаёзган, тулки ва чиябўрилар маконига айланган вайроналар орасида яна обод замин пайдо бўлди. Калхат ва бойқушлар чекиниб, булбул ва қалдирғочларнинг ёқимли сайрашлари эшитила бошлади. Араблар босқинидан ҳалокатга юз тутган Варахша Бунётнинг бунёдкорлик ишлари натижасида секин-аста қайта тирилмоқда эди. Бу унинг аҳоли ўртасида обрўси ошиб, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлишига олиб келди. Тоғшода ва арабларга югурдак бўлган сўнги аждодларига нисбатан унга бошқача кўз билан қарашарди.

Янги қаср битгунича яшаб туриш учун чеккароқда бир қанча уйлар қурилган. Боғ адоғида қоровулхона жойлашган бўлиб, унинг ингичка минораси найзадай кўкка санчилган.

Отлиқлар етиб келгач, ҳовлидан хизматкорлар югуриб чиқиб, отларнинг жиловидан олишди. Бедовларни совутиб, суғоришгач, узун қилиб солинган отхонага олиб кириб боғлашди.

Бунёт ясси томли шинам уйга кирди. Уйга гулдор гилам ва тўшаклар солинган, девориға сўзаналар, ранг-баранг нақшли қалқонлар илинган. Ҳар бир буюм араблар истилосидан олдинги бухорхудотлар саройидагидек. Хонанинг боғ томон даричалари очиқ. Салқин куз шабадаси қуриган чўл гиёҳлари исини уфуради. Бунёт йўл кийимларини ечиб, енгил кийиниб олди. У Бухорода араблар кўз ўнгида намоз ўқиб, мусулмонлик одатларига риоя қилса-да, Варахшада ўзини эркин сезарди. Хизматкор ва навкарлар орасида араблар йўқ, ҳаммаси ўзига содиқ. Улардан бошқа боғбонлар, деҳқонлар, меъмор урувчилар яшар, Бунётнинг режасига кўра Варахшани обод қилишарди.

Бунёт шам ёқилган чароғон хонада ҳордиқ чиқариш учун чолғучиларни чақиртирган ҳам эдики, таъзим қилиб мулозим кирди:

– Ҳазрат, йўлдан чарчаб келганингизни айтсам ҳам, кўришмасам бўлмайди деб, анавиларнинг чопари хиралик қияпти.

Бунёт сергак тортиб, деди:

– Бошлаб келавер. Шу учрашувга ошиқиб, елиб келдик. Чолғучилар кута туришсин.

Кўп ўтмай, мулозим эгнига бошдан-оёқ бўздан либос кийган, ўсиқ сочларини оқ боғич билан танғиб олган бир кимсани бошлаб кирди. Қалин қошлари тағидаги кўзлари киртайган ва ҳорғин кўринса-да, аммо ёлқинли ва маънодор нигоҳ билан қараб турган оқ кийимли енгил таъзим қилди, сўнгра қаддини ғоз тутиб турди.

– Хўш, не хабар келтирдинг? – сўради Бунёт.

– Наршахни мустақамлаяпмиз, – деди чопар, у қўзғолончиларнинг вакили эди, – бироқ бизда қурол-яроғ кам. Бу хусусда сиздан умидимиз катта.

– Уч юзта қилич ва шунча қалқон, яна юзта найза бера оламен. Кейинроқ яна иложини қилармиз.

– Ташаккур, ҳазрат. Яна, волий бандиларни Бағдод сари жўнатган эмиш. Аларни қўриқлаб бораётган соқчилар сонини билиш ниҳоятда зарур. Шу тундаёқ етказмоғим лозим бу маълумотни.

– Бунинг бирон наф бериши амримаҳол, – деди Бунёт ишончсизлик билан бош чайқаб. – Пайкандгача хирож юкланган туялар карвони ва бандиларни қарийб саккиз юз отлиқ кўриб борадур. Ундан нарига соқчилар сони уч юз атрофида бўлур. Лекин у ёғи Наршахдан анча узоқ.

Чопар ўйга чўмди. Бунётдан эшитган хабарини мулоҳаза қиларди. Ниҳоят, бир тўхтамга келгандек, бухорхудотга юзланди:

– Яёв бандилар, соқчилар ҳар қанча қамчиламасинлар, отдан тез юролмайдилар. Карвонни қувиб етса бўладур. Фақат бизда отлар кам. Сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз.

Бунёт бир оз жим қолди. Назарида чопар ҳаддидан ошаётган эди. Тўғри, отхонасида юзлаб зотдор отлар қантариғлиқ туради. Қизилқум яйловларида уюр-уюр йилқилари бор. Лекин уларни ҳар кимсага тортиқ қилаверадими? Отлиқ аскарлар сонини тездан ошириш зарур бўлса, асқотиб қолади ҳали бу аргумоқлар.

– Мен от беролмаймен, – деди Бунёт. – Сизларга тўғри маълумотни айтдим. Буёғи ўзларингга ҳавола.

– Начора, бор отлар билан кифояланамиз.

– Ҳа, яна, сардорларингга етказ: Ҳаким, Ҳашвий ва Ғирдакнинг – ҳар бирининг бошига ўн минг дирҳам ваъда қилишган. Бошларига эҳтиёт бўлишсин.

– Жуда арзон баҳолашибди, – деди чопар.

Чопар кетгач, бир неча мулозимлар киришди ва майхўрлик мажлиси бошланди. Со-занда ва мутриблар бор маҳоратларини ишга солишди. Туркий, сўғдий қўшиқлар янгради. Борбад ва бошқа машхур муғаннийларнинг куйларини эшитишди. Бўшаган кўзалар омбордаги каттакон хумлардан тўлатиб келтирилди. Бундай хушчақчақ базмни Варахша кўрмаганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган эди. Бу базмдан ўн чандон гўзалроқ

ва фаровонроқ мажлислар тузган ўтмиш тождорларнинг жасадлари шу атрофда тупроқ остида чириб ётарди.

Ярим кечадан ошганда машшоқлар соз чалишди ва ҳофизлар Сиёвушнинг ўлими ҳақидаги қадимий, лекин ҳозиргина рўй берган мотамдек юракни эзадиган ашулани бошладилар. Қалби куйга қўшилиб инграб юборган Бунёт бўшаган қадахни ерга қўйди. Соқий қадахни дарҳол тўлатса ҳам, бухорхудот қўл чўзмади. Қайғули ашула ва фарёдди куйнинг азобловчи оҳанги уни банди этди. Куй тугагач, у қўл ишораси билан ҳаммага хонани тарк этишни буюрди. Бу дарду аламга тўла мунгли куй Сиёвушга эмас, ўзига атаб яратилгандай эди.

“Сиёвуш ҳаёт гули очилмай, навқиронлигида хазон бўлиб, дилда армон билан дунёдан кетган. Ниҳоят фоже қисмат. Менга тақдир янада кўп ситамларни раво кўрди. Туққан ерда туғим тик турмаса, бухорхудотлик унвонидан не фойда? Улки ўзга юртда ўлдирилди, мен эсам ўз юртимда ёв қўлида асирмен. Қафас олтиндан бўлса доғи, қафас-ку! Наҳот Сиёвуш қисмати менинг ҳам бошимга тушса...

Иўқ, йўқ... Ниҳоят, долғали замонлар бошланди. Кўнглимда умид ғунчалари чечак ёзди. Дилимдаги қат-қат армонлар рўёбга чиққуси. Фоже қисмат эмас, буюк истиқбол, сўнмас шон-шухрат, олтин тожу тахт кутмоқда мени! Бунинг учун оқ кийимлилар билан иттифоқ тузишга тўғри келса-да, бу – муваққат чора. Чунки ҳозир мингга етар-етмас сарбозим бор, холос. Аммо тахтни эгаллаб, катта қўшин тузсам, оқ кийимлиларга ҳожат қолмайду”.

Маст Бунётни хизматкорлар қўлтиғидан суяб, ётоқхонага элтиб ётқизишди. У эртаси кун ёйилгунча ухлади. Уйқудан туриб, бош оғриғини ёйиш учун табиб берган кичкина шишадаги суюқликдан бир-икки хўплаб, афтини буриштирди. Бу бадмаза дори ва кеча ичилган май таъми орасида ер билан осмонча фарқ бор эди назарида.

Бухорхудот салқин куз ҳавосидан тўйиб нафас олиш учун боққа чиқди. Юзига, кўкрагига муздек шабада келиб урилари. Атрофга шудрингдан кумушранг пояндоз тўшалган, кувешнинг илиқ нурларидан еру кўк нуқрадек майин товланарди. Бунёт ариқ бўйида бир оз сайр қилди. Совуқ сувга юз-кўллари чаиди. Бошининг ғувиллаши тиниб, енгил тортди. Кўзи равшанлашиб, узоқларга тикилди. Боғ деворининг орти ҳали чўл. Собиқ далалар қаровсизликдан қум остида қолиб кетган. Ёйсимон барханлар орасида ярим кўмилган карвон йўли кўзга чалинади. Бу Варахша орқали Хоразмга борадиган йўл бўлиб, кўп йиллардан бери унда карвон қўнғирогининг садоси эшитилмайди. Унинг икки чеккасидаги работ ва қўнимгоҳлар ярмигача қумга кўмилган, аксарияти чўл йиртқиқлари макони.

Бухорхудот ҳазин манзарадан диққатини чалғитиш учун боғдаги ниҳоллар, ариқда арқондай эшилиб оқаётган зилол сувга тикилди. Бепоён ваҳший чўлнинг кафтдек ерида бўлса ҳам, ҳаёт булоғи кўз очди. Босқинчилар отлари туёғи остида топталиб, минг йиллик ҳаёт шами сўнган замин қайта жонланаётганини ҳис қилиб, Бунётнинг кўнгли ғурурга тўлди: “Ҳали қуриб, кўмилиб кетган барча ариқ ва анҳорларни тозалаттирамен. Қадимий экинзорларни қаричма-қарич бўлса ҳам, қум чангалидан тортиб олдирурмен. Карвон йўли ҳам тикланажак. Яна дунёнинг турли гўшаларидан тижорат ва зиёрат учун бу ерга одамлар оқиб келишур. Табиб дори-дармонлар билан умидсиз беморни даволаб, дардидан фориг қилганидек, қум остида қолган Варахшани қайта яшнатурмен. Мангу Бухоро ила ёнма-ён Варахша ҳам тоабат гуллаб-яшнагай. Борлиқ оламни кувешсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, оининг лузумиятини ҳам инкор этиб бўлмас. Ривоятлар Бухорони хоқон Қарожуриннинг ўғли буюк турк шаҳзодаси Эларслон бино қилганидан сўйлаюр. Инчунин, халифа ҳукмронлиги бу ерда муваққат. Турк бунёд этган шаҳар тоабат туркники бўлур!”

У янги қурилган биноларнинг пардозланаётган хоналарини кўздан кечириш учун боғнинг қуйи томонига юрди. Боққа туташ харобаларнинг яроқли қисми унинг буйруғи билан таъмирланмоқда. Катта толорнинг деворига ҳатто нақш ва расмлар солиб улғуришибди. Бунёт одамлар, шер ва охулар, афсонавий махлуқлар тасвирини солишни буюрганди. Волий одамлари бош суқсалар, деворларга парда тортиб қўйиш мумкин. Бунёт Варахшада ҳамма-ҳаммаси қадимий бухорхудотлар давридагидек бўлишини истарди.

Яна бир хонага кирганда ўрта бўйли, нозикқомат, ингичка мўйловли мусаввир Замон ўз шогирдлари билан ишламоқда эди. У эски деворда узук-юлуқ изи қолган

жанг саҳнасини қайта тикламоқда. Ерда кичик идишларда оқ, зангор, қизил, нилий ва бошқа хил бўёқлар қўйилган, мусаввир гоҳ униси, гоҳ бунисига мўйқаламини ботириб, сўнг деворга суркарди. Суворий тасвири тугай деб қолган. Унинг кийими, қуроллари сўғдча бўлиб, башанг либослари, баланд, узун ёлли ва сағриси текис отига солинган зийнатли анжомлар зодагонлар табақасига мансублигини билдирарди. Буғдойранг чеҳраси ва ёлқинли кўзларида шижоат ва ғурур, ўз биллак кучи ва юрак ўтига ишонч акс этарди.

“Ҳа, у пайтларда жангчилар ҳам ўзгача бўлишган, – алам билан кўнглидан ўтказди Бунёт тасвирни кўздан кечираркан. – Ҳар бири ўзини қушдек эркин, йўлбарсдек кучли ва мағрур сезишган. Ҳозир эса бухорхудот бўла туриб, мен ўзимни қаноти синган қушдек хис этмоқдамен”.

У мусаввирнинг бошқа ишларини ҳам томоша қилди. Замон ярим ўчган расмларга қараб, одам ва ҳайвонларнинг сувратини чизишни ўрганар, хийла кўли келишиб қолгани билинарди. Лекин қадимий расмларга нисбатан ҳали заифроқ. Бу бўёқ тайёрлаш ишларида ҳам сезилар, қадимги тасвирлар парчалари гўёким ҳозиргина тугатилгандек фавқуллодда ёрқин кўринса, Замон бир неча кун аввал чизган суратлар ул асрий тасвирлар олдида хира тортиб қолгандек эди. Бундан ўзининг ҳам кўнгли тўлмасди. Бухорхудот диққат билан кузатаётганини пайқаб, ўтмиш мусаввирларидан кўра иқтидори камлигини тан олди:

– Кечмиш мусаввирлари кўп сирларни ўзлари билан олиб кетишган, хўжам. Мен аларнинг бор санъатини тўла англаш ва эгалламоқдан ожизмен. Ҳақиқатни айтганда, аларнинг нўноқ шоғирдимен, холос.

– Алар энди тирилиб келиб, сенга ўргатишолмайдур, – деди Бунёт. – Сен шу омон қолган узук-юлуқ, шикаста тасвирлардан ўрган иложи борича. То, бу қадимий санъат исиз йўқолиб кетмагай. Сен туфайли қай бир даражада келгуси авлодларга ўтса бас, сен тагига етолмаган сирларни алар идрок қилиб, ўз фанида устоз бўларлар.

– Хўжам, мен шунга ҳайронмен, – деди Замон суҳбатни давом эттиришга иштиёқи бордай. – Араблар фатҳ қилинган барча юртларда ерли халқ ёзувини, санъатини, илмини, уларга қўшиб, мусаввир, битикчи ва олимларини йўқотишга зўр беришгани маълум. Лекин ўзлари ҳатто исломгача бўлган жоҳилия даври ривоятларини унутмайдилар. Мен кўплаб арабларни кўрдимки, алар ўша давр бадавий шоирларининг шеър ва дostonларини ёддан билурлар.

– Ҳар жиҳатдан мулоҳаза қилинса, нисбатан кам сонли арабларнинг ўзлари бўйсундирган бошқа халқлар орасига сингиб, йўқолиб кетмаганликлари сабаблари ойдинлашади, – деди унга жавобан Бунёт. – Алар ўз ёзув ва тилларини сақлабгина қолмай, турли воситалар билан бошқа халқлар орасида ҳам ёймоқдаларки, бунинг натижасида араб тили мислсиз мавқега эришди. Лекин омонат дунёда халифа салтанати ҳам абадий эмас. Тун кетидан кун келганидек, ҳар қанақа узоқ истибдоддан сўнг истиқлол юз кўрсатиши муқаррар. Балки биз унинг остонасида тургандирмиз. Илло, араблар ҳукмронлиги остида ҳам, иложи борича азалий урф-одатларнинг мақбулларини ва она тилимизни сақлашга ҳаракат қилмоқ керак. Акс ҳолда, Турон халқи ўзлигидан жудо бўлурки, бу асорати жисмоний ўлимдан кам бўлмаган маънавий мамотдур.

– Ҳақрост, ҳазрат. Аждодларимизнинг асрлар давомида йиққан илмий тажрибалари, санъатдаги ютуқлари ислом даврида ислом нури билан йўғрилиб, янада тараққий этгай. Туронни фатҳ этгач, унинг илму фани, санъату ёзувини йўқотишга қасд қилган Қутайба, ўзининг ёвуз сиёсатини оқлаш учун, “булар барчаси исломга зид”, деб эълон қилди. Аслида ғаразли нияти элимиз хотирасини маҳв этиш эди. Зеро, хотирасиз эл – эл эмас!

Тўққизинчи боб

Наршах қишлоғи тевараги мудофаа девори билан ўраб олинган. Девор усти кунгурадор бўлиб, ҳар бурчақда ва дарвозаларнинг ҳар иккала тарафида ярим айлана шаклидаги кузатув миноралари қад ростлаган. Девор ва миноралар тепасидаги жангчиларга теварак-атроф кафтдагидек кўринар, нисбатан бехатар жойдан теваракни ўққа тутиш қулай эди. Махфий келишувга биноан, қалъа ичидаги тарафдорлари ярим тунда дарво-

залардан бирини очиб беришгани туфайли оқ кийимлилар Наршахни унчалик талафот бермай эгаллашди.

Уйлари зич жойлашган, ўқдек тўғри кўчалар қалъанинг қадимда тарҳ асосида бунёд этилганидан далолат берарди. Ўтмиш меъморлари деворлар, кўчалар, саройлар, ибодатхоналар тарҳини чизишда барчаси тўғри бурчакли бўлишига эътибор қаратганлар. Қадимда марказдаги бозор майдонининг бир томонида кутвол саройи, иккинчи томонида эса зардуштийлар ибодатхонаси жойлашган. Қутайба Мовароуннахрнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларидаги каби Наршаҳдаги ибодатхонани ҳам масжидга айлантирди. Бундан масжид қурилишига кетадиган маблағни тежаш баробарида, олдин ибодатни бажо келтирган жойига одатланган одамлар янги динни қабул қилишгач, масжидга кўникишларини осонлаштириш кўзда тутилган эди. Аҳолини масжидга жалб қилиш учун қилни қирқ ёрадиган фотиҳ Қутайба жума намозига келган ҳар кишига икки мис дирҳамдан пул тўлаш каби чора-тадбирларгача қўллаган. Бухорода ва бошқа шаҳару қалъаларда араб аскарлари аҳоли уйларига муқим жойлаштирилиб, гоҳ тушунтириш, гоҳ эса таҳдидлар билан исломни тарғиб қилишган. Кейинчалик халифа ноиблари орасидан мусулмонлаштириш сиёсатини Қутайбадек изчил, кенг кўламда ва бутун чоралар билан олиб борадигани чиқмаган бўлса-да, – улар хирожни йиғиб, халифа саройига жўнатиш ҳамда ўз ғазналарини тўлдириб олишга кўпроқ эътибор беришарди – бу сиёсат ҳануз давом этар, ўлкада мусулмонлар сони кўпайиб борарди. Эндиликда исломни ихтиёрий қабул қилаётганлар сони жузга тўлашдан қочиб ёки бошқа тазйиқлар туфайли чор-ночор мусулмон бўлаётганлардан кам эмас эди.

Оқ кийимлилар ҳаракати кучайгач, халифанинг исломлаштириш сиёсатига акс таъсир ҳам кучайди. Озод қилинган ҳудудларда исломни мажбуран қабул қилганлардан катта қисми зардуштийликка қайтди. Наршаҳда ҳам масжид қайтадан ибодатхонага айлантирилиб, меҳроб ёнидаги оташдонда муқаддас олов гуриллаб ёна бошлади. Бу ишни волий таъқибидан қочиб, узоқ йиллар ўтачи¹ сифатида турли вилоятларда дайдиб юриб жон сақлаган зардуштийлик дини қоҳини Бидун йўлга қўйди. Ҳамма, аллақачон ўлиб кетгандир, деб ўйлаган қоҳин Наршаҳ озод этилгандан сўнг кўп ўтмай, ёш қизи билан ер остидан чиққандек пайдо бўлди. Жулдур кийимларини улоқтириб, алвон тусли қоҳинлик либосини кийди. Бу кийимларни у узоқ йиллар бўҳчада асраб юрганидан ғижимланган ва оҳори кетган эди. Бидуннинг энг қимматли мулки эса зарҳал ҳарфлар билан битилган Авесто китоби. Ваъз ўқиган пайтларида қоҳин китобга эҳтиёж сезмас, гўёким уни тўла-тўқис ёдлаб олганди. Истилочиларга нисбатан муросасизлиги ҳамда кечмишдаги майдароқ исёнларда фаол иштирок этгани, айниқса, Зардушт дини асосларини барчадан кўра яхши билгани учун, у зардуштийлар йиғинида Наршаҳ, умуман, Бухоро вилоятидаги оқ кийимлиларнинг мўбади, яъни бош қоҳини қилиб сайланди. Бу юксак мавқени қўлга киритгач, Бидун зардуштийлар орасидан ўзига ёрдамчи ва шоғирдлар танлаб, Зардушт динининг тарғиботида қаттиқ киришди. Баъзи кунлари тонг саҳарда зардуштийлар жамоаси Бидун бошчилигида қалъа ташқарисига жўнар, қуёш чиқишини ибодат билан қарши оларди. Қоҳинлар дуо ўқир, барча зардуштийлар жўр бўлиб, қуёшни шарафларди.

Ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган мўбад масжидга айлантирилган ибодатхона биносини тортиб олишга бел боғлади. Мусулмонлар норози бўлишини ўйлаган сардорлар мўбадга ибодатхона учун янги бино қуриш режасини таклиф қилишди. Бироқ уни кўндиришнинг иложи бўлмади. Агар ён берилмаса, у жамоасидаги мутаассибларни бошлаб, бинони куч билан тортиб олишдан ҳам тап тортмаслиги аён эди. Унинг аксича Наршаҳ имоми мулоҳазакор, оғир-босиқ киши эди. Бош сардор Ҳаким имом билан узоқ суҳбатлашиб, вазиятни англади. Имом янги масжид қуриш шарти билан ўз жамоасининг бинони бўшатиб беришига кўнди.

Ибодатхонанинг қайта эгалланишини зардуштийлар байрам қилишди. Мўбад буни, ёруғлик кучларининг зулмат лашкари устидан катта ғалабаси, дея овоза қилди. Ибодатхонада зардуштийлик динининг барча маросиму ибодатлари ўтказила бошлади. Маросимларда тарғиботу ташвиқот, даъвату қақирқлар, исломга ва мусулмонларга ошқора таҳдидлар янграрди. Тазйиқу чеклаш бўғовларидан озод бўлиб, шиддат билан кўпира бошлаган зардуштийлик оқимини мўбад зўравонлик ўзанига буриб юборишга интиларди.

¹ Ўтачи – табиб, эмчи.

Бугун ҳам мўбад ва коҳинлар оташдонни ибодатхона ҳовлисига чиқариб, гулхан ёқишди. Ҳовлини тўлдирган халойиқ оташдон теварагида давра қурган. Аксарияти бир хилда оқ либос кийиб, қурол-яроғ тақиб олган эркаклар бўлиб, ораларида аёллар ва болалар ҳам кўринади. Сардорлардан фақат Зардушт динидаги Ҳашвий ҳозир. Қиёфалари сингари амаллари ҳам улуғвор коҳинлар қисқич билан мой шимдирилган ўтинлардан олиб, оташдонга ташлар, аланга гуриллаганда уларнинг алвон либослари ҳам лов-лов ёнаётгандек туюларди.

Бидун қироат билан Авесто дуоларидан ўқиди. Қадим паҳлавий тилидаги дуолар маъносини ўзи ва айрим коҳинлардан ўзга деярли ҳеч ким тушунмасди. Сўнгра мўбад овозини баландлатиб, ваъз бошлади. Барча нафасини ичига ютиб, қулоғини динг қилиб, Бидуннинг тумтароқ ваъзини тингларди. Мўбаднинг машаққатлардан ажин босган, кўпинча бадқовоқ ва заҳил қиёфаси ҳозир ўзгача улуғвор ва нуроний тусда бўлиб, сарғиш кўзлари гўё оташдондан сачраган учқундек чақнарди. Кўплар шу ориқ, сал букчайган, кичик жуссали чолнинг шундай баланд овозда гапираётганига ишонқирамас эди.

– Эй, халойиқ! Ерни, осмонни, нурни, ҳавони, сувни буюк яратувчи – халлоқи олам Ҳурмуз яратди. Барча эзгу ва яхши сифатлар унинг маҳсулидир. Ер юзидаги жами қора кучлар: қоронғилик, ёвузлик, касаллик, ўлим, жинлар ҳамда ваҳший девлар ёмонлик руҳи Аҳриман туфайли вужудга келмиш. Ҳурмуз ва Аҳриман ўртасидаги аёвсиз кураш аз рўзи азал давом этмоқда. Ҳой, одамлар, Ҳурмузнинг энг олий хилқатлари! Аёвсиз курашда Ҳурмуз тарафида бўлинг!

Аҳриманнинг барча махлуқотлари, деву жинлар маъдум қилинган, зулмат ва ёвузлик ер юзидан абадийн йўқоладур. Шунда жаҳон доимо нурга ғарқ бўлур. Табиатдаги энг пок унсур ва борлиқнинг асл мояси муқаддас оловни эъзозланг. Олов покловчидир. Унинг тафти ва алангаси руҳингиз ва жисмингизни тозалаб, эзгулик сари йўналтиради.

Мўбаднинг имоси билан коҳинлар яна оташдонга ўтин ташладилар. Олов гуриллаб кўкка ўрлагач, Бидун тантанали нутқида давом этди:

– Зардушт китоби Авесто абадийдир. Ёвуз истилочи Искандар Зулқарнайн уни бир бор ёндирди. Лекин мангу китоб қайта тирилди. Қутайба ҳам уни ёндирди. Бироқ, қуёшни ўтда ёндириб бўлурми, ёронлар?! Авесто – динимизнинг қуёши, у зарварақ саҳифаларидан мангуға илму маърифат, ҳаққоният нурини сочаверади, биз ва келгуси авлодлар бу муқаддас нурдан тоабат баҳра олаверамиз.

Издихом орасидан маъқулловчи хитоблар эшитилди. Таъсирланган кишилар оташдон тарафга бошларини эгиб, сажда қила бошладилар. Бу ҳол Бидунни янада руҳлантирди. У ваъздан чақириққа ўтди:

– Бизнинг аждодларимиз дини зардуштийлик. У энг асл диндир. Бизнинг тангримиз марҳаматли Ҳурмуз, пайғамбаримиз эса олийнасаб Зардуштдир. Бизнинг элимиз ўтроқ ҳаёт кечириб, зироаткорлик қилган ва ҳамisha Ҳурмузга топинган. Кўплар ҳақ динга хиёнат қилиб, босқинчилар динига мойил бўлганидан сўнг, Ҳурмуз марҳамати бу заминни тарк этди ва эл бошига турли кулфатлар ёғилди. Агар Зардушт динига қайтсангиз ва исломга қарши юракда оташу нафрат, тилда даъвату лаънат, қўлда қуролу қалтак билан курашсангиз, Ҳурмуз яна ўз лутфу инояти нурлари билан ўлкамизни чароғон этгусидур.

Мўбаднинг чақириғи одамларнинг чеҳраларида турфа хил ифодаларни зоҳир этди. Баъзилар хитоб билан унинг сўзларини маъқуллашди. Бироқ зардуштийларнинг барчасини ҳам Бидун бошламоқчи бўлган курашга хайрихоҳ деб бўлмас эди. Баъзиларнинг яқин қариндошлари орасида мусулмонлар бўлиб, улар энди бу диндан қайтишни хаёлига келтирмасдилар. Ибодатхонага шунчаки қизиқиш туфайли кирган мусулмон оқ кийимлиларга ҳам Бидуннинг нутқи нохуш таъсир этди. Мўбаднинг исломга қарши ошқора курашга даъвати баъзиларни эсанкиратиб қўйди. Бундай вазиятда Ҳашвий жим турмасдан, мўбадга қатъий эътироз билдирди:

– Агар оташдондаги оловдан учқунлар сачраб, қаергадир ўт кетишига сабаб бўлса, ҳеч ким оловни айбламайдур. Чунки олов жонсиз ва онгсиз. Бироқ йирик жамоа мўбади ўз сўзи билан ёнгинга сабаб бўлишдан ихтироз этгани маъқул. Коҳинларнинг Зардушт динини тарғиб қилиб, ўз қавмларини кўпайтиришга тўла ҳақлари бор. Лекин ибодатхонада исломга қарши нафратга йўғрилган ташвиқот олиб борилиши бизга жилла маъқул эмас. Ёронларимиз орасида мусулмонлар бисёр. Алар тинчгина намозларини ўқиб, ислом расм-русумларини бажо келтирмоқдалар. Бундан бизнинг озодлик курашимизга ҳеч

бир зиён йўқтур. Биз барчамиз оқ либос кийиб, мисоли оға-ини бўлдик. Мақсадимиз ҳам ягона – Муқанна бошчилигида юртимиз тупроғидан босқинчиларни қувиб чиқаришдир. Бу қутлуғ мақсадни рўёбга чиқариш йўлида орамизга низо соладиган ҳар бир нотўғри қадамдан сақланайлик, ёронлар! Одил йўлбошчимиз Муқаннанинг амри шу. Илло, биродарлар, қайси динга эътиқод қилишимиздан қатъи назар, умумий кураш йўлида ҳамжиҳат бўлайлик. Мусулмон ё зардуштий деб бир-биримизга ола қарамайликки, бунинг оқибати хунук бўлур.

Оломон, айниқса, мусулмонлар энгил нафас олиб, сардорни олқишловчи хитоблар янгради. Бидун бўзариб кетди. Мўбад сифатида Ҳашвийнинг сўзларидан норози эканини чираниб айтди:

– Биз арабларга қарши курашяпмизми, алар келтирган барча нарсаларни йўқотмоқ лозим. Ваҳший бадавийларнинг изини ҳам супуриб ташлаймиз ҳали!

Ҳашвий мўбадга нохуш назар ташлаб, сўзини эътиборсиз қолдирди.

Ўнинчи боб

Ҳашвий оиласи билан турадиган ҳовли серҳашам айвонли бир неча уй, отхона, ҳовузли боғдан иборат. Унинг хотини Шодия ниҳоят турмушлари бир қадар осойишта изга тушганидан хурсанд. Талабчан бека хизматкор ва чўриларга буйруқ бериб, хоналарни ўз дидига мос тарзда безатар, боғдаги хазонларни супуртирар, ҳаммаёқ саранжом-саришта бўлиб, чиннидек ярақлаб туришини истарди.

Саргардонликлар даврида Шодия сафар машаққатларини эркаклар билан бирга тортган, эркакча кийиниб, қурол-яроғ тақиб юрар, канизакларини ҳам шунга ўргатган эди. Наршаҳда жанговар кийимларини ечиб, аёл либосини кийди.

Шодиянинг ўз эрига ва у орқали бошқа сардорларга ҳам муайян таъсири бўлиб, бу ҳақда турфа овозалар тарқалиб, орқаворотдан уни “оқ кийимлилар маликаси” деб атай бошладилар. Наршаҳ эгалланиб, уни янада мустаҳкамлашга киришилганда Шодия сардорларга меҳржон байрамини ўтказиш фурсати келганини эслатди.

– Ҳозир байрам фурсатими? – деди бош сардор Ҳаким. – Ўйин-кулги кимнинг кўнглига сиғади?

Бошқалар ҳам уни маъқуллашди. Аммо Шодия ижозат сўраб, ўзи бош сардор ҳузурига кирди.

– Қачонгача исён ва урушдан бошимиз чиқмайди, Ҳаким оға, – деди у. – Сиз эркаклар жуда банд бўлсангиз, аёлларга ижозат этинг байрам қилишга. Ўзимиз гўзал қилиб ўтказамиз.

– Рухсат бўлса, барчага бўлсин, – деди Ҳаким ён бериб.

Бу хушхабардан бутун Наршаҳ оёққа қалқди. Кўчалар, уйлар безатилди. Бозор ёнидаги майдонда томошалар кўрсатилди бошланди. Барча янги либослар кийиб олган, хурсанд ҳолда кезишар, танишларини кўриб қолишса, байрам билан қутлашарди. За-рафшон бўйига сайилга ҳам чиқишди. Ҳакимнинг буйруғига кўра отлиқ бўлук дарёнинг чап қирғоғига ўтиб, Бухоро йўлини эгаллаб турди. Пиёда бўлуқларга эса Наршаҳни тарк қилиш ман қилинди. Чунки шундоқ яқиндаги Вобкент қалъасида волий аскарлари турарди. Сайилгоҳга кўпроқ хотин-халаж ва болалар чиқишган эди. Яйраб дам олиб, хурсандчилик қилаётганлар бу тадбирнинг ташаббускори Шодияни алқардилар. Сайил хатарсиз ўтиб, аҳоли Наршаҳга қайтганида барчанинг руҳи тетик, уруш хатари ва кўзғолон ташвишлари узоққа чекингандек эди. Бош сардорнинг ўзи Шодиянинг оқилалигига таҳсинлар айтди:

– Бу гўзал байрам бир ёқадан бош чиқаришимизга юзлаб чақириклару ваъзлардан кўра кўпроқ фойда келтирди!

Сайилдан сўнг Шодия бир гуруҳ аёлларни уйига чақирди. Меҳмонлар гулдор гиламлар солинган хонада тўкин дастурхон атрофида суҳбат қурдилар. Чолғучи даврани қизитди. Турк, сўғд, араб тилларида қўшиқлар янгради.

Меҳмонлар уй соҳибасига миннатдорчилик билдириб тарқалишаётганда, Шодия мўбад Бидуннинг қизи Гуландомдан яна бир оз қолишни сўради. Ўн олти ёшлардаги буғдойранг Гуландом исми жисмига мос нозикандом эди. У атлас кўйлак устидан бахмал

нимча кийган, зар дўппи остидан чиқиб турган майда ўрилган сочларини елкасига ташлаб олган эди.

– Маликам шуни амр қилсалар, қоламен, – деди Гуландом. – Уй юмушлари бўлса, айтинг, қарашай.

– Авваламбор, мен малика эмасмен, – деди Шодия кулимсираб. – Қолаверса, уй ичида сен қиладиган иш йўқ, Гуландом. Юмушлар хизматчилардан ортмайдур. Сен билан Зардушт дини ҳақида сўйлашгим бор.

– Бажону дил, мен, айниқса, бу хизматга ҳозирмен, – деди қиз юз-кўзи ёришиб. – Сизни барча “оқ кийимлилар маликаси”, деб атаётганида менга ҳам буни ман қилмассиз. Маликага менгашлари ёронларимизнинг сизга эҳтиромлари ифодасидур.

– Гарчанд ҳазил тариқасида бўлса ҳам, мени маликалик мақомига кўтарганлари ёронларимиз қанчалик лутфга сахий ва жўмард эканликларини кўрсатадур. Элимизга малика эмас, муносиб бир қиз бўлсалар ҳам катта бахт-ку, азизам!

У қизни кичикроқ хонага бошлаб кирди. Улар сандал атрофида бир-бирларига рўбарў ўтиришгач, Шодия бир оз тин олиб деди:

– Оиламиз билан ҳануз Зардушт динига эътиқод қилиб келямиз. Бироқ энди шундай замонки, ҳар қадамда мусулмонларга дуч келасен. Алар исломни икки жаҳон саодати калити, деб билурлар. Мен аждодларимиз эътиқод қилган Зардушт динининг ҳам ислом каби муқаддас бир дин эканига далил-исбот истаймен. Мўбаднинг қизи бўлганинг учун, ёшлигинга қарамай, зардуштийликка оид китоб ва битикларни кўп ўқигансен, деб эшитамен. Динимиз асосларини менга чуқурроқ аңлат.

– Сизга нимани ҳам ўргата олардим, – деди Гуландом қизаринқираб. – Билганим шуки, Зардушт пайғамбар динининг тангриси Хурмуздир. Биз яшаётган гўзал оламни, ундаги энг олий хилқат инсонларни Хурмуз яратган. Хурмузнинг истаги инсонларни саодатга етказмоқликдир. Шу сабаб одамларни ёвуз Аҳриман қутқуларидан асрайдур. Аҳриман юборадиган касаллик, қаҳатчилик, уруш каби офатлардан одамлар Хурмуз мадади билангина нажот топа олурлар. Ҳамиша ер юзиде эзгулик ва адолат қарор топмоғи учун инсонларга тўғри йўлни кўрсатган Хурмуз қудратли ёрдамчиларга эга. Масалан, маъбуд Митра эзгулик кўриқчисидир. Маъбуда Аноҳид ҳосилдорлик ва фаровонлик ҳомийси бўлиб, у экинларни касаллик ва офатлардан асрашда деҳқонларга ёрдам қилиб, мўл ҳосил юборадур. Бунинг шукронаси учун одамлар кунига беш маҳал Хурмузга ибодат қилишлари лозим. Ҳайридинлар бизни оташпараастлар, деб аташи тўғри эмас. Чунки биз оташга ва қуёшга тангри деб эмас, балки бир рамз сифатида топинамиз.

Динимизнинг шиори эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалдир. Яъниким, одамзоднинг ўй-фикри, гап-сўзи ва ҳар бир қилган амали эзгу бўлсагина, у зардуштий бўла олади. Қора ниятли ёвуз кимсаларнинг дили Аҳриман тузоғига илингандир.

Шодия диққат билан тинглар, қалбида аллақандай ҳислар туғени кечаётгани чехрасида акс этарди.

– Динлар ҳар хил бўлса-да, улар орасида яқинлик ва ўхшашлик бордек, – деди у, қиз сўзини тугатгач. – Бинобарин, Хурмуз бу мусулмонлар тангриси Аллоҳ, Аҳриман эса ёвуз шайтоннинг муқобилидир. Беш вақт ибодат ҳам жуда мос. Аммо Митра, Аноҳид каби маъбуд ва маъбудаларга ҳам исломда муқобил бормикан? Ёки Аллоҳ кўриқчи ва кўмакчиларга муҳтож эмасми?

– Мен ислом асосларини билмасмен, чунки зардуштиймен, – деди Гуландом ингичка қошларини чимириб.

– Мени кечир, ўзимни қийнаётган саволларга жавоб топиш учунгина сўраётирмен. Динлар орасида бирон яқинлик топсам, кўнглимда енгиллик сезамен. Ахир, бу замонда қанча одамлар зардуштийлик ва ислом орасида аросатда қолмиш. Алардан бири – мен шўрлик. Ҳақиқат қайдалигини аңламоққа ақлим қосирдур.

– Зардушт динининг илоҳий ва ҳақ дин эканига бирон шубҳангиз борми?

– Йўқ, асло! Бироқ имом ваъз ўқиганида исломнинг ҳам илоҳий ва ҳақ дин эканини исботлаб бера олур. Нима, бундан буён ҳам зардуштий, ҳам мусулмон бўлиш керакми?!

– Икки диннинг барча амаллари ҳам сиз ўйлаганчалик бир-бирига мос эмас.

– Унда нима қилиш керак, ахир?!

– Қалбингиз буюрганини қилинг, бегим.

– Қалбим икки ўт орасида қолгандек гўё. Оҳ, ғоят оғриқли бу! Баъзан юрагим тарс ёрилиб, қоқ иккига ажраб кетгудек бўладур. Мусулмонлар йилдан-йил кўпаймоқда. Биздан улги олиб, ўғлим Элбек Зардушт динида қолса, ҳоли не кечур? Бир элдану аммо ўзга динга сиғинадиган одамлар уни ўзларига бек қилурми? Мен онамен, буларни ўйламасдан туролмасмен!

Шодиянинг кўз ёшлари ипи узилган маржондек тўкилиб, қирмизи ёноқларига думалаб тушди. Гуландом доимо шўх-шодон аёлнинг кўнглидаги оғир дарддан воқиф бўлгач, юраги ачишиб кетди ва меҳр билан тасалли бериб деди:

– Тангрим сизга хотиржамлик ато этсин, опагон. Яратганга эътиқодингизнинг ўзи улуғ савобдир. Тангрим биру борлигига ишонган бандасини ҳаргиз мададсиз қолдирмас.

Гуландом кетгач ҳам Шодия изтироб исканжасидан халос бўла олмади. Кўзларини бир нуқтага тикканча гилам устида шуурсиз ўтирар, қалби унсиз фарёд чекарди:

“Дунёда динлар кўпу инсон қалби ягона бўлса, ҳар бири уни ўзига томон баайни улоқ каби тортқиласа, қалбга бундан ортиқ азоб борми? О, тангрим, нега барча бандаларингга ягона дин юбора қолмадинг?! Биз диндан дилимизга малҳам истасаг-у у ханжар урса!”

Аёл нигоҳини кўкка қаратди. Ечимини тополмаётган оғир масалада кўкдан нажот истаб, кўлларини чўзиб қичқирди:

– Эй, Ҳурмуз, Аллоҳ, Кўктангри! Сени барча номларинг билан чақириб айтаманки, юборган турфа синовларинг орасида бандаларинг учун энг оғири ҳақ динни топиб, унга эътиқод қилиш бўлиб қолди. Ўзинг пайдо қилган тафриқадан чиқишга Ўзинг йўл кўрсат!

Шундай дея, у ўзини гиламга юзтубан ташлаб, хўнграб юборди.

Ўн биринчи боб

Наршах ва атрофини қоронғилик оғушига олган. Шаффоф осмонда юлдузлар жириллади. Девор бурчак ҳосил қилган жойлар ҳамда дарвозалар яқинидаги буржларда турган соқчилар сергак. Тун изғиринида юпун кийинган қоровуллар совқотганида навбат билан пастга тушиб, девор тагига қаланган гулханда исиниб келишади.

Қоронғилик кўйинидан от туёқларининг босиқ дупурлагани эшитилди. Қоровуллар найзаларини қаттиқроқ ушлаб, хушёр тортдилар. Соқчибоши буйруғига кўра гулхан атрофидагилар ҳам тез кўтарилиб, жой-жойини эгаллади. Туёқ садолари тобора аниқ эшитилиб, ниҳоят дарвоза олдига бир суворий келиб тўхтади. Ёт лашкар қорасини туйгандек безовта қоровуллар унинг яккалиги ва эғнидаги оқ либосни кўриб, енгил тин олдилар.

Отлиқ қамчи дастаси билан дарвозани тақиллатиб қичқирди:

– Дарвозани очинглар, ҳой, тирик жон борми?

Унинг амирона сўзи тепадагиларга ёқмади. Ҳе йўқ, бе йўқ, кела солиб, ўнлаб соқчилар мижжа қоқмай кўриқлаётган дарвозани ҳайиқмасдан тақиллатиши эса уларнинг нафсониятига тегди.

– Бир ўқ билан унингни ўчирмасимиздан олдин кимлигини айт, – қичқиришди тепадан.

– Мен Эрназармен, танимаётирсизларми, ўзим ҳам қоровулда турганмен-ку.

Соқчилар бир-бирига “Эрназар”, “Эрназар экан”, “Ўтган кун тонг маҳалида отланиб чиқиб кетувди” дейишди. Мудроқ дарвозабон камаридан калитни олиб, дарвозани очишга чоғланди. Лекин қоровулбоши чапараста сўкиниб, уни тўхтатди. У ўз наздида унчалик ҳам анойи бўлмаган бу вазифага яқинда тайинлангани учун мавриди келганда кимлигини билдириб туришни ёқтирарди.

– Эрназар бўлсанг, менга нима, – деди беписандлик билан қоровулбоши. – Тунда қалъага киришга ижозат йўқ. Бу кечани даштда ўтказурсен.

Бу муомала суворийни ғижинтирди.

– Ҳазилнинг вақти эмас, соқчибоши жаноблари, мен ошиғич хабар олиб келдим. Бош сардор билан ҳозироқ учрашим шарт.

– Хабар? Қаердан?... Варахшаданми? Ўша ёқдан келдинг, шекилли?

– Буёғи билан ишинг бўлмасин! Дарвозани оч!

– Ўпкангни бос, ёнингда ҳамроҳинг йўқми?

– Оббо, ижикиладинг-да эзма кампирдек. Кўриб турибсен-ку, ёлғизмен, агар отимни хисобга олмасанг.

Қоровуллар дарвозанинг бир тавақасини очишди. Отлиқ ичкари кирдию машъала кўтарган соқчиларнинг саволларига жавобни насия қилиб, қалъа ўртасидаги сарой томон отини қичаб ҳайдади. Қоровулбоши гўё бир фалокат дарагини туйгандек, бошини чайқади.

– Тангри асрасин, анчайин хабар бўлганида бунча шошилмас, отини кўрғон ичкари-сидаям чоптирмасди.

Унинг шубҳасига бошқалар ҳам қўшилди:

– Оти жиққа терга ботган. Ўзини-да, отини-да аямай елиб келганга ўхшайдур. Бир кори ҳол рўй берган-ов?

– Волий қўшини биз томон йўл олган бўлса-я? Шу боис, Эрназар шунчалик шошгандир. Қоронғи тунда-я, яна бир ўзи, юракдан берган экан-да!

– Ҳа-да, араблар ҳам анойи эмас! Наршахни биз эгаллаганимизга волий қараб турармиди?

Бир-биридан ҳадикли тахминлар кўпая бошлагач, қоровулбоши босиқлик билан деди:

– Ваҳима ҳам эви билан-да. Агар чиндан ёғий ҳужуми кутилса, сардорлар биринчи галда бизга хабар қилишади, хушёр турунглари деб. Сўнг бутун қалъани оёққа турғизишади. Бошқа нарса бўлса, ўзлари бирон чора кўришар. Энди ортиқ гап-сўзга берилмай, жой-жойингизда турунглари.

Соқчилар жим бўлиб, тун қаърига тикилишди. Сукунатда шамолнинг дам тиниб, дам яна увиллашигина эшитилади. Ўқтин-ўқтин дашт томондан чиябўрилар улиши қулоққа чалинади. Ҳеч бир шарпа ёки овоз соқчиларнинг диққатидан қочиб қутулмас, довул садоси ёки от туёқлари товуши эшитилмасмикан, деб вужудлари қулоққа айланган эди.

Эрназар саройда соқчилар бошлиғига учради. Собиқ саройнинг кенг хоналари аскарлар учун ётоқ қилинган, отхоналар етишмаганидан, саройга ёндош барча бинолар отхонага айлантирилган. Бош сардор аҳолини безовта қилмаслик учун бўлукбоши ва юзбошиларга аскарларини саройга, эгасиз қолган иморатларга жойлаштиришни амр этган.

Ҳақимнинг ўзи сарой ортидаги боғда жойлашган мўъжаз шийпонда турарди. Эрназар билан суҳбатлашгач, у дарҳол бошқа сардорларни чақиришни буюрди. Шийпоннинг сардорлар кенгаши ўтказадиган катта хонасини навкарлар машъалалар ёқиб ёритишди. Аланга акси лопиллаб, яланғоч деворларда ўйнардди.

Сардорлар қурол-яроғларини йўл-йўлакай тақиб, югуриб келишди. Боғий ва Фирдак саройда ўз жангчилари ёнида эди. Алоҳида ҳовлида турадиган Ҳашвий ҳам кўп куттирмади. Ҳақим тўрға чўккалаб олган, юзидаги ташвишли ифода машъала ёруғида янада бўртиб кўринарди. Унинг чап томонига Муқанна ҳузуридан исёнчиларга мададга келган отлиқ бўлук бошлиғи Боғий ўтирди. У алпқомат, яғриндор ва калласи катта бўлганидан чордана қуриб ўтирганида ҳам бўйи бошқалардан ярим газ баланд эди. Икки тиззасига қўйиб олган қўллари узун ва мушақдор, кафти рапидадек, бармоқлари йўғон ва пайдор. Эңлик чарм камарига узун қилич осилган, ўнг ёнбошида буқа калласи шаклида ишланган, учига қиррадор темир қопланган оғир чўқмор бўлиб, уни ўзидек полвон жангчиларгина ишга сола оларди.

Боғий туну кун тиним билмас, исёнчилар қўшинининг жанговарлигини ошириш пайида куйиб-пишарди. Юзбошилар ёрдамида лашкар билан ноғоралар садоси остида жангга кириш, бурғу чалинганда жанговар сафни бузмасдан тартиб билан чекиниш, қиличбозлик, найзабозлик, ёйандозлик машқларини олиб борар, қаттиқ ҳарбий интизом ўрнатилган интиларди. Сардорларга Муқанна қўшини сафида қилган жанглари, оқ кийим-пиларнинг Кеш ва Нақшобда қозонган ғалабалари қай тарзда қўлга киритилгани ҳақида қайта-қайта сўзлаб беришдан асло чарчамас эди.

Ҳақимнинг ўнг томонида ўтирган Ҳашвий ҳар доимгидек башанг кийинган. Унинг оқ шоҳи қўйлаги ёқаларига зар уқа тутилган, туя жунидан тўқилган чакмони қизғиш рангда. Сувсар телпаги машъалалар ёруғида оқиш-кўкиш тусда ялтирарди. Бармоқларидаги узуклар, ханжарию шамшири дастасига қадалган қимматбаҳо тошлар товланиб, ранг талашарди.

Пойгақда ўтирган Фирдак одми бўз либосда. У йиғилиш сабабини сабрсизлик билан кутар, асабийлашганидан қиличи дастасини маҳкам тутамлаб олганди.

– Икки минг тутқун – икки минг бахтиқаро ватандошимиз қулликка ҳайдаб кетилмиш, – сўз бошлади Ҳақим дардчил ва аламли овозда. – Аларни бу аччиқ қисматдан қай тарзда халос этмоғимиз мумкин?

Бир неча сония ҳеч кимдан садо чиқмади. Хонада машъалаларнинг чирсиллаб ёнишигина эшитиларди. Уларнинг ёлқини сардорларнинг ташвишли, аламангиз ва оғир ўйлардан зўриққан қиёфаларини ёритарди.

– Аларни озод қилмоқ имконсизлиги аччиқ ҳақиқатдур, – деди Ҳашвий. – Соқчилар камроқ бўлганда ҳам бўлак гап эди. Аммо волий карвонни кўриқлашга катта кўшин ажратганидан фойдаланиш керак. Вақтни бой бермай, илдам Бухоро устига юрмоқ лозим. Шаҳар ичида ҳам тарафдорларимиз кўп. Алар билан бирлашсак, кўлимиз баланд келиши шубҳасиз.

Мулоҳазакор Боғий эътироз билдирди:

– Бухорони забт этиш масаласида шошилмаган маъқул. Олдин вилоятдаги бор қишлоқларни кўзғолонга жалб қилиш ва қалъаларни эгаллаш керак.

– Волийнинг катта кучлари билан тўқнашувдан нега ўзимизни олиб қочишимиз керак? – деди Ҳашвий қизишиб. – Наршахнинг эгалланиши – катта курашнинг бошланиши, холос. Келгиндиларни вилоятдан батамом суриб чиқариб, қолган-қутганларини Жайхуннинг нарёғига улоқтиришимиз лозим. Ҳозир биз учун бош мақсад – Бухоро.

Пойгакда ўтирган Ғирдак хитоб қилди:

– Эл-юртидан жудо қилиниб, ҳайдаб кетилаётганлар тақдирига нега ҳеч қайғурмайсиз? Аларнинг не айби борки, бу мусибатга дучор қилинмиш?

Сардорлар бир муддат жим қолишди. Ғирдакнинг хитоби нега кенгашга тўпланганликларини яна бир бор эслатди. Бандиларни ўйлаб юраклари ачишса-да, қанчалик бош қотирмасинлар, уларни ёв чангалидан халос қилиш учун муайян бир тадбир топила қолмас эди.

Ғирдак давом этди:

– Неча-неча минг юртдошларимиз ҳайдаб кетилди. Аларнинг хонадонлари қаровсиз қолди. Шу зулм-тааддиларга, босқинчилар зўравонлигига чек қўйиш учун қўлга қурол олдиқ-ку! Бас, биродарларимиз қул қилиб ҳайдаб кетилишига тек қараб тураверамизми?

– Йўқ, албатта, – деди Ҳақим. – Вилоятимиз араблар босқинидан олдин ғоят пурмардум ва ободон эди. Ватанингда ажнабийларга қул бўлишнинг ўзи зўр қулфат. Киндик қони тўкилган ерлардан айрилиб, етти ёт ўлкаларга ҳайдаб кетилишни эса мен душманамга ҳам раво кўрмасдим. Бундай мудҳиш зўравонлик оқибатида қанча-қанча қишлоқлар қум остида қолди. Зеро, элга қирон келса, ерга қирон келур.

– Эл бошига тушгани – эр бошига тушгани! – тоқатсизланиб қичқирди Ғирдак. – Дарҳол бутун қароргоҳни оёққа турғазин керак!

У ҳаяжонда ўрнидан ярим кўтарилган, аланганинг титроқ шуъласида кўзлари ўтдек чақнар, ўнг қўли ҳамон қилич сопини қўйиб юбормас эди.

– Ғирдак, иним, мардона даъватинг бизга маъқул, лекин бутун кўшинни отлантинганинг билан иш битиб қолармикан? – деди босиқлик билан Боғий. – Илло, шароит биз учун жуда нобоп. Бухоронинг шимолидаги Наршахдан туриб, жанубга йўл олган карвонни кўриқлаётган саккиз юз отлиққа бас келиш қийин. Бор кўшин билан Бухорони айланиб, шитоб билан қум оралаб юриб, карвон йўлини тўсганимизда ҳам, волий дарҳол мадад юборур. Икки ўт орасида қолурмиз.

– Чиндан катта кўшин билан яширин ҳаракат қилиш имконсиз, – дея унинг сўзини тасдиқлади Ҳақим. – Наршахдан чиқишимиз биланоқ, ҳар бир қадамимиз ёғий айғоқчилари назаридан четда қолмайду. Албатта, бу хатарли ишдан воз кечайлик, демасмен. Аксинча, баҳамжиҳат тезда бирон мақбул тадбир топмоқ лозим. Башарти, ҳеч бир чора топилмаса, унда...

Ҳақим гапидан тўхтаб, бошини қуйи солди. Азбаройи ғазаб ва аламдан кенг пешонасида тер ялтиради.

Ғирдак эса бандиларни халос қилиш фикридан қайтишни хаёлига келтирмас, қарори қатъий эди.

– Пайканддан нарига бандиларни уч юз сарбоз кўриқлаб бораркан, – деди у. – Менга ҳам уч юз отлиқ беринглар. Елдек учиб, карвондан ўзиб, Пайканддан нарироқда, Қорақўл атрофидаги қамишзорлар ичида пусуғ¹ қуриб, пойлаб турамыз. Қўққисдан хужум қилиб, тутқунларни халос қилурмиз.

¹ Пусуғ – пистирма.

Сардорлар ялт этиб унга қарашди. Уларнинг нигоҳида таажжуб, таҳсин ва мамнуният аралаш акс этарди. Кўнгилларида Ғирдакнинг режасини жон-диллари билан ёқлардилар. Чунки Ғирдак бир қанча қонли тўқнашувларни кўриб, кўзи пишган, ўзини бўлар-бўлмас ўтга урмай, тадбир билан иш юрита оларди. Бинобарин, бу мушкул ва хатарли вазифани ҳам унга ишонса бўлади.

Унинг оташдиллигидан, Муқанна кўзғолонининг яна бир шижоатли сардори камол топиб бораётганидан руҳланган Боғий:

– Мен ҳам сен билан бу хайрли ишга бош қўшурмен, Ғирдак иним, – деди.

Энди ҳамма Ҳакимга қаради. Сўнгги қарорни у айтиши лозим.

– Бу эзгу, аммо хатарли ишга довталаб бўлмаган одам чин курашчи эмас, аслида, – деди Ҳаким. – Лекин бунинг учун бир йўла икки тажрибали сардорни юборолмаймиз. Режани амалга оширишни Ғирдакка топширамен. Унинг ихтиёрига тўрт юз отлиқ ва энг яхши қурол-яроғлар берилур. Ғирдакка амрим шундай: айғоқчилар пайқамаслиги учун, Бухорога яқинлашмай, айланма йўл билан Варахша ёнидан ўтиб, кумликлар оралаб юрилсин. Ёғийнинг катта қисми Пайканд ёнидан қайтганига ишонч ҳосил қилгачгина ҳамла қилингиз. Мабодо, кутганимиздек бўлмай, соқчилар сони Пайканддан нарида ҳам камаймаса, режадан қатъиян воз кечиб, орқага қайтинг!

Боғий эса Наршаҳда қолур. Волий бизга қарши юришни кечиктирмайдур. Биз Бухоро сари юрмасак доғи, у Наршаҳ томон шаксиз отланур. Бунга тайёр турмоғимиз керак.

Кенгаш тугаб, сардорлар ўрниларидан туришди. Энг аввал ҳовлиқаётган Ғирдак, унинг изидан бошқалар ҳовлига чиқдилар. Наршаҳ ҳамон тун кўйнида. Қоровуллардан бошқа ҳамма донг қотиб ухламоқда. Бирдан отлиқ аскарлар жойлашган сарой, уйлар ва чодирларда ғала-ғовур кўтарилди. Юзбоши ва ўнбошилар ўз аскарларини уйғотиб, отларни эгарлашни буюрдилар.

– Ўзи ва отига ишонганларгина бу катта ишда қатнашур, – деган хитоблар янграрди олаговур орасида.

Ғирдак тезда довталаблардан отлари бақувват тўрт юздан ошиқ йигитни ажратиб олди. Қурол-яроғнинг сараси уларга берилди. Исёнчилар қароргоҳида сир сақлаш қийин. Ғирдак қандай ишга жазм этгани зум ўтмай ҳамма ёққа тарқалди. Тонг отишига ҳали вақт бўлса-да, барча уйғониб, дарвоза томон югурарди. Қишлоқ аҳли дарвоза олдида тўпланиб, бошдан-оёқ қуролланиб, чопқир отларда қалъа ташқарисига чиқаётган йигитларни кузатиб қолди:

– Бошларингиз тошдан бўлсин, йигитлар!

– Ҳурмуз мададқор бўлсин!

– Аллоҳ ўз паноҳида сақласин!

– Овингиз бароридан келсин!

– Ёр-биродарларимизни ёғий илқидан қутқариб, эсон-омон бағримизга қайтинглар!

Шарқ тарафдан қоронғилик чекиниб, уфқ қизғиш тусга кира бошлади. Ғирдак тонг ёришмасдан Наршаҳдан узоқлашишга шошиларди. Нима бўлганда ҳам, ёв айғоқчилари уларни пайқамаслиги лозим. Халойиқ билан қисқа хайрлашувдан кейин, отлиқлар жануб сари елиб кетишди. Еру осмон ларзага келиб, суворийлар кўздан йўқолса-да, от туёқларининг дупури анчагача эшитилиб турди.

Ўн иккинчи боб

Сахро осмонининг бир чеккасида тўлин ой тун салқинидан жунжиккандек оқ ўтов тикиб олган. Унда-бунда қаққайган саксовуллар титроқ ой шуъласида қорайиб кўринади. Чўл шамоли кумтепаларни ялаб увиллайди.

Тиш-тирноғича қуролланган юзлаб отлиқлар кучли довулдек чўл бағрини ёриб, елиб боришмоқда. Улар на ютаман деб ҳувиллаб турган чўлни, на юз-кўзларига кум зарраларини келтириб ураётган тун шамолини писанд қилишади. Шувоқ, янтоқ, қуврайларнинг қуруқ поялари от туёқлари остида чирсиллаб синади. Қаршиларидан қоядай улкан барханлар чиққанда, чавандозлар отларни аяб, тикка ошмай, айланиб ўтишарди. Улар тонг ёришганда кумлик ичига чиқиб олишди. Йўлдаги қишлоқларни четлаб ўтишди. Кундузи ёв пайқамаслиги учун фақат барханлар оралаб юришди. Бухоро-Варахша йўлини, айниқса, эҳтиёткорлик билан кесиб ўтишди. Чунки бу йўлнинг ҳар жой-ҳар жойида қоровулхоналар бўлиб, бундан ташқари, чопар ва йўловчиларга йўлиқиб қолиш ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу боис, Ғирдак айланашга эринмасдан, ўз бўлуқини йўлнинг бу-

хорхудот соқчилари турган қисмидан олиб ўтди. Ҳамиша сергак отлиқ қоровуллар уларни пайқашди. Лекин йўлларини тўсиш ё қувишга ҳеч бир ҳаракат қилмадилар. Ғирдак соқчиларнинг баланд тепаликлар ва қоровулхона минорасига чиқиб, ўзларини гўё томоша қилаётгандай кузатиб қолганларини кўрса-да, кўнглига ҳеч қандай шубҳа ораламади. Бу қоровуллар хабарни, Бухоро эмас, Варахшага етказишади. Варахша томонидан эса исёнчилар ўзларига бирон хавф-хатар таҳдид этмаслигини билардилар. Пешин пайти чўл ичкарасида тўхтаб, қалин саксовулзорда дам олишди. Қоронғи тушгач, яна йўлга тушишди. Бўлук олдида чўлни яхши биладиган ва олдин шу атрофда чўпонлик қилган отлиқлар борарди. Ғирдак ўзи ҳам йўлдан адашмаслик учун дам-бадам осмонга қараб, Темир қозуқ юлдузи¹ доим ўнг яғрини ортида бўлишига эътибор берарди.

Тун бўйи чўл оралаб йўл босишди. Ора-сира тўхтаб, чарчаган отларга дам беришарди. Машриқ уфқи оқариб, атроф ёриша бошлаганда ёнбош томонда Пайканд харобалари кўринди. Ғирдак тўхташни буюрди. Сувлиқлари кўпикланган отлар ҳансирар, сағриси ва парқинида маржондек тер доналари ялтирар, тумшуги ва бурун паррақларидан иссиқ ҳовур кўтариларди. Тунда Пайканд остонасидаги қишлоқлардан бирига кўнган карвондан ўзиб кетишди. Тонг отгач, карвон ҳам тунлоқдан қўзғалиб, Пайканд сари йўл олгандир. Бийик тепаликда, заррин қуёш нурларига чўмилиб, ястаниб ётган қалъа вайроналарига назар ташлар экан, Ғирдакнинг кўнглини маҳзун ўй-хаёллар чулғади:

– Қани бу шаҳарнинг кечмиш улуғворлиги ва сершовқин, жўшқин ҳаёти? Ахир бир замонлар тонг пайтида унинг муаззам дарвозалари олдида узоқ ўлкалардан келган ўнлаб чўнг ва дароз карвонлар тизилиб турмаганми? Шаҳарнинг ичи-ташидаги работ ва карвонсаройлар бу кўҳна савдо марказини зиёрат қилишга келган савдогар ва сайёҳлар билан гавжум бўлмаганми? Ёки моҳир усталар қурган қувурлар орқали Зарафшон суви баландга кўтарилиб, ҳар томонга тизилиб кетган ариқлардан атроф далаларга таралмаганми? Ўрим-йиғим даврида олтиндай товланган бугдойзорларда ўроқчи йигитларнинг шўх ва шодон кўшиқлари, лолаюз қизларнинг ёқимли ва жарангдор кулгиси янграмаганми? Қани улар, қаерга ғойиб бўлишди? Қандай ёвуз куч шундай шодиёна ҳаёт гулшанини буткул сўлдирди. Гуллаб-яшнаган саховатли замин қандай мудҳиш офат таъсирида ташландиқ ҳолга келиб, кум остида қолиб кетди.

Пайканд фотиҳлар ҳужумига қадар Самарқанд ва Бухоро билан рақобатлашадиган йирик савдо шаҳри эди. Унинг тожирлари Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Сурия, Хазар, Булғор мамлакатларига бориб савдо-сотиқ қиларди. Қутайба узоқ қаршилиқдан сўнг шаҳарни забт этди. Талаб олинган саноқсиз бойликлардан саркардаларнинг сандиқларию аскарларнинг хуржунлари тўлиб-тошди. Қутайба Пайкандни ортда қолдириб, Бухоро устига юрганда, шаҳарда исён кўтарилди. Исёнчилар ноибни ўлдирдилар. Қутайба ярим йўлдан қайтишга мажбур бўлди. Фотиҳ Мовароуннаҳр дарвозаси бўлган бу муаззам шаҳар ўлкани забт этишда жиддий тўсиқ эканини англади. У шаҳарни ер юзидан йўқотишга қарор қилди. Дастлаб дарё сувини юқорига чиқарадиган иншоотларни буздириб, Пайканднинг ҳаёт томирларини қирқди. Сўнгра ҳоким қасри ва қалъа деворидан бошлаб, савдогарлар ва хунармандлар маҳаллаларидаги пахса деворли уйларгача ер билан яқсон этилди. Омон қолган аҳоли қулликка ҳайдаб кетилди. Бўйсунмас шаҳардан шундай қасос олинди.

Эндиликда эса шаҳарнинг бир бурчагида саноқли аҳоли ғарибона ҳаёт кечирарди. Ғирдак асли шу атрофлик ўн йигитни ажратди.

– Сизлар киши билмас Пайкандга киришлар. Харобалар орасидан пинҳона карвонни кузатинг. Соқчилар қай миқдорда ва қай тарзда келаётганига зеҳн солишлар. Аларнинг катта қисми Пайканд ёнидан ортга қайтмоғи лозим: шунга айниқса диққат қилинлар. Биз Қорақўл ёнида пойлаб турамыз.

Отлиқлар йўлда давом этишди. Қуёш нури уларга чап қўл тарафдан тушар, ўнг томонда узун соялари липиллаб, тепаликларга сургалганча эргашиб борарди. Пайканддан Жайхун соҳилидаги Форобга борадиган йўл буйлаб кўҳна работлар харобалари тизилиб кетган. Асли савдогар, сайёҳ ва йўловчилар кўналғаси бўлмиш бу масканлар эндиликда бойқушлар ошёнига айланган. Ғирдак йўлни кузатишга қулай баъзи работларга ҳам икки-учтадан пойлоқчилар юборди. Бўлук тушга яқин Қорақўл бўйига етиб келди. Қуёш юксалиб, соялар кичрайган, от туёқлари тагига келиб қолган эди.

Тиш-тирноғигача қуролланган ва жанговар тажрибаси устун ёв билан очик майдонда жанг қилиш мушкуллигини Ғирдак англади. Бироқ қўл атрофи пистирма учун қулай.

¹ Қутб юлдузи.

Улар отланиб, кўлни ярим чақирим ортда қолдиришди. Ғирдак қилич, найза ва чўқморлар билан қуролланган йигитларни йўлнинг нариги тарафидаги тўп-тўп қамишзор орасига пистирмага қўйди. Улар душманнинг олд қисмини монесиз ўтказиб, асосий куч жамланган орқадаги тўпига ҳамла қилишлари керак. Жингил аралаш қамиш ва қўғалар айниқса қалин ўсган жойларда, йўлнинг ҳар икки томонига ёйандозлар қўйилди. Улар ўқ-ёй билан соқчиларни нишонга олиб, ғаним сафини пароканда қилгач, карвонга ёпирилиб ҳужум қилишади. Ғирдак ўзи етмиш чоғли отлиқ билан олдинроқдаги, кўлга яқин улкан бархан панасига беркинди. У отдан тушиб, тепалик ёнбошидаги шохлари тарвақайлаган саксовул панасида оти жиловидан ушлаб турарди.

Кун оғиб улгурмай, қуюқ чанг-тўзон орасидан карвоннинг олд қисми кўринди. Дастлаб юзтача суворий ўтди. Ғирдак соқчилар қуршовидаги сарҳанг Исмоилни таниди. Аскарларнинг дубулғалари ва қурол-яроғларида оғтоб нури жилва қилади. Изма-из бир нечта соябон аравалар ғижирлаб ўтди. Йўл қамишзорлар орасида торайгач, суворийлар қисилишиб ўта бошладилар. Пусуғдагилар душман кўзига ташланмаслик учун от устида энкайиб, камонларини шайлардилар. Буғдой ортилган аравалар, савдогарлар моли ва хирож юкланган туялар ҳам ўтгач, турнақатор бандилар кела бошлади. Хийла сийрақлашган отлиқлар уларни ҳар икки томондан қўриқлаб борарди.

Тутқунларнинг кўриниши аянчли. Кўпларининг рафторига ўлим нуқси урган, етиб юролмаган, мадордан кетганлар боши узра қамчи ўйнардди. Тақдирга тан бериб, тилларидан жудо бўлгандек, энди унчалик оҳ-вой ва фарёд ҳам қилишмасди.

Қўқда мағрур чўл бургути доира ясаб парвоз қилмоқда. Гоҳ ўқдек тикка юқорига учиб, қора нуқтага айланиб, булутлар орасига сингиб кетар, гоҳ ханжардек ҳавони ёриб, пастга шўнғиб тушаркан, яна бирдан қанотларини қоқиб, чарх уриб уча бошларди. Лекин тутқунларнинг бургут билан қанчалик иши бор? Зўр қайғу-алам уларнинг қаддини букиб, бошларини ҳам қилган, осмонга қарашга ҳоллари ҳам йўқ. Чўл арзандасининг мағрур парвози шу вазиятда ҳам бир неча лаҳзага Ғирдакнинг диққатини тортди. Ўзи ҳам ўлжасига ташланаётган бургутдек шайланди. Кўзлари ёниб, қимтилган қонсиз лаблари орасидан бир неча сўз шивирлаб эшитилди. Унинг буйруғига биноан, осмонга учига машъала илдирилган, тутун бурқситувчи ўқ узилди. Бу пусуғдан ҳужумга ўтиш ишораси эди.

Шиддатли олишув аёвсиз хунрезлик билан кечди. Карвон ўртасидаги соқчиларнинг деярли барчаси ҳалок бўлди. Эгасиз қолган отлар кишнаганча қамишзор оралаб, у ёқдан-бу ёққа чопарди. Ҳужумчилар устунликни қўлдан бермай, ортда келаётган соқчилар тўпини қуршовга олишди. Дафъатан пайдо бўлган оқ либосли қасоскорларни кўрган тутқунлар ҳам, тўсатдан тил битгандек, сурон кўтардилар. Улар кишанларини улоқтириб, ўлган соқчиларнинг қуролларини олиб, халоскорларига ёрдамга ошиқшди.

Аскарларининг учдан бири билан карвон олдида бораётган Исмоил босқин хабарини эшитиши биланоқ жангга отилди. Отлиқлар тутқунларни аямай, босиб-янчиб келарди. Қуршовдагилар қаршилиги сусайгач, Ғирдак уларни маҳв этиш учун Эрناзар бошчилигида етарли аскар қолдириб, ўзи асосий кучни бошлаб, у ер-бу ерда давом этаётган майда тўқнашувларга эътибор бермай, Исмоилга пешвоз чиқди.

– Қароқчи Ғирдак! Бу охириги йўлтўсарлигинг бўлур, – қичқирди Исмоил оти бошини унга томон бураркан. – Бошингни кесиб, Бағдодга – халифа саройига элтамен.

– Бағдод тугул, Басрани ҳам кўролмайсен энди, қулфуруш, – жавобан бақирди Ғирдак. – Бошингу лошинг шу қамишзорда чиябўриларга ем бўладур. Сен кўлимда жон берган иккинчи сарҳанг бўласен.

Улар бир-бирларига ташланиб, олиша кетишди.

Ҳар иккаласидан тер қуюлар ва иккови ҳам ҳансираб нафас оларди. Галдаги олишув олдидан Ғирдак рақибни қайта ҳамлага бир зум бўлса-да, ҳаяллаганини сизди. “Мендан кўра кўпроқ чарчабди, – яшин тезлигида кўнглидан кечди унинг. – Нафасини ростлашига фурсат бермасмен. Икки минг бандининг қисмати шу олишувга боғлиқ”.

У пайдар-пай зарбалар билан Исмоилни жангчилар доирасининг жонли деворига сиқиб боришга муваффақ бўлди. Исмоил ҳам жон-жаҳди билан зарба бериб, ғанимини орқага суришга интиларди. Аллақачон пачоқ бўлган қалқонларини иккаласи ҳам ташлаб юборган. Сўнги ҳалокатли зарбалар деярли баравар берилди. Исмоилнинг қиличи Ғирдакнинг чап елкасига зарб билан тушиб, совутни кесиб ўтиб яралаганида, унинг қиличи сарҳангнинг кекирдагини тилиб ўтди. Қора қонга беланган Исмоил хириллаганча ерга қулади.

Оқ кийимлилар шодон ҳайқириб, сурон кўтардилар. Ғирдак жароҳатига эътибор бермай, қилич ушлаган ўнг қўлини баланд кўтариб, аскарларини ҳужумдан тўхтатар экан, саросимага тушган арабларга юзланиб, хитоб қилди:

– Мағлубиятни тан олиб, жангсиз чекинганларга зиён-заҳмат етказмаймиз. Отингиз ва яроғингиз ўзингизники, бандилар эса бизники! Бунга рози бўлмаганлар Исмоилнинг ортидан жўнайду.

Араблар ўз саркардалари жасадини олиб, тезда жанггоҳни тарк этишди.

Ўн учинчи боб

Ғирдак мўбаднинг ибодатхона яқинидаги ҳовлисига етгач, соғлом қўли билан нақшдор эшикни очди. Чиннидек супуриб-сидирилган ҳовли кимсасиз эди. Бир четдаги кўрада сугир ва эчкилар кўринади.

Сардор ҳовли тўридаги айвон тарафга юрди. Айвоннинг бир томонида катта-кичик хумлар ун, ёғ, ловия ва бошқа егуликларга тўла, қўшқулоқли лаганда гўшт-ёғ тузлаб қўйилган. Мўбаднинг машаати ёмон эмас, зардуштийлар қурблари етганича унга хайр-эхсон қилиб туришарди.

Уй ичидан Бидуннинг овози эшитилар, афтидан, у одатдагидек қизига сабоқ бермоқда эди. Сардор айвондан туриб чақирганда, ичкаридан “киравер, Ғирдак” деган овоз келди. Остона ҳатлаб кирганда, қиз эски бир китобни варақлар, у ўқиётганда хатога йўл қўйса, отаси тузатар ва ҳозир ўқилган жумлани шарҳлаб кетарди.

Ғирдак саломлашиб, девор ёнига тўшалган кўрпачага ўтиргач, Гуландом китобни ёпиб, тоқчага элтиб қўйди. Бидун сардорга юзланди:

– Хўш, қўлинг қалай?

– Тузук, бойлатиб кетганимда оғриқ қоладур. Аммо бирон иш билан машғул бўлсам, жизиллашни бошлайдур.

– Ахир неча марта айтдим сенга, битгунича ҳеч бир ишга қўл урма деб, – жавради Бидун. Сўнг Ғирдакнинг ёнидаги бир бойлам ёй ўқи ва ўнг елкасига осилган уч-тўртта камонни кўриб сўради:

– Булар нима? Овгами, жанггами?

– Машққа, болалар билан ёйандозлик машқлари ўтказамен, – деди Ғирдак. – Ярам битгунича жангчилар билан машқ ўтказишдан озод этилдим.

– Аслида, тузалгунингча болаларга қўшилиб камон ўйнашни ҳам йиғиштирсанг бўларди, – деди Бидун таъна қилгандек ва қизига юзланди:

– Она қизим, сен оғаннинг ярасини авайлаб еч. Мен зумда дори ҳозирлаб келамен.

Доимо кўрс ва жаҳлдор мўбад қизига шунчалик меҳр ва навозиш билан гапирдики, Ғирдак қулоқларига ишонмасди. Бидун ҳовлига чиқиб, ўчоққа ўт ёқиб, дўппидек қозончада алланарсаларни аралаштириб қайната бошлади. Гуландом ийманиб Ғирдакнинг олдига келди-да, ижозат этинг, – дея, эҳтиёткорлик билан чап елкасидаги қондан қизғиш тусга кирган докани еча бошлади. Майин бармоқлар тегиши билан лўқиллаб турган оғриқ бо-силгандек бўлди. Гуландом қисқич учидаги латта билан жароҳатни авайлаб тозаларкан, сўради:

– Қизларга ҳам камон отишни ўргатасизми?

Ғирдак мийиғида кулимсиради:

– Болалар кун сайин қўпайиб бормоқда. Энди қизлар ҳам қўшилса-я! Ҳа, Ҳашвий оғаннинг хотини Шодиябегим аёллар бўлуқини тузаётибди. Ҳарб ишига қизиқсанг, сен ҳам шу бўлуқка кира қол.

– Хабарим бор, аммо Шодиябегим олдин ёйандозлик, чавандозлик ва шамшир уришда имтиҳон қилиб, сўнг оладур ўз бўлуқига. Мен бирини-да билмасмен. Агар сиз ўргатсангиз...

Ғирдак бир зум ҳайрон бўлди. Қизнинг жиддият билан боқиб турганини кўриб деди:

– Майли, ўргатсам ўргата қолай. Ҳар кунни ғарбий дарвоза ташқарисида машқ қиламиз. Ибодатхона ва уй юмушларидан бўшаганинда бемалол ўтавер. Отангдан ижозат сўраб, албатта.

Салдан кейин Бидун ярасига хуш ёқадиган малҳам суриб, устидан шифобахш гиёҳлар қўйди-да, қайта бойлади.

Ҳовлида куймаланиб юрган Гуландом иккита сопол косада қайноқ сут олиб кириб, отаси ва Ғирдакка узатди. Ғирдак тотли сутни ҳўллаб ичаркан, бадани қувватга, кўнгли ёқимли бир сурурга тўлаётгандек эди. Сўнг болалик даврини, онаизорини, жигарларини эслади. “Синглим тирик бўлганида Гуландом каби бўй етиб қолган бўларди. Ўшанда мен ҳам эҳтимол чодирда эмас, уйда яшардим. Сигир сотиб олардик. Синглим уни соғиб, ҳар куни менга сут пишириб берармиди”.

Бидун Ғирдакнинг чеҳрасида миннатдорлик ифодасини сезаркан, пайтдан фойдаланиб, Наршаҳда ўзига тўла диний ҳоқимият берилмаганидан шикоят қилди:

– Қамуғ оқ кийимлилар Зардушт динига амал қилиб, ёлғиз Ҳурмузга эътиқод қилишлари керак. Чунки бир муштга жамланмасдан зафар қозониш имконсиз. Менга қолса, бир кечадаёқ сафларимизни мусулмонлардан тозалардим.

Мўбаднинг сўзлари бир дам масрур ўйларга берилган сардорнинг кўнглига кўзғолоннинг қора ташвишларини индирди.

– Куни кеча жонингизни асрагани жой тополмай қолувдингиз, – деди Ғирдак яна оғрий бошлаган ярасини мато устидан силаркан. – Мўбад бўлгач, нега бошқаларнинг қонига ташнасиз? Ахир, сиз ўлим тилаётганларнинг аксарияти ўз ёронларимиз. Аларнинг саъй-ҳаракати, курашда тўкилган қонлари туфайли Наршаҳ ва унинг атрофида манфур зулм кўпорилгач, сиз ҳам кўвғиндан озод бўлиб, мўбадлик мартабасига эришдингиз.

Бидун қайсарлик билан гапида туриб олди:

– Халифага қарши кураш – исломга қарши кураш. Бу муқаддас уруш Зардушт дини туғи остида олиб борилиши керак.

Ғирдак тортишув бефойда эканини англаб, ўрнидан турди ва совуққина хайрлашиб, ташқари чиқди. Мунозара узилганидан доғда қолган Бидун чинқироқ овоз билан орқасидан қичқирди:

– Барибир, барчангни ҳақлигимга инонтирурмен!

Ғирдак, “Ўз динидан бошқа ҳеч нарсани тан олмайдиган абушқа¹”, деб ғижиниб кўйди-да, қалъа дарвозаси сари йўл олди.

Наршаҳда биринчи қор учкунлаб, ерга тушар-тушмас эриб кетди. Лекин кўрғошин тусли булутлар ҳамон осмонни эгаллаб турарди. Навбатдаги зафардан сўнг шуҳрати янада ошган сардорга йўлда дуч келганлар, айниқса, бандилиқдан халос бўлганлар – уларнинг аксарияти қишлоқларига қайтмасдан жангчи бўлишди – чуқур таъзим қилиб ўтиб кетгач ҳам анчагача қўлларини кўксиларидан олмас эдилар. Ватан эркигина мусулмонга ҳам, зардуштийга ҳам эркинлик бахш этишини кўпчилик англаб етмоқда. Шунга қарамай, сардорнинг мўбад хусусидаги маҳзун хаёллари кўқдаги булутлар янглиғ ҳадеганда тарқаб кетавермас эди. Агар бу ўжар мўбад вақтида жиловланмаса, кўзғолончилар орасига раҳна солиб, катта зиён етказиши, шубҳасиз.

Одамзод табиати – сир-синоат. Бирон дин ақидалари онгига синган киши бошқа динни қабул этмоғи осон эмас. Зоҳиран янги динга ўтгани билан ботинида олдинги диннинг таъсири устун бўлади. Ғирдакнинг отаси ғиждувонлик деҳқон эди. Жузя тўлаш ва бошқа тазйиқлардан безор бўлиб, исломни қабул қилган, масжидга бориб намоз ўқир, шу билан бирга, уйда зардуштийлик амалларини ҳам бажарар, уларни тўхтатса, аждодлар руҳи безовта бўлишидан чўчирди. Қалбидаги икки дин курашида алал-оқибат ислом ғалаба қозонган бўлса керакки, ўлими олдидан мусулмонлар одатига кўра дафн этишни ўғлига васият қилди.

Ислом динини қабул қилиш ҳам халифа қўл остидаги Мовароуннаҳр аҳолиси аҳволини ҳадеганда енгиллатмади. Хирож миқдори инсоф ва адолат чегарасидан ўтиб кетганда, зардуштийлар кўтарган исёнларга мусулмонлар ҳам қўшилиши одатий тус олди. Халифанинг волий ва саркардалари исёнкор мусулмонларни диндан қайтган муртадлар деб эълон қилишар, зардуштийлар қаторида аёвсиз жазолар эдилар.

Тинимсиз уруш ва исёнлар оқибатида экинзорлар қисқариб, ғалла танқис бўлиб қолгач, хирож қуролли лашкар ёрдамида йиғиб олина бошлади. Кўпинча деҳқонга ҳеч вақо қолдирилмай, уруғлик донгача тортиб олинарди. Бундан зада деҳқонлар ҳосилни йиғар-йиғмас қишлоқларидан қочиб, дон-дунни бирон ёққа яшириб, бола-чақасининг ризқини сақлаб қолишга тиришардилар. Хирож тўлашдан бўйин товлаганларга халифа ноиблари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган чорани қўллаб бошладилар...

1. Абушқа – қари чол.

Ўшанда бўйчан ўспирин Ғирдак отаси билан бирга экиб, парваришлаган буғдой олтиндек сарғайиб пишаётган эди. Ўрим арафасида ҳар йилгидек солиқчилар қишлоқ оралади. Уларнинг ерига ҳам разм солиб, ҳосилни чамалашди. Битикчи юпқа кўрғошин лавҳага отасининг исми ва қишлоқ номини ўйиб ёзди. Сўнгра кўрғошин тешигидан ингичка мис занжир ўтказиб, отасининг бўйнига осиб қўйишди. Занжирнинг икки учини бириктириб кавшарладилар.

– Хирожни тўлаганингдан кейин ечиб оламиз, – деди солиқчилар бошлиғи. – Узиб ташласанг, зиндон қилинасен. Номинг хатга тушган.

Умри бино бўлиб, бундай таҳқирни кўрмаган деҳқоннинг бўйнини занжир куйдираётгандек эди.

– Мусулмонга ит каби бўйинбоғ осиб қайси таомилда бор? – деди у ғзабини яширмай. – Бундан кўра зардуштийликка қайтиб, зуннор тақиб юрганим афзал-ку!

– Бу зарурий чора, – деди солиқчилар бошлиғи пинагини бузмай. – Хирожни тўламай, бор ҳосилни яшириб қочадиганлар кўпайиб кетди. Диндан қайтамен, деб дағдаға қилмагинки, унда бўйнингга занжир эмас, шамшир урилур.

– Хирож бу қадар оғир бўлмаганида деҳқонлар ўз ери ва уйини ташлаб қочармиди?

– Овозингни ўчир, даюс! Бу занжирни осиб халифаи замон Абужаъфар Мансур ҳазратларининг фармонидур. Амиралмуслимин лашкарига озиқ-овқат, отларига ем керак. Деҳқон машоқ териб ҳам кун кўра берадур.

– Халифага Давониқий деб лақаб қўйишгани бежиз эмас экан¹, – деган эди шунда отаси кесатиқ билан.

– Сен амиралмуслиминнинг муборак номларига тил теккиздингми ҳали?!, – бақирди солиқчилар бошлиғи. – Савалаб, эсини жойига келтириб қўйинг бунинг!

Боланинг кўз ўнгида отасини калтаклай бошладилар. Ғирдак муштини тугиб, солиқчиларга ташланди. Улар ўспиринни йиқитиб, қўлларини қайириб боғлашди.

– Ҳали бу тирмизак шунақа ҳунарлар кўрсатадики, отасиники ҳолва бўлиб қолади, – деди тенгсиз олишувни кузатиб турган солиқчилар бошлиғи. – Яна муҳассилликни жангу жадалдан кўра осон ва даромадли деб, ўрнингга юзта ҳасадгўй кўз тикади. Бундлардан хирожни беғалва ундириб бўлсан!

Отаси бир неча кун кўрагини ерга бериб ётди. Яраси ачитар, бўйнидаги манфур занжир ундан кўпроқ азоб берарди. Ҳалиям осон кутулишган экан. Бўйинбоғ тақишдан бош тортган ёки уни нафрат билан узиб ташлаган деҳқонлар зиндонга ташланган, ерлари тортиб олинди, бола-чақалари қулликка маҳкум этилган эди.

Ғирдакнинг отаси солиқларни аранг тўлаб, бўйнидаги занжирдан қутулгач, ётиб қолди. Шунга қарамай, елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортган эди.

– Аллоҳга шукур, бўйнимда занжир билан ўлиб кетмадим. Бўйинбоғ – қуллик белгиси. Энди менинг ўнгланишим маҳол. Ерни қўлингдан чиқара кўрма, ўғлим. Еринг бўлса, бор ҳосилни солиқчилар тортиб олгандаям, машоқ териб бўлса-да, бир кунингни кўрурсен. Мени мусулмонлар одатига биноан дафн қил. Ислом ҳақ дин эканига чин дилдан иймон келтирдим. Одил халифа тахтга ўтирса-ю шариятда белгиланганидан ортиқ солиқ солинмаса, юрт дориламон бўладур.

Ғирдак жанозада қуръон ўқиттириб, майитни мусулмонлар қабристонига дафн қилди. Бироқ падари бузрукворининг бошқа васиятини бажара олмади. Бир неча ой бўлса-да, занжирбанд юришга бўйни ёр бермади. Ҳатто онаизорининг муросяю мадора ҳақидаги илтижоларига ҳам қулоқ солмай, айни ҳосил етилганда ерига харидор қидирди. Ярим баҳосига сотиб, бозордан бир от ва қилич харид қилди. Узоқ-яқин юртларга қатнайдиған савдо карвонларига соқчи бўлиб ёлланди. Олис сафарга кетганида, қарз олиб бўлса-да, онаси ва сингисининг бир неча ойлик харжини олдиндан таъминлаб қўярди. Ҳиндистонга бориб келган карвонга соқчи бўлиб, не-не дарёлардан кечиб ўтиб, не-не ўлкаларни кезиб, қароқчилар билан олишиб, хизмат ҳақидан ташқари ўзи маҳв этган ҳар бир қароқчининг боши учун мўмайгина пул олиб, Ғиждувонга қайтган Ғирдакни мусибат кутиб турарди. Сингиси касалга чалиниб ўлгач, онаси ҳам бу айриликни кўтаролмай қазо қилибди. Ғирдак совғага олиб келган ҳинд буюмларини кимсасиз уйга сочиб юбориб, ўкраб йиғлади.

¹ Аббосий халифа Абужаъфар Мансурни (754-775) мол-дунёга ҳарис бўлгани учун Давониқий лақаби билан аташган. “Давониқ” – майда чақа “доник”нинг кўплик шакли.

Ёлғиз қолган Ғирдак ҳар бир нарса марҳум жигарларини эслатадиган қишлоқда узоқ турулмай, энг олис ўлкаларга кетадиган карвонга соқчи бўлиб ёлланиш учун Бухородаги катта карвонсаройлардан бирига келди. Бу ерда волийнинг тавочиси карвонларга соқчиликка ёлланиб юрадиганларни аскарликка даъват қилаётгани устидан чиқди. Аскарларнинг зўравонлигидан хабардор Ғирдак унга эътибор бермай, отини карвонсарой отхонасига элтиб боғлаб, танишлари ва дўстларидан сафарга ҳозирланаётган карвонлар ҳақида сўраб-суриштириш учун ҳовлига чиқди. Тавочи уни кўриб улгурган эди.

– Ҳой йигит! Отинг асл тулпор экан, яроғинг ҳам ярашибдур. Сен каби алп йигитларнинг ўрни лашкарда. Камида ўнбошилиқни уддалайсен. Қурол-яроғ, яна битта от, оддий аскарникидан уч баравар кўп маош оласен.

– Солиқ тўлаёлмаган деҳқонларни калтаклашим эвазигами? – деди Ғирдак нафрат билан.

– Бу сенга боғлиқ. Ўнбоши бўлгач, сен буюрмасанг аскарлар бировни калтакламас. Вазифани қандай бажармоқ – ўз ишинг.

Шу тариқа Ғирдак волий қўшинида ўнбоши бўлди. Қурол ишлатишни анча-мунча ўрганиб олгани туфайли ҳарбий машқларда ўзини кўрсатди. Ғирдакнинг ҳарб ишига моҳирлиги, жанговар мусобақаларда ўз ўнлиги билан кўпинча ғолиб чиқишини кўрганлар келгусида у юзбошилиқ, ҳатто сарҳанглик каби юқори рутбаларга эришмоғи мумкин дер эдилар. Бу башоратлар ўз тасдиғини топди. Бироқ Ғирдак халифа лашкарида эмас, балки унга қарши исён кўтарган оқ кийимчилар қўшинида саркардалиқ мақомини эгаллади...

Ғирдак ғарбий дарвозадан чиқар экан, кўксига даланинг салқин эпкини урилди. Девор ёнида тўпланган катта-кичик болаларга кўзи тушди. Кўплари куллар карвонидан қутқарилган болалар. Барчасини ўз қишлоқларига жўнатишнинг иложи бўлмади. Қариндош-уруғлари қидириб келиб, олиб кетишларини кутишарди. Болалар Ғирдак атрофини давра қилиб ўрашди. Нарироқда эчки юнги ўраб бойланган кўрғошин соққани тепиб, тепук ўйнаётганлар ҳам ўйинни бас қилиб, яқин келишди.

Деворга ўнта доира чизилганди, болалар навбати билан қирқ қадам нарида ўн кишилиқ сафга тизилиб, доираларни нишонга олиб, ўқ уза бошладилар. Тўғри мўлжалга уришганда, севинчдан чапак чалиб қийқириб, ўқлар тугагач, югуриб йиғиб келишарди. Катта ёшли болалар Ғирдакнинг қўшалок ёйли оғир камонини сўраб олиб, юз қадамдан туриб нишонга уришга интиларди. Сардор ғолибларга усталар ясаган янги камонларни ўқлари билан ҳада қилди.

Болаларга қўшилиб дилтанглиги ёзилган Ғирдак дарвозадан чиқиб ўзлари томон келаётган уч қизнинг орасидан Гуландомни таниди ва ваъдасини эсласа-да, ҳайратини яширолмади. Қизлар ёйандозлар сафига яқинлашгач, мунгайиб туриб қолишди. Уларни томошага келган деб гумон қилган болалардан бири билимдонлик билан насиҳат қилди:

– Орқада туриб томоша қилинглар. Ўқ тегиб кетмасин тағин.

– Биз ҳам камондан отмоқчимиз, – деди Гуландом.

Болалар орасида гурра кулги кўтарилди.

– Қизларга ўқ отишни ким қўйибди!

– Бориб сигирларингни соғсаларинг-чи. Бузоғи эмиб қўймасин.

Қизларга дастлаб насиҳат қилган бола яна билағонлик қилиб узиб олди:

– Камон ипини тортиш сигир елинини чўзиш эмас!

Қизлар мулзам бўлиб қолишди. Гуландом норози қиёфада қошини чимириб, Ғирдакка қараб қўйди.

Ғирдак қизлар сари юриб, далда берди.

– Зап келдингизлар-да, қизлар! Шодиябегим бўлукига бир эмас учта жангчи ҳозирлаб берар эканмиз-да! – Сўнгра болаларга хитоб қилди. – Йигитлар! Элимиз тарихида ҳарб ишида ном қозонган аёллар кам бўлмаган. Баъзилари ҳатто лашкарни жангга бошлаб кирган. Малика Тўмарисни, ўзимизнинг Бухоро вилоятида ҳукм суриб, юртини ёвга бермаган Қабож хотунни эслайлик. Алар қозонган улуғ зафарларга унча-мунча эркак саркарда ҳам эришолмаган. Агар бизнинг замонда ҳам шундай ёвқур аёл саркарда чиқса, унинг туғи остида элимиз эрки учун жангга киришдан биз асло ор этмасмиз. Шундай экан, йигитлар, энди қизларга ҳам навбат берайлик.

Қизларга якка-якка отишга изн берилди. Ғирдак орқасига пат қадалган темир учли ёй ўқини камон гиришига солиб, Гуландомга тутқазиб деди: қаттиқроқ тортиб, девордаги белгини кўзлаб, қўйиб юбор! Қиз ҳаяжонданми, ҳали ўрганмаганданми, гўё охиригача

тортишга кучи етмагандек, камон ипини нозик бармоқлари билан озгина чўзибоқ, қўйиб юборди. Пастлаб учган ўқ баланд кўтарилмай, ярим масофада ерга суқилиб қолди. Болалар мазах қилгандек қийқариб қулишди. Билагон бола учинчи марта узиб олди:

- Девордаги нишонга ўқ қадаш бошқа, каштага нина санчиш бошқа!
- Ғирдак қип-қизариб йиғламоқдан бери бўлган қиз кўнглини кўтарди:
- Бошланиши чакки эмас. Ҳали болалардан ҳам яхшироқ отадиган бўласен.

Ўн тўртинчи боб

Наршах ибодатхонасининг меҳробли хонасидаги жездан ясалган доирасимон оташдонда куну тун олов ёнади. Муқаддас олов ўчиб қолмаслиги учун қоҳинлар ибодатхонада навбатчилик қилишади. Оташхонанинг равоқсимон тоқчаларига яхши ёнсин деб мой шимдирилган ўтин, хушбўй хид чиқариб ёнадиган ўсимлик поялари, оташкурак, темир қисқичлар ва бошқа зарур асбоб-анжомлар қўйилган. Олов алангаси пасайганда навбатчи қоҳин қисқич билан ўтиндан олиб, юзини оловдан тескари қилиб, ғоят эҳтиёткорлик билан оташдонга солади. Ўтинни қўлда солиш ҳамда муқаддас оловни нафас билан булғаш зардуштийлар наздида гуноҳи азим эди.

Ибодатхона ҳовлисидаги уйлардан бири дарсхона қилинган. Бидун беш йигит ва хушбичим қоҳиналик либосидаги икки қизга зардуштийлик дини асосларидан сабоқ бермоқда. Бўйраларга чўкка тушган ёш шогирдлар Авестони ҳижжалаб ўқишади. Ўзларини қоҳинликка бағишлашга қарор этишган бўлса-да, ҳали уларнинг билимлари ғоят ибтидоий.

Бугунги дарс Авестонинг маъбуд Митрага бағишланган алқовларни ўз ичига олган боби хусусида эди. Олтин совутли, қумуш найзали Митра юз тигли болта ва бир йўла ўн минг ўқ отиладиган камон билан қурулланган. У Аҳриманнинг ёвуз девлари лашкарига даҳшат солади. Митра туфайли кундуз зулматдан холи ва чароғон. Чунки у ҳар куни тўрт от қўшилган олтин аробада Қуёшни осмон бўйлаб Шарқдан Ғарбга элтади. Митра Ҳурмуз яратган эзгу дунёнинг ҳамиша сергак ва хушёр кўриқчиси:

*Уни Ҳурмуз яратди
Борлиқ эзгу дунёни
Асрагувчи маъбуд деб.
У соқчидир, кўриқчи
Борлиқни асрагувчи.
Ҳурмуз яратганларни,
Ухламай пойлайди у,
Ухламай асрайди у.*

Ёд олинган бир неча алқовни жўр бўлиб айтишди. Билим билан бирга шогирдларнинг Митра каби ҳимоячиси бўлган диннинг ғалабасига ишонч ва умидлари ҳам ортарди. Шогирдлар орасида ўзлаштиришда ўзганининг исми Зиёд. Алвон тусли қоҳинлик либоси унинг қотма жуссасига салобат бахш этган. У дарсни қуруқ ёдламасдан, ҳар бир масала устида мулоҳаза юритмоққа тиришади. Мўбад маърузасини тугатиб, дарснинг савол-жавоб қисми бошлангач, Зиёд Авестодан дафтарига кўчирилган парчани ўқиб сўради:

*Шарқда қаллоб ушланар,
Ғарбда у ҳалок бўлар.
Ранға бошида бўлсин,
Хоҳ бўлсин ер қаърида
Душманларни қудратли
Митра забун этадир.
Бир зарб ила уларнинг
Одами ва отларин
Бир кун қақшатар Митра...*

Устоз, Авестодаги жуғрофий манзилларга изоҳ берганингизда Ранға Яксартнинг¹ илоҳий номи эканини айтиб ўтдингиз. Бинобарин, бу сатрларда душманамиз бўлмиш ха-

¹ Яксарт – Сирдарё.

лифа лашкарининг Яксарт бўйида Хурмуз ғазабига учраб, Митранинг зарби билан забун этилиши хусусида башорат мавжуд эмасми?

Шогирдининг тиришқоқлигидан ҳам кўра, Авесто матнини замонга боғлаб талқин этишга интилишидан Бидун кўпроқ мамнун бўлди. Қани энди юзлаб, минглаб шундай шогирдлар етиштирилса!

– Балли, Зиёд, муқаддас Авесто дарслари эътиқодимизни мустаҳкамлабгина қолмай, ғолиблик сирларини, душманни забт этиш йўларини ҳам бизга ўргатадур, – деди мўбад оғзининг таноби қочиб. – Минг йил бурун Искандар Яксарт бўйидан чекинган. Халифа лашкари, бошқа барча душманларимиз учун ҳам Яксарт, Авестода башорат этилгани янглиғ, ҳалокат сарҳадидир. Чунки Яксарт ва Ўкуз¹ ўртасидаги ўлка – Хурмузнинг хос диёри. Ёвуз кучлар, яъни Аҳриман малайларининг ҳукмронлиги бу ерда муваққатдир.

– Бу парчани паҳлавий тилидан туркий ва сўғдийга ўгириб, кўплаб нусхаларини тарқатсак, курашга таъсири зўр бўладур! – деди Зиёд тўлқинланиб.

– Ўз дини йўлида курашмаган коҳин – коҳин эмас! – дея шогирдини қўлади Бидун. – Эзгу иш ғайрат тақозо қилур. Аҳриманнинг хизматкори ёвуз дев Бушяста бўлма илондек узун қўллари билан одамларнинг ғайратини тушовлаб, танбаллик ва ғафлат уйқусига чўмдиради. Бу замонда Бушястанинг чангалига тушганлар озми? Авесто муждалари билан аларни уйғотиб, ҳақ йўлига – кураш йўлига солайлик, бўталарим!

Дарсни тугатган мўбад шогирдларга жавоб бергач, қизи Гуландом ва Зиёдни яна бир оз қолишга ундади:

– Сизлар сабоқда бошқалардан илгаридасизлар. Қўшимча машғулот билимни янада мустаҳкамлайди.

Мўбад ўзи ёзаётган рисоланинг бошланғич қисмларини уларга ўқиб берди. Рисола исломга мунозара тарзида битилган эди.

– Ҳар бир коҳин муқаддас динимиз учун курашдан толмаслиги керак, – деди Бидун. – Бунинг учун ёлғиз эътиқод кифоя қилмас. Муқаддас Авестони, зардуштийликка оид қадимий битикларни чуқур ўрганиш лозим. Афсус, кўплаб китобларни ёвуз босқинчилар ваҳшийларча йўқотди. Аларнинг ўрнини тўлдириш учун янги рисола ва китоблар ёзишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Рисоламнинг тайёр қисмларини кўчириб олингиз. Жамоа олдидаги ваъзларингизда асқотадур. Яқин орада озод этилган Бухоро ибодатхонасида муқаддас оловни ёқиш шарафига ноил бўлурмиз. Барча сабоқларни ёд олиб, битиклардан ҳам ўқиб-ўрганиб, динимиз асосларини пухта эгаллаган шогирдимни Бухоро ибодатхонасининг бош коҳини қилиб тайинлаймен.

Шогирдларидан мамнун Бидун оташхонага кетди. Йигит ва қиз рисолаи ўртага қўйиб, савағич қаламда кўчира бошлади. Қийин сўзлар учраганда ёзилиши ва маъносини бир-биридан сўрашарди. Зиёд ҳар саҳифани тез кўчириб олар ва қиз саҳифа охиригача кўчириб бўлишини кутар, пайтдан фойдаланиб, сездирмай унга кўз қирини ташларди. Бидун шоша-пиша қинғир-қийшиқ ёзган матн Гуландомнинг дафтарида равон ва текис сатрларга тушиб, ҳар бир ҳарф бўртиб, яққол кўзга ташланарди. Қиз қаламини мусаввир мўйқаламидек моҳирона ишлатар, жимжимадор ва нафис ёзув дидли санъаткор чизган нақшлардан қолишмас эди.

– Ғаройиб рисола эканми? – деди Зиёд, нусха олиб бўлишгач. – Кўп саволларга унда жавоб бор. Устоз қолганини ҳам ёзиб тугатганларидан сўнг ўз дафтаримизга тўла кўчириб оламиз.

– Авестонинг нусхаларини ҳам кўпайтириш зарур, – деди Гуландом ўйчанлик билан. – Сиз хатни тез битар экансиз. Мен китобни ўқиб турсам, сиз кўчирасизми?

– Агар сиз ўқиб турсангиз кунни тунга улаб кўчиришга ҳозирмен. Хатим ҳуснихатингиз каби бўлмаса доғи, имкон қадар бехато кўчирурмен.

– Жуда соз. Аммо Авестодаги баъзи варақлар титилиб кетгани ёки доғ тушгани учун уларни ўқиш мушкул. Бундай сатрларнинг маъносини чиқаришда ёрдамлашасиз. Иккаламиз ҳам тушунмасак, отамдан сўраймиз.

– Бажону дил, сиз амр этсангиз, Авестони бошдан оёқ ёдлаб олгумдур.

– Мен учун эмас, дин учун фидойи бўлинг, Зиёд оға. Зардуштийлар сиз каби оташқалб коҳинларга муҳтож.

– Ва сиз каби гўзал коҳиналарга ҳам.

Бу илтифотдан қизнинг ёноқлари лоладай қизарди, ўнғайсизланиб, нигоҳини дафтарга қаратди.

¹ Ўкуз – Амударё.

Ҳн бешинчи боб

Волий қўшини Кумушқатор ёнидаги қўнимгоҳдан тонг қоронғисида қўзғалди. Кеча жанг билан эгалланган қалъанинг турли бурчакларида алангалар ловиллаб, қизғиш шуъла сочар – ўт қўйилган уйлар ёниб битаётган эди. Шу тариқа ўнлаб исёнчи қишлоқлар кули кўкка совурилди.

Қуёш гардиши ер узра кўтарилаётганда алангалар ўчган, куюқ қора-кўкиш тутун ёйилиб-ёйилиб кўкка ўрларди. Йўлга тушиш арафасида бомдод намози адо этилди. Дастлаб қўшиннинг ярми қурол-яроғини ечиб, ёнларига қўйиб, тўнларини тўшаб, намоз ўқиди. Қолганлар жанговар ҳолатда шай бўлиб турди. Ҳарбий вазият, ёв яқинлиги эҳтиёткорликни тақозо этарди. Намоз ўқиб бўлганлар қурол-яроғини тақиб, отларига мингач, қўшиннинг иккинчи ярми отдан тушиб, бу фарзни адо этмоққа тутинди.

Майманана¹ Абдуллоҳ, майсарага² Бунёт, қалбга³ эса волий Ҳусайн ибн Маознинг ўзи бошчилик қиларди. Маймана ва қалб лашкари араблар, эронийлар, мисрликлардан, Бунёт қўл остидаги бўлук Туроннинг туб жой аҳолиси бўлмиш туркийлар ва сўғдийлардан иборат.

Волий илгарироқ Абдуллоҳ ва Бунётни бош қилиб, Наршахга қарши лашкар юбормагани бежиз эмас. Хирож карвонига ногаҳоний ҳужумдан сўнг исёнчилар қудрати Ҳусайнга муболағали туюларди. Маълумотларга қараганда, ўлжа тушган бойликларнинг катта қисмини оқ кийимлилар от ва қурол-яроғ сотиб олишга сарфлашган. Шундан сўнг қўзғолон вилоят бўйлаб бўрондек ёйилди: олдин Вобкент, сўнгра мана шу Кумушқатор, кейин кетма-кет Вардана, Шопурком, Гиждувон, Зандана ва бошқа кўплаб қўрғонли ва қўрғонсиз қишлоқлар исёнчилар тасарруфига ўтди. Вилоятнинг бутун шимолий қисмида улар эркин юришар, қалъа кутволлари, қишлоқ оқсоқоллари, мироблар ва ҳоказолар қўзғолонга хайрихоҳ одамлардан тайинланарди. Бундай танг вазиятда Ҳусайнга исённи узил-кесил бостириш учун қўл остида мавжуд кучлар яққол кам кўринарди.

Қорақўл воқеасидан сўнг иложсиз ғазаб билан ёнган ва Наршахга қарши лашкар юбориш-юбормаслигини билмай боши қотган волий чопар орқали Марвга – халифанинг Хуросон ноибига исёнчиларнинг Бағдод учун йиғилган хирожни талашгани, уларга Муқаннадан катта отлик қўшин мададга келгани ва бошқа тафсилотлар ошириб-тошириб ёзилган мактуб йўллади. Бу ҳарбий мадад сўраб қилинган илтижонома эди.

Хуросон ноиби Ҳумайд ибн Қаҳтоба Марвдан икки минг отликни мададга юборди-ю, Бухоро волийси олдига талабларни катта қилиб қўйди: вилоятдаги исёнчилар батамом қириб ташлансин, хирож ва бандилар қайтадан йиғилиб, етарли қўриқчилар билан Марвга жўнатилсин. Сўнг Ҳусайн Бухоро лашкари билан бирга Нақшоб вилоятида Муқаннанинг асосий кучларига қарши жанг қилаётган халифа саркардаси Жунайдага мадад уюштирсин...

Қўшин йўлга тушди. Туғбардорлар дастида аббосийлар сулоласининг қора рангли байроқлари. Ярқироқ дубулға ва майда пўлат ҳалқачалардан тўқилган совут кийган волий кежим⁴ солинган арғумоқда, саркарда ва аъёнлар даврасида йўл босарди. Энлик заррин камарига тақилган узун қиличнинг учи баъзан узангига тегиб, шақирлаган овоз чиқаради. Ҳусайн олдинги сафда туриб жанг қилишга азм этган каби бозубанд ва зону-бандлар⁵ ҳам кийиб олган.

Қарши тарафдан келаётган айғоқчилар бошлиғи ўз гуруҳи билан сафлар орасидан ўтиб, туртиниб-суртиниб волий олдига келди ва от устида таъзим қилди.

Ҳусайн кўзлари киртайган, эгни-боши тунги қировдан нам тортган айғоқчилар бошлиғининг безовталигидан бирон ошиғич хабар келтирганини англаб, тизгинни тортиди. Аъёну саркардалар ҳам ундан олдинга ўтмай отларини тўхтатишди.

– Хўш, сўйла, – деди Ҳусайн, – Наршах йўлида пистирма йўқми?

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, волий ҳазратлари! Наршах кўрғонидан чиққан исёнчилар Зарафшондан кечиб, жанг аزمи билан биз сари келмақда. Кун найза бўлмасдан, кофирларга рўбарў бўлурмиз.

¹ Маймана – ўнг қанот.

² Майсара – чап қанот.

³ Қалб – марказ.

⁴ Кежим – зирҳли от ёпинчиғи.

⁵ Бозу (билак) банд ва зону (тизза) банд – қўл ва оёқлар ҳимояси учун зирҳли кийим.

Хусайн “Шунга шунчаликми?” дегандек, чимирилиб кўйди ва аъёнларга юзланди.

– Наршахга бекиниб олурлар, дея ғанимнинг ҳарбий тажрибасига ошиқча баҳо берибмиз. Бунда қалъани эгаллаш ва аларни тор-мор қилмоқ бир неча кунни олур эди. Такабурлик билан қалъани тарк этиб, дарёдан ҳам кечибдиларки, буни Аллоҳнинг инояти, дея қабул қилиб, бир зарб ила аларни кунпаякун этамиз. Жангга журъат этганларини қириб, қочганларини ҳам Наршахга етишга қўймай, дарёга чўктирурмиз.

– Мошооллоҳ, – деди волийнинг яқинидаги қозикалон Омир ибн Умар. Дубулға ва совут кийган саркардалар орасида каттакон симобий салла ва кимхоб тўнли қози ажралиб турар, манзилларда оқ кийимлиларни қоралаб, уларни битта қўймай қириб ташлаш вожиблиги ҳақида ваъзлар ўқиш учун у бир неча муллалар билан лашкарга ҳамроҳ эди.

Лекин айғоқчилар бошлиғи, афтидан, волий умид қилганидек иш осон кўчишига ишонмас эди.

– Исёнчилар адади бисёр, отлари ҳам кўп, барчаси яхши қуролланган.

Унинг кўрқоқларча душман кучини бўрттиришини ёқтирмай Хусайн қовоғини солди. Волийнинг кайфияти тушганини кўриб, қозикалон густоҳ айғоқчилар бошлиғини ўқрайиш билан яниб қўйди.

– Ҳечқиси йўқ, минг қарғага бир кесак.

Ўз топқирлигидан мамнун қозикалон кўпни кўрган қари бургутдек такаббуруна керилиб олди.

Қўшин йўлда давом этди: отлик ва пиёда бўлуқлар жипслашиб, интизом билан сафларни бузмай илгарилар эди. Олдинда ва ён томонда отлик соқчилар чор-атрофга саросоп солиб, кўз-қулоқ бўлиб боришмоқда. Чунки ҳарб иши қоидаларини назар-писанд қилмай, мунтазам қўшинга дафъатан қароқчилардек ҳужум қилиш – исёнчиларнинг азалий одати.

Волий билан ёнма-ён бораётган қозикалон вилоятнинг тинч ҳаётини бузган исёнчиларга лаънат ёғдиранкан, орада ўз дардини ҳам айтиб оларди:

– Наршах ва Ғиждувон атрофидаги амлоқларимнинг бор ҳосилини ғасб қилмиш бу малъунлар. Чорбоғларимдаги мевалар аллақачон аларнинг жиғилдонига тушиб бўлди. Аммо буғдойларим ҳали Наршах омборларида бўлса керак. Волий ҳазратлари, Наршах фатҳ этилгач, албатта, ўз молимни қайтиб олишимга изн этурсиз.

– Хирож тўлашдан қутулдингиз. Исён кимларнидир хонавайрон қилса, сизга, аксинча, даромад келтирмоқда.

– Унчалик эмас, волий ҳазратлари. Мен ҳам оз жабр кўрганим йўқ бу малъунлар фитнасидан. Боя айтганимдек, боғларимнинг ҳосилидан буткул маҳрум бўлдим. Барини исёнчилар меҳржон байрамини ўтказганда ошаб юборишди. Дарахтларни ҳам кесиб, ўтин қилишмаганмикан, деб қўрқамен бу балоҳўрлар. Сиз ҳазратимнинг шарофатингиз билан қолган-қутган молимни ундиргач, ушрни¹ албатта тўлаймен. Фақат ғалабадан сўнг Наршах омборларини талон-торож қилишни ман этадиган фармон берсангиз. Акс ҳолда, буғдой тугул, сомонини ҳам қолдиришмайди шунқорларингиз.

Кун тиккага келиб, қисқа дам олиш учун тўхтаганлари ҳамано оқ кийимлиларнинг олдинги сафлари кўринди. Аскарар саркардалар дарҳол отланиб, ўлжа шарпасини пайқаган йиртқич қушлардек ўткир нигоҳ билан ёвга тикилишди. Арғумоқлар ҳам жанг исини сезиб тоқатсизланиб, бурун паррақларини кериб, турган жойида депсинар эдилар. Оралик масофа қисқариб, кўзғолончилар кўшини бутун борлиғи билан намоён бўлди.

Қалин қор қоплагандек, зумда далани оқ кийимли босиб кетди. Саф-саф отлик ва пиёдаларнинг залворли одимларидан ер ларзага келмоқда. Найзаю қиличлар қуёш нурида ярқираб кўзни олади. Бўлуқлар олдида оқ яловлар ҳилпирайди.

Хусайн ажабланди:

– Қачон улгуришди алар бунчалик қўшин жамлашга? Ер остидан чиқдимми ё осмондан тушдимми бу беадад лашкар?

Аскарларнинг ҳам кўзи исёнчиларда, ўроқ ва паншаха кўтарган анчайин оломон ҳақидаги хаёллар шамол тўзғитган кумдек тарқаб кетди. Хусайн уч мингдан зиёда отлик ва пиёда аскарни ҳар эҳтимолга қарши Бухорода қолдирган эди.

Волий бўшашди, яноқлари туртиб чиққан узунчоқ юзи билинар-билимас бўзарди. “Уч минг аскарни бекор Бухорода қолдирибмен, камроғи ҳам етарди, чекиниш уят, жангга кириш эса... ким билади” – мубҳам хаёллар кўнглидан ўтди унинг. Олдин сулҳ ҳақида

¹ Ушр – ҳосилнинг ўндан бири миқдорида олинадиган солиқ.

ўйламаган бўлса-да, исёнчилар қудрати кўз олдида рад этиб бўлмас воқеликка айлангач, иккилашиб қолди. Дилини ўртаб-таталаётган хавотир-ҳадикни сездирмаслик учун имкон қадар осойишта овоз билан деди:

– Балки қон тўкмасдан сулҳ тузишга рози бўлишар. Бир уриниб кўрмоқ лозим. Жонларини ўзларига ато қилурмиз. Қурол-яроғларини ташлаб, исённи тўхтатиб, қишлоқларига тарқалишса бас.

Кутилмаган фикрга нима деярини билмай, аёнлар ўйга чўмишди. Абдуллоҳ дарҳол эътироз билдирди:

– Фикри ожизимча, сулҳ бизга муносиб эрмас, волий жаноблари. Бу алар содир этган бузғунчилик ва бебошликларни кечирмак, дўзах оловида ёниши лозим бўлган муртадларга лутфу марҳамат кўргузиб, гуноҳидан ўтмақдур. Наҳот бунга йўл қўйса! Худо билсин, бу коримиз қандай шармандали овозаларга сабаб бўлғай? Алар бир-икки тўқнашувда макр-ҳийла билан ғолиб бўлгач, ўзларига ғоят бино қўюбдурлар. Сулҳга рози бўлсак, янада ҳаволаниб, бузғунчиликлари ҳаддан ошур.

– Жаноб саркарданинг фикрларида жон бор. Ҳатто ўзлари сулҳ сўраб, оёғимиз тагига йиқилганларида ҳам рад этмоқ керак. Қаршимиздаги кофирлар тўдаси кафан кийиб, шай туришибди. Шу ер муртадларга қабристон бўлсин! Бу тепалик ва ўнғирларда шамол ялаб, оқариб ётадиган сўнгалар ўтган-кетганларга оқ либос кийганларнинг қисмати не кечганлигини эслатиб турсин, – деди қизиққон Наим ибн Саҳл.

Ёш сарҳанг жангда мардлик кўрсатиш, ном қозониб баланд рутбаларга эришиш иштиёқида ёнарди. Исёнчилар томон қараркан, мўйлови диккайиб, бароқ қошлари чимирилиб-ёзилар, лаблари қимтиниб, кўзлари ўлжа кўрган бургутникидек чақнарди.

Саркардалар олишувга ошиқаётганидан қатъий назар, Ҳусайн ҳамон тараддудда эди. У Бунётга назар ташлади. Бухорхудот пўлат совут устидан зар чакмон кийган, дубулғасига зар жиға таққан, чап қўлида жанг қуролидан кўра безакка мойил нақшли думалоқ жез қалқон ушлаб олган. У ўзини хотиржам кўрсатишга интилса-да, авзойидан қийин ўйлар гирдобидида қолгани аён. Лекин ундан лом-мим деган садо чиқмади. Ҳусайн унинг сукут сақлашидан “менга барибир” деган ифодани уқди ва бир қарорга келиш олдиан исёнчилар сафига яна бир қур назар ташлади.

Улар уч ўк отими нарида тўхтаб, сафларини ростлаб жангга ҳозирланишарди. Қиличларини яланғочлаб, узун найзаларни баланд кўтариб, гўё ҳурпайган улкан оқ жайра тусига киришди. Кўп ўтмай тошқин сувдек гувиллаб, ислом лашкари устига энишади. У пайтда сулҳ ҳақида оғиз ҳам очиб бўлмайди.

“Ҳаво совуқ бўлганида ҳам юпун кийинган исёнчилар қунишиб, яхши уруша олмас эдилар, – мулоҳаза юритарди Ҳусайн. – Лекин аксига олиб, қиш аллақачон бошланган бўлса-да, қуёш чарақлаб турибди. Балки бу билан Аллоҳнинг ўзи сулҳ тузмоқ, аларни ҳақ йўлга ундамоқ лозимлигини англатиб, бу қарорни кўнглимга солаётгандир”.

Волий оғир тин олди ва саркардаларни ранжитмаслик учун мулойим оҳангда, жўяли далиллар билан яна ўз фикрини қувватлай бошлади:

– Дини ислом йўлида жиҳодга интилаётганингиз таҳсинга сазовор. Жанг майдонида кийиклар подасига ташланган шердек ёвни бурда-бурда қилишингизга ишончим комил. Лекин эҳтиёткорлик ҳам зарур. Қарлуқларнинг маккор хоқони Фаллух ва иблисининг малайи Муқанна юборган мадад айғоқчилар маълумотларидагидан ҳам кўпга ўхшайдур. Анави саф тортган отликлар – қарлуқ суворийлари. Ғаним аскарларининг кўпи умрида омов билан ҳўкиздан бошқа нарсани кўрмаган, экинзор дала билан ҳарб майдонини кўпда фарқлаёлмас-да, қарлуқларда анча-мунча жангарилик борлигини инкор этиб бўлмайдур. Исёнчиларнинг бир қисмини ҳар хил ваъдалар билан тарқалишга кўндирсак, қолганини енгмоқ осон бўлур. Бу муваққат сулҳ бизга ҳеч бир доғ туширмас. Пайғамбар алайҳиссалом ҳазратлари ҳам кофирлар билан урушларда, зарурат туғилганда сулҳ тузганлар. Халифалар ва атоқли ислом лашкарбошилари ҳам мулоҳазали сулҳу муросадан эҳтироз этмаган. Сиз нима дейсиз, муҳтарам қози?

Исёнчилар кўшинини кўриб, қозининг юраги орқасига тортган эди.

– Аларни ҳақ йўлга чақирмоқ ҳикматдан холи эрмас, илло, бир тўда ялангоёқ билан урушиш шаънимизга нораво, – деди у кўксини қоплаган тўрвадек соқолини селкиллаб.

– Ўзингиз соқчилар билан аларга қамти чиқиб, таслим бўлишга даъват этинг. Муруват юзасидан яхши гапириб кўринг, саркашлик қилишса, осийлар тортадурғон дўзах азоби даҳшатларини эслатинг.

Омирни совуқ тер босиб, кўзлари жонсарак пирпиради. Лекин буйруққа итоат этишга мажбур. У олдинда юришга чўчигани боис, ялов кўтарган отлиқ соқчиларнинг орқасига тушиб, исёнчиларга пешвоз чиқди. Овоз бемалол етадиган масофада тўхтади, отининг бошини ярим буриб, қочишга шай ҳолда бақирди:

– Осий бандалар, қулоқ солинглар!

Қозининг овози ғовур-ғувур товушлар, отларнинг кишнаши, яроқларнинг шақир-шуқурига қарамай, майдон узра баралла янгради.

– Қулоғимиз сизда, жаноби қозикалон, – кинояли қичқирди Ҳаким. – Бу ер қозихона бўлмаса ҳамки, майли, эшитайлик.

Уларнинг мурасасозлигидан руҳланган қози ўзини ўнглаб, қаддини тиклади ва бўйинини ғоздек чўзиб, ваъзхонликка тутинди:

– Волий ҳазратлари сизларни сулҳга даъват этади. Йўлдан адашган оломон беҳуда қирилиб, қарға-қузғунларга ем бўлмасин, бола-чақалари йиғлаб қолмасин. Эй осий бандалар, Муқаннага эргашганлар ҳар икки дунёда жазога мустаҳиқдур. Сиз амирал-муслиминга ва ҳақ динга қарши исён кўтариб, оғир гуноҳга ботдингиз. Лекин қодир эгам меҳрибон ва мурувватли. Чин дилдан тавба қилиб, куфр йўлдан қайтсангиз, ҳақ динга имон келтириб, тоат-ибодат қилсангиз, ажаб эмаски, гуноҳингиздан ўтса.

Ваъз сардорларга акс таъсир қилди.

– Эй, булбулигўё қози, – деди Ҳаким, – сулҳ тузишга келдингизми ё бизни ташвиқ-тарғибот этганими?

– Сулҳ даъвати билан келдим, эй осийлар. Қуролларингизни ташлаб, ноҳақ ғасб қилган молларингизни эгаларига қайтариб, қишлоқларингизга тарқалсангиз, сизлар учун ҳалокатли, қонли жангнинг олди олинур.

Исёнчилар сардорлари ўзаро қисқа кенгашиб олишди. Сўнгра Ҳаким қозига юзла-ниб деди:

– Бу шартлар ўзингизга сийлов, қози жаноблари. Йўлбошчимиз Муқанна мурасасиз курашни амр этган. Сулҳ учун бизнинг шартимиз шу: волий лашкари билан вилоятни тарк этиб, Жайхуннинг нариги тарафига кетсин. Шундагина тинчлик аҳдини тузгаймиз.

Қозикалон жавобга оғиз жуфтлаган эди, сардорлар ёнида турган Бидун унга лаънатлар ёғдира кетди:

– Эй, қабих ва жирканч кимса, Аҳриманнинг девсифат ваҳший элчиси! Ҳурмуз лашкари қора кучлар билан қандай мураса қилмоғи мумкин? Офтоб нури ва жаҳаннам зулмати ҳеч вақт дўст бўлурми? Ҳурмуз ғолиб келиши билан Аҳриман ҳукмронлиги хотима топмоқда бу очунда. Эзгуликнинг ёвузлик устидан тантанаси ва сенинг ўлим онларинг яқинлашди, эй бадбах!

Бу ғазабли сўзлардан Омирнинг дами ичига тушиб кетди. Исёнчиларга гап уқтириб бўлмаслигини сезди-да, отини қаттиқ ниқтаб, тасирлатиб орқага қайтди. Соқчилар ҳам унга эргашди.

– Ўладиган ҳўкиз болтадан тоймас, – деди қозикалон волийга. – Омонлик эмас, тиғи қаттолга сазовор алар!

Исёнчилар шахдини кўриб, Ҳусайннинг юрагига ғулғула ораласа-да, жанг муқаррарлигига амин бўлгач, совуққонлик билан саркардаларга жой-жойларини эгаллашни буюрди. Улар мамнун алпозда отларини қичаб, ўз бўлуқлари томон кетишди. Фақат Бунёт тайсаллаб деди:

– Мен ҳам бир уриниб кўрай. Зора, сулҳга рози қилолсам аларни. Беҳуда қон тўкиш не ҳожат?

“Нима бўлгандаям, аларга элдош, қирилиб кетишларини истамаётир”, деб ўйлади Ҳусайн ва бош чайқади:

– Маълумки, алар қонсираб қолишган. Ўткир тиғни ишга солмоқдан бошқа илож йўқтур.

Лекин Бунёт қаттиқ туриб олгач, ён берди. Бир иш чиқишига кўзи етмас, бухорхудо ҳам тарвузи қўлтигидан тушиб қайтишини истарди. Чунки Бунёт халифага садоқат билан хизмат қилса-да, баъзан қора халқнинг ёнини олишга журъат қилиши, айниқса, сўнги йилларда айрича қадам олиши волийга маълум. Эҳтимол, халқим мени суядур, деб ўйласа керак. Лекин баттол оқ кийимлилар халифага хизмат қилганларни қавми, насл-насабига қарамасдан, душман ҳисоблаши ҳеч кимга сир эмас. Бас, бухорхудотни ҳам, қозининг ҳолига солиб, ҳақоратлаб жўнатишади. Натижада Бунёт баъзи хом хаёлларидан тезроқ қутулса ажаб эмас.

Бунёт беш-олти навқари билан оқ кийимлилар сардорлари олдига от елдириб борди. Шунчалик яқинлашдики, агар сиртмоқ иргитсалар, бемалол етарди. Сардорлар уни танишган, қизиқиш ва таажжуб билан қараб туришарди. Бухорхудот Ҳақимга юзланиб муддаога кўчди:

– Хуш кўрдик! Волийга, сулҳга ундагаймен десам-да, аслида жангга азму шижоатингизни янада кучлантирмоқ учун келдим. Негаким, эт тирноқдан айрилмас. Асосий кучларни сўл қанот ва марказга қўйганингиз дуруст. Ўнг қанотингиздан хотиржам бўлингки, олдин хабар қилганимдек, майсарада менинг навқарларим турадур. Номига сийрақроқ бир бўлук қўйсангиз кифоя. Сон жиҳатдан устунлик сизларда.

– Юрт эгасиз бўлмас, сурув серкасиз! – деди Ҳақим. – Ҳар ғалабамиз бирла тахтингизнинг бир поясини тикламоқдамиз. Зеро, курашимизда ҳиссангиз бордир, ҳазрат. Жанг олдидан келтирган муждангиз зафаримиз дебочаси бўлғай!

Бухорхудот хиёл кулимсираб, унинг сўзларидан мамнунлигини билдирди-да, ортга қайтди. Ҳусайннинг ёнига етгач, ғижиниш оҳанги билан деди:

– Аларни сулҳга ундаш бефойда. Батамом куфр йўлига кириб кетишган. Барчасини қиличдан ўтказмоқ лозим.

Ҳар икки тараф лашқари ари инидек ғувулларди. Бўлуклар у жойдан-бу жойга кўчар, қайта сафланар, саркардалар жон куйдириб юзбоши ва ўнбошиларга йўриқлар кўрсатарди. Ниҳоят, ҳар бир аскар жанговар сафдаги ўз ўрнини топди шекилли, ғовур-ғувур бирдан тинди. Бўлажак жанг майдони узра оғир сукунат чўкди. Асаблар таранг тортилган, кўзлар қонга тўлган, қўллар қилич, найза ва болта дасталарини қаттиқ чангаллаганди.

Жанггоҳ унда-бунда ясси тепалар сочилган яланглик бўлиб, кунботар томонига қалин тутзор туташиб кетган, уни ёқалаб ўтган ариқнинг икки томонида пастак толлар. Суви товсилиб қолган ариқдан қуйироқда Афшона қишлоғига борадиган қарвон йўли чўзилган. Унда йўловчи деганнинг қораси кўринмайди. Қарама-қарши икки тўпга жамланган минглаб одамлар учун шу паллада на орқага ва на ўнгу сўлга йўл бор. Ёруғ олам тангу тор бўлиб, уч тараф кўзга кўринмас девор билан ўраб олингандек, улар фақат олдинга қараб юришлари, қаршидаги тўп одамларини босиб-янчиб, маҳв этибгина йўл очишлари мумкин.

Оқ кийимлиларнинг салмоқли қисмини ташкил этган зардуштийлар жангга ғоят ошиқар, забун этилган дин учун интиқом олиш истаги кўнгилларида жўш урарди. Авестонинг жанговар қўшиқлари сафлар оша жарангларди:

*Ёвни мағлуб этайлик,
Эллик зарбда юзини,
Юз зарб билан мингтасин,
Минг урганда туманни.
Туман зарбда саноқсиз
Аскарлари ер тишласин!*

Жанггоҳ фазосини довул садоси тилиб ўтди. Ноғоралар гумбуридан юраклар қалқиб тушди. Жанговар наъралар арслон ўкириги янглиғ еру кўкни ларзага солди. Ўт ва сувдек мурасасиз икки лашқар бир-бири томон ёпирилди. Ҳайқириқлар, жанг ҳидини сезган отларнинг фиғонли кишнаши, довуллар гумбури – ҳаммаси бир бўлиб, қулоқларни қоматга келтирарди. Оралиқ масофа шитоб билан қисқариб, майдон бўйлаб ажал уруғини сочадиган даҳшатли қирғин-барот сония сайин яқинлашар эди.

Ўн олтинчи боб

Волий Ҳусайн қўшини жанг азмида Бухородан чиққани хабари етиши биланоқ, исёнчилар олдига ё қалъада мустаҳкамланиб ҳимояга ўтиш, ё очиқ майдонда ёғий билан савашини масаласи кўндаланг бўлган эди. Нафақат сардорлар, балки жангчилар ҳам қалъага бекиниб урушишни эп кўришмади. Наршаҳда бўлиб ўтган ҳарбий кенгашда барча зудлик билан ёвга пешвоз чиқишни ёқлади.

– Ғанимни янчиб, тумтарақай қилиб, сўнгра Бухоро устига юриш керак, – деди Ҳашвий. – Шаҳарни босқинчилардан тозалаб, аббосийларнинг қора туғини арк тепасидан улоқтириб, эрк рамзи бўлган оқ туғимизни тикамиз.

– Чиндан, мудофаадан кўра, ёвга арслондек ташланган афзал, – деди Ҳаким. – Бироқ Наршах ҳам ҳимоясиз қолдирилмаслиги керак. Ким қоладур қалъада?

Сардорлар ва кенгашда ҳозир бўлган юзбошилардан садо чиқмади. Ҳар бири бош сардор нигоҳидан кўзларини олиб қочар, “мени қолдирмасе бўлгани”, деган ҳадик кўнглидан ўтарди. Ҳаким буни англади.

– Бу вазиятда ҳар бир жангчининг ўрни жанг майдонида, – деди у. – Наршахда эсе Шодиябегим ҳокима бўлиб қолишини амр этамен. Бегимнинг ўзи тузган аёллар бўлуки ва Ғирдак таълим берган ўсмирлар қалъа ҳимоясида бўлур.

Кенгаш иштирокчилари бош сардорнинг топқирлигига қойил қолиб, бир овоздан унинг қарорини маъқулладилар.

Тўп-тўп лашкар Наршахдан чиқиб, кўрғон олдида саф тортди. Мўбад ўз жамоаси ва имом мусулмонлар олдида ваъз айтди. Сўнг бош сардор Ҳакимнинг ёлқинли даъвати сафлар оша янграб, исёнчиларнинг қалбига туғён солди:

– Ёронлар, биз қонли жангга отланмоқдамиз, бу ҳаёт-мамот жанги! Халифа кўшини енгилмаслиги ҳақидаги овозалар бир чўпчак. Ҳарб ишида, мард киши синаладиган жанг жадалларда аждодларимиз ҳеч бир элдан қолишмаган. Манман деган тождорлар – Чин фағфури, Эрон шоҳлари ва Рум қайсарларини турк қиличи ёлқини даҳшатга солган. Алп Эртўнга, Бўмин, Муҳон, Истами хоқонлар Туғардан Ботарга довури бепоён ўлкалар ҳукмрони бўлишган. Шундоқ буюк эл ўзаро низолар, ғанимлар фитнаси, энг ёмони эркини кўлдан бериш туфайли ночор аҳволга тушиб қолди. Бироқ турк эли абадий заволга юз тутди, деганлар янгиладур. Машриқдаги элдош ва қондошларимиз – қарлуқлар ва уйғурлар ўз эркини сақлаб қола олдилар. Алардан бизга мададга келган баҳодирлар сафимизда! Бизни бу курашга чорлаган буюк йўлбошчимиз озод қилинган Кеш заминидаги баланд тоғда қароргоҳ қурган. Бу тоғ чўққиси узра кураш ва интиқом байроғи мағрур хилпирамоқда. Метин тоғдек таянчимиз бор бизнинг! Йўлбошчимиз Муқанна билан кўп жангларда елкама-елка туриб олишиб, ёв устидан зафарлар кучган Боғий паҳлавон ҳам сафимизда.

Ҳакимнинг сўзларидан сўнг ҳайқириқлар осмону фалакка кўтарилди. Изма-из Боғийнинг момақалдиросдек овози янгради:

– Ёронлар, бизнинг курашимиз ҳақ! Йўлбошчимиз Муқанна номи билан жангга кирамиз. Муқанна Иброҳим, Мусо, Исо, Будда, Зардушт ва Муҳаммад каби барча пайғамбарлар динларининг ҳақлигини эътироф этур. Бинобарин, зардуштий, мусулмон, яҳудий ёки буддавий ўз эътиқодига заррача зиён етказмай, Муқанна туғи остида жангга кира оладур.

Аскарлар қиличларини қалқонларига уриб, яна сурон кўтардилар ва сафлар узра жўшқин хитоблар янгради:

- Жангга бошланг, жангга!
- Қатра қонимиз қолгунча озодлик учун курашамиз!
- Муқанна номи билан жангга кирамиз!
- Ё зафар, ё ўлим!

Бу хитоблари чин эканини исботлаш учун баҳодир жангчилар жанг майдони сари гуриллаб кўзғалишди.

Тарафлар бир ёй ўқи масофасига етгач, камонлардан минглаб ўқлар ёғдирилди. Ўлим даракчилари бўлмиш ёй ўқлари юзлаб таналарни реш қилиб, қонига бўяди. Олдинги сафдагилардан совут кийган ва қалқон тутганларгина ўқ тўфонидан омон қолди. Дастлабки қурбонларнинг жон талвасасидаги чинқириқлари ва қон ҳиди жанггоҳни чирмаган қаҳру ғазаб оловига мой сепгандек таъсир қилди. Ўзанидан чиқиб кетган икки асов оқим ўтру келгандек, сафлар тўқнашиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Қонсираган найзалар ғарчиллаб санчилганча навқирон таналарни ерга парчинларди. Қиличлар тўқнашганда учкун сочар, зарба ўнг келганда тигларида иссиқ қон буғланарди. Оғир чўқморлар зарб билан рақиблар танасини мажақларди. Намхуш ер селгимаёқ майдон узра қон оқа бошлади. Жасадлар ва ярадорлар от туёқлари остида эзилаётганига ҳеч ким эътибор бермас, қонталаш кўзлар рақибдан бошқани кўрмас, кўллар зарба беришдан тинмасди.

Орқа сафлар ҳам олишувга киришгач, сурон янада кучайди. Қиличу қалқонларнинг жаранг-журунги, ярадорларнинг оҳ-воҳлари, яраланган отларнинг фиғонли кишнаши, сўкиш ва ҳайқириқлар, мингбоши ва юзбошиларнинг бақир-чақирлари кўшилиб, ден-

гиз шовуллашини эслатар, бирон-бир овозни ажратиб бўлмас, қулоқлар том битган эди.

Исёнчилар қўшини марказига Боғий, сўл қанотига Ғирдак бошчилик қиларди. Энг кейин йиғилган жангчилардан иборат қурол-яроғи ночор пиёда бўлук ўнг қанотга қўйилди.

Икки довурак саркарда: Ғирдак ва Абдуллоҳ бошчилигидаги бўлуклар бир-бирларига қарши матонат билан олишарди. Абдуллоҳни ҳайратга солиб, деҳқонлар саркардаси аскарларининг кўплигидан моҳирлик билан фойдалана бошлади. Бўлукларни кенгроқ жойга ёйди. Қаердаки ҳалок бўлган, яраланган ва қаттиқ чарчаганлар кўпайса, дарҳол икки-уч жангчидан иборат бўлса-да, мадад юборар, ёғийнинг сафларни ёриб ўтиш ниятидаги уринишларини чиппака чиқарарди. Ўз жангчилари устунликка эришганда: “Зафар қутли бўлсин, йигитлар!” дея далда берар, унинг бу хитобини бошқалар ҳам илиб олиб, ярадорлар ҳам шердай жангга ташланарди.

Абдуллоҳ қўшини ёғий сиқуви тобора кучаяётганини ҳис қила бошлади. Исёнчилардан бунчалик шижоатни кутмаган Абдуллоҳ ҳайратини яширолмай, яқинроғидаги сарҳангларга деди:

– Ғирдак менинг қўшинимда ўнбоши эди-я! Агар жангда қўлимга тирик тушса, волийдан гуноҳини сўраб олиб, сарҳанг қилиб тайинлашга розимен!

Шу пайт ғаним ҳамласи зўрайди-ю Абдуллоҳ сарҳангларга вазиятни ўнглаш юзасидан буйруқ беришга киришди. Қарши турган оқ кийимлиларнинг сон жиҳатдан устунлиги аён эди. Аммо волийдан ёрдам сўрашга мағрур саркарданинг орияти йўл қўймас, қўл остидаги кучлар билан зафар қозонишга умид қиларди.

Марказда волийнинг сараланган қўшини Боғий бўлуки устига шиддат билан босиб борарди. Олдинда сарҳанг Наим ибн Саҳл бошчилигидаги отликлар жанг қилмоқда. Қарлуқ суворийларининг метин деворига дуч келгач, улар ҳаракати сусайди.

Қондан қизарган қиличини тинмай ўнгу сўлга сермаётган Боғий ўқтин-ўқтин бўрондай гулдирган овозда хитоб қиларди:

– Бўшашманглар, ёронлар! Муқанна номини ёд этиб, ёвга зарба беринг!

Бунга жавобан турли тарафдан акс-садолар келиб, оқ кийимлилар хуружи кучаярди.

Наим ибн Саҳл бир гуруҳ араб баҳодирлари билан Боғий олдиғача ёриб ўтишга муваффақ бўлди. Жангчилар ўзаро олишувга киришганда, Наим найзасини баланд кўтариб, Боғийга қараб наъра тортди. Боғий истеҳзо билан кулимсираб, унинг даъватини қабул қилганини билдирди ва рақиблар от устида қурол ўқталиб, таҳдид билан айлана бошлади.

Наим ўз оти бошини гоҳ у, гоҳ бу ён буриб, зарба беришга қулай фурсат пойларди. У тўсатдан олдинга интилиб, Боғийга найза санчишга чоғланганида, сардорнинг оти эгасини зарбадан олиб қочиш учун олд оёқларини кўтарди. Зарб билан урилган найза Боғийнинг қалқонидан сирғалиб тушиб, отнинг ўмовига санчилди. Унинг ўткир учи жониворнинг нақ суягига қадалганди. От жон ҳолатда қаттиқ кишнади ва силтаниб ён томонга икки-уч қадам юрди.

От мункиб, гурсиллаб йиқилганда Боғий сакраб тушишга улгурган эди. Бироқ ҳавода каманд шувиллаб, сиртмоғи сардорнинг қоқ белига тушди. У бир онда жипс тортилган сиртмоқ ҳалқасидан қўлларини чиқариб ололди, холос. Эпчил Наим сиртмоқни ғанимининг бўйнига ҳам тушира оларди-ю, тортиб кетаётганида боши узилиб, жасади ярим йўлда қолиб кетишини мулоҳаза қилди. Ёғий саркардасини жанггоҳ ўртасидан ҳаммага кўрсатиб ўтиб, волий олдига олиб борса, бу номини шон-шухратга бурқаб, жасорати довуруғи Бағдодгача етиши тайин. Наим каманднинг нариги учини эгар суянчиғига боғлашга бир неча сонияда улгурди. Шу аснода Боғий чап қўли билан каманд арқонини ушлаб, ўнг қўли билан белидаги қиндан пичоқни олди. Суяк сопли пичоқ ҳавода йилт этди-ю отига қамчи уришга чоғланган Наимнинг икки кураги орасига санчилди ва у, қамчиси қўлидан тушиб, юзтубан отдан қулади. Шу яқинда жанг қилаётган, навбатдаги рақибини яралаб чекинтирган Эрназар отдан сакраб, Наимнинг отини тизгинидан ушлаб, сиртмоқдан ўзини халос қилган Боғийга қамти қилди:

– Мининг, жаноби сардор, ўлжангиз қутли бўлсин!

– Тангри мададкоринг бўлсин, иним, – деди Боғий узангига оёғини қўйиб отга минаркан. Оғир юқдан от ларзонланди-ю, сўнг олға чираниб, чопиб кетди. Бир дақиқа кўринмай қолган сардор арабий отда яна сафлар оралаб, гулдурган овозда жанговар хитоблар қила бошлагач, оқ кийимлилар бир кучларига ўн куч қўшилиб, савашда давом этдилар.

Жанг арафасидаёқ бош сардор Ҳаким жангхоҳни кузатишга қулай тепалик устига чиқиб олди. Ҳашвий ҳам ёнида. Ҳар иккаласи кежимлик отларда диққат билан жангхоҳни кузатишар, гап орасида ҳам нигоҳларини олишув қизгин бораётган жойлардан узишмасди. Ҳакимнинг ўнг, Ҳашвийнинг чап тарафида, сал орқароқда отлиқ яроқбардорлар найза, гурзи ва камонларни лозим бўлганида сардорларга етказиш учун шай туришарди. Икки яроқбардор ўртасида оқ отга минган туғбардор оппоқ туғни адл кўтариб турар, жангхоҳнинг турли қисмларига вазиятни яқиндан кўриб-билишга юборилган чопарлар адашмай, туғни қора тортиб келишарди.

Тепалик орқасида ва ён бағирда Ҳашвийнинг отлиқ бўлуки буйруққа маҳтал бўлиб турибди. Аскарлар қилич дастасини маҳкам чангаллашар, қачон жангга бошларкин дегандек, дам-бадам тепаликдаги сардорларига қараб қўйишарди.

Жангхоҳнинг турли қисмларига юборилган кузатувчи-чопарлардан омон қайтганлари маълумотига кўра, ўнг ва сўл қанотларда аҳвол марказдагидек танг эмас. Афтидан, ғаним марказда эҳтиёт кучларни ишга солган бўлса керак, жанг сурони яна кучая бошлади.

Боғий бўлуки сон жиҳатдан устун душман зарбасидан тутдай тўкилаётганини кўрган Ҳаким эҳтиёт кучларни ишга солишга ошиқди. Кўнглида Ҳашвий бўлукини иккига бўлиб, ярмини Ғирдакка, ярмини Боғийга мададга юбориш фикри туғилди-ю аммо дарҳол бундан воз кечди: “Шу дамда ёғийга қақшатқич зарба бериш зарур. Куч иккига бўлинса, зарбанинг залвори камайдур. Ўнг қанот тўзғиса, Боғийнинг ҳам аҳволи енгиллашур”.

Бош сардор жанг бошланганидан бери илк бор нигоҳини жангхоҳдан узиб, Ҳашвийга қаради ва хиёл ҳаяжонли овозда хитоб қилди:

– Биз умид боғлаган ва она заминга қонимиз билан ёзишни ният қилган ғалабага ёғий ҳам тиш-тирноғи билан ёпишган. Панжаси кучли юлиб олур зафарни. Фурсат етди, ўз бўлукингни ғанимнинг ўнг қаноти устига бошла!

– Бош устига!

Ҳашвий кўз очиб-юмгунча ўз бўлуки олдида пайдо бўлди. Яроқбардори соя каби ундан ажралмасди. Сардорнинг: “Жангга шунқорларим! Қонга қон, жонга жон!” деган даъватига жангчиларнинг жанговар ҳайқириқлари уланиб кетди. Чавандозлар бетоқат депсиниб турган арғумоқларнинг жиловини кўйиб юборишди ва бўлук қор кўчкиси янглиғ залвор билан жанггоҳ сари отилди. Ҳашвий отлиқлари Ғирдак тўпига кўшилгач, сурон кўтариб, қаттиқ олишувдан чарчаган ва бўшашган ёв майманасига ташландилар.

Хусайн олдиндан ғалаба нашидасини сурарди. Боғийнинг ҳар бир ҳаракатидан кўз узмаётган волийга оқ кийимлилар қўшинининг ярим қудрати унинг билагига жамлангандай туюлди ва ўта қалтис топшириқларни бажаришга шай юз найзабардорга буюрди:

– Боғийга ташланингиз, у маҳв қилинмас экан, кофирларни матонат тарк этмайдур.

Найзабардорлар арабий арғумоқларда исёнчилар сафига ёриб кирдилар. Боғий бир даста жангчи билан уларга рўбарў бўлди. Охири у уч-ўрт ярадор жангчи билан ёв ўровида қолганини кўрган исёнчилар наъра тортиб ёрдамга шошилди. Чунонам шиддат билан ҳамла қилиб, найзабардорларни суриб ташлашди. Лекин бир неча жойи ўткир найза зарбидан реш бўлган Боғий эгар устида зўрға ўтирарди. Кўп қон йўқотганидан ҳолсизланган, ранги оппоқ оқарган. Сўнгги кучларини тўплаб, қаддини тиклади. Боши ғувиллаб, кўз олдида отлар, аскарлар остин-устин бўлиб, барчаси туман остида қолар экан, бўғиқ овоз билан:

– Бўшашманг, ёронлар! Ҳали замон бизга мадад етиб келур, – деёлди, холос. Боши шилқ этиб кўкрагига тушди ва ортиқ кўтарилмади – эгар устида жон берди. От ҳам буни сезгандек, оқ либоси алвон ранга бўялган баҳодирнинг жасадини йиқитмай, орқа тарафга олиб кетди. Сардорнинг ўлимидан сўнг оқ кийимлилар қасос ўти билан ёниб, олишувда давом этдилар. Улар сезиларли даражада озайиб қолишган, жанггоҳ марказида кўмондонликни Эрназар ўз қўлига олган эди.

Хусайн ғанимнинг интиқом талабидаги бўғиқ наъра ва суронидан таҳликага тушмади. Буни у жон таслим қилишдан олдин қилинган нола, деб тушунди. Энг довюрак сардорлари маҳв этилдими, энди исёнчилар туриш беролмайди. Волийнинг фикрича, улар Муқанна ёнидан келган Боғийнинг ҳарбий даҳосига ишонишар, эҳтимол, уни ўқ ўтмас, қилич чопмас, деб билардилар.

Бироқ волий кўлга кирай деб қолган ғалаба лаззатини туйиб, сархуш бўлиб турганида Абдуллоҳдан чопар келди. Саркарда шарм-хаёни унутиб, исёнчилар ҳамласига дош беролмай чекинаётганини очиқ айтиб, ёлвориб волийдан кўмак сўради. Хусайн тутатиб кетди-ю, барибир, эҳтиёт отлиқларни ёрдамга юборди. Уларни шу тобда ғанимнинг мар-

каздаги тўпини буткул янчиб ташлаш учун жангга солмоқни мўлжаллаётган эди-ю, аммо на илож.

Мадад олингач ҳам майманадаги оғир вазият ўнганмади. Бунинг устига, Абдуллоҳ бўлукининг чекиниши натижасида қўшин қалбининг ўнг ёни очилиб қолиб, оқ кийимли отлиқлар ёнбошдан зарба бераётган эди. Ҳалокатли зарбанинг олдини олиш учун волий қалбадаги тўпларни Ғирдак бўлуки томон сура бошлади. Исёнчиларнинг асосий кучи мушт бўлиб, шу ерга жамланганини у энди пайқади. Ёрдам келаётганини кўриб, Абдуллоҳ отлиқлари ҳам тўхтаб, ўзларини ўнглаб олишга уриндилар.

Жангнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Ҳар икки тараф лашкаридан омон қолганларнинг аксарияти шудгор қилинган ерда тўпланиб, қисилиб қолди. Олишув жасадлар устида борар, улар қат-қат бўлиб тобора кўпаярди. Шу дамда бир киши бўшашиб, қочишга юзланса ҳам, бутун қўшин тақдири фожиали тугашини ҳар бир сарбоз англари эди.

Шу аснода Ҳусайн олдида Бунётдан чопар келди. Бухорхудот исёнчиларнинг катта отлиқ бўлуки ён томондан айланиб ўтаётганини хабар қилган, “менга чекинишга ижозат этмасангиз, бутун аскарларим билан ёв қуршовига тушиб қолиш хавфи бор”, деган эди. Волий ғазабдан кўкариб кетди. Исёнчиларда яна қандай қўшин бўлиши мумкин?! Ё Муқанна ростдан жодугармикан? Узоқ Нақшобдан қўшинларни осмонда учириб келиб, жанг майдонига ташлаётганмикан?

Волий Бунёт чопари етказган хабар ёлғонлигини билмади. Бухорхудот жанггоҳнинг ҳар бир жойига даракчилар узатиб, жанг қай тарзда давом этаётганини кузатиб турарди.

Боши қотган волий чопарлар жўнатиб, Бунётга ҳам, Абдуллоҳга ҳам жанггоҳни тарк этиб, Ромитан йўли томон чекинишни буюрди. Бухоро йўлига пистирма қўйилиши эҳтимолини назарда тутиб, у ғанимни чалғитмоқчи эди.

Тез орада волий қўшини чекинишга бошлаб, ғаним билан сўнги зарбаларни алмашиб, жанг майдонидан чиқди. Бўлуқлар қанчалик сийраклашгани яққол кўринди. Талафотлар анча оғир: минглаб аскарлару неча-неча юзбошию сарҳанглари ҳалок бўлган. Натижасиз жангдан дарғазаб волий Абдуллоҳ ва Бунётни кўрқоқлик ва лапашанглиқда айблади.

Жанггоҳ тарафда эса зафар садолари янграр, иккиланаётган Ҳусайн кўнглига ғулғула соларди.

Ҳусайн жанг мағлубият билан тугади деб ҳисобламади. Исёнчиларга қаттиқ шикаст етказилди. Муқаннанинг атоқли саркардаси Боғий ўлдирилди. Бу йўқотишлардан сўнг оқ кийимлилар анчагача ўзларини ўнглаб ололмади. Фақат вилоят пойтахти Бухорога уларни йўлатмаслик ҳамда Хуросон ноибни орқали амиралмуслимин Маҳдий ибн Мансурга вазиятни маълум қилиб, ҳарбий мадад сўраш жоиз. Халифа Бағдоддан лашкар жўнатгач, аббосийлар туғини Наршахнинг энг баланд минорасига ўрнатиш ҳеч гап эмас.

Шаҳидлар қонидек алвон қуёш уфқ сари оғди. Ҳолдан тойган исёнчилар чекинган ғанимни таъқиб қилмадилар. Жангчилар чарчаган, қонга беланган, катта талафотлар берилган эди. Бироқ ғолибона наъралар жанггоҳни тобора титратар эди...

Биринчи бўлим тугади



Саъдулла ҲАКИМ

Ёмғир суви

Туркум



* * *

*Тун.
Ёмғир шовуллар,
Шамол тентирар,
Тарақлаб очилар эшик ногаҳон,
Хонага ёприлар ёмғир салқини.
Қордек оқ кўйлакли бўлиқ бир жувон
Остонада ўйчан термулиб турар.*

*Сирли оҳанглардан энтикар қалби,
Шамол сочларини тортқилаб қочар,
Шаффоф томчиларни юзига сочар,
Ҳилтирар кўйлаги оқ ёлқин каби
Жунжикиб оҳиста кирар ётоққа.*

*Кўксини тўлдириб ёмғир навоси
Кўз очару жонбахш сезгидан эри
Сингиб кетар муздек бағрига эриб,
Май каби симириб баҳор ҳавосин.*

*Тун.
Ёмғир шовуллар,
Шамол энтикар.*

* * *

*Туёқ излари ёмғир сувига тўлди,
Ўтлоққа тўкилди ой синиқлари.
Толгин тонгга қадар давомли бўлди,
Айгиру биянинг шўх қилиқлари.*

Ҳаво бӯйсара қиз лабидек ширин,
 Ҳаловат ёйилди борлиққа соқит.
 Бостирма ёнида юлқиб занжирин
 Ойга хониш қилди баҳайбат бир ит.

* * *

Ярим тунда чўчиб уйғондим бехос,
 Қўрдим, бино бўлмиш еру кўк аро
 Қумуш тўр тортилган бир хонаи хос.
 Осмон ерни қиздек қучиб ётарди,
 Шивирларди суйиб, эркалаб, кулиб.
 Тонгда хушбўй гуллар туғилди сархил,
 Осмон сингари пок,
 Ер каби сулув.
 ...Бир қиз қадамидан ёшарди ёш боғ,
 Ёш боғ ифорларга кўмди ҳавони.
 Қиз туйди, керакдир сир очар ўртоқ,
 Сизди сийнасида сархуш уйғониш.

* * *

Ялангош югурдим ёмгирдан қочиб,
 Мендан илгарироқ эшикни очиб
 Ичкарига урди ўзини шамол.

Хоналарни кезиб чиқдию бир-бир
 Ўз тилида сўзлай бошлади гир-гир
 Тувакдаги гулни кўргани ҳамон.

Менинг борлигимни ё пайқади гул,
 Алланечук бўлиб бош чайқади гул,
 Эшикка йўналди айгоқчи шамол.

Баҳор келганини, ким билсин, йўқлаб,
 Деразадан чаппар ёғдирди ўқлар,
 Давом этди бутун тун бўйи қамал.

Тонгда боғ, кўчада минг қуёш ёнди,
 Қушлар гул бўғзида наво уйғонди,
 Уфқлар ортида совуди шамол.

Олмоскўздан исирга тақди тонгда гул,
 Чўгдай қўлларини узатиб масъул
 Чарақлаб ойнадан жилмайди ҳамал!

* * *

Сени севишимни шамолга айтдим,
 Шамол дарахтларга етказди уни,
 Ялангош шохларда куртаклар бўртди.

*Сенга хоҳишимни сувларга айтдим,
Сувлар гулбоғларга етказди уни,
Гуллар уялибми қизариб кетди.*

* * *

*Тошли жойда оққан сув
Сайраб, шарқираб оқар.
Тошларни тичоқлардек
Қайраб, арқираб оқар.*

*Тошли жойда оққан сув
Тошларни миниб оқар.
Тўполонли оқса ҳам
Ёмғирдек тиниқ оқар.*

* * *

*Аҳли эҳтиёж мудом
Эр ҳимматидан шариф.
Тўғрилиги учун ҳам
Игнага эргашар ип.*

*Зеро, ҳақиқат абад
Ҳаракатда билинур.
Бағри қора... шу сабаб
Булутдан қочар ёмғир.*

* * *

*Ярим тунда кўз очсам
Ёнимда ётибди ой.
Сочлари – нур ёмғири,
Юзлари – тиниқ ширмой.*

*Томиримда қон эмас,
Гурас-гурас оқди нур.
Ойга қаранг... юзида
Бўса изи кўринур.*

* * *

*Менга доим шундай туюлар:
Юрагимнинг гулбоғларига
Умр ёмғир каби қуйилар.*

*Томирларим – тезоб шаршара,
Ҳаёт суви оқар шарқираб
Ва қўшиқлар куйлайди сара.*

*Қўшиқ учар кўнглимга сизмай,
Лабларимда жаранглаб кетар
Марваридлар сочилганидай.*

*Биллур ёмгир қуйилар муқим...
Фикрим гуллар олча мисоли,
Борган сари ёришар руҳим.*

*Аммо, уйқум йўқдир тунлари,
Оҳ, бир куни тинар-қу ёмгир,
Сўлмасмикан орзум гуллари?!.*

Ибодат

*Сен қайда эдинг мен эдим қайда,
Бунча кеч, бунча кеч келдим сенга дуч.
Кўзларинг кўраман ҳар қайси жойда,
Сўзларинг тинглайман, қолган бари пуч.*

*Фақат сен туфайли, бир сен туфайли
Гўзал туюлади ҳаёт гамзаси.
Розиман ёдимдан ўчса ҳам, майли,
Бир сенинг исмингдан бошқа ҳаммаси.*

*Тамшансам асалдек тилим куйдирар,
Болдан ҳам шириндир исмингнинг тоти.
Бу не ишқ? Суйганим сари суйдирар,
Бу не дард? Ўйнатар жонимни отиб.*

*Кўнглим куйиб кўнғил берганим аён,
Эл ичра овоза бўлайин бўлсам.
Бошим остонанга қуйиб берай жон,
Исмингни қучоқлаб ўлайин ўлсам!*





НАСР

Асад АСИЛ

ОЛИШУВ

Воқеий ҳикоя



Йил жуда оғир келган эди. Қиш яримламасдан ем-хашак тугади. Чорвадорлар камиш, ажриқ илдизи, янтоқ қидиришиб, ҳар куни изғиб юришарди. Шермат ака ҳам шуларнинг бири эди. У ўшанда тентирай-тентирай тунга қолиб кетди. Энди қўрага тезроқ қайтиш керак: очқаб юрган йиртқишлар қўйларни қириб ташлаши мумкин.

Чўпон ночор отни қичаб борарди. Ҳавода юлдузлар чарақлайди. От туёғи остида қор ғирчиллайди. Совуқ ва жимжит тунда бу овоз узоқ-узоқларга эшитилаётгандек. Бўрилар қорин қайғусида тўп-тўп бўлиб юришади. Бундай кезде улар одамни ҳам аяб ўтиришмайди. Бирдан шу хаёл калласига келган Шермат аканинг баданида чумоли ўрмалади. У ортига – бир-бирига мингашиб ётган тепаликларга тез-тез қарай бошлади. Ёмонлагур отнинг дам-бадам пишқириши-чи! Бўриларни атайдан чақиришдек бир гапда бу! Ҳаво ҳам, теварак-атрофдаги манзара ҳам совуқ, даҳшатли эди. Тоғ тепасидан эндигина узилиб чиққан баркашдек ой ҳамма ёқни ёритиб, чўпон жонига сал-пал оро кирди. Ой нурида мудраб ётган тепаликлардаги сирти музлаган қорнинг ялтираши ҳам хунук ва кўрқинчли эди.

Йўл юзида қирғизлар яшайдиган бир қишлоқ бор, лекин уям ҳали узоқда. Ойнинг доғли юзига кўзи тушган Шермат аканинг хаёлида ҳомиладор хотинининг чеҳраси жонланди. У хотини, болалари ёнига етиб олиб, хотиржам нафас ростлашни жуда-жуда қўмсади шу топда...

Бирдан қандайдир хавфни сезиб, Шермат аканинг вужуди музлаб кетди. От ҳам кишнаб юборди-да, шашт билан олдинга интилди. Чапдастлик билан ўзини эгарда аранг ўнглаб олган чўпон ортга кўз ташлади. Қуйироқдаги ёнбағир бўйлаб бир гала бўри елиб келарди. Шермат ака отга устма-уст қамчи босиб, яқиндаги қишлоққа етиб олмоқчи бўлди. Тузукроқ боқув кўрмаган қирчанғи тезроқ юриш ўрнига инқиллаб, секинлай бошлади. Орадаги масофа тобора қисқармоқда эди. Охирги дамларда Шермат аканинг хаёлига сўнгги нажот чораси келди. У от бошини сой бўйидаги ташландиқ боғ томон бурди. Боққа аранг етиб олган чўпон дастлабки учраган олма дарахтининг йўғонроқ шохига осилди. Сўнг эгардан азот кўтарилди. Адойи тамом бўлган от шу ондаёқ оч бўрилар қуршовида қолди. Дарахт устига чиқиб олган Шермат ака пўписа қилиб ҳайқирар, йиртқишлар эса бунга жавобан тишларини шақиллатиб ириллашар, ирғишлашар, гўё чўпонни мазах қилишар эди. Бўрилар отни ағдаришиб, тилка-пора қилишди. Гўштини очкўзлик билан ютиб, суяқларини шарақлатиб ғажишга тушдилар. Тақдирга тан берган Шермат ака эса дарахт устида томошабин бўлиб ўтирарди.

Анча олисдаги қишлоқчадан итларнинг вовуллашлари аниқ эшитилиб турар, ора-сира бир кучукчанинг ҳам заифгина товуши қулоққа чалиниб қолар эди. Вовуллашларга парво қилмаётган бўрилар кучукчанинг овози эшитилган заҳоти, гўшт ейишдан бараварига тўхтаб, диққат билан қулоқ солишарди.

Чорвадор ўтган ота-бобосидан Шермат ака кўп воқеалар, хангомалар тинглаган. Ҳозир шулардан бири ёдига тушди.

– Баъзи ит якка кучук туғади. Бўрилар уни овозидан таниб, кичиклигидаёқ бўғиб кетишади. Шу кучук омон қолса, етилгач, бўриларга қирон келтиради. Унинг номини Сиртлон деб аташ керак. Сиртлонни фақат онадан якка туғиладиган Арслон-бўри енгиши мумкин, – деган эди дадаси.

“Қишлоққа соғ-саломат етиб олсам, кучукчани излаб топганим бўлсин...” Олма дарахти устида совуқданми, ғазабданми, қалт-қалт титраб ўтирган чўпон шу ниятни кўнглига тугиб қўйди.

Бирпасда отни хомталаш қилган йиртқичлар тепаликлар ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлишди. Шермат ака кесақдек увушган баданларини ишқалай-ишқалай, қишлоқча томон йўл олди. Кучукчани топиш қийин бўлмади. Тахмини тўғри чиқди. Чиндан ҳам у якка туғилган, бўлалиги шундоққина кўриниб турарди. Юришган ишнинг бу ёғи ҳам осон кўчиб, Шермат ака билан улоқ тортишиб юрган тенгқури Эшимбет ака эшик очди.

– Жонинг фойдага қопти, отабий! – деди воқеани эшитиб ғоят ҳаяжонланган мезбон. – Бир кучук нима деган гап, сендай мард одамдан жонниям аямаймиз. Бироқ тоза емишминан яхшилаб боқ. Шундай қилсанг, мана, кўрасан, бўрилардан қасдингни олиб беради.

* * *

Шермат ака кўчиб борадиган яйлов тоғлар қуршовидаги каттагина текислик бўлиб, уни Толмайдон дейишади. Бу сойхоннинг қоқ ўртасида тўнкарилган тоғорага ўхшаш катта бир тепалик бор. Унинг ёнбошидаги тошлар орасидан булоқ қайнаб чиқиб, пастга оқади. Булоқ бўйида ўсган улкан тол дарахтининг шохлари ҳар тарафга тарвақайлаб кетган. Чўпон тоққа кўчганда мудом шу дарахт соясига ўтов тикади. Сиртлон эса тепалик устидаги уясида яшайди. Шермат ака ўша жойда ити учун икки қаватли “қаср” қуриб берган. Ҳаво очик кунларида ити устки қаватда пойлоқчилик қилса, ёгингарчилик ёки жазирама кезларда панага тушиб олади. “Ҳар иккала жойдан ҳам итим тўрт томонни кузата олади. Сиртлонимни эса сиртдан бирон зот пайқамайди...” Ити учун берилиб ошён қураар экан, шундай хаёл қилганди чўпон. Бир воқеадан кейин рақиблар, айниқса, бўрилар анойи эмаслиги маълум бўлди...

Ўша куни – кечга яқин Сиртлон тепаликдаги уясини тарк этиб, ўтов олдига келди. У қаттиқ безовталанар, кунчиқарга қараб тинмай ириллар, сира тинчий олмас эди. Қоронғи тушгач эса, Шермат аканинг ҳай-ҳайлашига қарамай, ўтов ичкарисига кириб кетди. Туни балан чўпон ҳам, ит ҳам кўз юммади. Тонг саҳарда ташқарига қараган Шермат ака Сиртлоннинг безовталаниши сабабини тушунди. Ўтов эшигидан беш-олти қадам нарида, туси сарғиш, ёлдор, қулоғи қоп-қора, қадди-басти Сиртлондан ҳам тикроқ Арслон-бўри хужумга шайланиб турарди. Бўри билан итнинг кўзлари бир-бирларига қадалган. Иккаласи ҳам киприк қоқмасди. Шошганда лаббай топилмас деганларидай, ўқлоглик милтиқ қолиб, чўпон ўтов бурчида турган дўлана сўйилни кўтариб ташқарига югурди. Бўри чўпонга ташланмоқчи бўлди-ю, ютқазди. У итнинг кўзидан кўз узиши биланоқ Сиртлон ўтовдан ўқдек отилиб чиқиб, бўрининг томоғидан олди. Зарба устига зарба бериб, уч-тўрт бор силтаб ташлади. Шунинг ўзида шилқ этиб тушган йиртқич қайта бош кўтаролмади. Сиртлон энг хавфли душманни даф қилгач, жон-жаҳди билан тепалик ортига отилди. Айғирга сакраб миниб, Шермат ака ҳам ити ортидан от солди. Тепалик панасида пойлаб турган бўрилар тизилганча Чотқол чўққилари томон қочиб боришарди. Улар сардорларидан айрилганларини сезиб, талвасага тушиб қолгандилар. Бўрилардан биронтаси ҳам қутулиб кетолмади. Сиртлон зумда навбатдаги йиртқичга етиб олар, жон жойидан тишлаш баробарида силтаб орқага улоқтириб юборар эди. Биргина шу зарбадан сўнг бўри қайта ўнглолмасди.

– Мени емоқ учун ортимдан тиш қайраб югурганларинг учун бу! – дея чалажон бўриларнинг бошларига сўйил билан туширарди чўпон.

* * *

Ёввойи жониворлар учун ўша йилги қиш яна қаҳрли келди. Қор узлуксиз ёғиб, тоғлардаги улкан қояларни ҳам кўмиб юборди. Инсон зотига қорасини кўрсатмайдиган тўнғизу кийиклар емиш излаб қишлоқ ичкарасигача тушиб кела бошладилар. Яқин атрофда бўрилар ҳам кўпайишиб қолди. Эҳтиётсизлик қилиб тунда эшик очган фалончига оч бўри сапчибди, деган совуқ хабар тарқалди. Одамлар қоронғи тушмасданоқ эшик-тешикларни беркитишиб, оғил-отхоналарни маҳкамлаб қўядиган бўлишди. Барибир дам у-дам бу хонадондан қўй-эчкилар йўқолиб турарди. Қиш чўзилгани сайин ит ва кучуклар ҳам дом-дараксиз кетаверди...

Бундай олғирликка бўри қодир эмас. Сирли йиртқич жуда эпчил ва айёр эди. Дала айланган овчилар ҳатто унинг изини ҳам топиша олмасди. “Ўғри” қуш эмаски, ўлжасини кўтариб учиб кетса. У ҳар куни келавермасди. Қачонки, бўрон қутурганда ёки қор бўралаётганда тунда пайдо бўлар, манман деган ҳушёрларни ҳам доғда қолдирарди. Ваҳимали гапларни эшитган қишлоқ кишилари кечаси тугул кундузлари ҳам кўчага чиқишдан чўчий бошладилар...

Шермат ака оғир кезларда ҳар доим ҳамқишлоқларига ёрдам бериб келган. Ёши ўтинқираб қолганига қарамай, дала-тоғларда от сурганда ёшу қари барабар ҳавасланиб қарайди унга. Эгасининг норғул гавдасига бақувват тулпор ҳам жуда мос тушган. Бу отни қадимги асл отлардан қолган туёқ дейишади. Ўзи қизғиш, ёли оқ тусли жонивор кўпқариларда улоқни олган эгасини марра сари учириб бораётганда далалар ларзага келади, яқинига йўлашга бошқа бедовларнинг юраги бетламайди.

Шермат ака отидан ҳам кўра итига кўпроқ ихлос қўйган. Юқоридан келган комиссиями, мухбирларми, чўпонни мақтай бошлаган заҳоти у: “Ҳа, энди гап итим билан отимда”, деб қўя қолади. Чўпон ваҳимали миш-мишларга дастлаб унчалик эътибор бермади. Қуёнораклар аравани қуруқ опқочаётган бўлсалар керак, деб ўйлади. Қўрасидан кетма-кет икки тўқли йўқолгач, аҳвол жиддий эканлигига ишонди.

Хаёл оғушида айғирнинг айилини тортаётган чўпон ёнида Сиртлон бош эгиб турарди.

– Ҳечқиси йўқ, полвон, – деди Шермат ака унга бир қараб қўйиб. – Ҳар замонда мағлубият алами ҳам керак. Бўлмаса, жудаям кеккайиб кетамиз.

Тулпорини миниб, Сиртлонни эргаштириб чиққан Шермат акани кўрган ҳамқишлоқлари, энди тинчиб қолармиз, деб енгил нафас олдилар...

Ёзу қиш елкасидан оппоқ муз аримайдиган Чотқол чўққилари куздан бошлаб мудом туман ва булутлар қуршовида қолади. Ўзига обдон ишонган манман деган овчиларгина унинг хилват бағрига ета оладилар. Ҳавасмандлар гапи билан айтганда, зиғирмой паловидан илиги тўқ ўсган Шермат овчи забардаст йигитлик йилларида бу тоғларнинг этагидан кириб, ёқасидан чиқарди. Чотқолнинг ҳамма сир-асрори унга беш қўлдай маълум.

Қалин туман босган тунд чўққиларга бир оз тикилиб тургач, Шермат ака ўзича режа тузди. У отининг бошини тоққа эмас, дала томон бурди. Тунда ёққан қор ҳамма изларни беркитиб юборган эди. Оти оҳиста одимлаётган чўпон ҳар саккиз-ўн метр масофада сезилар-сезилмас қолган изларга тикилганча ўйлаб борарди: “Рақибимиз осонликча жон берадиганга ўхшамайди...” Ёмонжар хилват жойидаги манзара Шермат ака тусмолини тасдиқлади. Чўпон узангига таянганча ярим энгашди-да, қор остида дўппайиб турган тошлардан бирини қамчин сопи билан туртиб юборди. У тош эмас, тишлари иржайганча қотиб қолган ит калласи экан. Қолганлари ҳам қўй, эчки ва ит бошлари эди. Буларни ўнлаб чақирим масофага орқалаб келган паҳлавон ким бўлди экан?

Сиртлон кўзлари ёниб жангга шай турар, дарё бўйидаги қалин толзорга қараб ириллар, бироқ ичкари киришга ботинолмас эди. Шермат ака бирпас иккиланиб тургач, Сиртлонни эргаштириб ортига қайтди. Чўпон номаълум ёв билан олишишни кейинга қолдирди. Бир зарба билан бутунлай даф қилиш керак. Шу ниятда у пухта режа туза бошлади.

Кейинги икки кун давомида ҳаво очилиб кетди. Қаттиқ совуқ бошланди. Бундай шароитда бирон-бир воқеа рӯй беришига чўпоннинг кўзи етмасди. Шундай бўлди: бу кунлар тинч ва осойишта ўтди. Учинчи кунга ўтар тунда кучли шамол кўзғалди. Пешиндан сўнг эса ҳавони қалин булут қоплаб, қор учқунлай бошлади. Буни кўрган Шермат ака зудлик билан ҳаракатга тушди. У тахмин қилган жойларга тузоқ ва қопқонлар қўйди, милтиқларини яхшилаб созлади, ўз ётоғидаги печ ёнига кўпроқ ўтин-кўмир ғамлади. Сиртлонни эса девори энг баланд қўй саройи ичига қамади. “Қўй кетса-кетсин, Сиртлонни сақлаб қолиш керак”, деган ниятда шундай қилди чўпон.

Қор бетиним ёғар, устига-устак бўрон кучайиб борар эди. Ярим тунга қадар пис-тирма қуриб ўтирган чўпоннинг суяк-суягидан совуқ ўтиб кетди. У ётоқхонасига қайтиб, кўрпачага ёнбошлади. “Йиртқич тоққа чиқиб кетдимикин? – хаёлга толди Шермат ака чирсиллаб ёнаётган ўрик ўтинининг қип-қизил оловига тикилиб. – Бу “киши”, одатда, қор ёғаётганда ёки бўрон авжига чиққанда ташриф буюргувчи эди. Ҳануз дараги йўқ...”

Анча толиққан чўпонни иссиқ элтди. Деворга суяниб, милтиғини бағрига босганча, беихтиёр мизғий бошлади. Қанча вақт ўтгани номаълум, ўткир хуштакдек чинқирик ва Сиртлоннинг дарғазаб ўкириши уни уйғотиб юборди.

“Эҳ, аттанг, итимдан айрилиб қолдим-ов!”

Чўпон қўштиғининг тепкисини кўтариб, ханжарни шай тутганча, Сиртлон қамаб қўйилган сарой ичкарасига югурди. Ўтакалари ёрилгудай бурчак-бурчакка тикилишиб турган қўйлардан ўзга тирик жон кўринмасди.

“Оббо, касофат! Сиртлонимни ҳам Ёмонжарга илиб кетибди-да! – ўз-ўзидан ғоят дарғазаб бўлди Шермат ака. – Ўл, баттар бўл, танбал уйқучи!..” У бир-бир босиб кўрадан чиқди. Туман бостириб келаётган далаларга тикилар, ғазабдан тишлари ғижирларди: “Қани энди, номард қароқчи билан юзма-юз келсам-у, армонсиз олишсам!..”

Шу пайт Шермат ака қулоғига Сиртлоннинг овози ингандек бўлди. У ўзини гуппа ерга отиб, кўзларини чирт юмди. Юзини совуқ қорга босганча нафасини ичига ютиб, бутун вужуди билан қулоқ солди. Ит улиши яна такрорланди. Бу чиндан ҳам Сиртлон эди! Содиқ дўст ўзига хос овоз билан эгасини чақирарди. Шермат ака ит товуши келаётган Ёмонжар томон югурди. Бир чақиримча чопиб боргач, қор устига чўнқайиб ўтирган шарпага кўзи тушди. Етар-етмас итига қўл чўзган Шермат ака бирдан ортига тисарилди-да, кўлига ханжарни олди. Сиртлон остида қандайдир каттакон йиртқич сулайиб ётарди. Чотқол тоғи чўққиларида хўжайинлик қилиб юрадиган қор қоплони ҳам Сиртлондан кутулиб кетолмабди. Қаҳратон қиш ғурурини букиб, чакана ўғирлик қилишга мажбур этган қоплон ўзидан зўрга йўлиқибди.

– “Қизил китоб”га ёзилган эркатойни ўлдириб қўйибмиз-ку, – деди итини эргаштириб кўрага қайтаётган чўпон. – Энди жарима тўлашимиз керак, полвон...

* * *

Қор қоплони воқеасидан хабар топган ўрмон назоратчиси Сиртлонга кўз тикиб олди. Шу баҳона Сиртлону чўпоннинг боши таъқибдан чиқмай қолди. Назоратчи ҳар гал келганда унинг фатвосини олиши – оёғи остида қора қўчқор бўғизлаши керак. Бу ҳам етмагандек, Сиртлонни бизга берасиз, деб қисталанг қилаверди. Рад жавоби берган фермерни кунора-ҳафта сайин назоратчи текшириб юарди. Кейин... кейин Сиртлон бирданига овқатдан қолди. У олдинги икки оёғига бошини қўйиб, мудом эгасига тикилиб ётар, ич-ичидан бетиним ғинширди. Ити тузалавермагач, Шермат ака зувиллаганча мол докторини бошлаб чиқди.

– Итга игна берилибди, – деди кўзойнакли доктор бир қарашдаёқ. – Истасангиз, операция қиламиз...

– Бугунча кутайлик, ўйлаб кўрайлик-чи, – деди фермер йиғламоқдан бери бўлиб. Эртаси азонда туриб қараса... Сиртлон ўрнида йўқ! Шу-шу қайтиб келмади.



Исмоил Маҳмуд МАРҒИΛОНИЙ

Куйёш меҳрин соғар

* * *

*Ўзбегим олам ароким топди қудратда шараф,
Ўзлигин англаб жаҳонда топди журъатда шараф.*

*Эрк қуйёши нурларидан кўкка юксалди гурур,
Жўш уриб ҳар жабҳақим, топди меҳнатда шараф.*

*Бўлди обод шаҳру қишлоқ, кент улуг хизмат билан,
Елкасига тегди офтоб, топди гайратда шараф.*

*Халқаро дўстликка берди ҳусни зийнат, ифтихор,
Ким этиб янги ташаббус, топди ибратда шараф.*

*Эҳтиёжмандларга ҳар дам чўзди ёрдам қўлларин,
Ҳақ таоло берди файзин, топди ҳикматда шараф.*

*Илму фан, санъатда дунё минбарига чиқди хўп,
Довюрак аҳли билан боз топди суръатда шараф.*

*Шукрида Маҳмуд туну кун, шонли истиқлол сабаб,
Элу юртнинг бахти кулди, топди давлатда шараф.*

Ошино бўлмаи туриб

*Очмагил кўнглингни ҳаргиз ошино бўлмаи туриб,
Айтма сўз беҳуда ҳаргиз муддао бўлмаи туриб.*

*Ииқпарварлик билан кўнглини доим ёдда тут,
Очма лаб қалбингда ҳаргиз маҳлиқо бўлмаи туриб.*

*Дарди йўқлар хоби гафлатда ўтар ўзидин кетиб,
Изла ёрни, туну кун андин жудо бўлмаи туриб.*

*Ушбу оламни зироатгоҳ билур аҳли фано,
Бу улуг неъматни топгил Мосуво бўлмаи туриб.*

*Аҳли ростлар шавқида ким топгуси чин муддао,
Топмагай ҳеч кимса йўл ииқидин шифо бўлмаи туриб.*

*Бас, риёзат чекмайин чиқмас киши ииқ тоғига,
Етмагай ёрга киши ииқдин жафо бўлмаи туриб.*

*Икки олам ҳикмати ҳар кимга ҳам этмас насиб,
Бандасига, Маҳмудо ҳақдин сафо бўлмаи туриб.*

Хаёлинг атридин

*Хаёлинг атридин олам амал олди бўлиб бўстон,
Ки, шаъминг нуридин ҳар дил чечаклардек ёзур маржон.*

*Висолинг ҳажрида, эй ёр, вужуд гамнок эди беҳад,
Шифоат истариб тўлди бу кўнглим ичраким тугён.*

*Очилди хуш атиргуллар, ифор тортди, ки, райҳон ҳам,
Мудом ошуфтадир кўнглим юзингни кўрмака чандон.*

*Ки, боғлар ичра ҳар гулнинг иси ҳам тафтидир ўзга
Ва, лек, сендай париваиш йўқ бу бўстон ичраким жанон.*

*Қуёш меҳрин сочар ҳар ён бу олам боғлари узра,
Жамолингсиз кўнгли боғим наҳот бўлгаймукун рахшон?*


*Бу жон озурдалигдин, воҳ, неча минг бор азоб чекди,
Жудолиг қасдида яна минг борким армон.*

*Фигони шавқи ииқингдин гадолиг шаҳрида Маҳмуд,
Ки, тухфангдин умид айлаб турар пойингдаким ларзон.*



ЖАҲОН ҲИКОЯЛАРИ ХАЗИНАСИДАН

Нажиб МАҲФУЗ,
Нобель мукофоти совриндори



АФСУНГАР ТОВОҒИМНИ ЎҒИРЛАДИ

Онам менга деди:

– Энди фойданг тегадиган вақт бўлди. Мана бу бир қирш¹ни олгинда, бориб фул² олиб келгин. Кўчада ўйнаб қолиб кетмагин. Автомобиллардан нарироқда юргин.

Товоғни олдим. Тахта кавушимни кийиб, кўшиқ хиргойи қилган ҳолда, йўлга чиқдим. Сотувчи олдида одам кўп экан. Мармар пештахта ёнида бўш жой очилгунига қадар кутиб турдим-да, мулойимлик билан мурожаат қилдим:

¹ Қирш – Миср ва бошқа бир қатор араб мамлакатларида майда пул бирлиги. Воқеа содир бўлган пайтларда бир қирш катта пул саналган (тарж).

² Фул – дуккакли экин мевасидан (нисбатан ловияга яқин туради) тайёрланиб, мисрликлар томонидан севиб истеъмол қилинадиган таом. (тарж).

Таниқли ва ардоқли Миср ёзувчиси Нажиб Маҳфуз 1911 йилда Қоҳирада таваллуд топди. Унинг илк асарларида анъанавий, миллий қадриятлар тараннум этилди. 1950 йиллар охирида чоп этилган “Қоҳира трилогияси” (“Байн ал-Қасрайн”, “Қаср ош-Шауқ” ва “ас-Суккарида”) жаҳон адабиётида кенг эътирофга сазовор бўлди ва китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Истеъдодли қалам соҳиби 60-йиллардан эътиборан жамият эволюцияси ва умуминсоний қадриятларга оид ҳикоялар ёза бошлади. “Тақдир ўйинлари”, “Янги Қоҳира”, “Нил устидаги сафсата”, “Тошойна”, “Муҳтарам жаноб”, “Минг кечанинг тунлари”, “Хеопснинг донолиги” номли романлари ҳамда “Худонинг дунёси”, “Лаънатланган уй”, “Соябон тагида” сингари новеллалари нодир дурдона асарлар сирасидан жой олди. 1988 йилда бутун инсоният учун аҳамиятга молик бўлган реализм ва араб ҳикоянавислигини бойитганлиги учун Нажиб Маҳфуз адабиёт соҳасида Нобель мукофоти билан тақдирланди. Араб насрининг ёрқин вакили 2006 йилнинг 29 августида вафот этди.

Адабиёт дарғасининг талайгина асарлари бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган, кўпгина асарлари эса экранлаштирилган.

Таржимондан

- Амаки, бир қиршлик фул беринг.
- Фулни ўзими ёки ўсимлик ёғи биланми?
- Нима дейишимни билмай қолдим.
- Жойни бўшат бошқаларга.
- Уйга ерга киргудек бўлиб қайтиб, онамдан дакки эшитдим:
- Бўш товоқ билан қайтибсан. Сен тўполончи фулни еб қўйдингми ёки бир қиршни йўқотдингми?
- Ўзи қанақа фул олиш керак эди: фулни ўзими, ўсимлик ёғи биланми ёки мол ёғи биланми, айтмаган экансиз?!
- Эй ярамас бола, ҳар куни эрталаб нима ейсан?
- Билмадим.
- Эй шўрим... Эй шўрим. Фул ўсимлик ёғи билан бўлсин.
- Сотувчи олдига қайтиб бордим:
- Амаки, бир қиршлик фулни ўсимлик ёғи билан беринг.
- У қовоғини солди.
- Ўсимлик ёғи иссиқ, ёки яхши зайтун ёғи бўлсинми?
- Нима дейишимни билмай тургандим, бақириб берди:
- Жойни бўшат бошқаларга.
- Жаҳлим чиқиб уйга жўнадим.
- Қандай кетган бўлсанг, шундай қайтибсан. Нима учун?
- Ўсимлик ёғими ёки зайтун ёғи бўлсинми, менга айтмасиз-ку?!
- Ўсимлик ёғли фул деганим, бу иссиқ ёғдаги фул бўлади.
- Мен қаердан билай?
- Сен нодонсан. Сотувчи бўлса, безътибор одам. Унга иссиқ ўсимлик ёғидаги фул дегин.
- Тезда йўлга чиқдим.
- Амакижон, менга иссиқ ўсимлик ёғли фул беринг.
- Бошим мармар пештахтага тегар-тегмас туриб, шошилганимдан оғир нафас олардим.
- Амакижон, менга иссиқ ўсимлик ёғли фул беринг.
- Сотувчи чўмични қозонга солиб ғудранди:
- Бир қиршни мармар пештахта устига қўй.
- Қўлимни чўнтагимга солдим. Аммо пулни тополмадим. Ташвиш билан уни қидиришда давом этдим. Чўнтагимни тагигача ағдариб ҳам кўрдим. Аммо ундан асар йўқ эди. Сотувчи чўмични қозондан бўш ҳолда чиқарди.
- Йўқотибсан. Сен болага ишониб бўлмас экан.
- Оёқларимнинг таги ва атрофга синчиклаб қарадим.
- Йўқотганим йўқ... Аниқ чўнтагимда эди.
- Бошқаларга йўлни оч. Эй Фаттоҳ¹, эй Алим² дегин.
- Онамнинг олдига яна қуп-қуруқ қайтдим.
- Бу қандоқ гап бўлди. Сен бола аҳмоқмисан?
- Бир қирш...
- Нима бўлди?
- Чўнтагимда йўқ.
- Нима, ширинлик сотиб олдингми?
- Худо ҳақи йўқ.
- Қанақасига йўқолди?
- Билмадим.
- Қуръон билан қасам ич қани!
- Қасам ичаман...
- Чўнтагинг тешикмикин?
- Йўқ, асло.
- Балки биринчи ёки иккинчи сафар борганингда сотувчига бергандирсан.

¹ Аллоҳнинг исмларидан (тарж).

² Аллоҳнинг исмларидан (тарж).

- Балким.
- Аниқроқ айта оласанми?
- Қорним очди!

Онам қўлларини қўлларига уриб хўрсиндилар:

– Нима бўлса Худодан. Сенга яна бир қирш бераман. Аммо уни сени ақчадонингдан оламан. Агар яна бўш товоқ билан қайтсанг, бўйнингни узаман...

Югуриб кетдим. Хаёлим ширин нонушта орзуси билан банд бўлди. Сотувчининг маҳалласига бурилиш жойида бир гуруҳ болалар ва ўспиринларни кўриб қолдим. Хурсандчилик ва кулги овозларини эшитдим. Оёқларим бирданига оғирлашиб, юрагим улар томонга талпинди. Ҳеч бўлмаганда, бир назар ташлаб кўйгим келди. Болаларнинг орасига кириб олгандим, афсунгар мени ёнига чақирди. Мен ўзимдан кетиб қоладиган даражада бахтиёр эдим. Эс-хушимдан бутунлай айрилдим. Тухумлар, қуёнлар, арқонлар ва илонлар билан томошани маза қилиб кўрдим. Афсунгар пул йиғиш учун яқинлашганида, “менда пул йўқ”, дея пичирлаб, орқага чекиндим. У менга ваҳшийларча қаради. Зўрға қутилдим. Қочдим. Мушти орқамга тегди. Аммо мен жуда бахтиёр эдим. Фул сотувчининг дўконига бордим.

- Амакижон, бир қиршга ўсимлик ёғли фул беринг.
- Сотувчи индамай қараб туравергани учун сўровимни қайтардим.
- Товоғингни бер...

Товоқ! Товоқ қаерга кетди? Югураётганимда тушиб қолдимикин? Афсунгар олиб кўйдимикин?

- Сен боланинг бошингда ақлинг йўқ!

Келган йўлим бўйлаб йўқолган товоқни қидиришга тушдим. Афсунгар турган жой бўшаб қолганини кўрдим. Лекин болаларнинг овози унинг қўшни маҳаллада эканини менга билдирди. Афсунгарни ўраб олганлар атрофида айландим. Мени таниб қолган афсунгар бақириб таҳдид қилди:

- Пулини тўла, бўлмаса, бу ердан кет.
- Умидсизлик билан дедим:
- Товоқ!
- Қанақа товоқ, эй шайтон боласи?
- Товоғимни қайтариб беринг.
- Йўқол, акс ҳолда, ҳозир илонларга емиш бўласан.

У товоғимни ўғирлагани аниқ. Аммо ёвузлигидан кўрқиб, нари кетдим. Ночор аҳволда йиғлаб юбордим. Йўловчилар нимага йиғлаётганим сабабини сўрашганида, барини айтдим. Ўз ташвишим билан овора бўлсамда, “эй томоша қилинглар”, деган овозни эшитиб қолдим. Орқамга қайрилиб қараб, суратлар кўрсатадиган қутини кўрдим. Уни олдига югуриб кетаётган ўнлаб болалар кўз олдимда намоён бўлишди. Томоша қутиси олдига сафландик. Қути эгаси суратларни қизиқарли тарзда тушунтира бошлади: “Мана ботир чавандозни кўраяпсиз, буниси гўзал хоним”. Кўз ёшларимни артиб, қутига катта қизиқиш билан қарадим. Қизиқишимни ҳеч боса олмасдим. Бир қирш тўлаб, қутининг кўзи олдида турдим. Ёнимда бир қиз турарди. Кўзларим олдида бирин-кетин мафтункор суратлар намоён бўлди. У сеҳрли дунёдан ўз оламинга қайтганимда, бир қиршдан айрилганим ва товоғимни йўқотганим эсимга тушди. Афсунгардан асар ҳам кўринмасди. Мени чавандозлик, севги ва кураш чулғаб олди. Қорним очлигини эсдан чиқардим. Ҳатто уйда мени кутаётган хавф-хатарларни ҳам унутдим. Ўз вақтида молия вазирлиги ва қозихона бўлган бинонинг тарихий деворига суяниб тўхтаб қолдим. Тўлалигича хаёлот дунёсига берилдим. Узоқ вақт чавандозлик, гўзал хоним ва иблисни йўлай бошладим. Сўнг хаёлимда найзани улоқтиргандек қичқирдим:

- Буни сенинг юрагингга санчаман, эй иблис.
- Майин овоз менга жавоб қилди:
- Орқасидан гўзал хоним отда пайдо бўлди.

Ўнг томонимга қараб, сурат томошасида ёнимда турган қизни кўрдим. У кир куйлак ва рангли тахта пойабзалда бўлиб, узун тирноқларини ўйнарди. Бошқа қўлида “хоним битлари” оқ ва қизил тухумларининг доналари бўлиб, бир-биримизга қараб қолдик. Юрагим унга талпинарди.

– Ўтир. Дам оламиз.

Уялаётганга ўхшагани учун уни билагидан ушладим. Тарихий девор эшикларидан кирдик. Бу зинапоялар юқорига кўтарилиб, кенгликда тугарди. Унинг орқасида кўм-кўк осмон ва минора бошланарди. Жимгина ёнма-ён ўтирдик. Қўлидан ушлаб олдим. Жим ўтиравердик, нима дейишни билмасдим. Мени қизиқ, янги ва тушунарсиз ҳиссиётлар чулғади. Ундан атир-упаникига ўхшаган ислар анқиб турарди. Лабларидан ўпдим. Ниҳоят, ўрнидан туришга ҳаракат қилди.

– Мен кетаяпман.

Хафа бўлиб сўрадим:

– Қаерга?

– Доя Умм Али'нинг олдига.

Шаҳар дазмолчиси уйи ёнидаги ҳовлига ишора қилди.

– Нимага?

– Унга тезда боришни айтиш учун.

– Нимага?

– Онам уйдан бақирдилар. Доя Умм Алига бориб тезда келиши лозимлигини айтгин дедилар...

– Кейин қайтасанми?

Боши билан розилик ишорасини қилиб кетди. Онасини эслагани учун онамни эсладим. Юрагим орқасига тортди. Тарихий зинани тарк этиб, уйга йўл олдим. Овозимни чиқариб йиғладим. Бу синалган усул бўлиб, ўзимни ҳимоя қилиш воситаси эди. Онам чиқишларини кутгандим, дараги бўлмади. Ошхона ва ётоқхонани қараб чиқдим. Аммо онам йўқ эдилар. Қаерга кетган эканлар? Бўш уйда сиқилиб қолдим. Бирданига бошимга бир фикр келди. Ошхонадан товоқ олдим, ақчадондан бир қирш чиқардим ва фул сотувчиникига йўлга тушдим. Сотувчи дўкон олдидаги диванда ухлаб ётарди. Фул қозони ёпилган, ёғ идишлар токчага териб қўйилганди, мрамар пештахта ювилганди.

– Амаки...

Аммо фақат хуррак овози келди. Елкасидан ушлагандим, жаҳли чиқиб, қўлини кўтарди. Маст кўзлари билан менга қаради.

– Амаки...

Менга тикилиб қаради. Таниганидан кейин кўполлик билан сўради:

– Нима керак?

– Бир қиршга иссиқ ёғли фул беринг...

– Нима?

– Пул ва товоқ ўзим билан.

Сотувчи ўшқирди:

– Сен бола жиннисан. Йўқол бу ердан, бўлмаса, бошингни ёраман.

Жойимдан кўзғалмагандим, қўли билан мени қаттиқ итариб юборди. Орқам билан йиқилиб тушдим. Оғриқдан қийналиб турдим ва йиғлаб юбормаслик учун ўзимни зўрға босдим. Қўлларим банд эди: бирида бир қирш ва бошқасида товоқ. Сотувчига ғазаб билан қараб, товоғимни отдим. Товоқ учиб бориб, бошига тегди. Ҳеч нарсага қарамай югуриб кетдим. Чавандоз иблисни ўлдиргани каби мен ҳам сотувчини ўлдириб қўйдим, деб ўйладим ва тарихий деворнинг яқинида тўхтадим. Нафасим тиқилганича орқамга қараб, ҳеч ким таъқиб қилмаётганига амин бўлдим. Ўша ерда нафас ростладим. Кейин нима қилиш керак, деб ўзимдан ўзим сўрадим. Иккинчи товоқдан ҳам айрилдим. Нимадир мени тўғри уйга қайтишдан тийиб турарди. Ўзимни ерга уришларига қўйиб берганимдан ҳафа бўлиб кетдим. Барибир ўз ҳақимни қўймаслигимни билардим. Уйга қайтишни эса маълум вақт кечиктириб туриш керак. Мана, қўлимда бир қирш бор. Бир амаллаб кунимни ана шу пулга кўрсам бўлади. Қилган жиноятимни эсдан чиқаришга қарор қилдим. Аммо афсунгар қани? Суратлар қутиси қаерда? Уларни у ёқ, бу ёқдан қидиришимнинг фойдаси бўлмади. Бефойда қидиришдан чарчаб, тарихий зинага қайтдим. Ўтириб олиб, ҳалиги қизни кута бошладим ва бўлажак висолни хаёл қилдим.

¹ Миср ва бошқа бир қатор араб мамлакатларида ота-оналарнинг исмларини айтмасдан фалончининг отаси ёки онаси дейиш кенг тарқалган. Бунда катта ўғилнинг исми олинади. Умм Али дегани Алининг онаси маъносини англатади (тарж).

Хушбўй хидлар анқиган жисмини яна қучгим келди. Ўша қиз менда аввал бўлмаган ҳиссиётларни пайдо қилганини эътироф этдим. Мен кутиб, орзуларга берилиб турган пайтимда орқа томондан пичирлаш эшитилди. Секин ўрнимдан турдим. Зинанинг тепасига чиқиб, чалқанчасига ётиб олдим ва у томонда нима бўлаётганини ҳеч кимга сездирмай кўришга интилдим. Баланд девор билан ўралган харобани кўрдим. У ҳам молия вазирлиги ва қозихонадан қолган бино қисми экан. Зина тагида бир эркак ва аёл ўтирганини кўрдим. Пичирлаш ўша томондан келаётган экан. Эркак бошпанасиз кишига ўхшарди. Аёл эса қўй боқиб юрадиган лўлилар тоифасидан эди. Уларнинг лаблари бошқача қимирларди. Қарашлари ва кўзлари бошқача эди.

Ниҳоят ёнма-ён ўтириб олишди. Анча вақт ўтгандан кейин эркак гапирди:

– Пул.

Аёл жаҳли чиқиб қизишди:

– Сен ҳеч тўймайсан.

Эркак номаълум нуқтадан кўз узмасди:

– Сен жиннисан.

– Сен ўғрисан...

Эркак аёлга қаттиқ тарсаки урди. Аёл ердан тупроқ олиб, сочиб юборди. Юзлари ифлосланган эркак бармоқлари билан аёлнинг бўйнидан эзишга киришди. Оғир кураш бошланди. Аёл бўйнини унинг қўлларидан озод қилишга интилди. Инграб овоз чиқарди, кўзлари ола-кула бўлиб кетди, муаллақ оёқлари ҳавони тепарди. Бурнидан ип каби қон чиқаётганини ҳам кўрдим. Бирданига бақриб юбордим. Эркак бошини кўтармасидан орқага эмаклаб кетдим. Зинадан тиккасига учиб тушдим ва телбалардек дуч келган томонга югурдим. Нафасим тиқилиб қолгунча чопдим. Шунчалик чарчаб қолдимки, атрофимдаги ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Ўзимга келиб олганимда, қандайдир чорраҳа тагидаги ерости йўлига кириб қолганимни англадим. Бу жойга биринчи бор келишим эди. Шунинг учун маҳалламиз йўлини тополмай адашдим ва кўзи ожиз одамларни учратдим. Улар ҳам ҳар хил томонга юриб, бир-бирларига эътибор бермасдилар. Йўлни қандай топаман деган хаёлда кўрқиб кетдим. Бирорта йўловчидан сўраб олсаммикан? Аммо тақдир яна фул сотувчиси ёки харобадаги эркак каби кишиларга рўбарў қилса-чи?! Мўъжиза юз бериб, онамни учратсам, унда бутун вужудим билан олдига югурармидим? Ўзимча юраверсам, балки йўл кўрсатадиган бирорта белгига тўғри келиб қоларман?

Тезроқ ҳеч иккиланмай бирор қарорга келишим лозим. Ҳадемай кундуз тугаб, атрофни қоронғилик қоплайди.

Араб тилидан Бобур ҒИЁСОВ таржимаси

ШЕЪРИЯТ



Аҳмад ХҶҶА

*Ҳаёт ифориға
йўғрилган сабо*

* * *

*Чарақлайсан, Хулкар, осмонда,
Ҳижрон кечасида бўзлайман.
Қовурилар юрак армонда,
Йитгайман, нар мисол тўзгайман.*

*Асли, ёнмоқ экан – муҳаббат,
Айланурман кукунга тамом.
Ўшанда ҳам қилмасдан ҳасрат,
Мен севишда этурман давом...*

* * *

*Сенга боғланибди орзуим, ўйим,
Бошқа ҳеч бир нарса қўзғамас ҳавас.
Бода сипқоргандек
Энтикиб, тўйиб,
Сочларинг бўйидан оламан нафас.*

*Дил тарк этганда умид ва сурур,
Дунё туюлганда бамисли қафас –
Туйнук этагида кўрган каби нур,
Сочларинг бўйидан оламан нафас.*

*Гарчи вақт шитобдир,
Умр-бебақо,
Мен учун буларнинг барчаси абас.
Ҳаёт ифориға йўғрилган сабо –
Сочларинг бўйидан оламан нафас...*

* * *

Югурик кунлардан юракда кадар,
 Дейман, нима топдим соврилиб, дайдиб?
 Қанча йиллар ўтди
 Беун, бесамар
 Битмас тирикчилик қўшигин айтиб.

Кеча баҳор эди...
 Бугун эса ёз,
 Заъфарон кузак ҳам унча узоқмас.
 Вақт қуши тинимсиз қилади парвоз,
 Мен томон қайрилмас,
 Бир қиё боқмас.

Қай ёлгон илинжга бойланиб,
 Қай бир сохта жилва
 Олди кўзимни?
 Нега тўхтаб қолдим
 Бошим айланиб,
 Энди қай деворга урай ўзимни?

Нечог мушкул кунга қолибман, ажаб,
 Не қилай, умримдан кўнглим тўлмайди?
 Биламан, бу ҳолда бўлмайди яшаб,
 Яшамайин десам,
 Яна бўлмайди...

* * *

Хайр сенга, яхши бор, туман,
 Хайр сенга, эриётган қор –
 Чақмоқ чақиб, гулдурос билан
 Келаётир зангори баҳор.

Энди турфа гуллар очилгай,
 Кўкдан зилол ёмғирлар қуяр.
 Сув бўйида ўлтирган қиздай,
 Мажнунтоллар сочини ювар.

Қувонмогим лозимдир букун
 Ёш боладек ичимга сизмай.
 Лекин, кел, қиш, бу гал сен учун
 Булутларга қўшилиб йиглай.

*Гарчи яшнар дала, қир, адир,
Бир ҳис эзар инсон юрагин –
Қиш ҳам олиб кетмоқда, ахир,
Умримизнинг битта бўлгин...*

* * *

*Майлига, ҳайратда лол қотсин осмон,
Замин шионмасин, майли, бу сирга.
Шул ёруғ оламини айлармиз ҳайрон,
Биз бирга бўлурмиз,
Бўлурмиз бирга!*

*Ҳаётга қайтадан келмагай ҳеч ким,
Ортиқ бош эгмасмиз кемтик тақдирга.
Дунё деганлари кенгдир, севгилим,
Биз бирга бўлурмиз,
Бўлурмиз бирга!*

*Тобакай, қисматдан имдод кутгайман,
Бугун қисмат ўзи муҳтож таҳрирга.
Майин қўлларингдан маҳкам тутгайман,
Биз бирга бўлурмиз,
Бўлурмиз бирга!*

*Бир қатра бол кўрдим дудоқларингда,
Энди согинчларим сизмайди шеърга.
Овозим жаранглар қулоқларингда:
“Биз бирга бўлурмиз,
Бўлурмиз бирга!”*

*Совуқ надоматлар чўчитмас бизни,
Етар, тик қарармиз гийбат, таҳқирга.
Ахир, севамиз-ку, бир-биримизни,
Биз бирга бўлурмиз,
Бўлурмиз бирга!*





Навоий сабоғи

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди



ҲАЙРАТ ОЛАМИ

Мутафаккир шоир Навоий оллоҳ ва олам, олам ва одам, ҳаёт моҳиятию инсон умрининг мазмуни ҳақида кенг ва теран мулоҳаза юритган. Барча даврлар ва замонлар учун етук донишманд ҳисобланган Навоийнинг бадиият пардасига ўраб тақдим этилган бу борадаги фикр-мушоҳадалари ўзининг фавқулудда теранлиги, фалсафий салмоғи ва бадиий мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Айтайлик, дунёнинг нотекис яратилганлиги, фалакнинг тубанлигию тақдирнинг нотантилиги, ҳаётнинг шафқатсизлигию замоннинг адолатсизлиги ҳақида ёзилган асарлар, байту мисраларнинг ҳадду ҳисоби йўқ. Албатта, Навоий ижодида ҳам фалақдан, дунёдан, замондан, одамлардан шикоят қилиб ёзилган сатрлар мавжуд. Лекин сўз оллоҳнинг зоти, сифати, яратувчилик қудрати ҳақида борганда, сира норозилик оҳанглари, исён овозини эшитмаймиз. Чунончи, шоир бу хусусда мазкур байтни битади:

*Бу коргаҳда хато келмади чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдандур, хато кўрсам.*

Мазмуни: “Бу дунёда битта қил ҳам бесабаб пайдо бўлмаган. Агарда мен бирор нарсада хато кўрсам, у, аслида, ўша нарсанинг чиндан ҳам хато яратилганлиги туфайли эмас, балки, менинг нуқтаи назаримнинг қусурли эканлигидандир”. Яъни, бу дунёда нимаики менга номувофиқ, ортиқча, кераксиз, нотўғри бўлиб кўринса, бу ўша нарсанинг ҳақиқатдан ҳам мен ўйлаганимчалик ўринсиз эканидан эмас, балки менинг қарашимнинг ҳатоллиги туфайлидир, деган маънога ишора этилган.

Байтда иккита тушунарсиз сўз мавжуд: биринчиси – коргаҳ. Бу сўзнинг луғавий маъноси – ишхона, корхона, дўкон, иш жойи. Бирор иш амалга ошириладиган жой ёки нарса. Масалан, тўқувчилик дастгоҳи. Мажозий маънода эса, бирор-бир манзил, қароргоҳ, жумладан, дунё, олам маъносида ҳам қўлланади. Мирзо Бедил бу дунёни “коргаҳи қумоши шаббоф” – “тунда нафис матолар тўқийдиган корхона”, мажозий маънода, “зулмат, яъни, ғафлатнинг нафис матосини тўқийдиган корхона”, деб атайди. Яъни, ранг-баранг нарсалари билан одамларнинг кўзини ўйнатиб, уларни ғафлат тўрларига ўрайдиган ва мақсаддан чалғитадиган жой. Навоий ҳам бу сўзни, айнан, дунё маъносида кўп қўллайди. Чунончи, “Наводир уш-шабоф” девонидан ўрин олган ғазалларидан бирида ёзади:

*Бода тутким, бу улуг коргаҳ аҳволиндин
Ҳеч фаҳм ўлмади ҳар неча хаёлот айлаб.*

Мазмуни: “Май тутки, бу дунё сирю синоати ҳақида ҳар қанча ўйлаб, мушоҳада юритиб, тасаввур тахайюлга берилсам-да, ҳеч нарса маълум бўлмади”.

Бу ерда, албатта, бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига ғарқ бўлишни билдиради.

Тажаллий – кўриниш, жилваланиш. Ғайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар. Ҳақ таоло ҳамиша ҳамма ерда турли даражада тажаллий этади.

Ирфон (маърифат) – оллоҳ моҳияти ҳақидаги илм.

Маълум бўладиги, шоир хулосасига кўра, бу илоҳий сир-синоатнинг тубига етиб бўлмайди, бинобарин, ҳақ санъати мушоҳадасидан ҳайратланиш, завқланиш лозим.

Энди, юқорида келтирилган байтга қайтсак, иккинчи тушунарсиз сўз – сари мўй. Сари мўй – бошдаги сочининг бир тукича, сочининг бир учича, қилча, яъни, заррача, озгина, арзимас даражада маъноларини билдиради. Демак, шоир бирор нарса, ҳатто, у қилча бўлса ҳам, заррача бўлса ҳам муайян мақсадсиз яратилмаган, бирор вазифадан холи эмас, ўзининг муқим ўрнига эга, илоҳий ҳикмат ва хизматга молик, деган фикрни илгари сураяпти.

Бу жиҳатдан қуйидаги ҳикоят диққатга сазовор: машхур тариқат пири, тасаввуф олими ва мутасаввиф шоир Аҳмади Жом ҳузуридаги бир мажлисда мутакаллим ва сўфий ўртасида мунозара бошланади. Мутакаллим: “Ит ва мушукда зуҳур этган худодан безорман!” – деса, сўфий: “Мен ит ва мушукда зуҳур этмаган худодан безорман!” – дейди. Мажлис аҳли: “Бу иккисидан бири, шубҳасиз, куфрга кетди-ёв...” – деган хаёлга борадилар. Шунда шайх мунозарага ойдинлик киритади: “Мутакаллим назарида ит ва мушук – энг тубан махлуқлар ҳисобланади. Худода нуқсон кўришни истамагани учун ҳам у шундай олий хилқатнинг шундай тубан махлуқларда зуҳур этишини истамайди. Аслида, сўфийнинг ҳам мақсади шу: оламни яратган худо ундаги барча жонли ва жонсиз мавжудотда зуҳур этиши керак, акс ҳолда, у қусурли бўлади. Маълум бўладиги, иккаласининг ҳам мақсади худони барча нуқсонлардан пок кўрмоқчи ва чиндан ҳам худо барча нуқсонлардан покдир”.

Бу ерда гарчи нияти эзгу, тўғри, пок бўлса-да, мутакаллим нуқтаи назарининг бир қадар чекланганлиги кўзга ташланади, чунки у худони ва дунёни ўзи хоҳлаганича – ақли, илми, идрок-ку тахайюли даражасида кўришни истайди ва, айна шу истақда, унинг дунёқарашининг чекланганлиги яққол намоён бўлади. Сўфий эса, масалага ўз нуқтаи назари ва хоҳиш-истагидан келиб чиқиб эмас, балки олий ҳақиқатга асосланган ҳолда, бирмунча кенг қарайди. Унинг эътиқодига кўра, оллоҳ жамоли ва камолининг кўзгуси бўлган бу оламдаги ҳар бир заррада илоҳий нур жилваланади – бусиз олам мукамал бўлмас эди.

Ривоятнинг келтирилган байтга дахлдорлиги, унинг мазмунини ёрқин очишга хизмат қилиши ҳам шунда: бу дунёда ҳеч нарса, ҳатто, бир қил ҳам сабабсиз яратилган эмас – ҳаммасида бир илоҳий ҳикмат бор, бинобарин, инсон бирор-бир нарсани ўринсиз деб билар, бирор-бир нарсада қусур кўрар экан, бу ўша нарсанинг чиндан ҳам кераксизлиги ёки қусурлилигини кўрсатмайди, бильакс шундай мушоҳада юритаётган кишининг нотўғри ўйлаётгани, моҳиятни тушунмаётгани, хуллас, дунёқарашининг чекланганлиги – хато қилаётганидан далолат беради.

Навоийнинг баъзи фикру ташбеҳлари ғазалдан-ғазалга кўчиб юради. Лекин шоир уларни шунчаки такрорлаб қўя қолмайди, балки, муайян фикрни давом эттиради, унинг янги маъно қиррасини очади, шарҳини келтиради. Бинобарин, шоирнинг у ёки бу байтини шарҳлаш учун узоққа бориб ўтирмай, “Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳамса” дostonлари ёки бошқа асарларидаги унга яқин, муштарак байтлар асосида унинг турли маъно қирраларини очиш мумкин. Корғах – дунё моҳияти борасидаги байтлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунончи: “Садди Искандарий” дostonида Искандарнинг саволига Арастуниг жавоби мисолида шоир бу масалага ҳам ойдинлик киритиб кетади:

*Неким офаринишқа пайвастадур,
Бори бир-бирисиға вобастадур.*

*Бир иш деса бўлмас “сазovor эмас” –
Ки, бир ришта тоб анда бекор эмас.*

*Бу худ собит ўлдиги, йўқ ҳеч зот
Ва ё ҳеч аъфол ёхуд сифот –*

*Ки, зимнида хосияте бўлмағай,
Вужудида кайфияте бўлмағай.*

Мазмуни: “Борлиқдаги барча нарсалар бир-бирига боғлиқдир – бирор нарсани мувофик эмас деб бўлмайди, чунки, ҳатто қил ҳам унда бекор яратилмаган: зот, феъллар ва сифатлар шундай муқаррар бўлганки, улардан ҳар бирининг асосида бир хислат, вужудида бир хусусият мавжуд”.

Зот деганда тасаввуф аҳли мутлақ руҳнинг ўзини, илоҳиёт оламининг жавҳари, яъни, абадий ва азалий ваҳдатнинг моҳиятини тушунганлар.

Сифот – сифатлар. Илоҳий зотнинг аёнлашувчи, унинг қудрат ва хусусиятлари. Барча руҳий ва моддий оламлар, жумладан, инсон ҳам шу сифатлардан иборат.

Афъол – феъллар, ҳаракатлар, қилмишлар, ишлар.

Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг айни мазмундаги барча байтларини ўзаро қиёсан таҳлил қилинса, бу борадаги фикрлари моҳияти ойдинлашади – бир байти иккинчисининг, иккинчиси учинчисининг маъносини очишга ўзига хос калит бўлиб хизмат қилади. Бундан маълум бўладики, Навоий теран фикрларини бадийий юксак мисраларда мураккаб бир услубда ифодадлабгина қолмай, бу тилсимни очиш учун бир неча очкичлар ҳам қолдирганки, уни топиш зарбаст сўз санъаткори шеърлари тадқиқотчисининг истеъдод кучи, билим даражаси, идрок қуввати, тахайюл қудрати, таҳлил маҳоратига боғлиқ.

Шеърни нафақат адабий термин-тушунчалар ва қонуниятлар, балки шеърнинг ўзи билан ҳам шарҳлаш мумкинки, Навоийнинг бетимсол ижоди бунинг ёрқин намунасидир.

*Бу корхонаға дахл айламак адаб эрмас,
Не дахл кимсаға, ҳар неки меҳр этар лойиҳ.*

Лойиҳ – очик, ошкор, кўриниб турган.

Мазмуни: “Қуёшнинг нур сочишига киши дахл қила олмагани сингари, бу олам ишларига дахл қилиш ҳам одобдан эмас”.

Тўғри-да, бандаси яратувчининг ишларидан айб қидирганидан кўра, ҳикмат излагани маъқул эмасми? Зеро, яратувчига эътироз – куфрга баробар. Оламдаги бизнинг кўзимизга нуқсон бўлиб кўринган нарса-ҳодисалар, мавжудотларда ҳам оллоҳ таолонинг бир ҳикмати мужассам – улар лоақал бани башарга ибрат учун яратилган.

Оламдан иллат эмас, ҳикмат излаш керак.

Одамдан нафратланиш эмас, ибрат олиш лозим.

Луқмони ҳақимдан:

– Одобни кимдан ўргандинг? – деганларида:

– Одобсиздан, – деб жавоб берган экан.

– Одобсиздан қанақасига одоб ўрганиш мумкин? – деб ҳайрон бўлганларида:

– У нимаики қилса, ўшани қилмасликка ҳаракат қилдим, – дебди.

Шунга ўхшаб, яхшидан ҳам, ёмондан ҳам бир нарсани ўрганиш мумкин: кўнгил кўзини кенг очиб қаралса, яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам ҳар сўзи, ҳар иши, ҳар ҳаракати – ибрат. Бас, оламдаги бизнинг назаримизга жирканч бўлиб кўринадиган мавжудотлар, арзимас, кераксиз бўлиб туюладиган нарсалар, бемаъни кўринадиган ҳодисаларнинг ҳам бир керакли жойи борки, улар яратилган, мавжуд, содир бўлади. Ҳа, дунёни ўз қаричингиз билан ўлчашга шошилманг, у ҳеч қачон сизнинг қаричингизга сиғмайди. Шунинг учун ҳам шоир бир мисрасида: “... бу коргаҳ сирри мубҳам бўлуптур”, деса, бошқа байтида эса, бу дунё аҳволи мен учун ниҳоятда мавҳум ва тушунарсиз, шунинг учун кўлимга жаҳонни кўрсатувчи жом тутки, эй соқий, то бу сирларни англаб етай, дейди:

*Соқие, жоми жаҳонбин тутки, андин кашф этай –
Ким, кўп иш бу коргаҳ вазъида мубҳамдур манга.*

Маълумки, соқий бу ерда май қуювчи, косагул маъносида бўлмай, тасаввуф аҳли бу истилоҳ замирида оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

Жоми жаҳонбин – жаҳонни кўрсатувчи жом, қадаҳ. Ривоят қилишларича, қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид “жоми жаҳоннома” – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидидаги май ичган билан шира тугамас эмиш.

Маълум бўладики, шоир худодан илоҳий сирлар моҳиятини англашга қодир кўнгил сўраяпти, токи, оламдаги ранг-баранг ишларнинг маъно-мазмунини тушуниб етсин.

Тасаввуф фалсафасига кўра, дунё ҳирсу ҳаваси, нафс истак-хоҳишлари ва жисмоний интилишлардан нажот топган кўнгил шаффоф кўзгудай ярақлаб, жоми жаҳоннома каби бўлар ва унда ҳамма нарса аслидагидек акс этар экан.

Бошқа бир байтида эса шоир соқийдан май билан идроки ойинасини равшан этишини сўрайди, чунки бу оламда қил учича нарса ҳам менга маълум эмас дейди:

*Соқие, миръоти идрокимни майдин равшан эт –
Ким, эмас бу коргаҳда бир сари мўй мудраким.*

Мудрак – тушунилан, идрок қилинган, маълум.

Ойна (кўзгу) – илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби. Чунки ойна деганда, оллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадик, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади.

*Соқие, тут бодаким, кўпрак мени мабҳут этар,
Нечаким, андишаи бу корхона айларам.*

Мабҳут – ҳайрон, ҳайрон қолувчи.

Мазмуни: “Эй соқий, май тутки, бу корхона, яъни, олам ишларини ўйлаганим сари мени кўпроқ ҳайрон қолдиради”.

Диққат қилинса, шоир бу олам сир-синоатларини тушуниш учун, унинг ишларидан ҳайронлигини бартараф этиш учун, фикрини банд этган чигалликларни ечиш учун соқийга му-рожаат қилиб май, мажозий маънода эса яратувчидан маърифат сўрайди. Бу унинг тинимсиз фикрлагани, тафаккур уммонига ғарқ бўлгани, дунё моҳияти, инсон қалби сир-синоатларини билишга жуда қизиқганини кўрсатади.

Бошқа бир мисрасида эса, бу дунё аҳволига ҳайрон бўлмаган киши борми, дейди:

Кимдурур бу коргаҳ вазъиғаким ҳайрон эмас.

“Бу дунё бус-бутун ҳикмат-ку, ҳикмат!” деган эди буюк Абулқосим Фирдавсий муаззам “Шоҳнома” асарида. Навоий эса, бу ҳикмат сирларини излагани, унинг моҳиятига етишга ин-тилгани сари ҳайрат асирга айланаверади, ҳайрат ўтида куяверади:

*Сипеҳр гунбади ичра нетиб қадаҳ ичмай –
Ки, бўлди мужиби ҳайрат бу корхона манга.*

Мазмуни: “Бу кўк гумбази ичра нега май ичмайки, бу корхона, яъни, олам менинг ҳайратланишимнинг сабаби бўлиб турибди”.

Қадаҳ ичишдан мақсад – маърифат зиёсини сипқариш. Бинобарин, байтнинг мазму-нини шундай талқин қилиш мумкин: “Бу олам бошдан-оёқ мени қизиқтириб, ҳар бир нарса ҳайратланишимга сабаб бўлган экан, унинг сирлари, моҳиятига етиш учун нега тинимсиз из-ланиб, билишимни оширмай, маърифатимни зиёда қилмай?!”

*Бода ич, бу коргаҳ вазъиға кўп фикр этмагил –
Ким, анга ҳар неча чирмашқанча ҳайрат келтурур.*

Мазмуни: “Бу дунё ишлари устида кўп фикр этгунча, май ички, унга боғланганинг сари ҳайрат устига ҳайрат келтиради”.

Яъни, яратувчининг санъатидан ҳайратлан, унга эътироз билдирма.

Шу ўринда, ўтмишда “ҳайрат” сўзининг ҳозирдагидек фақат ҳайрон қолиш, донг қотиш, таажжубга тушишдан ташқари, иккиланиш, шубҳаланиш, бирор нарсага ақли етмаслик каби маънолари ҳам бўлганлигини эсда тутиш лозим. Демак, Навоий ҳайрат ҳақида гапирар экан, оллоҳ ва олам моҳиятини англаб етишга ақлининг ожизлиги, кўнглини баъзида шубҳа-иккиланиш, ташвиш-тараддуд чулғаб олганини ҳам изҳор этган. Демак, Навоийнинг ҳайрати бошқа.

Келтирилган байтда ҳам “Борлиқ моҳияти, сир-синоатини ўйлаганинг сари ўзининг ожизлигини тушуниб етасан, бинобарин, дунё ишлари ҳақида кўп беҳуда фикр этма-да, маърифатингни ошириш пайдан бўл (ўшанда барча ҳақиқатлар юзидан парда кўтарилиб, кўз ўнгингда илоҳий сирлар намоён бўлади)” деган фикрни илгари сурган.

Ўз даврининг фозил кишиси сифатида Навоийнинг оллоҳнинг зоти сифатларини идрок этиш, олам моҳиятини англаш, инсон қалби сир-синоатларини билишга, ҳаёт маъноси, ин-сон умрининг мазмунини тушунишга интилгани, табиий. Лекин, у ўзининг бу борадаги билим ва хулосаларидан қониқмаган, имкон қадар кўпроқ нарсани билишга уринган – унинг коргаҳ, корхона тушунчалари билан боғлиқ байту мисралари билишга чанқоқ кўнглининг ҳайрату ҳаяжонлари, тафаккур ва тахайюллари, эътирофи ва иқроридир.



Умида АБДУАЗИМОВА



Қушларнинг ашуласи

Кўчат экаман

*Богимизда тантана,
Эрта тонгдан шомгача.
Чумчуқ кўниб олади
Девор оша томгача.*

*Қушларнинг ашуласи
Бир-бирига уланар.
Қалдирғоч тугул ҳатто
Булбул навбат тиланар.*

*Қушлар базмига макон
Бобомлар эккан дарахт.
Узумларни асролмай
Баъзан бувимлар карахт.*

*Узум етар ҳаммага,
Дейман, бобомдек қулиб.
Мен ҳам кўчат экаман,
Дарахтга бола қилиб.*

Копток

Томда, тарнов олдида
Эски копток ётибди.
Билмадим, қайси бола
Уни томга отибди?

Қор, ёмғирда, офтобда
Шумшайиб қолибди у.
Ўчиб кетса ҳам рангги,
Гўёки голибдир у.

Туширмоқ бўлиб обдон
Мўлжалга олибдилар.
Китоб, дафтар, қаламдон...
Иргитиб толибдилар.

Копток-чи, қаторлашган
“Ўқ”лар билан қолибди.
“Тушмасанг, тушма!” деган,
Дўқлар билан қолибди.

Ўжар болалар мисол
Айтганини қилибди.
Ўжар болалар мисол,
Яккалик не билибди...

Муҳаббат

Муҳаббат оиланинг
Кенжа қизи – ширини.
Нега бундай эканин
Айтиб берай сирини.

Акасию опаси
Кетишигач ўқишига,
Ёрдамлашар, йўқ, демай,
Бувижонин ишига.

Челакчада сув сепиб,
Ховлини супуради.
Тупроқнинг нондек иси
Димоққа уфуради.

Дастрўмолини ювиб,
Қуритади сўрида.
Бувиси эса мақтар
Ўтириб уй тўрида.

Зериктирмасдан ҳатто
Кўшиқ айтиб беради.
Бувижонига ёшлик
Пайтин қайтиб беради.

Улгурар қўғирчогин
Аллалаб ухлатишига.
Ҳатто газга чой қўяр
Ойижони қайтишига.

Ҳаммани қарши олар
Бир-бир: “Салом”, “салом”лаб.
Эрка қиз бўлиб қолар
Дадасини ачомлаб.

Ширинтой

Шавкатжоннинг севгани
Ширин чой, ширин чой.
Шунга ҳамма дер уни
Ширинтой, Ширинтой.

Ичар солиб новвот, қант –
Ширин чой, ширин чой.
Қўл ювмас бергунча панд
Ширинтой, Ширинтой.

Қўли тугул юз, қулоқ
Ширали, ширин чой.
Дангаса ҳам эринчоқ
Ширинтой, Ширинтой.

Шундай қилса бермаймиз
Ширин чой, ширин чой.
Эркалатиб, демаймиз,
Ширинтой, Ширинтой.



НАСР

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

ҲИКОЯТ ВА НАҚЛИЁТ

СУЛТОН ВА ШАЙХ

Ҳиндистоннинг Қалонжар вилоятининг ўрдоҳи Нанда кўргони жангсиз таслим бўлгач, Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг обрўси янада ошиб кетди: у пойтахтга уч юз жангари фил, ҳисобсиз инъом-эҳсон, бойлик билан қайтди. Қон тўкмай, ҳеч қандай талафотсиз бой бир вилоят қўлга киритилиши пойтахт Ғазнада катта байрам қилинди. Султон саройида ярим тунга қадар базму тараб авжига минди: созандалар куй додини бердилар; раққослар жасорат ўйинларини ижро этдилар; қасидагўйлару ғазалсаролар янги асарларини басма-бас ўқишди. Малик-уш шуаро Абулҳасан Унсурий машҳур “Зафарнома” қасидасини пешкаш этди. Унда Султон Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонни забт этиш йўлида олиб борган жангу жадал кунма-кун, йилма-йил батафсил юксак балоғат ва фасоҳатда тасвирланган эди. Барча сомеълар асарни Султон Маҳмуд зафарларининг солномасидек таърифлаб нафосатини алоҳида таъкидлашди. Қасида Султонга ҳам хуш ёқди шекилли, шоирни олқишлади. Зафар базми қоқ ярим тунда тугади. Хобгоҳига сархуш ҳолда қайтган Султон Маҳмуд донг қотиб ухлаб қолди.

– Ўғлим, Нанданинг сулҳ ҳақидаги номасини қабул этиб, кўп яхши иш қилдингиз. Жангжўйликдан кўра, сулҳпешалик подшонинг олижаноб фазилатидир. Мардум қонини бекорга тўкилишининг олдини олиб, қучган улкан зафарингиз тангри ризолиги учун муборак бўлсин! Лекин, ўғлим, нега кўпдан бери Меҳнани унутдингиз, Ҳаррақон йўлини тутмай кўйдингиз? Ахир, улар бизни шарафлашмоқда-ку!? Сизни ҳамиша дуойи хайр билан эслашмоқда...

Султон Маҳмуд отаси Сабуктегин айтган бу сўзлардан сесканиб турди. Туши экан. Дарчадан ташқарига қараган чоғ, муаззин овози эшитилди. Демак, тонг отмоқда...

Султон Маҳмуд таҳорат олиб, бомдодни ўқиди. Сўнг вазир Маймандийни чорлаб фармон берди:

– Аёз ва сарбозларга айтинг, йўл тадоригини кўришсин, нонуштадан сўнг Меҳнага жўнаймиз.

Вазир Маймандий ҳозирлик ишларига бош-қош бўлди. Хазинадан ҳамёнлар, ниҳоят, ҳар эҳтимолга қарши шикорий қуроллар, саратоний соябонлар ғамланди. Катта лашкар кузатувида гуруҳ йўлга чиқди. Икки кеча-кундуз йўл юришди: тоғлар ошишди, дарёларни кечишди. Олдиндан жарчилар сафар ҳақида маълумот етказиши учун вилояту қишлоқ йўлларида халқ подшони олқишлади: кексалар қўлларини кўксиларига

қўйиб дуо қилишди; ёш-яланглар чапакчалиб қийқириб кузатишди. Ва ниҳоят ҳамроҳлар кўп манзиллардан ўтиб, Ҳомаварон даштига етиб келишди. Шу ерда кузатучиларга рухсат берилди ва ўн чавандоз даштга қараб от сурди. Тушга яқин саҳро биқинидаги Меҳнадан чиқишди. Қишлоққа кираверишда Даромадгоҳ мусофирхонаси – карвонсарой бўлгич эди. Султон Маҳмуд етти ҳамроҳни шу ерда қолдириб, Маймандий ва Аёз билан қишлоқ бўйлаб айланди. Тош ётқизилган шоҳ кўчадан боришар экан, кўпгина уйлар ягона низомда, ғоятда кўркам, аксарияти чўпқори-синқори усулида қурилганини кўриб, ҳайратга тушишди. Барча ҳовлиларда икки-уч табақали ўймакорлик билан ишланган, турли нақшу нигор билан зийнатланган, мойланганлиги учун ялтираб турган дарвозалар. Чапдаги дарвозада Султон Маҳмуд филларининг ғаним устига бўрондек ҳужуми тасвирланган; ўнг томондаги бир дарвоза табақасига эса, зафар нашидасидан хурсанд Султоннинг фил устидаги тахти равонида виқор билан ўтиргани акс этган эди. Дўстлар ёғоч ўймакорлиги усулида бажарилган бу санъат асарларини томоша қилиб, ҳайрат бармоғини таажжуб дандони билан тишлаб қолдилар. Шу пайт Султон Маҳмуд бир дарвоза олдида тўхтади. Ундаги нақшда қуръон ўқиётган Султон тасвирланган эди. Иттифоқо, ўша дарвозадан бир йигитча чиқиб салом берди. Алик олгач Султон Маҳмуд йигитга мурожаат қилди.

– Бу нақшлар кимнинг амалидир?

– Буларни Бобу (Бобулхайр демоқчи – Ҳ.Ҳ) ўз пичоқлари билан ясаганлар, – жавоб берди йигит.

Султон тушида отаси Сабуктегин айтган гапни эслади: улар бизни шарафламоқдалар!

– Бобу қаердалар? – яна сўради Султон.

– Бобу ўлганлар. Дадам Абусаид Нишопурга кетганлар, – таъкидлади йигит.

– Бунга бир ҳамён беринглар! – буюрди Султон.

Аёз тақимидаги хуржундан бир ҳамён олди-да, йигитнинг кўлига отмоқчи бўлди. Шунда Султон кўли билан “тўхта!” деган ишорани қилди-ю, халтани йигитга ўзи узата туриб деди:

– Буни ол, бобонга яхши ёдгорлик қуринглар.

Ҳомаварон чўлида ҳозир ҳам қад ростлаб турган Бобулхайр мақбараси ана шу маблагга қурилганини ҳали-ҳали эслашади.

Шундан сўнг дўстлар Меҳнадан чиқиб, Харрақонга қараб йўл олдилар. Чўл ёқалаб пешинга яқин қишлоққа кириб келишди. Султон ташрифи ҳақида овоза тарқалгани учун бутун халқ кўчага қалқиб чиққан эди. Меҳмонлар Шайх Абулҳасан Харрақоний кулбаси сари боришди. Хизматкор Шайхга Султон келганини етказди.

– Айт, номаҳрамлар хонадонимга йўламасин, Султон ўзи кирсин, – деди Харрақоний.

Вазир Маймандий билан Аёз кўчада қолиб, Султон ичкарига кирди. Шайх Султонни ўтирган жойида кутиб олди: кўл беришиб кўришдилар. Ўзаро суҳбат узоқ давом этди. Қуръони каримни тафсир этган Султон Маҳмуд кўп оятлар сеҳрини янгитдан сўраб билди. Ҳатто Мансур Халлож ақидаси ҳақида ғоят асосли жавоб олди. Гап орасида Харрақоний: “Сизнинг сулҳпеша бўлганингизни эшитиб, ҳаққингизга дуо қилдик”, – деб кўшиб кўйди. Шунда Султон Маҳмуд кўйнидан олтин тўла бир ҳамён чиқазиб узатди. Аммо у:

– Биз бойликни азалдан тоабат талоқ қилганмиз, – деб олмади.

– Ундай бўлса, устоз, бизга бирон муносиб эҳсон ёки дуойингиз йўқми? – деди Султон.

– Иллоҳо, оқибатингиз маҳмуд бўлсин, – деб юзига фотиҳа тортди ва кўрпача остидан эски хирқасини чиқазиб берди. Меҳмон уни юзига суртди-да, аста тахлаб кўлтиғига тикди.

Султон кетишга изн сўраб ўрнидан турди. Шайх ҳам жойидан кўтарилиб, кўча эшиккача кузатиб кўйди. Маймандий билан Аёз кўл қовуштириб таъзимда турарди. Шунда Султон Шайхдан сўради.

– Муҳтарам устоз! Биз келганда пешвоз чиқмадингиз, ҳатто ўрнингиздан кўзгалмадингиз. Энди бўлса, бизни кузатиб кўймоқдасиз. Буни қандай тушуниш мумкин!?

– Камина даргоҳига қадам ранжида қилганингизда сиз Султон эдингиз, энди эса дарвеш бўлиб қайтаяпсиз, – жавоб берди Шайх.

Ҳамроҳлар хайр-хўшлашиб, отларининг жиловини Даромадгоҳ қарвонсаройига қараб бурдилар.

АВЕСТОХОН МУАЛЛИМ

Бир кеча Ҳиндиё ҳамда Фарокин номли донишмандлардан Авесто бўйича таълим олган ёш подшоҳ Кисро Анушервон туш кўрибди. Тушида гўзал бир оҳу саройга кириб келиб, подшо кўлидаги жомни олиб, бир қултум шароб симирибди-да, жомни улоқтириб-синдириб, кўздан ғойиб бўлибди.

Тонг саҳарлаб зўр донишмандларни йиғиб, туши таъбирини сўрабди, ҳеч ким жавоб беролмабди. Охир-оқибат шоҳ бир неча кунга муҳлат берибди. Бирон-бир уламо таъбирлай олмабди. Шундан сўнг, подшоҳ чечан ва сўзамол одамларни йиғиб, қўлларига бир лагандан олтин бериб дебди:

– Бутун мамлакатни айланиб, жар солинглар. Кимда-ким тушим таъбирини айтса, бошидан шу зарни сочинглар.

Ходимлар турли вилоят, шаҳару қишлоқларга боришибди. Сўрашибди, суриштиришибди. Аммо подшоҳ тушини таъбирловчи бирон донишмандни учратишмабди.

Анушервоннинг Озодсарв деган надими бўларди. У кўп шаҳарларни айланиб, охири Марвга бориб, зодагонларга муддаосини изҳор этибди. Шунда улардан бири:

Гулафшон гузарида бир авестохон муаллим йигитча бор. У гўдакларга Зенд Авестодан дарс беради. Туш таъбирини ўшандан бошқа киши айта олмас керак, – дебди.

Озодсарв донишманд йигит ҳузурига борибди.

– Бу масалада билимим ожизлик қилади. Аммо менга Авесто ёрдам берса керак, – дебди. Кечқурун у Авестони ўқиб қараса, тушига кирган оҳу эр киши бўлади. У шаробни тўла ичса, ўлдиришади, ярим ичса, соғ қолиши мумкин, деб ёзилган экан. Эртаси куни муаллим йигит Озодсарвга:

– Туш таъбирини фақат шоҳнинг ўзига айтаман, – дебди.

Икковлон яшин тезлигида ярим кечада пойтахт Мадойинга етишибди. Эртаси куни Озодсарв йигитни саройга бошлаб борибди. Подшоҳ тушининг тафсилотини баён этибди.

– Шоҳим, саройингизда нечта канизак бор? – сўрабди йигит.

– Етмишта пари-пайкарим бор, – жавоб берибди шоҳ.

– Ана шу канизаклардан бири эркак киши бўлиши керак, – таъкидлабди муаллим. Анушервон ҳангу манг бўлиб қолибди.

– Буни қандай билиш мумкин?

– Эрта тонгда барча канизакларни тахт пойидан бир-бир ўтказасиз, юришидан аниқлаймиз, – дебди йигит.

– Эртаси куни шундай қилишибди. Аммо канизаклар хиромидан қайси бири эркаклиги билинмабди.

– Энди, шоҳим, бўлар иш бўлди, – дебди йигит. – Тонг саҳарда сиз тахтингизга чиқиб ўтирсангиз, мен ёнингизда тураман. Канизакларни эса биттадан ички либосда ҳузуримиздан ўтказишсин.

Одатда канизаклар бир хонада икки кишидан яшашаркан.

Хуллас, Моҳрўйи Чочий деган канизакнинг ҳамхонаси ёш йигит бўлиб чиқибди.

Подшоҳ ғазаб билан “Бу не ҳол” – деб сўраган экан, канизак жавоб берибди.

– Бу йигит – менинг акам. Онамиз – бир, отамиз – бошқа. Усиз мен ҳаётимни тасаввур этолмасдим. Шу боис уни машшоталар орқали қиз суратига киргизиб, ўзим билан бирга олиб келгандим...

– Энди бу кўрнамаклар тақдирини нима бўлади? – сўрабди таъбирчи йигитдан Анушервон.

– Агар оҳу шаробни тўла сипқариб, қадаҳни улоқтирган бўлса, жазолари ўлим, – дебди донишманд йигит.

Оқибатда, йигит билан қизни ўз хоналарида осиб ўлдиришибди.

Подшо тушини таъбирлаб, Моҳрўйи Чочий сирини очган ўн етти яшар донишманд кейинчалик Анушервон давлатининг мустаҳкам устуни бўлган, Шарқда адолатли вазир рамзига айланган Бузружмехр эди.

ЯШИЛ РАНГЛИ СОЗ

Шарқ касбий мусиқасининг асосчиси Борбад Нарвазий (XI аср) ҳақида халқ орасида кўп ҳикоят ва нақллар тарқалган, шахси афсонларга айланган. Биз Борбад ҳақидаги икки нақлни шоғирдлари тилидан ҳикоя қилдик.

Ростини айтсам, Борбад сафимизга келиб қўшилган кундан бошлаб тинчим йўқолди. Қалбимда аллақандай ғашлик пайдо бўлди. Зероки, у фавқулудда соҳиби ҳофиз, бастакор сифатида кундан-кунга ўзини кўрсата бошлади. Ўзи шеър ёзиб, куй басталар, табиат эҳсон этган ноёб овоз билан ижро этар эди. Мартабам, обрўйим қўлдан кетаётган, ҳар сонияда у ўрнимни олиб қўяётгандек туюларди. Шунинг учун, саройдаги хос базмларга Борбадни яқинлаштирмасликка, Хусрав ҳузурида ўз санъатини намойиш этишига йўл қўймасликка интилдим.

Баҳор кунларидан бирида Хусрав аъени давлат, муваккилони мамлакат иштирокида Фирдавс отлиғ боғида гул сайри, шеър устоз базми ўтказадиган бўлди. Жиддий тайёргарлик, машқлардан сўнг бир гуруҳ созандаю ҳофиз билан боққа жўнайдиган бўлдик. Борбад ҳам базмда иштирок этишни жуда-жуда истади. Ҳатто ёлворди ҳам. “Ҳали ёшсан. Бунча шуҳратпараст бўлмасанг? Ё эҳсон истайсанми?” – дедим-да, учта тилло танга бериб жўнаб кетдим.

Боғ сайри, гул гаштидан сўнг сарвзор ўртасидаги муҳташам кўшкка тўпландик. Шеър баҳси, созу овоз жаранги кўкка ўрлади. Бир тарафда раққослар Борбад янги ўргатган рақсни қиёмига етказиб ўйнамоқда эдилар. Айвон тўридаги шоҳсупада Некисо Чанги бошчилигидаги машшоқлар куй додини беришмоқда. Шу пайт, айвон ёнидаги сарвлар орасидан бир куй таралди. Кўтаринки, шодиёна руҳдаги бу куй шу даражада ёқимли, сеҳрли эдики, бутун табиат гўзаллиги унда мужассам дейсиз. Бир сонияда йиғилганлар оғзи хандаю шўхликдан, созандалар тори ноладан, раққослар оёғи хиромдан қолди. Куй авж нуқтасига етгач, аста-секин пасайиб майсазорлар узра ёйилиб, сарвлар ичига ғарқ бўлди.

Хусрав ишораси билан уч киши сарвзорга югурдик. Не кўз билан кўрайким, дарахтлар ичидаги ям-яшил ўтлар устида майсаранг либослар кийиб олган Борбад ўтирганди. Ҳатто кўлидаги сози ҳам яшил рангда эди. Қўлтиғидан олдим-да, кўшк томон етакладим. Ҳамма уни хушвақт пешвоз олди. Мен ҳам таъзим қилдим. Сарвлар орасидан таралган оҳанг устида баҳс бўлди. Ҳамма бир оғиздан куйда табиат кўрки, файзу таровати жозибали, мукаммал акс этганини таъкидлади. Хусрав Борбад этагини дурру жавоҳирга тўлдирди. Куйни “Сабзи андар Сабз” деб атадилар. Шу кундан Хусрав Борбадни ўрнимга сарой санъаткорларининг бошлиғи этиб тайинлади. Мен даҳоси олдида бош эгдим ва бир умрга шоғирдликча қолдим.

Маълум бўлишича, “шуҳратпараст” деб уч танга беришим Борбад иззат-нафсига теккан экан. У тўғри уйига бориб, баҳор манзарасига ўхшатиб майсаранг либослар кийибди, барбатини ҳам яшилга бўябди. Сўнггра боғбон Бомдуй ҳузурига келиб, шу кунги базм пайтида боққа киришга рухсат сўрабди. Борбад санъатининг чин мухлиси Бомдуй ижозат берган экан...

УСТОЗ ҚАЛБИ

Баҳор ойлари эди. Биз бир гуруҳ машшоқ билан Исфаҳонда Наврўз тантаналарида иштирок этиб, ўз куй ва қўшиқларимиз билан халқ сайлига файз бағишлаб юрар эдик. Иттифоқо, Хурав ўғли Шеруя томонидан ўлдирилганини эшитдик. Мен яшин тез-

лигида Мадойинга етиб келдим. Лекин, ҳайҳот, кечикибман. Аллақачон Хусрав дафн этилганди. Саройдаги алғов-далғов ҳақида дув-дув гап. Пойтахт одамни тутиб ейман дейди. Кўҳна ошнолардан ҳеч кимни топа олмадим. Ҳамма зада қушлардай тумтарақай бўлган.

Охири ўзимни қўлга олдим-да, тўғри устозим Борбад ҳовлисига қараб юрдим. Келдиму кўзларимга ишонмай донг қотиб қолдим. Эвоҳ, бу қандай кўргилик. Эй фалак, бу не бедодлик! Наҳот, шундай кошона кулини кўкка совурсанг! Қандай куч билан бақирганимни билмайман. Кўз ўнгим қоронғилашиб, бошим айлана бошлади. Гандираклар култепаларни айландим. Ҳамма нарса куйиб, ҳоку туроб бўлган эди.

Кечга яқин қўни-қўшнилardan устозимни сўроқладим. Бир- икки йўловчи бозор бошида девонавор айланиб юрганини, дарвешлар жандасини кийиб олганини айтди. Шундан сўнг, шаҳар четидаги карвонсаройлар ва дарвешхоналардан қидирдим. Ва ниҳоят, бир ҳужрадан топдим. Эшиқдан киришим билан бурчақда ўтирган Борбад ўрнидан турди. Шамшоддек қомати дол, арғувондек рухсори заъфарон бўлган. Бағрига отилдим, ота-боладек бир-биримизни кучиб саломлашдик. Навбат қўл бериб кўришишга келганда, қўлим олдинги ипақдек майин, ҳамиша оташдек иссиқ кафтларга эмас, аллақандай қаламланган, совуқ новдаларга теккандай бўлди. Бир сесканиб тушдим. Қарасам, ҳар икки қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқлари тагидан кесилган, ўрни қорайган ва буришиқ эди. Кўларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Томоғимга аччиқ нарса тикилиб келарди: “Наҳотки куйга суиқасд қилган бўлсалар?! Наҳотки!”

Нақл этишларича, устозим тонг-сахарда Хусравга суиқасд қилинганини эшитиб, саройга чопибди. Хос хонасида қонга беланиб ётган ҳомийсини кўриб зор-зор йиғлабди. Ўзи ювиб-тарабди, дафн маросимида бош-қош бўлибди. Шоҳона мақбарага элтиш йўлида машҳур “Хусравони” куйини чалиб борибди. Ҳомийсини ўз қўли билан лаҳадга қўйибди. Дафн маросими ғарибона бир тарзда ўтибди. Устоз назарида маърифат ва адолат офтоби сўниб, дунёни зулмат эгаллагандек бўлибди. Диёнат ва урфон, санъат ва нафосат оламини жаҳолат олами қоплабди. Бундай ҳаётга лаънат ўқиб, бу дунёдан бош олиб кетгиси келибди. У мақбара ёнидан тўғри уйига келиб, аввал созини синдирибди, сўнгра бармоқларини болта билан чопибди, кейин уйига ўт қўйиб дарвешона ҳаёт кечиршни ихтиёр этибди.

Мен устозимни уйимга элтмоқчи бўлдим. Аммо у ўз қароридан қайтмади. Деярли ҳар куни олдига келиб турардим, ёлғизлатиб қўймасликка интилдим.

Шаҳар ҳамон алғов-далғов, сарой нотинч эди. Ҳамма ёқни айғоқчилар, ғаламислар босган. Хусрав вафотидан олти ой ўтгандан сўнг, фитначилар Шеруяни ҳам ўлдириб кетишди. Отасини ўлдирган фарзанд шоҳликка ярамайди, яраса ҳам олти ойдан нарига ўтмайди, деган қуйидаги ҳикмат ўшандан қолган:

*Падаркуш подишоҳиро нашояд,
Агар шояд, зи шаимшоҳе напояд.*

Кунлардан бир кун келиб устозни дарвешлар кулбасидан топа олмадим. Марвага кетиб қолибди. Орадан кўп ўтмай вафот этгани ҳақида хабар келди. Ҳа, мункайиб қолган мўйсафидни ватан хоки меҳри тортган экан... Бориб қабрини зиёрат қилиб қайтдим.



ШЕЪРИЯТ



АХТАМҚУЛИ

Ўзимни йўқотдим

*Мен ўзимни йўқотиб қўйдим,
Қоғозларни куйдирар сўзим.
Олов ичра излаб юрибман
Узун тунлар ўзимни-ўзим.*

*Кўзларимда сарғайган дунё,
Бошимда куз хазонлар сочгай.
Киприклари осмонни гўё
Кўтарган қиз кўнглимни очгай.*

*Дилим қувиб етолмаган гам
Сочларига боғланиб қолди,
Туни билан милтираган шам
Қисматимдан имтиҳон олди.*

*Гул баргидек тўкилар дилим,
Бармоқларин кафтимга боссам.
Кўзларимга сизмаган гулим
Қучоғига ўзимни оссам.*

*Сарҳуш бўлиб чопсам боғида,
Гуноҳларим домига олсин.
Ой шивирлаб чиққан чоғида,
У бешикка суяниб қолсин.*

* * *

*Чайқалади самода қуюн,
Дилгир елиб келар қошимга.
Кунларимни ўғирлайди тун,
Шивирлайман юракдошимга.*

Гул баргидек тўкилар дилим

Сизмаяпман, ҳаво бунча дим,
Дунё куюк қалбимга сизди.
Юлдузларга маҳлиё эдим,
Шамол келиб ўрнимни йиғди.

Ўнг кўксимга гурзи урар дил,
Майдалайди топганларимни.
Мен ўйлайман тунлари нуқул,
Тиканзорда чопганларимни.

Кўк тоқидан узилади ой,
Мотам тутар бошимда осмон.
Юлдузларни кўкдан, ҳойнаҳой,
Отиб чиқар янграган азон.

Тоғ салобат тўкиб ўлтирар,
Сезганмикан кўзда ёшимни?
Осмон кўнгли бузилиб кетар,
Тонгга уриб олсам бошимни,

* * *

Толганимни билдирди йиллар,
Қояларга қоқилиб кетдим.
Мени эски кетмоним билар,
Уни қанча саргардон этдим.

Парвозимга қўшилди парвоз,
Кўкка отдим куйчи дилимни.
Соғинаман гоҳида бироз
Олисларда қолган гулимни.

Чўққиларга интилган чоғим
Шамол нуқул йўлимни тўсди.
Дарё эди менинг устозим,
Болалигим тоғларда ўсди.

Фигонимдан адо бўлди тун,
Ҳилол тортди ғамгин камонни.
Осмон йиглаб имтиҳон қилгай,
Кўзларимда қотган жаҳонни.

Пиряхтоғ кексайди

Пиряхтоғ кексайди: кафтида осмон,
Юлдузлар сочилиб ётар қошида.
Дарёнинг бўғзидан отилган азон
Борлиқни уйғотар қирлар бошида.

Отамнинг қийшайиб қолган чайласи,
Онамнинг меҳридан узилиб қолди.
Дунёнинг шафқатсиз макру ҳийласи,
Мени танҳоликка ташлаб йўқолди...

Осилиб йиғлади қалбимда армон,
Чайқалар кўзимда ғамнинг қуёши.
Айрилиб қолишдан кўрқаман ҳар он,
Қайдасан умримнинг содиқ йўлдоши?

Тўнимни тун каби елкамга илдим,
Изимдан ёлворди майсалар мудроқ.
Дарднинг чангалида дардчил югурдим,
Ҳаёт сўқмоқлари кутди бечироқ.

Кийиклар кўксини очди ҳавога,
Какликлар қиқирлаб кўнглимни бузди.
Бобомнинг милтиги кўмилган жойга,
Ўргимчак ўрлашиб харита тузди.

Азобга ўт қўяр мастона дилим,
Умримни қувлайди изи йўқ шамол.
Тунлари имлайди мени бетиним
Қорли чўққиларда мизгиган ҳилол.

Отам Хизр билан чордана қуриб,
Эски достонини айлар тиловат.
Ғамгин кўзларимга қувонч югуриб,
Унинг айвонида топдим ҳаловат.

Қисирлаб кетади қисир дарахтлар,
Қоғозга ёғилар аёвсиз баёт.
Қуёш ўлкасидан хабар келтирар,
Баҳорни йўрғаклаб югурган ҳаёт.



Даврон РАЖАБ

* * *

*Бу олам
Хаялга берилганигда
Бошланмай турган*

*Сен кетаётган олам
Қараётганигда
Ўтмай турган
Ҳеч жойидан жилмаган*

*Кўзларинг бир нуқтада
Уларда акс этган ҳиёбон
Манзаралар ҳаракатда*

*Сен эса тўхтаб қолгансан
Кўзингдаги дунёда
Кимлардир сенга танбеҳ берган
Кимдир уввос солиб йиғлаган
Қаҳ-қаҳ отиб кулганлар
Лопиллаб ўтган тобут
Ва гулларини тўкаётган дарахт
Сенга бир нима демоқчи
Дил изҳор этолмаган шамол ҳам
Сочларингда из қолдириб
Ҳар сафар янгитдан эсмоқда*

*Ўзингдаги дунёда
Сен қайгадир кетаётгандек
Ненидир ўйлайсан мутассил
Кўзингни узмайсан ўзингдан*

Нилоҳим сўроққа айланди

Нигоҳинг сиртида
 Акс этар
 Ҳаётинг
 Ҳийинчоқ каби
 Сен эса йўқсан

* * *

Олма узилди
 Қўшилиб вақтга

Олмани есанг
 Лаҳза шовқинга айланар
 Емасанг занглайди

Вақтни тўхтатиб
 Томоша қиласан
 Борлиқ ва йўқликни

Олмани жойига қўйсанг
 Бузилиб кетар
 Вақт тадрижи

Қўлингда олма
 Мангулик
 Вақтга қўшилмаса бўларкан

* * *

Мен бу йўлдан
 Сен аҳмоқона деб ўйлаган
 Хаёлларни суриб кетгим келяпти

Сен кутиши истайсан
 Дийдор орзуинг
 Мен эса ташлаб кетяпман яна

Сўрайвериб кўникдим
 Энди нигоҳим сўроққа айланди

Сен эса
 Нима сўрашни билмайсан

Мен бу хаёлни
 Мени йўлсиз деб ўйлаган
 Одам ҳақда суряпман.

* * *

Сизга ҳаммасини айтган бўлардим
 Агар хиргойимни тинглай олсангиз
 Мени эшитмасангиз керак деб
 Ўйлаганим учун
 Бир жумла ҳам айтмадим

Жилмайдим
 Юзим сўлган олма шаклини олди

Қулаверганимдан эмас
 Сўзларимни яширганимдан
 Телбанинг жиддийлиги каби
 Одат юқтирдим
 Бу дарди бедаво
 Укасини ўлдирган Қобилнинг
 Қисматидан бир чандон ҳам ортиқ эмас

Гапираверсаммикан
 Тинглармикансиз
 Жилмаяман
 Юзим сўлиб борар

* * *

Шовқин ташлаб қўясан
 Кўринмаслик учун
 Икки уч томонга
 Шовқинингни йиғиштириб ол

* * *

Кун исроф бўлди
 Маржоним сувга тушиб кетгандай
 Ётибдирман кўл бўйида

Чунки мен қадрига етмадим
 Маҳлиё бўлдим жилдирашига
 Тушириб қўйдим зўё қўлимдан
 Ҳаммадан бахтли бўлишига
 Ҳақли бўлган кунимни

Кун исроф бўлди





НАСР

Жамила ЭРГАШЕВА

БОЙБИЧЧА

Ҳикоя

Кенжа ўғил омадсизроқ чиқди. Беш йил Тошкентда юриб, диплом ололмади қайтди. Уйдагилар қанча суриштирмасин, сабабини айтмади, ўзи Тошкентга бошқа бормади. Акаларининг ҳаммаси алоҳида уй-жой қилиб, чиқиб кетишган эди. Гулнор кампир чоли билан борини бозор қилиб, кенжасини уйлантириб қўйди. Беш ўғилни уйли-жойли қилган чолу кампир назарида бу тўй энг охири ташвишлари эди. Ҳаётларининг қолган қисми роҳат-фароғат ва тоат-ибодат билан ўтишини умид қилган эдилар, аммо...

Дипломсиз ўғил дурустроқ иш топиб, рўзғор харажатларини ўз зиммасига олгунча икки фарзандли бўлди. Бу орада чол ўтиб кетди. Гулнор кампир келин олдида қўли қисқа ўғлининг тили ҳам қисқиб бўлмаслиги учун ташвиш чекар эди: нафақасини рўзғорга сарфлар, ҳали у, ҳали бу тикиб сотар, хуллас, тиниб-тинчимас эди.

Ўғил ишга жойлашгандан кейин ҳам бирлари икки бўлмади. Келин “Дадаси ун тугади”, “Дадаси, ёғ тугади” деганда, Гулнор кампирнинг юраги зирқираб кетарди: “Қўлида дипломи бўлганда шунча қийналмасди болам”.

Кейинги пайтларда кенжа бир оз тажангроқ бўлиб қолди. Беш бола, она, хотин... Гўшт-ёғ нари турсин, нон етказиш ҳам кундан кунга қийинлашиб боряпти. Қоплаб келтирса ҳам болалари пиллақуртдай бирпасда еб битиришади. Акалари ота уйига келиб, онаси билан уч-тўрт оғиз гурунғ қилиб кетиши ғашини келтирадиган бўлиб қолди.

– Бойвачча ўғилларингиз онасини кўргани икки қўлини бурнига тиқиб келади. Укам жўжабирдай жон, болаларидан орттириб онамга нимаям олиб беради деб, бир килогига олма кўтариб келиша олмайди.

Гулнор кампир кўпинча индамайди. Бир ҳисобда кичик келин ҳақ эди. Баъзан тўнғич ўғли “Бозордан қайтаётган эдим” деб киради-ю, “Она, кўнглингиз кетганда ерсиз”, деб қўлига бирон нарса тутқазмайди.

Тунов куни кампир Олимжоннинг уйига борган эди. Келини ҳовлидаги супада бир тоғора товуқ гўштини тозалаб ўтирган экан. Паррандачилик фермаси директори жўнатган шекилли.

– Шунча бераркансан, сўймай бер. Хоҳлаган пайтимиз иккита-иккитадан сўйиб-сўйиб ейвурардик. Энди бунча нарсани нима қиламан? – жавранди келин.

Қозонда ёғ қизиётганди, келин ошнинг зирвагини қовуриб келди. Товуқ гўшти роса ширин экан, чайнаган сайин мазаси чиқаверади. Мазаси чиққани сайин Гулнор кампир кўз олдига неваралари келаверади.

Дастурхон йиғиштирилгач, кампир “уйга кетаман, ўғлинг олиб бориб қўйсин” деб туриб олди. Ўзича келин бирорта товуқ ўраб берар деб умид қилдимиз? Машинага ўтираётганда ўнг томондаги чала битган ошхонанинг очиқ эшигидан уюлиб ётган қовун-тарвузлар, қат-қат тахланиб турган ёғоч қутилардаги узумларга кўзи тушди. Негадир алами келди. Бир замонлар кичкинаси бир нарса еб, каттаси ютиниб турганини кўрса, егуликни дарҳол бўлиштириб берар эди. Энди эса... бир нарса деса, “Ишласин, она, ишлаган тишлайди. Мен унинг бола-чақасини боқаман деб, елиб-югуриб юрганим йўқ”, деб оғзига уради. Кампир, “Шу камхарж ҳолига бола-чақасига қўшиб, мениям боқиб ўтирибди” деса, “Боқмасин. Бизникида яшанг, ўзим боқаман”, деб бидирлайди.

Эҳтимол, тўнғичлари боқса-боқишар, ҳаммасининг топгани ўзига етиб-ортади. Аммо одамзод бир умр бир жойда яшаб, шу ерда ўрганиб қолган бўлса, иккинчи бир жойга, ҳатто у боласи уйи бўлса ҳам, ўрганиши жуда қийин. Бундан ташқари кампир шу камхарж ўғил ва унинг болаларига бошқача меҳр қўйган...

Келин: “Ўғлингиз келса, мени уришади. Бир кеча ётиб борардингиз-да!” – деб жавраб қолди.

– Онасини кўргиси келса, излаб борсин, – тўнғиллади кампир.

Олимжон ростдан ҳам сўроқлаб келди.

– Она, мени кутмай кетиб қолибсиз?

– Мени нима қиласан, ош-ноннинг офати бўлсам. Товуқларни маза қилиб едиларингми?

Олимжон хо-холаб кулиб юборди.

– Товуқларни Олапардан сўрайсиз. Келинингиз ит боғлоғлиқ деганми, товуқларни супада очиқ қолдириб, сизни кузатгани чиққан. Кўчадан қўшни янги олган мебелимни кўринг деб, уйга етаклаб кетган. Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи борлигини яхши биласиз. Бу ёқда болалар телевизорга ёпишиб ётган, ҳамманинг қорни тўқ, ит очдан ўлсинми, бир амаллаб бўшалибди-да, еганини еб емаганини тупроқ билан битта қилибди...

Кампир қовоғи уюлиб ўйлади: “Қизғонганинг қизил итга ем бўлсин!”

– Агар шу товуқларни оҳнат қилиб топганда эди, шундай очиқ-сочиқ қолдирмасди, – деди кейин, қаҳрини охиригача ютиб юбора олмай.

Кампир ўзи рўзгорга қўшимча бўлсин деб, бир умр элнинг хизматини қилди: кигиз босди, гилам тўқиди, кийим тикди.

Башанг кийиниб, катта пул сарфлаб, арзимас юмушларни кимларгадир қилдирадиган кишиларга қараб, “Насиб этса, мен ҳам болаларимни ўқитаман”, деб ният қиларди.

Тўғри, чол-кампир баъзилар каби болалари ортидан чопишмади. Улар мактабда яхши ўқишарди. Сўнг бирин-кетин ўз билимлари билан институтга жойлашиб олишди. Айрим тенгқурларига ўхшаб ижара уйларида яшагани йўқ, ётоқхонада кун кечириб, стипендияга қаноат қилишди.

Шундай деган билан эру хотин уларни бутунлай тақдир ҳукмига ташлаб қўйишмади. Икки-уч жойда ишлаб, ойлаб ёвғон ичган вақтлари кўп бўлди. Ҳар неки етолмаган орзуниятларини болаларининг дипломли ва ишли бўладиган кунларига асраб қўйишарди.

Айниқса, ёз ойлари қийин ўтарди. Бир ҳовлидан уч қолип қазишарди-да, лой теппиб, тандир қилиб сотишарди.

Бир ўғли иқлими совуқ юртларда ўқиди. Ҳар доим сентябрда пулнинг ўрнига олманор олиб кетарди. Айтишича, у ёққа боргач, бу нарсаларни беш бараварига пулларди. Бир сафар боғ қоровули бўлиб ишлайдиган қўшнилари: “Икки қоп олма бўлса, ўзим бериб юбораман. Катталар қурултойга кетишган”, деб қолди.

Гулнор кампир унда ёш ва чайир эди. Кенжасини етаклаб боққа борди: “Бир қопни сен велосипедингга ортасан, биттасини мен орқалайман”. Баланд-баланд дарахтларга чиқиб олма териш осон бўлмади. Иккинчи қоп тўлай деб қолганда агроном келиб қолди ва ўғлининг ёқасидан тутиб бақира кетди:

– Ҳой, муттаҳам! Нима қилияпсан?! Ҳозир милиса чақириб, қамоққа тиқтириб юбораман, – тепада қалтираб ўтирган Гулнорга кўзи тушиб, баттар бақирди. – Пастга туш, худбин! Одамлар боласини тўғри бўл деса, сен биргаликда ўғирлик қилияпсан.

Гулнор қалтираб-қалтираб дарахтдан тушар чоғида шохча лозимини илиб йиртиб юборди.

– Опа, пулини тўлаймиз. Ўғлим Россияда ўқийди, шунга бериб юбораман дегандим.

– Пулинг бошингдан қолсин, ифлос! Сендақалар дастидан хўжалик абгор!..

Гулнор ҳар қанча ялинса ҳам агроном аёл ховрини босмади. Бақирганча оғир қопларни югурдагига кўтартириб жўнади. Гулнор эса бўм-бўш қўл, кўзлари тўла ёш ва ранги қумдек оқариб кетган ўғли билан қолди. Сал ўтмай кўшни келиб узр сўради:

– Хафа бўлманг, ҳамсоя, ўзи сал...

Гулнор ҳеч нарса демади.

– Сизлар бораверинглар. Кечга яқин ўзим пича элтиб бераман.

– Йўқ!..

Ҳақиқатдан ҳозир Гулнор учун ҳеч нима керак эмасди. Тезроқ ёлғиз қолиш ва ўкириб-ўкириб йиғлаб олишни истар эди.

Улар қоронғи тушгунча боғда қолиб кетишди. Гулнор почаси йиртиқ ҳолда қишлоқ оралаб юришдан уялди.

Албатта, бу кунларни кенжасидан бошқа ҳеч ким эсламайди.

Тўнғичлар осмондан ўзлари шундай топарман-тутарман бўлиб тушгандай юришади. Келинлар эса уларни молу дунёси билан яратиб қўйгандек муомала қилишади. Айниқса, бош келин гапларига чидаб бўлмайди: “Тушимда денг, тандир-тандир нон пишираётган эмишман. Дарров садақа чиқардим. Уч кундан сўнг бошқармага кўтарилиб кетди. Ўғлингиз ҳам доим “сен биласан, онаси” деб миннатдор бўлади”. “Сендан эмас, аллоҳдан миннатдор бўлсин” деб, юз йиртадиган одам керак. Гулнор кампир эса индамайди. Дилхиралик нимага керак?

Гулнор кампир охири аҳд қилди: “Ўрганган бовурим” деб шу камбағал ўғлимга жабр қилиб ётмай, навбат билан бошқа ўғилларникида ҳам турайн. Уларни ҳам оқ сут бериб боққанман, ўқитганман, уйлантирганман!..

Эрталаб тўнғич ўғлига кўнғироқ қилди:

– Болам, менга машина юбор. Зерикдим.

– Ест, онажон!

Келин қайнона ортидан кирган латта тугунни кўриб ҳайрон бўлди. Тили учгинасида қирғоққа чиқиб қолган балиқдай питирлаб турган саволни бижилдоқ кичик қизи бериб кўя қолди:

– Момо, бу нима? Бизникига кўчиб келдингизми?

– Ҳа, болам.

– Ур-р-ей! Энди бизникида яшайсизми?

– Ҳа, шундай.

Қайнонасини кўриб: “Энди бутун куним қош-қовоққа қараш билан ўтаркан-да”, деб энсаси қотиб ўтирган келиннинг бу гапдан сўнг тамом мазаси қочди.

– Бор, бир рўмол олиб кел, бошим еб бораепти, – дарҳол рўмолни пешонасига танғиб олди. – Вой, бошим!

Онаси буйруғи билан болалар дастурхон тузашди.

Ўғил эса кўрпачада ёнбошлаб, қўйнига кирган қизчасини эркалади. Буни кўриб, хотини қаҳрланди:

– Ҳей, менга қаранг, иш кийим билан чўзилиб олманг, туриг, ишингизга боринг.

Ўғил хотинига ҳеч нарса демай, қизини эркалай-эркалай кўзғалди.

Кампир ҳайфи келиб ўй сурди: “Ай-й, одамзод-а! Бунча тор бўлмасанг. Шу кампир туғилиб ўстирган ўғилнинг соясида бойбичча бўлиб юрибсан. Неча йилда онаси тугун кўтариб келса, бирдан иситмалаб қоласан”.

Келин бош оғриғи бир ҳафта тинмади. Мақтанишдан жағи тинмасди, камгап бўлиб қолди ва ниҳоят ёрилди:

– Уйда бирон гап бўлдимми?

– Йўқ! Уларнинг қўли юпқароқ, боши кўп, бу ўғилларда ҳам ҳақим бор, бир кенжаникига ёпишиб ётавермай девдим-да.

– Кенжада бир сиз эмас, ҳаммамизнинг ҳақимиз бор. У яшаётган уйга биз ҳам шерикмиз, – неча кундан бери ичида буруқсаб ётган ўт ниҳоят оғзидан чиқиб кетди.

Кампир надомат билан бош чайқади:

– У уйга бировинг бир гишт қўйганинг йўқ. У уйни чолим билан мен қурганман. Уйимни кимга беришни ўзим ҳал қиламан.

Шу билан қайнона-келин ўртасида бўлиб турган узук-юлуқ сўзлашувлар бутунлай барҳам топди.

Эртаси куни кечқурун ўғлига деди:

– Мени уканинг олиб бориб қўй!

– Содиқнигиами?

Кампир аччиғи келиб ғудранди:

– Олимнигиа.

Ўғил ҳам, келин ҳам жилла қурса кўнгил учун “Нега? Бизникида тураверсангиз бўлади-ку” демади, деёлмади.

Кампир Олимжон уйда бир ой яшади. Эру хотин кун бўйи ишда, кампир эса невараларини қуриди. Аввалига эру хотин роса хурсанд бўлди: “Энди боғча ҳам, эшик-дарвозага қулф ҳам керак эмас”. Аммо кейин-кейин ўғли баъзан жеркиб ташлайдиган одат чиқарди. Охири кампир кўнглидагини айтиб солди:

– Ҳа, ўғилбой, тўшагим сасидими дейман? Овозинг баланд-баланд чиқяпти. Агар шундай бўлса, айт, кетаверай!..

Олимжон кўнглидаги аён бўлиб қолгандай хижолат тортиб кулди:

– Сизга биров кетинг деяптими? Онам деб баъзан-баъзан эркалик қилсак айбми?

Бир ой деганда учинчи ўғил келиб, олиб кетди. Кампир ўзича “Ўғлим мени соғинибди-да” деб ўйлади. Олимжон кўнғироқ қилиб “Момойни олиб кет, бизникида зерикиб қолди” деганини, Одил “Хўп ака, бизникида ҳам уч-тўрт кун турсин” деса, “Сеникида ҳам бир ой туради, мана мен бир ой қараб бердим”, деганини кейинроқ келинидан эшитди.

– Бўлмаса, мен борай. Ўғлим уч-тўрт кун турсин деган бўлса, келганимга ҳафтадан ошиб кетди, – деди кампир астойдил тараддуланиб.

– Қўйинг-е, – деди келин ёлғондакам хижолат тортиб. – Сиз келиб уйимиз тўлиб қолди. Қайноғаларим ҳам ҳеч келишмас эди, сизнинг баҳонангизда...

Аммо кунлар ўтган сайин кампир сабабли қора берадиган меҳмонларга зўр-базўр дастурхон ёзилиб, тил учи мулозамат кўрсатиладиган бўлиб қолди.

Бир кун кампирни кўргани кенжаси қадам ранжида қилди. Ишдан ҳориб қайтаётир шекилли, ранги ўчиб, лаблари қотиброқ турарди. Келин ичкарида дам олаётганини билса ҳам чақиртирди. Келин юзини ҳам ювмай минг малол билан туриб келиб, қайнисини билан шунчаки сўрашди-да, кампирга хўмрайиб қаради.

– Ҳа, нима дейсиз?

– Чой-пой қил.

Келин индамай хонадан чиқиб кетди. Анчадан кейин дастурхон ёзилди, арзонгаров қанд-қурслар қўйилди. Икки пиёла билан бир чойнак чой пайдо бўлди.

– Овқат йўқми? – сўради кампир оғриниб.

– Қолмаган, – келиннинг қоши чимирилди.

– Овқат нима керак, – деди Содиқ хижолат тортиб.

Ёлғон гапни меҳмон ҳам сезган эди. Боя кампир ошхонага кириб, очиқ қолган қозон оғзини ёпмоқчи бўлганда тагида овқат борлигини ўз кўзи билан кўрган эди. “Ҳали катта ўғли мактабдан қайтгани йўқ. Овқатни шунга олиб қўйган. Бергиси келмаса, музлаткич тўла тухум, қовуриб қўйса, дунёси тугаб қолмайди-ку”.

Кампир оғир хўрсинди.

– Онажон, уйга юринг, – деди Содиқ жавдираб. – Болалар жуда соғинишган.

– Хўп, болам, – кампир кўзларини юмган қўйи бош ирғади.

– Тараддудингизни кўринг, ҳозир олиб кетай!

– Сен боравер, болам, аканг келсин, машинаси билан элтиб қўяди.

Кечқурун Одилбек олдида она ўзини тутиб тура олмади:

– Ўғлим, бу ерда ҳам иззатимиз битди шекилли.

– Тинчликми?

– Бугун уканг келган эди, хотининг иккита тухумга арзитмади!..

– Сиз айтдингизу қовуриб бермадими?

– Э-э! Айтишим шартми? Кўриб турибди-ку, ишдан очқаб келаяпти.

Одилбек жаҳли чиқиб сайради:

– Э-э, она, шунингизни тўқ куни борми? Сизнинг кўнглингизни деб ҳамиша қарашиб келаман. Лекин тўймайди, доим оч. Бир умр шуни ғамини едингиз, нафақангизни шунга берасиз, уйда яшаб, чўрилигини қиласиз. Энди, ҳеч бўлмаса меникида яшаётганда шуни ўйламанг. Лапашанглиги учун биз айбдорми? Ҳадеб хафа бўласиз? Яна нима қилай? Уйимнинг тўридан жой бериб қўйибман, еб-ичиб ўтирибсиз.

– Уйингнинг тўри ўзинга насиб қилсин, болам, – кампирнинг ранги оқариб кетди. – Майли, ҳозир ишдан чарчаб қайтгансан чоғи, лекин эртага эрталаб ола кетасан.

– Э-э, она!..

Кампир шу оқшом тугувли турган тугунини қайта тугди. Самандарникига боришни истамади. Бир ота-она ўн ўғилни боқади, ўн ўғил бир ота-онани боқолмайди деганлари шумикин? Эсиз, беш ўғил туққан, беш ўғилни ўқитган бойбичча-я, “Кўнглингизда нима гап бор?” деган меҳрга йўғрилган саволни эшитмаганига неча-неча йиллар бўлиб кетди-я. Эсиз, аллоҳ ундан бир қиз фарзандни аяган экан-а. Ўғиллар ҳам ўз кунига ўлмасин, қиз ич куйлак бўларди-да. Ай, дунё-я!..

Кенжа ўғил уйда экан. Одилбек машинаси дарвозага рўпара бўлиши билан югуриб пешвоз чиқди. Ўзича хижолат чекиб, бир қўли билан онасининг тирсагидан олди, бири билан тугунини кўтарди. Қадрдон, саришта хонага киргач, кечадан буён кампирнинг юрагини сиқимлаб турган нарса ғойиб бўлди ва юмшоқ каравот сари юрди.

– Кечирасан болам, бир оз чўзилай.

– Майли, бемалол.

– Ай, болам-а! – Кампир кўзларини юмиб олди, шу ётишида ўйлаяптими, ухлаяптими англаш қийин эди. Анчадан сўнг ҳорғин пичирлади. – Майли, шунисигаям шукур. Кампир бошқа гапирмади. Кечки овқатга ҳам турмади.

Содиқ акаларига бир-бир кўнғироқ қилди.

– Онамининг тоби йўқ, ҳеч нарса емаяптилар!

– Кеча Одилникида соппа-соғ ўтирган эди-ку.

– Одилнинг хотини бир нарса дегандир-да.

Ҳар қайсиси ҳар нарсани рўкач қилди. Бири ишдан чарчаб келган, бирининг меҳмони бор, яна бири чойхонага чиқиши керак экан... Ҳаммаси эртага эрталаб ишга кетишда бир йўла хабарлашиб ўтишини айтди.

Тонга яқин кампир узилди. Дунё бирдан хувуллаб қолгандай бўлди.

Аввал оқшом бир оғиз гап билан етиб келган ёлғиз сингил фарёди оламни тутди.


*– Беш ўғилли бойбиччам,
Суюнганим опам-ов,
Тополмайин бир дардкаш,
Куюнганим опам-ов.*

*Шундай кунда юрагим
Тилинди-ку, опам-ов,
Бир қизингни йўқлиги,
Билинди-ку, опам-ов...*

Салдан кейин бойбичча ётган хонада беш ўғил баравар “Онам-эй!..” – дея ув торта бошлади...



НИГОҲ



Нодир ҒАФҒОРОВ,
филология фанлари номзоди

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Бу йил мустақиллигимизга йигирма йил тўлди. Бу тарих учун қисқа бир давр бўлса-да, мамлакатимиз шу қисқа давр ичида улкан ютуқларга эришиш мумкинлигини намоён этди.

Мустақиллик даврининг зарварақларига назар ташлаш асносида, унинг ҳар бир куни янгиликлар, ривожланишлар билан кечганлигига гувоҳ бўламиз. Юртбошимизнинг инсонийлик ва эзгулик тамойиллари билан суғорилган илғор қарашлари ва саъй-ҳаракатлари эвазига, кейинги йилларда, юртимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида кенг қамровлик ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Истиқлол сабаб, таълим соҳасида энг мақбул дастурларни ўз вақтида узоқни кўзлаб ишлаб чиқиши, таълим – тарбия жараёнини тубдан ислоҳ этиш, такомиллаштириш, келажак пойдевори бўлган ёшларнинг ақли ва салоҳиятини замонавий билимлар билан чархлаш, таълим муассасаларининг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол, чуқур билим, мустаҳкам эътиқод ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган авлодни вояга етказишда ғамхўрлик қилиш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишига доимий эътибор қаратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Фарзандларимизнинг мамлакат ва дунё спорт майдонларида юқори поғоналарни эгаллаётгани, Юртбошимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ташкил этилган уч босқичли спорт ўйинлари ёшларимиз доимо орзиқиб кутадиган катта байрамга айланиб улгурган. Хусусан, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари”, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг “Баркамол авлод”, ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг “Универсиада” спорт мусобақалари ўзгача шуқуҳ ва кайфиятда ўтиши, шунингдек, ўғил-қизларимизни Ватанга меҳр-садоқатли қилиб тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, янгидан-янги марралар сари етаклашга хизмат қилувчи тадбир сифатида халқаро миқёсда ҳам барчани ҳавасини келтирмоқда.

Жамиятнинг жон томири ҳисобланган соғлом, баркамол авлод тарбияси, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оммавий спортни такомиллаштириш, аҳолининг барча қатлами орасида жисмоний тарбия ва спортни янада юксалтириш замирида икки жиҳат мужассам.

Аввало, мамлакатимизда спорт – соғломлаштириш устувор масала сифатида эътироф этилиб, қисқа фурсат ичида унинг ҳуқуқий асоси яратилди. Жисмоний тар-

бия ва спортни ривожлантириш, спорт соҳаларига етарлича шарт-шароитлар яратиш борасида қарор, фармойиш ва қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 271-сонли қарори ёшлар спортини оммавий равишда ривожлантириш, жамоатчилик орасида турли спорт тадбирларини уюшган ҳолда ташкил қилишга қаратилган бўлса, 2003 йил 3 июндаги “Ўқувчи, талаба-ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 244-сонли қарор умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва олий таълим мактаби талаба-ёшларига жисмоний тарбия ва спорт билан доимий, узлуксиз тартибда шуғулланиш имкониятини берди.

Иккинчидан, мамлакат миқёсида оммавий спортни ривожлантириш, аҳоли турли қатламларининг спорт билан шуғулланишига имконият яратиш, соҳага ихтисослашган спорт муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътиборнинг натижаси ўлароқ, спорт – соғломлаштириш масканлари, олимпиа заҳиралари ўқув муассасаларининг фаолияти тубдан яхшиланди. Бугун нафақат пойтахтимиз Тошкент ва вилоят марказларида, балки чекка туманларда замонавий услубда жиҳозланган спорт мажмуалари бунёд этилди. Янгидан қурилган, халқаро мезон ва талабларга мос келадиган спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари, теннис корт ва стадионларда уч босқичли спорт мусобақалари юқори савияда ўтказилмоқда. Бу мусобақалар кўплаб умидли ёшларга илк маҳоратини кўрсатиш, дўстлар орттириш имкониятини бериш, баробарида, юксак чўққиларни забт этиб юртимиз байроғини олимпиада ўйинларида баланд кўтарган **Анатолий Асрабаев (ўқ отиш), Оксана Чусовитина (гимнастика), Валерий Захаревич (қиличбозлик), Лина Черязова (фристайл), Армен Богдасаров (дзюдо), Рустам Саидов (бокс), Карим Тўлаганов (бокс), Муҳаммадқодир Абдуллаев (бокс), Сингапурда ўтказилган биринчи ёшлар Олимпиа ўйинлари ғолиби эркин курашчиларимиз Руслан Камиллов ва Диёр Эргашевлар, эшак эшиш бўйича 2 карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков, Осиё чемпиони Ольга Умаралиева, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони Руслан Макаров, кураш бўйича жаҳон чемпионлари Шерали Жўраев, Давлат Чориев, Соҳибжамол Холикулова, белбоғли кураш бўйича жаҳонни лол қолдирган Темур Шокиржонов, Хурсанд Умаров, Зоҳидбек Исмоилов, Зоҳидбек Ортиқов, байдарка ва каноэда Осиёда тенгсиз саналган Руслан Наурзалиев, Вячеслав Дидрих, Серик Мирбеков, Алексей Мочалов** каби ёшларимиз ўзларининг давомчилари кўпайишига замин яратмоқда.

Соғлом турмуш тарзи асосларини кенг аҳоли қатлами орасида ёйиш, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилишини кучайтириш, ҳар томонлама бақувват, кучли, иродали, мустаҳкам фикри ва қарашларига эга бўлган шахсларни тарбиялаш, болаларда спортга меҳр уйғотиш, уларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, зарарли одатлардан халос этиш, барқарор феъл-атворли, ғурурли, Ватанига меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш, қишлоқ жойларида болалар жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базасини вужудга келтириш, замонавий спорт комплексларини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланиш учун зарур молиявий маблағларни жамлаш, фарзандларимизнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлашда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатда оммавий спортни ривожлантириш ва шунинг натижаси ўлароқ, мустақил юртимизнинг нуфузини оширишда, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг алоҳида ўрни бор. Бу ҳақиқат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида жорий йилнинг февралда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида алоҳида ўқтирилди. Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг спортга қизиқиши ва интилишини, меҳрини ёшлигидан уйғотиб, спорт билан мунтазам шуғулланиш кўникмасини шакллантириш, уларнинг характеридан қатъиятлик ва мардлик, ғалабага бўлган интилиш ва мустаҳкам ироданинг тобланишига замин бўлади. Юртбошимиз Ҳомийлик кенгашида алоҳида ўқтирилганларидек, Болалар спортини ривожлантириш, унга барча шароитларни яратиш ўзбек спортининг

халқаро майдонда нуфузини ошиши ва барқарор келажагини таъминлашининг асосидир. Болалар спортини тизимли асосда изчил такомиллаштириш буюк мақсадимиз – Баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказиш, Ўзбекистоннинг тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб жой эгаллашида ҳам муҳим пойдевор саналади. Таҳлиллар шундан далолат берадики, 2005 йилда мамлакат миқёсида мутлақо соғлом болалар 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 62,6 фоизга етган. Юртимизда бугунги кунга келиб, 6-15 ёшдаги 1,6 миллион ўқувчи мунтазам тартибда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда. Агар бу кўрсаткич 2008 йилда 29,2 фоизни, қизлар ўртасида 24,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 34,5 фоизга, қизлар орасида 30,9 фоизга ошган.

Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан жорий йилда 149 та объект, жумладан, 130 та болалар объекти, 19 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Ушбу объектларнинг 118 тасини қишлоқ жойларида бунёд этиш режалаштирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юртбошимиз кенгаш йиғилишида уқтирганларидек, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, айна шу сиёсат давлат даражасига молик бўлди. Мамлакат миқёсида спортнинг оммавийлигини таъминлаш, Болалар спортини, хусусан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилишида энг эзгу – **Ўзбекистон фарзандларининг соғлом дунёга келиши, улғайиши, тарбия топиши ва пировард мақсадда миллат генофондини яхшилаш мақсади мужассам**. Буни рўёбга чиқариш мақсадида, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга иқтисослашган ягона олий таълим муассасаси ҳисобланган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг қабул ҳайъати режасига 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб, вилоятлар кесимида хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналишида қабул ташкил этилди. Ҳар йили 220 нафар талаба-қизлар жисмоний тарбия ва спортнинг сир-асрорларини кунт билан ўрганаётган бўлса, бакалавр даражасини олган илк қалдирғочлар вилоятларда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга муносиб ҳиссасини кўшмоқда.

Бугун замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган иншоотларда шуғулланаётган фарзандларимизнинг ҳаммаси ҳам дунё спорт ареналарида чемпион бўлаолмас. Аммо, жисмоний тарбия ва спортга ошно бўлган, турли жисмоний машқлар замирида характери тобланган, ҳаётий қарашлари барқарор шакллана бошлаган ўғил-қизлар келажакда ҳаётнинг турли қийинчилик ва муаммоларига дош бераоладиган қатъиятли, мард, жасур, ўз юртини, туғилиб ўсган маконини қадрига етадиган фарзандлар бўлиб вояга етади. Юртбошимиз табири билан айтганда: **“Айнан, ёшлик чоғидан спорт билан дўст бўлиш боланинг ўз устида ишлаши, характерининг тобланиши, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлик ва мардлик хусусиятларининг шаклланиши, ғалабага интилиши, таъбир жоиз бўлса, аввало, ўз устидан ғалаба қозониши, бир сўз билан айтганда, мустаҳкам иродага эга бўлиши учун пухта замин яратади”**. Ўз мустақил фикри, мустаҳкам эътиқоди, қатъий иродасига эга, нафақат мамлакат балки, дунё майдонида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга холис муносабатини билдирадиган авлод ҳам, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишишида барча шарт-шароитларни яратиб бераётган мамлакат ҳам ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди, ҳеч кимга муҳтож ҳам бўлмайди.





роман: кеча, бугун, эртага

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор



БАДИИЯТ КЎЗГУСИДА МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

Кейинги икки аср давомида роман жаҳон адабиётида етакчи жанр бўлиб келди, XXI асрга ўтиб ҳам, у ўша мавқеини асло бой бергани йўқ. Ҳар бир миллат адабиётининг бўйбаси, даражаси, аввало, шу жанр камолотига қараб белгиланади десам, буни ҳеч ким муболагага йўймайди. Бунинг боиси шундаки, башарият даҳоси яратган адабий жанрлар орасида энг универсали, канонларни, миллий чегараларни тан олмайдигани, бетиним янги-ланиб, ўзгариб боришга мойили, ҳамма даврларга, оқимларга мослаша оладигани айни шу жанр бўлиб чиқди. Романтизм дейсизми, реализм, соцреализм, неореализм, сюрреализм, магик реализм, постреализм дейсизми, модернизм, постмодернизм дейсизми – барча адабий оқимларда унинг етук намуналарини топиш мумкин. Бугина эмас, ҳамма адабий тур – эпик, лирик, драматик шакллар, миф-асотир, ривоят, ҳикоятлардан тортиб, оғзаки ва ёзма ижоднинг деярли барча кўринишлари, жумладан, ёндош жанрлар – ҳикоя, новелла, қисса-повесть тажрибаларини, ҳатто намуналарини ўз бағрига бемалол сиғдираверди. Унда вақт қамрови, ҳажми, персонажлар сон-саногининг чек-чегараси йўқ. Бир кунлик, ҳатто бир неча соат, дақиқалик воқеа асосига қурилган, айни пайтда бир асрлик воқеаларни қамраб олган, бир-икки ёки ўнлаб, юзлаб персонажлари бор яхши романларни ўқигансиз. Бир, икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ китоблардан иборат хиллари борлигини ҳам яхши биламиз. Унинг ҳудудига публицистика, эссе, тарих, хроника, фалсафа бемалол бостириб кираверади. Роман сатҳи ҳозир урф бўлган плюрализм – фикрлар хилма-хиллигини бадиий ифодалаш, кўп овозли – полифония учун беқиёс майдондир.

Журнал таҳририяти машаққатли ва мураккаб тадрижий йўлни босиб ўтган роман жанри атрофида илмий-назарий баҳс уюштиришни лозим топди. Баҳс романга хос бадиий-фалсафий қиёфа, ижтимоий-маънавий хусусиятлар ва услубий йўналишларни талқин қилишга қаратилади. Роман турли оқим ва усуллар билан узвий алоқадорликда қандай такомиллашгани, шунингдек, кейинги вақтларда пайдо бўлаётган шаклан ва мазмунан хилма-хил романлар муфассал текширилиши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётшунос олимлар, адиблар ва бошқа ижодкорлар баҳсда фаол иштирок этишларини сўраймиз ҳамда улардан илмий-назарий жиҳатдан теран ва долзарб мақолалар кутиб қоламиз.

ТАҲРИРИЯТДАН

У ёғини суриштирашнинг, бугунги кунда жаҳоннинг турли минтақаларида миллиардлаб томошабинларни кечаю кундуз телеэкран қаршисида ушлаб турган телесериаллар айна шу роман тажрибалари, романга хос тафаккур, тасаввур ҳосиласидир, телесериаллар томошаши энг оммавий визуал романхонликнинг ўзгинасидир.

Қисқаси, бу жанрнинг имкониятлари чексиз, шунга яраша романнавис бўлиш масъулияти ҳам бениҳоя катта. Романнинг ана шундай беқиёс имкониятларидан фойдалана олиш лаёқатига эга бўлган, унинг заҳматларига дош бера оладиган, роман юкини елкасида кўтаришга қодир шижоатли, чин истеъдод соҳибигина бу жанрда муваффақият қозона олади.

Шунинг учун бўлса керак, икки асрдан ошдики, ҳеч ким, ҳатто мана мен деган назариячи олимлар ҳам бу жанрнинг ҳамма бирдек тан оладиган таърифини бера олгани йўқ, беролмайди ҳам. Қарангки, кейинги икки юз йил давомида жаҳон адабиёти, адабий танқидчилигидаги энг қизгин баҳс-мунозаралар айна шу жанр, унинг намуналари, ижодкорлари теварагида кечган.

Муайян сабабларга кўра, бизда роман кейинроқ пайдо бўлди, бундан роппа-роса 90 йил бурун – 1920 йил декабрида ёзиб тугатилган “Ўткан кунлар” билан ўзбек миллий романчилик мактабига асос солинди. Хомчўт ҳисоб-китобларга қараганда, ўшандан бери бизда “роман” номи остида 500 га яқин асар яратилди. Табиийки, уларнинг савия-даражаси турлича. Миллий романчилигимизнинг туғилиш, шаклланиш ва тараққиёт йўлининг 70 йили ғоят мураккаб, таҳликали вазиятларда, шўро истибдоди адабий сиёсати таъқибу таҳдидлари шароитида кечган бўлишига, машъум сиёсат ижодкорлар тақдирида муайян нохуш асоратлар қолдирганига қарамай, мўъжизани қарангки, ўша кезларда ҳам, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, бизда Европа адабиёти гази билан ўлчанганда ҳам тўлақонли, янги жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан бўйлаша оладиган асарлар яратилди.

Миллий уйғониш деб аталган улкан тарихий-маънавий жараённинг ҳосиласи сифатида пайдо бўлган ўзбек романи кўзгусида айна шу жараён – миллат тақдири – қисмати, унинг онги, руҳиятидаги долғали силсилалар, халқнинг орзу-армонлари, интилишлари, дарду дунёси, оҳу зорлари бор бўйича ўз аксини топди, бу мўътабар анъана мустақиллик йилларида ҳам ўзгача кўринишда давом этиб келяпти.

“Ўткан кунлар”нинг асосий маъно-мундарижаси, пафоси ҳақида ҳозирга қадар ғоят хилма-хил фикр-мулоҳазалар айтилди, айтилмоқда. Улар орасида роман асосида ишқий-оилавий можаролар ифодаси-талқини туради, деган қараш кенг тарқалган. Ҳатто романнинг немис тилидаги таржимаси “Тошкентлик ошиқлар” деб аталиши бежиз эмас. Камина эса, бундай қарашни бутунлай инкор этмаган ҳолда, “Ўткан кунлар” романининг маъно-мундарижаси ғоят кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий, борингки, ишқий-оилавий муаммолар кўтарилган деган фикрдадир. Улар ичида, менинча, энг муҳими, юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласидир. “Ўткан кунлар” романига қадар ҳам, асар ёзилган пайтда ва ундан кейин ҳам XIX асрда миллат тақдири учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик тарихий ҳодисаларни, ўлканнинг мустақилликдан маҳрум бўлиб, мустамлакачилар олдида таслим бўлишига олиб келган омилларни Қодирийчалик чуқур, таъсирчан бадиий таҳлил этган асар яратилмаган. Адиб бу романи орқали тарихимизнинг энг кир, “қора кунлари” – юртни мустамлака балосига гирифтор этган кейинги “хон замонлари” ҳақида сўз очиб, бу аянчли ҳақиқатдан халққа сабоқ бермоқчи бўлган. Асар марказида турган Отабек, Юсуфбек ҳожи қисмати, руҳиятидаги энг кескин, драматик кечинма-ҳолатлар ифодаси айна шу муаммолар билан боғлиқдир. Ёзувчи қалбини ўртаган, уни кўлига қалам олишга ундаган омиллар, менимча, ана шунда. Бундай даъвонинг тафсилотлари “Қодирий мўъжизаси” китобимда батафсил ёритилган.

“Ўткан кунлар”дан сўнг пайдо бўлган “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон”, “Сароб”, “Обид кетмон”, “Қўшчинор”ларни эсланг. Бу романларнинг ҳар бири асар битилган кезлардаги муаллифлар кўнглида кечган оғриқ тўла ўй-кечинмалар – асарлар қаҳрамонларининг драматик, фожиавий қисмати, дарду дунёси, оҳу зорини айна кўзгудагидек гавдалантириб берганлиги билан қимматлидир. Бу романлар орасида хронологик жиҳатдан ажиб мантикий силсила, уйғунлик бор. Чунончи, “Кеча ва кундуз” “Ўткан кунлар”нинг давомидек туюлади. Чоризм мустамлакаси халқ ҳаётини асло енгиллаштиради, бу даврда жаҳолат ва зулм баттар авж олди. Оилавий ва ижтимоий муносабатлардаги қоқоқлик, қабоҳат ёнига фаҳш, янги кўринишдаги қаллобликлар келиб қўшилди. Бундай иллатлар ваҳшати романда шафқатсиз бир тарзда кўрсатилди.

Айна шу шафқатсиз ҳодисаларнинг давоми ва ваҳшати “Қутлуғ қон” романида муайян даражада интихосини топган. Асар бош қаҳрамони Йўлчи қишлоқдан нажот истаб шаҳарга

келади-ю, қадам-бақадам ҳақсизлик, адолатсизлик қаърига кира боради, ниҳоят, кўзи очилиб, ўз шаъни, қадри йўлида, қолаверса, сабр косаси тўлиб-тошган жабрдийда оломон химояси, аниқроғи, миллий озодлик ҳаракати йўлида қурбон бўлади.

Миллатларга эрк, озодлик ваъда қилган Октябрь тўнтаришидан кейинги давр акс этган “Сароб”да миллатнинг ҳар жиҳатдан етук, тўқиб бахтга муносиб икки кўркем фарзанди – Саидий билан Мунисхон инқилобий алғов-давлоғлар – икки тўлқин кураши гирдобидида ҳалок бўладилар. Адиб аросатда қолган икки ёшнинг маънавий-руҳий изтиробларини ўқувчини ларзага соладиган тарзда ифода этади.

Ўтган аср 20-йиллари охири, 30-йиллар бошларида колхозлаштириш деб аталган мамлакат тарихида, кўп сонли деҳқонлар қисматида оғир асорат қолдирган ҳодисалар ҳақида давр сиёсатида мос “синфий кураш” ақидаси асосида ҳайбаракаллачилик руҳида битилган асарлардан тубдан фарқ қилароқ, “Обид кетмон” ва “Қўшчинор” (“Қўшчинор чироқлари” эмас) миллий адабиётимизда янгилик бўлди. Мазкур мавзудаги расмий қарашларга мос тушадиган асарлардан фарқли ўлароқ, бу икки асар ўша мудҳиш ҳодисаларга ўзгача тарзда, кутилмаган томонларидан ёндашилганлиги, оддий одамлар қисмати ҳолис, ҳаққоний ифода этилганлиги билан қимматлидир.

Афсус, бу икки асардан сўнг муайян муддат романчиликдаги миллат қисматидан баҳс этиш анъанаси тўхтаб қолди. Ниҳоят, 50-йиллар охирига келиб, “Синчалак” орқали ўша анъана қайта қад ростлади. “Синчалак” билан изма-из яратилган “Уч илдиз”, сўнг биринкетин пайдо бўлган “Қора кўзлар”, “Уфқ”, “Чинор”, “Олтин зангламас”, “Диёнат” сингари миллат тақдиридаги мураккаб, чигал ҳодисалар қаламга олинган романлар эл орасида шуҳрат топди. Бора-бора миллат қисмати билан боғлиқ ҳодисалар тасвири-талқинидаги танқидий руҳ кескинлашиб, Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лоллазор”, Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романларида жамият ҳаётининг фожиали инқирози ифодаси ўз интиҳосига етди. Жамият ва шахс қисмати талқинида танқидий пафос, инкор руҳининг кучайиши оқибатида миллий романчилигимизда модернистик адабиётга хос абсурд туйғуси ва ғояси, шахс руҳияти таҳлилида эса янгича тамойиллар, “полифония” ва “онг оқими” унсурлари пайдо бўла бошлади. Бу ҳол танқидчиликда қизғин баҳсларга асос бўлди. Дадил айтиш мумкинки, ўзбек романи истиқлолдан анча бурун мавжуд тузумнинг антигуманистик моҳияти, инқирози, ҳалокатга маҳкум экани хусусида ўз бадиий ҳукм-хулосасини чиқарди. Ва бу билан ўзбек миллий романчилиги миллат олдидаги тарихий миссиясини адо этиш шарафига муяссар бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат, мустабид тузум таъқибу тазйиқлари шароитида, тарихий ўтмишимизни нуқул гина зулматдан иборат деб аташ урф тусини олган, ҳар куни “Ким эдик тарихда бизлар, номи йўқ, қашшоқ, гадо” деган бўҳтон ва ҳақоратдан иборат қўшиқ сатрлари янграб турган кезлари жаҳон тан олган буюк сиймоларимиз ҳақидаги “Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довои” сингари етук романларнинг яратилиши мислсиз жасорат ва ҳайратомуз ҳодисадир.

Романчилигимизнинг истиқлол давридаги йигирма йиллик тараққиёти, минг афсус, ҳозирга қадар атрофлича ўрганилгани, муносиб баҳосини олгани йўқ. Назаримда, адабий танқид зиммадаги бош вазифаси – мавжуд роман хирмонини саралашда хийла сусткашлик қияпти.

Истиқлол туфайли ижод аҳли ҳам, адабий танқид ҳам мустабид тузум шароитида шаклланган барча чеклов, тушовлардан ҳалос бўлди, ижодий изланишлар учун кенг йўл очилди. Бошқа барча адабий тур, жанрлар каби романнинг мавзу-мундарижа, шакл, ифода, поэтик кўлами хийла кенгайди; турли-туман адабий-ғоявий оқим, хилма-хил мафкуравий йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади; бир вақтлар менсимай қаралган оилавий-маиший ҳаёт муаммосига бағишланган сон-саноксиз асарлар битилди; нисбатан суст ривожланган ҳажвий, фантастик ва саргузашт-детектив романлар бугун китоб жавонларимизни тўлдириб турибди. Улар орасида Худойберди Тўхтабоев, Неъмат Аминов, Тоҳир Малик, Ҳожиакбар Шайхов каби эл тан олган адабларимизнинг етук асарлари ҳам бор. Тарихий романчилик анъаналарини Муҳаммад Али, Эркин Самандар, Асад Дилмуроддек тажрибали адибларимиз изчил давом эттираётирлар.

Бевосита баҳс мавзумизга дахлдор – мамлакат, миллат тарихидаги энг буюк ҳодиса – истиқлол йилларида одамлар ҳаёти, тақдири, руҳиятида кечган жараёнларнинг роман кўзусидаги ифодаси масаласига келсак, бу борада ҳам муайян ютуқларимиз бор, азизлар.

Бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтиш осон кечадиган жараён эмаслигини ҳаммадан кўра ижод аҳли яхши билади, теран ҳис этади. Шахсан ўзим гувоҳ бўлган ҳодисаларга, қолаверса, ўз тажрибамга таяниб айта оламани, бу жараён шавқи ва оғриқларини, аввало, ижодкорларнинг ўзлари татиб кўрганлар. Чунончи, Шукур Холмирзаевнинг 90-йиллари ёзган эсселари, жумладан, “Адабиёт ўладими?” мақоласи, устоз Озод Шарафиддиновнинг “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” бадиаси, шунингдек, каминанинг устозга эргашиб ёзган “Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари” мутолааси чоғи бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўз бошидан кечган, ўзи юракдан ҳис этган ҳодисаларни, руҳий жараёнларни ўзгалар, аниқроғи, асар тимсолларига кўчириш – бадиий ижоднинг ғаройиб, сирли-сеҳрли хилқати. Шукур Холмирзаевнинг истиқлолимизнинг дастлабки йилларида замондошлари ҳақида битилган “Аросат”, “Озодлик” “Қуёш-ку фалақда сузиб юрибди...”, “Булут тўсган ой” ҳикоялари, ниҳоят, “Динозавр” романи биринчи китобининг дунёга келиш тарихидан қисман хабардорман, уларнинг айримларини муаллиф розилигига кўра қўлёзма ҳолда ўқиганман, эҳтимолки, биринчилардан бўлиб улар ҳақида сўз айтганман, ёзганман.

Баъзи фикрларим такрор бўлса ҳам айтай: “Динозавр” романи мавзу-материали, мазмун-мундарижаси жиҳатидан ўта замонавий асар, унда асар битилган даврнинг нафаси уфуриб туради, мамлакатдаги, жамиятдаги туб бурилиш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида одамлар ҳаёти, табиати, руҳияти, тақдирида, ўзаро муносабатларида юз берган ўзгариш, эврилишлар қаламга олинади, одамларнинг ўша кезлардаги ҳаёти-кайфияти бамисоли кўзгуга солиб кўрсатилади. Дадил айтиш мумкинки, ўша туб бурилиш асносида, аввало, адиб қалбидаги, қолаверса, одамлар руҳиятидаги эврилишлар, уларнинг ҳолат-кайфияти миллий адабиётимизда илк бор “Динозавр” орқали роман кўзгусида ўз аксини топди.

“Динозавр” муаллифи долзарб мавзунинг қаламга олган экан, бу билан ўтмишда бўлганидек, ижтимоий жараёнларга шунчаки муносабат билдириш, ниманидир тасдиқлаш, улғулаш ёки ниманидир рад этиш, қоралашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас, балки сўз санъатининг асл табиати, вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ана шу туб бурилиш палласида юзага чиқаётган инсон жумбоғи, аниқроғи, инсон табиати, руҳиятининг турфа жилвалари, янги қирралари, турли нағмалари, сир-синоати билан қизиқади. “Динозавр” романи айна шу жиҳати билан сизу бизнинг эътиборимизни тортади, бизни асар воқеалари, персонажлар давраси гурунглариининг иштирокчиси, суҳбатдошига айлантиради. Роман қаҳрамонлари – кеча моҳир актёр саналган Шаҳлонинг хорижий мамлакатларга қатнайдиган тижоратчиға, куни кеча таниқли “совет болалар шоири” бўлган Абзал аканинг бугун мутаассиб тақводорга айланиши, куни кеча СССР тарихи ўқитувчиси сифатида ёш авлод онгига коммунистик ғояларни сингдирган, раҳбар ходим сифатида даҳрий ишларга қўл урган Тойировнинг бугун катта фирма очиб “бозор иқтисоди” одами, савдогар бўлиб олиши, Жамолдиннинг оз фурсатда авваллари ҳатто тасаввур этиш ҳам мумкин бўлмаган кўламли мулкдор, бизнесмен бўлиб етишиши – бу тур одамлар табиати, руҳиятидаги бу қадар кескин ўзгаришлар ғалати жумбоқ...

Бироқ асардаги энг катта жумбоқ – бош қаҳрамон Маҳкам образидир. Маҳкам ҳам пок, соддадил, самимий инсон сифатида, ҳам истеъдодли адиб, моҳир тараққийпарвар кинорежиссёр сифатида туб бурилиш, ўзгаришлар жараёнида янги шароитга мослашолмай, янги “шароит мевалари”ни ҳазм қилолмай қийналади. Йўқ, у истиқлол, янгича ижтимоий муносабатлар рақиби эмас, айна пайтда унда эски тузумни кўмсаш кайфияти ҳам йўқ, аслида, моҳият-эътибори билан бу одам мустабид тузум жабрдийдалари тоифасига мансуб: отаси, тоғаси, яқин одамлари эл-юрт қайғуси билан яшаган зиёли одамлар бўлган; отаси қатағонга учраган, Сталин ўлимидан олдин қамоқда ўзини осиб қўйган; ўзи эса ижодкор сифатида оғир шароитларда адолат, ҳақиқат учун курашганлар сафида турган. Истиқлол туфайли аждоқлари, ўз кўнглидаги орзу-ниятлари ушалади. Шундай бўла туриб, нега энди бу одам янги шароитга дарҳол мослаша олмайди, туб ўзгаришлар моҳиятини англашда қийналади. Бутун гап ҳаётнинг мураккаблигида, асарни асар, образни образ қиладиган бадиий жумбоқ ана шунда! Ахир, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши осонликча кечмайди, “бозор иқтисодига ўтиш” даврида юзага чиқаётган мураккаб муносабатларни, давр зиддиятларини Маҳкам хилидаги одам дарҳол ҳазм қилиши қийин; аиниқса, одамлараро муносабатларда ҳамма нарсани ҳисоб-китоб, пул, шахсий манфаат асосига қуриш тамойили қарор топа бориши, бу ҳодиса ҳатто Маҳкам оиласига кириб келиши уни қийноққа солади. Ҳаёт тарзининг ўзгариши билан ижодга муносабат, бадиий ижод, санъат мезонлари ҳам тубдан ўзгарди. Бугун ижодкор кечаги мезонлар билан иш кўриши мумкин эмас. Маҳкам

сиймосида биз мана шу мураккаб руҳий жараёни юракдан ўтказаетган, ўзи янгилиниш машаққатини бошидан кечираётган ижодкор шахси драмаси, балким фожиасини кўрамиз. Шу тариқа қахрамоннинг изтиробли ўйлари, қалб драмаси Шукур Холмирзаев услубига хос бўлган икир-чикирлари, тафсилотлари билан ифодаланади. Маҳкам ўтиш даври зиддиятларини ҳам содда, самимий инсон, ҳам виждонли, истеъдодли санъаткор сифатида намояндалар билан жозибатор. Қизиқ, янги замон ўзгаришларини қийинчилик билан қабул қилаётган Маҳкам, романда қаламга олинган шароитга осонлик билан мослашиб “бозор даври” одамига айланиб олган кимсаларга қараганда қалбимизга яқин, мустақил Ватаннинг чин, самимий ўғлини сифатида таассурот қолдиради.

Адиб романнинг иккинчи китобидан айрим бобларни эълон этди, афсуски, у охирига етмай қолди. Аммо журналда эълон этилган биринчи китобнинг ўзиёқ “Динозавр” миллий адабиётимизда истиқлол даври одамлари тақдири, қалб драмаларини роман кўзгусида ёрқин акс эттирган илк етук асар сифатида қимматлидир, деб ҳукм чиқаришга тўла асос беради.

“Динозавр” олдидан Шукур Холмирзаев қалбида кечган руҳий жараёнга яқин ҳолатни кейинги авлод романаписи Улуғбек Ҳамдамда ҳам кузатиш мумкин. Буни муаллифнинг 1994-1997 йиллар оралиғида қоғозга туширган автобиографик характердаги “Ёлғизлик” қиссаси мисолида яққол кўрамиз. Аънанавий автобиографик қиссалардан фарқли ўлароқ “Ёлғизлик” одатдаги саргузашт асар эмас, балки айна қисса ёзилган кезлари муаллифнинг қалбида кечган ўй-мушоҳадалар, изтироблар, қолаверса, у муаллиф ижод психологияси биографиясидир. Дарҳақиқат, қисса синчиклаб мутолаа қилинса, кейинроқ дунёга келган “Мувозанат”нинг режа, муаммо, мотив, образлари айна ўша кезлари муаллиф кўнглида шаклланишини пайқаш мумкин. Қарангки, “Мувозанат” романи “Ёлғизлик” билан изма-из айна 1997 йили ёзилган.

Моҳият-эътибори билан роман эпик жанрга мансуб эканини ҳис этган муаллиф “Мувозанат”да “Ёлғизлик”даги субъектив “дил изхори” усулини қўйиб, ўзини ҳодисалардан четга олиб, объектив, холис ифода йўлидан, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жараёни роман кўзгусида гавдалантириш йўлидан боради.

“Динозавр”да бўлгани каби бош қахрамон Юсуфнинг ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ одами экани “Мувозанат”нинг ифода доирасини кенгайтиради, қишлоқ ва шаҳар ҳаётида, хилма-хил одамлар сийратида кечаётган силсилаларни ифодалаш имконини беради. Бугина эмас, Юсуфнинг ёш тарихчи олим, олий ўқув юрти муаллими, курсдош дўстларидан бири Саиднинг масъул раҳбар ходим, Миразимнинг эса савдо-тижорат, бизнес одами сифатида олиниши ҳаётнинг турли қатламлари қаърига кириб бориш учун йўл очади. Янги шароитида ҳам жамиятда, ҳам оиладаги табақаланиш, фақат талабалик кезлари бир майизни бўлиб еган қадрдон дўстлар даврасидагина эмас, бир оила одамлари: эр-хотин, ота-бола, ака-ука орасида ўта чигал, мураккаб муносабатларни келтириб чиқаради. Шу тариқа жамиятдаги жараёнларнинг оқибат-асоратлари персонажларнинг шахсий, оилавий-маиший турмушида ҳар қадамда баралла намоян бўла боради. Ўз навбатида асардаги ҳар бир тирик жонни қийнаган дарду ташвишларнинг илдизи жамият ҳаётида улкан бурилиш палласида содир бўлган силсилаларга бориб тақалади. Айна шу ҳолат – шахсий-оилавий-ижтимоий муносабатлар драмасининг уйғунлигидан романга мос **улкан яхлит драма, қолаверса, романи хос тафаккур – яхлит бадиий концепция** вужудга келади. Яна бир муҳим жиҳат, асарда қаламга олинган барча персонажлар тақдири, хатти-ҳаракати билан боғлиқ ҳодисалар бош қахрамон қисмати билан қандайдир йўсинда туташади; булар Юсуфнинг ўз шахсий ҳаёт драмалари, орзу-интилишлари йўлида чеккан заҳматлари, топган ва йўқотганлари билан қўшилиб-туташиб даврнинг **тирик тимсоли, романи хос қахрамон** даражасига кўтаради. Баралла айтиш мумкинки, Юсуф романчилигимизда **ўтиш даври** деб аталган мураккаб тарихий жараённинг қахрамонидир. Муҳими, у қийин, чигал, аммо зарурий ҳаётнинг силсилалар тўзони орасидан эсон-омон ўтади. Ҳаёт синовларида тобланиб, ўзлигига, асп эътиқодига содиқ қолади.

“Мувозанат” “Жаҳон адабиёти”да босилиш олдидан ҳам, босилгандан кейин ҳам қизғин баҳс-мунозараларга асос бўлиб келди, у ҳақида ҳам танқидий, ҳам илиқ гаплар айтилди. Унга хорижда ҳам қизиқиш катта. Чунончи, АҚШдаги Мичиган университети муаллимаси Рейчл Харэл 2007 йил Марказий Еврооисё масалаларига бағишланган 8-халқаро анжуманнинг маданият шўъбасида ўқиган “Ўтиш даврида ўзбек адабий овозлари. Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи воқеаси” мавзусидаги маърузасида романида “кўнгли эҳтиёжи сифатида этилган мавзунинг жасорат билан акс эттирилганлиги”ни алоҳида таъкидланади. Бугина эмас, университетда унга бағишланган кўламли семинарлар ташкил этилади.

“Динозавр” ва “Мувозанат” каби Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романи ҳам айтишга миллат тарихидаги улкан бурилиш, бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш палласидаги миллат фарзандлари ҳаёти, қисмати, онг-шуури, қалбида кечган мураккаб зиддиятлар ҳақида баҳс эди. Аммо юқоридаги икки асардан фарқли ўлароқ, “Бозор” бутунлай ўзгача услубий йўналишда битилган. Асар тили бошдан-оёқ рамзлар, метафоралар, имо-ишоралар асосига қурилган. Бу тилни ўқимай, ўқмай туриб романни тушуниш, унинг туб моҳиятини англаш маҳол. Биргина асар номи – “бозор” сўзи таркибидан “бозор” тушунчасидан ташқари “ор”, “зор”, “озор” маъноларини қидиради муаллиф. Бутун бошли романда бунақа рамзий ишоралар тўлиб-тошиб ётибди. Оддий китобхон уларнинг ҳаммаси моҳиятини англашга қурби етмас, аммо асар бағрида ловуллаб турган ёлқинни баралла кўриб, ҳис этиб туради. Бу романдаги икки жозибадор шахс – Фозилбек билан Қадрия қалбидаги маёқдир. Асар воқеалари, асосан, бир бозор ва унга ёндош қироатхонада кечади. Романда бозор – метафора, рамз, тимсол, ҳаётнинг ўзига хос бадиий модели. Муаллиф ибораси билан айтганда, “бозорнинг ўзи дунё”, одамларнинг ичини кўриш, томоша қилиш борасида бозордан қулайроқ жой йўқ дунёда. Бозор одамларнинг ич-ичини ағдариб кўз-кўз қиладиган “ажойибхона”, бунда ҳар бир бандасининг феълидаги зўравонлик, соддалигу муғамбирлик, лақмалигу уятчанлик – ҳаммаси бозорда ё пинҳона, ё ошкора кўзга ташланади. Энг муҳими, бозор – романда муаллиф учун жамият маънавиятидаги бугунги оғриқли жараёнларни тафтиш этишининг қулай воситаси.

Романда бозор билан ёндош ҳолда қироатхона тасвири ҳам бор. Бозор ҳамisha гавжум, жамики тумонот бозорда. Бозордагиларнинг барчаси нафс илинжида. Нафс балоси туфайли бозор ёнмоқда, чўкмоқда. Бозор ёнидаги қироатхона эса кимсасиз, хароб, хувиллаб ётибди... Ҳаёт ҳеч қачон ақли расолардан, фидойилардан ҳоли қолган эмас. Ҳамма ўзини бозорга ураётган, балки нафс кўйига мубтало бўлиб қолган замонда, қарангки, қоқ бозорнинг ичидан, бозор одамлари орасидан бир маънавият, маърифат фидойиси Фозилбек отилиб чиқади, илоҳий тақдир уни кимсасиз хувиллаб ётган маскандаги яна бир маънавият фидойиси Қадрияга рўбарў қилади... Бу икки ёш нафс балоси туфайли бозор ёнаётган, чўкаётган, нафс бандаларини олов қаърига тортиб кетаётган бир замонда **нажот йўлини** қидирадилар. Улар бозорни ҳалокатдан қутқариш йўли **маънавиятда** деб биладилар. Фозилбек маслақдош севгилиси билан бирга бозор ўзгаришларини тушуниш, унинг тилини, ҳикматини ўрганиш, зулмат қаърига чўкаётган бозорни маънавият, маърифат ёғдуси билан нурлантириш устида астойдил ўй суради, амалий ҳаракатга ўтади. Ёзувчининг диққат-эътибори бозор манзаралари ва можароларининг бевосита ўзини эмас, персонаж онги, руҳиятидаги акс-садосини ифодалаш, бадиий таҳлил этишга қаратилади, бунда “онг оқими” тажрибаларидан ижодий фойдаланади.

Қисқаси, “Бозор” ҳам “Динозавр” ва “Мувозанат” каби ўтиш даврининг роман кўзгусидаги ўзига хос, бетакрор акси, оқил одамлар орасида, онгида кечаётган баҳсу мунозараларнинг акс-садосидир. Асар ўзининг асосий пафоси билан мамлакатимизда қарор топган иқтисодийёт билан маънавиятни уйғунликда олиб боришдан иборат устувор ғоя-концепцияга ҳамоҳангдир.

Биз сўз юритган романлар истиқлолнинг дастлабки йиллари, ўтиш даври жараёнлари ҳақида баҳс этади. Ўтиш даври аллақачон ортда қолди. Кейинги йигирма йил давомида мамлакатимиз киёфаси тубдан ўзгарди. Бугунги ўзбек бундан ҳатто ўн йил бурунги ўзбек эмас. Мамлакатимизда жаҳонни ларзага солаётган инқирозга дош бера оладиган жамият, барқарор ўсишни таъминлаётган, жаҳон миқёсида фикрлайдиган янги авлод шаклланди. Бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан осонликча содир бўлаётгани йўқ. Буларнинг барчаси замондошларнинг бетиним ўй-мушоҳада, ақл-заковат, ижодий меҳнат ва шижоати самарасидир. Мана шу мислсиз жараённинг ичида яшаётган, қолаверса, шу жараённи яратаётган одамлар ҳаёти, уларнинг яратиш заҳмати ва шавқи, кечинмалари, орзу-интилишлари, армон-ўкинчлари энди яратилажак романларимиз кўзгусида муносиб аксини топишига ишонамиз.



Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори, профессор



ЕТАКЧИ ЖАНРНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Роман (франц. roman) – бу адабиётнинг эпик жанрига мансуб бўлган йирик бадиий асар туридир. Ҳажмидан қатъий назар, романда биргина ёрқин эпизод ёки лаҳза эмас, балки яхлит бадиий макон ва замонда содир бўлаётган воқеалар ривожи тасвирланади. Эпик поэзиядан фарқли ўлароқ, романда асосий эътибор инсонни ва унинг ҳаётига таъсир этувчи мураккаб, гоҳида зиддиятли омиллар (ижтимоий, сиёсий, тарихий, психологик ва ҳоказо)ни тасвирлашга қаратилади. Романнавис учун ўз қаҳрамонларининг кундалик юмушлари, маиший эҳтиёжларига мурожаат қилиш одатий ҳолдир; масалнавис ёки мажозийликка иштиёқманд ёзувчидан фарқли равишда у персонажларни мавҳум хислат ва муайян тимсол соҳибларига айлантирмайди.

Романни бошқа ҳикоя шаклларида ажратиш лозим. Қачонлардир улар билан рақобатлашиб, оммавийлик бобида устун келган романнинг афсона ва ривоятлардан ажратувчи хусусияти шундаки, у сюжетни анъанавий манбалардан тўғридан-тўғри ва бутунлигича ўзлаштириб олмайди. Агарда ўзлаштиргудек бўлса (масалан, Жеймс Жойснинг “Улисс”идагидек), унда афсонанинг таъсирчанлиги, эмоционаллигини сақлаб, ҳозирги кун воқелигидан келиб чиққан ҳолда ифодалайди.

Романнинг тарихи қадимга, яъни антик дунё (Петронийнинг “Сатирикон”и, Апулейнинг “Метаморфозалар”и) ва ўрта асрга, яъни “рицарлик романи” (Т.Мэлорининг “Қирол Артурнинг ўлими”, 1469) пайдо бўлган даврга бориб тақалади. Хуллас, роман атамаси ўрта асрлардаёқ кашф қилинган бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларини у ёзилган тил белгилаб берарди. Ўрта асрларда Ғарбий Европада лотин тили адабий тил мақомига кўтарилди. Жамиятнинг юқори табақалари доирасида машҳур бўлган лотин тилидаги пьеса, қисса, ҳикоялар билан бир қаторда роман (халқ жонли) тилларида битилган, оддий одамлар учун тушунарли бўлган қисса ва ҳикоялар ҳам пайдо бўла бошлади. Бу асарлар дастлаб “conte roman”, яъни “роман ҳикоя” деб аталган бўлса, кейинчалик “roman” сифати мустақил маъно касб эта бошлайди. Шу тариқа ҳикоя тарзида битилган асарларнинг ўзига хос номи ҳам пайдо бўлди. Исталган тилда ёзилган асарни “роман” деб аташ одат тусига кирди, катта ҳажм, муфассал баён, муайян мавзулар мажмуи, композицион тузилиш, сюжет авж олиши, воқеалар ривожи ва яна бир қатор хусусиятлар унинг ўзига хос белгиларига айланди. XVIII асрга келиб роман ҳикоявий жанрлар орасида етакчи ўринга чиқиб олди.

XVI-XVII асрлар давомида роман ўз даврига хос долзарб муаммоларни, яъни синфий мафқурани, диний ва маънавий муаммоларни ҳал этишга бўлган ҳаракатни, илмфан ва фалсафага бўлган қизиқишни, турли тадқиқот ва кашфиётларга интилишни маз-

мунан қамраб олди. Диний адабиёт, рицарлик романи ва эпосга таянган ҳолда, романда қалб туғёнларидан кўра, бир чизикли ҳикоя услуби энг мақбул топилди ва асосий эътибор олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган реал ҳаётга қаратилди. Ҳар хил тоифали, жаҳонгашта ва уддабурон кимсалар бошидан кечирган саргузаштлар ҳақидаги “роман ҳикоя”лар XVI аср ўрталарида пайдо бўлди. Қаҳрамонона хатти-ҳаракат, жангу жадаллар, ҳарбий шон-шухрат ҳақидаги асарлардан фарқли ўлароқ, саргузаштларга бағишланган бу асарлар айнан қизиқарли ва мароқли бўлиб, дунё ҳақидаги билим юксак маънавий идеалга эришиш йўлидек эмас, балки ўз-ўзидан, табиий равишда қизиқиш туғдирарди.

Франсуа Рабле (1494-1553)нинг беш китобдан иборат машҳур “Гаргантюа ва Пантагрюэль” (1532-1552) номли асари ренессанс адабиётининг бирмунча йирик романи ҳисобланади. Унда икки улкан афсонавий қирол – Гаргантюа ва унинг ўғли Пантагрюэль саргузаштлари ўрта аср схоластик таълим-тарбия тамойиллари билан вобаста, “карнаваллашган сатира” (М.Бахтин) услубида таҳлил ва танқид қилинади. Романда энг аввало, янги замон – ренессанс гуманизми ғояларини ҳаётга тадбиқ этишдек муҳим омиллар тарғиб этилади.

Мигел де Сервантес Сааведра (1547-1616)нинг “Дон Кихот” (1615) романи олдингисига қараганда теран психологизми туфайли юзаки саргузашт ва кўпол мазмунли ҳикоялар тавсифидан бирмунча узоқлашиб, роман жанрини ренессанс идеалларига яқинлаштирди.

Бутун XVII аср давомида роман жанрида “Дон Кихот” каби кўзга ташланарли йирик асар дунёга келмади ҳисоб. Сабаби, даврнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари ва ўзига хос психологик аломатларини акс эттириш вазифаси драма зиммасига тушган эди. Ҳикоя услубидаги шеърӣ дoston ва драмани Жон Милтон ва Жон Драйден юксак даражага кўтарди. Устига устак, роман жанри ҳеч нарсага арзимас, кўпол ва сохта жанр дея инкор қилиниб, катта маҳорат талаб этмовчи, нафис ва назокатли идеалдан бирмунча узоқ бўлган асар тарзида қабул қилинадиган бўлди. Фақат асрнинг сўнги чорагида Мадам де Лафайет (1634-1693) томонидан яратилган “Малика де Клев” (1678) романи жанрни қайта тиклашга муваффақ бўлди.

XVII асрнинг 70-йилларида, Ғарбий Европа адабиётида трагедия ва комедия жанрлари гуллаб-яшнаган бир даврда, ҳикоявий услубнинг ажойиб намунаси, классицизм оқимининг ягона насрий асари – “Малика де Клев” романи барокко услубида яратилган бежамдор ва тумтароқ сюжетли д’Юрфенинг “Астрея”, М.де Скудерининг “Клелия”, “Улуғ Кир” каби романларидан ўз устуворлиги билан ажралиб турарди. Таъкидлаш жоизки, “Малика де Клев” – жаҳон, шу жумладан француз адабиётида яратилган биринчи соф психологик роман ҳисобланади. Орадан юз эллик йил ўтиб Бальзак, Стендаль ва Флобер романлари “Малика де Клев” руҳига ҳамоҳанг тарзда инсоний ҳис-туйғулар, кечинмалар, ғам-ташвишларнинг айнан ҳақиқатга яқинлигини образлар талқинида намоён қилди.

XVIII асрга келиб роман мароқли ва таҳликали саргузаштлар ҳақида эмас, балки ақл-идрок билан иш кўриб, амалда ҳаётни сақлаб қолиш хусусида ҳикоя қилувчи жанрга айланди. Масалан, “Робинзон Крузо” (1719) романида табиат экзотикасига қизиқишларни ифода этган, “Молл Флендерс” (1721) романида эса шаҳар ҳаётини тасвирлашни моҳирона маромига етказган Даниэль Дефо (1660-1731) сўзсиз инглиз адабиёти тарихига биринчи йирик романнавис бўлиб кирди.

Европа адабиётида роман жанри асосчиларидан бири деб тан олинган, инглиз адиби Сэмюэль Ричардсон (1689-1761) чуқур психологик таҳлилга бўлган иштиёқи сабабли ўз даврида катта шухрат қозонди. Унинг “Памела” (1740) ва “Кларисса” (1747-1748) романлари яратилиши биланоқ адабиётда руҳий ҳолат, қалб кечинмалари, дилтортар ҳис-туйғуларга қизиқиш ортди.

Инглиз адиби, Европа реалистик роман жанри асосчиларидан бири Генри Фильдинг (1707-1754)ни, унинг драматургия ва публицистикаси эмас, балки “Жозеф Эндрюс” (1742), “Топилдиқ Том Жонс тарихи” (1749) ва “Эмилия” (1751) романлари адабиёт оламига танилган эди. “Жозеф Эндрюс” романи яратилишига аслида “Памела” романи туртки битанган эди. Хушфёъл, хайрихоҳ, эзгу-ҳиммат хислатлар соҳиби, хизматкор қиз Памеланинг акаси деб фараз қилинган Жозеф Эндрюсни ўз романи бош қаҳрамонига айлантираркан, Фильдинг очикдан-очик ватандоши Ричардсоннинг сентиментал руҳдаги таълим-тарбияни тарғиб қилувчи романларига заҳарханда билан тақлид қилади. Шу

боис, “Жозеф Эндрюс” романининг адабий-тарихий аҳамияти оддий тақлид доирасидан чиқиб, сатирик роман жанрини илгарилатди.

Давр фалсафаси билан астойдил қизиққан ва Ричардсонга ўхшаб инсон қалби, руҳияти, феъл-атворини таҳлил қилишга берилган яна бир инглиз романнависи Лоренс Стерн (1713-1768) ҳаёт замирида ётган кулгили ва ҳиссий моҳиятни теран ҳис қилди. Услубий жиҳатдан, муҳим муаммолар ечимини ахтариш йўлида, унинг “Тристрам Шенди” (1767) романи XVIII аср адабиётида яратилган бошқа романлардан яққол ажралиб туради. Сабаби, Стерн роман жанри структураси ва тили устида тажрибали ўтказишнинг янги имкониятларини очиб берди; очиб берибгина қолмасдан, балки уларни амалиётга ҳам тадбиқ қила олди.

XVIII асрнинг яна бир мутафаккири Дени Дидро (1713-1784) адабий меросини икки гуруҳ асарлари ташкил қилади. Биринчиси – бу адиб ҳаётлигида нашр қилинган ва аслида тарихий аҳамиятга молик асарлар; иккинчиси – адиб замондошлари назаридан четда қолган, аммо сўнгги икки аср давомида китобхон назаридан кетмаган романларидир. Масалан, “Рамо жиян” (1784) романини муаллиф узоқ вақт сир сақлади, адиб ҳаёт пайтида бу роман чоп қилинмади, асар унинг вафотидан сўнггина нашр этилиб, китобхонлар қўлига тегди. Ушбу нодир асарни ардоқлаган Гёте уни немис тилига таржима қилди, Гегель “Рух феноменологияси” (1807) трактатида унга кўп бора мурожаат этганди. Романда “Эдип комплекси” яширинган деб ҳисоблаган З.Фрейд ҳам ундаги маърифий фикрлар билан ҳисоблашади. Диалог тарзида қурилган романни турлича талқин қилиш мумкин, баъзи адабиётшунослар роман сюжетини маълум маънода доҳийлик табиати ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан иборат яхлит бир қомус деб аташади.

Дидронинг “Рамо жиян”и билан бир даврда яратилган Иоганн Вольфганг Гёте (1749-1832)нинг “Ёш Вертер изтироблари” (1774) романида ўз эҳтирослари ва ҳис-туйғулари қурбонига айланган ёш йигитнинг руҳий олами, умидсизлик азобига дучор бўлган муҳаббат изтироблари чуқур тадқиқ қилинади.

Муаллифига жаҳоншумул шуҳрат келтирган бу асар, аввало, мактублардан иборат сентиментал руҳдаги психологик роман бўлиб, эпистоляр роман жанрига асос солди. Ўртамиёна муҳаббатнинг оддийгина тарихини эпистоляр шаклда юксак пафос билан ифодалаб берди.

XIX аср Европаси илм-фан учун нечоғлик сермахсул бўлган бўлса, роман учун ҳам шу қадар сермазмун бўлди. Яъни, бу аср – буюк истеъдод соҳиблари ва бутун оламни ўзгартириб юборган кашфиётлар асрига айланди. Роман замонавий жанр сифатида эътироф этилди, жамиятнинг урф-одатларини, маънавий ва ахлоқий қиёфасини ўрганувчи, замоннинг ижтимоий-сиёсий ва эстетик назарияларини шарҳловчи, бойлик ва қашшоқлик, фаровонлик ва жиноятчиликни юзага келтирувчи сабабларни тадқиқ этувчи ҳодиса даражасига кўтарилди.

Илм-фандаги “изчил тадқиқот” атамаси таърифан XIX аср романининг мавзуси ва услубий ранг-баранглигини етарлича ифодалай олмасда, ҳар ҳолда жанр тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Масалан, аср бошида ижод қилган инглиз адибаси Жейн Остин (1775-1817) романлари, услуб тежамкорлиги, мазмун равшанлиги, муайян вазифа юклатилганлигига кўра образларни тафсилотларигача ёритиш меъзонларини ўрнатди. Адибанинг “Фурур ва ғараз” (1797) романи француз ёзувчиси Г.Флобер (1821-1880)нинг маҳаллий ҳаёт ва бу ҳаётни муқим тасвирлашдан иборат бўлган “Бовари хоним” (1857) романининг яратилишига туртки бўлди. Флобернинг мумкин қадар кам, шу билан бирга имкони борича ифодали, маъноли, таъсирли сўзлашга бўлган интилиши, қўшимча сюжет чизғиларини максимал тарзда чеклаш, ҳамма нарсани кўриб турувчи романнавис сифатида воқеликка минимал тарзда аралашиш услуги XIX аср охирига келиб Генри Жеймс (1843-1916) ва Жозеф Конрад (1857-1924) тимсолларида ўз издошларини топди.

Роман жанрида жиддий трансформациялар, тараққий аҳамиятга эга силжишлар юз бера бошлади. XIX аср романи бадиий воситалар, ранг-баранг бўёқлар, саралаб олинган тафсилотлар ва улкан панорамали саҳналарни тасвирлаш орқали тарихий воқеаларни, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ва миллий характерларни акс эттиришга ҳаракат қилди. Шу каби роман, аниқроғи, бадиий тасвир услубининг ривожланишида инглиз романнависи Вальтер Скотт (1771-1832) ижоди муҳим роль ўйнади.

Вальтер Скотт романларини икки асосий гуруҳга (шартли равишда албатта) бўлиш мумкин. Биринчиси – адиб ватани Шотландиянинг шонли тарихига бағишланган бўлиб, ўз ичига XVI-XVIII асрлар мобайнида юрт озодлиги учун олиб борилган қўзғолонлар, урушларни ўз ичига қамраб олади: “Уэверли” (1814), “Гай Маннеринг” (1815), “Роб Рой” (1817), “Антикварий” (1816) романлари шулар сирасига киради. Адиб ушбу романларида ғаройиб саргузаштлар, гўзал манзаралар, турфа рангларга бой реалистик тасвирларни, турли ижтимоий табақаларга мансуб ёрқин характерли образларни яратди.

Яна бир англиз ёзувчиси Чарлз Диккенс (1812-1870) қаламига мансуб “Пиквик клуби мактублари” (1837) романи ҳаёти, айна пайтда қувноқ ва ним табассумли саргузаштларга бой, мазмунан чигаллашиб кетган метаморфоза шаклидаги “сатирик роман” жанрига хос тарзида қабул қилинди. Унинг қаҳрамонлари Сэмюэль Пиквик табиатан хушчақчақ ва бардам нуроний рицар Дон-Кихотга қиёс қилинса, Сэм Уэллер – дўмбоқ ва қирмизи юз Санчо Пансага ўхшаб кетади.

Кейинчалик, Чарлз Диккенснинг ижтимоий ҳаёт воқелигидан олиб ёзилган “Оливер Твист” (1839) ва “Николас Никлби” (1839) сингари машҳур романлари нашр қилинди. “Оливер Твист” сюжетига Лондон чеккаларидаги хилват ва хароба жойларга тақдир тақозоси билан бориб қолган етим боланинг бошидан кечирган саргузаштлари тасвирланади.

Чарлз Диккенс истеъдодининг ёрқин қирралари, айниқса, унинг “Домби ва ўғил” (1848) романида кўзга ташланади. Асардаги бадиий образлар силсиласи, ижтимоий муҳит, ҳаётий вазиятлар тасвири китобхонни ўзига жалб қилади. Чарлз Диккенснинг яна бир йирик асари – “Дэвид Копперфилд” (1850) романидир. Романда кўтарилган асосий мавзу ва мақсад оила шаъни, маънавият ва таълим-тарбиянинг эски, синалган тартиб-қоидаларига ҳамду санолар ўқиш билан капиталистик тузумнинг янгича ижтимоий тартибларига қарши чиқишдан иборат.

XIX асрда роман жанри ривожда танқидий реализм оқимининг алоҳида ўрни бор. У Ренессанс ва Маърифат даври реализмидан тубдан фарқ қилиб, Стендаль ва Бальзак, Диккенс ва Теккерей, М.Твен ва Г.Жеймс, Флобер ва Мопассан, Л.Толстой ва Ф.Достоевский ижодида камолот чўққисига кўтарилди.

Танқидий реализм инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни янгича кўри-нишларда тасвирлади. У инсон табиати ижтимоий шароит билан узвий боғлиқдир деган ақидага амал қилди. Шу боис, танқидий реализм прозасида шахснинг ички дунёси чуқур ижтимоий ва психологик таҳлил предметида айланди. Танқидий реализм романида ушбу хусусиятнинг вужудга келишида инсоннинг руҳий ҳолатини, ҳиссий дунёсини англашга интилган романтизм оқимининг аҳамияти беқиёс эди.

XIX аср 40 йилларида Европа давлатларида ишчилар ҳаракатининг авж олиши, турли ижтимоий-фалсафий таълимотларнинг пайдо бўлиши танқидий реализм адабиётига ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, роман жанрида объектив воқеликни инқилобий руҳ замирида тасвирлашнинг илк тажрибалари ҳам юзага келди. Аср охирида танқидий реализм Ғарб адабиётида жиддий ўзгаришларга учрагани ҳолда, рус адабиёти (И.А.Гончаров, М.Е.Салтыков-Щедрин, Ф.М.Достоевский)да қарор топди ва янада тараққий этди. Ғарб адабиётида эса танқидий реализмга турли қарама-қарши омиллар ўз салбий таъсири-ни ўткази бошлади. Натижада, ранг-баранг бадиий услуб (натурализм, символизм, экспрессионизм ва ҳоказо)лар майдонга келди. Соф реалистик омилларни ўз ичига қамраб олган бу оқимлар прозада ўзига хос “синтетик жанрлар”ни кашф қилди.

Танқидий реализм яловбардори сифатида танилган Оноре де Бальзак (1799-1850) француз реалистик романига асос солди, ўз асарларида ҳаётий воқеалар тафсилотини нозик таъб билан тавсифлади, образларни ёрқин рангларда, сюжетни муҳитга чамбар-час боғлаган ҳолда тасвирлади. Адибнинг “Инсон комедияси” (1834) эпопеясига кирувчи “Шуанлар” (1829), “Гобсек” (1830), “Горио ота” (1835), “Сахтиён тери” (1831) каби ўнлаб асарлари, шубҳасиз, танқидий реализм романини юксак чўққига олиб чиқди.

XIX асрнинг 30 йилларида, Бальзак адабиётга кириб келган вақтда, француз ва ғарб адабиётида романтизм мактаби шаклланиб улгурган, роман жанрининг икки тури: “шахс романи” (Д.Дефонинг “Робинзон Крузо”, И.Ф.Гётенинг “Ёш Вертер изтироблари”) ва “тарихий роман” (В.Скотт, В.Гюго, А.Дюма, П.Мериме, Ж.Санд) кенг тарқалиб, китобхонларга манзур бўлган эди. Бальзакнинг новаторлиги шунда бўлдики, у “шахс романи”дан ҳам, “тарихий роман”дан ҳам анча илгарилаб кетди, яъни “индивидуаллашган шахсни” реал

таърифлашга, у орқали бутун жамиятни, халқни, қолаверса, Франция манзарасини тасвирлашга эриша олди. Ёзувчи ижодининг марказида шонли ўтмиш ҳақидаги афсоналар эмас, балки ҳозирги кун манзараси, буржуа жамиятининг бадиий портретини чизишдек мураккаб вазифа турарди. Бальзак романларининг асосий мавзуси – қаҳрамонона ёки романтик табиатга эга шахс эмас, умумбашарий аҳамиятга молик тарихий воқеа эмас, балки замонасидаги буржуазия жамиятининг реал кўринишини ёритишдан иборат эди. Шахсининг теран мушоҳадаси, руҳий ҳолати ва кечинмаларини тасвирловчи роман ўрнига, Бальзак ижтимоий урф-одатлар, хулқ-атвор ҳақидаги романини, тарихий роман ўрнига – Франциянинг бугунини эътироф этувчи бадиий тарихни яратишни мақсад қилиб қўяди.

Реалистик роман жанри юксалишига яна бир машҳур француз ёзувчиси Стендаль (1783-1842) катта ҳисса қўшди. Адибнинг бадиий безаклардан ҳоли, шаффоф сувдек тиниқ мазмундаги “Қизил ва қора” (1831) ва “Парма ибодатхонаси” (1839) романларида психологик таҳлилга тортилган қаҳрамонларнинг ички дунёсида романтик руҳдаги шижоатни кўриш мумкин ва оташқалб муҳаббатни, кўриш мумкин.

Хулосаки, Гюго романтизми, Стендаль ва Бальзак реализми, Флобер ва Мопассаннинг таъриф ожиз қолувчи қаҳрамонлари ҳиссиётини кундалик ҳаёт билан уйғунлаштириш маҳорати XIX аср француз романининг асосий тавсиф тамойилларидандир. Айни пайтда, реализмнинг лоақал энг зиддиятли кўриниши бўлган натурализм Эмиль Золя (1840-1902) романларида ўз аксини топди. Натурализм тарафдорлари инсоннинг ахлоқий қиёфаси, унинг феъл-атвори, юриш-туриши, муомаласи билан эмас, балки атроф-муҳит юзага келтирган шарт-шароит томонидан қатъий белгиланади, дегувчи маслакка содиқ эди.

Бу даврга келиб рус адабиёти жаҳон адабий жараёнига жиддий таъсир кўрсата бошлади. Ҳатто роман жанрининг кейинги тараққиётини белгилаб ҳам берди. Ижтимоий ҳаётга детерминизм қолипидаги ёндашув рус адибларининг йирик романларига путур етказа олмади. Н.В.Гоголь (1809-1852)нинг “Ўлик жонлар” (1842) насрий поэмаси гротеск услубдаги аччиқ ҳазил-мутойибага тўла бўлиб, муаллиф унда ижтимоий адолатсизликка амалда сюрреалист қаламкаш нигоҳи орқали қарайди. Романда Гоголь эстетикасининг асосий, яъни “оддий”дан “ғайриоддий”ликни юзага чиқариш талаби ўзининг янги ифодасини топди.

Ф.М.Достоевский (1821-1881) эса инсонни билишнинг илмий ёндашувига қарши исённинг бошқа шаклини танлаб олди. “Жиноят ва жазо” (1867) романида асрнинг долзарб, яъни тараққиёт моҳияти, диний қадриятларсиз ҳаёт бемаънилиги, инсон табиатининг нафс балосига йўлиқиши хусусидаги муаммоларни ўзигагина хос талқинда ҳал этаркан, адиб ўзгарувчан ва собитқадамсиз қаҳрамонларида ушбу баҳс-мунозаранинг жамики мавжуд “яхши” ва “ёмон” томонларини мужассам кўрсатиб беролди. Иштирок этувчи персонажлар, бир-бирига ўхшаш қаҳрамонларнинг кўплиги, имкони борича кўпроқ воқеаларни қамраб олиш, бўрттириб кўрсатилган саҳналарнинг фожиавий саҳналар билан алмашинуви, маънавий-ахлоқий муаммоларнинг мантиққа зид равишда кўндаланг қўйилиши, қаҳрамонларнинг муайян ғояга бутунлай берилиб кетиши, “овоз”ларнинг (муаллифлик позицияси умумийлиги билан бир-бирига узвий боғланган ҳар хил фикрлар) кўплиги “Жиноят ва жазо” романи поэтикасининг асосий жиҳатларига айланди.

Шу жиҳатдан Л.Н.Толстой (1828-1910)нинг адабий мероси ҳам ўзига хосдир. Одамни бир бутун яхлит ҳолда кўриш, инсон ташқи хулқ-атвори, юриш-туриши, ички дунёсининг мураккаб динамикасини кўрсатиш қобилияти Толстойни бошқа адиблардан ажратиб туради. Инглиз ёзувчиси Г.Жеймс фикрича, Толстой роман жанрига “ҳис-туйғулар орқали тасвирланган ҳаётни” олиб кирди. “Уруш ва тинчлик” (1869) романининг бош ғояси – инсон тарихини беҳад кўп индивидуал ҳаётларнинг мураккаб бирлашуви тарзда тушунишда равшанлашади. Айни пайтда, ушбу ғоя алоҳида олинган конкрет ҳаётларнинг жузъий тафсилотларигача тасвирлаш орқали амалга оширилади. Романининг анъанавий тарзда “оилавий” деб номланган фасллари тарихий воқеаларнинг кенг қўламдаги тасвири билан бирлаштириш, бир нечта сюжет чизгиларини бир-бирига туташтириш, матнга ўнлаб персонажларнинг нутқини кўшиш ўша давр романининг янги, ўзига хос хусусиятига айланди. Адабиётшунослар “Уруш ва тинчлик”ни роман-эпопея деб номлашади.

Ички монолог бадиий усулидан кенг фойдаланиш, бир-бирини мантиқсиз алмаштириб турувчи айқаш-уйқаш кузатувчиларни, қаҳрамонни ўраб турган дунёни, унинг танг

аҳволдаги ғалати фикрларини тавсифлаш Толстойнинг яна бир машҳур асари – “Анна Каренина” романида намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Достоевский ва Толстой ижоди жаҳон адабиётида роман ривожига катта таъсир кўрсатди. XX асрнинг йирик романнавис ёзувчилари Томас Манн, Жон Голсуорси, Эрнест Хемингуэй кабилар ўзларини уларнинг издошлари деб эътироф қилишган.

XIX аср АҚШ адабиётида роман икки йўналишда ривожланди. Жеймс Фенимор Купер (1789-1851), Натаниел Готорн (1804-1864), Герман Мелвилл (1819-1891) каби ёзувчилар ижодини ташкил этган биринчи йўналишда воқеалар тасвири Шимолий Америка қитъасининг дашту саҳролари, қорли тоғлари, одам оёғи етмаган ўрмон ва қўллари, бепоён кенгликлари ўзига хос тарзда акс эттирилди.

АҚШ адабиётида халқнинг ижтимоий ҳаёти ва урф-одатларини батафсил ўрганишга ундовчи реализм қолипидаги романларни У.Д.Хуэллс (1837-1920), Г.Жеймс (1843-1916) ва Эдит Уортон (1862-1937) ижодида кузатишимиз мумкин. Машҳур ёзувчи, реализм ва романтизм жанри моҳир устаси Марк Твен (1835-1910) “Геклберри Финн саргузаштлари” (1884) романида адабиётдаги ҳар иккала йўналишни мужассамлаштирди...

Хуллас, XX аср бошига келиб роман услубини сайқаллаштириш мақсадида олиб борилган тажрибалар ўз натижасини бермасдан қолмади. 1900 йил Теодор Драйзер (1871-1945) қаламига мансуб “Бахтиқаро Керри” романининг нашр этилиши АҚШ адабиёти тарихида кескин бурилиш ясади. Катта шаҳар ҳаёти тузоғига тушиб қолган ёш аёл қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу роман китобхон ва адабиёт аҳли орасида катта шов-шувга эга бўлди ва адабий жараёнга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ўзга ёзувчилардан фарқли ўлароқ, Драйзер услуб ва шакл хусусида кўп ўйламади. Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишга, ўз мавқеини аниқлашга бўлган интилиши ва жамиятнинг қонун ҳамда расм-русумлари ўртасидаги ихтилоф Драйзер романининг фожиавий манбасини ташкил қилди. Бу муросасиз курашда кучлилар ғалаба қозонади, кучсизларга эса мағлубиятни тан олишдан бошқа чора қолмайди. “Бахтиқаро Керри” ва “Женни Герхардт” (1911) романлари қахрамонларининг тақдири ҳаққоний, ҳеч бир муболағасиз тасвирланганлиги билан китобхонларда раҳм-шафқат ҳиссини уйғотди. Машҳур “Америка фожиаси” (1925) романида муаллиф кескин ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ўзгача ёндашди. Ҳақиқат замирида қурилган воқеалар тасвиридан иборат ушбу романда жамиятнинг энг хунук ва бешафқат қиёфаси намоён бўлди.

XX аср бошида инглиз ёзувчиси Жозеф Конрад (1857-1924)нинг “шаънини йўқотган инсонни англаш” мушоҳадасига бағишланган “Лорд Жим” (1900), “Тўфон” (1902), “Фурсат” (1914), “Ғалаба” (1915) каби романлари танқидчиларнинг юқори баҳосига сазовор бўлганди.

Энг муҳими, Англия адабиётида модернизм романи пайдо бўлишига бевосита Конрад ижоди туртки бўлганини адабиётшунослар тан олишади. Хилма-хил шакл ва ранг-баранг мазмунга эга бўлган модернистик романнинг реализм тамаддунидаги сюжет тузилиши умумэътироф этилган анънавий қоидаларни инкор қилиш ва характерлар яратиш тамойилларидан воз кечиш дастуруламали шаклланди.

XX аср бошидаёқ модернизм адабиётининг етакчиси сифатида британиялик адиба Виржиния Вулф (1882-1941) адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Унинг қаламига мансуб “Миссис Дэллоуэй” (1925), “Маёққа қараб” (1927), “Орландо” (1928) каби романлар, ҳақли равишда, “онг оқими” бадиий услубида ёзилган классик асарлар бўлиб қолди. Қалбнинг нозик ҳаракатларини тасвирлаш йўлида сюжет тузилишидан воз кечган Вулф модернизмнинг асосий дастурларидан бири бўлмиш “Замонавий роман” (1929) эссеида инсон онгини муҳрлай олган ҳикоя услуби орқали “симметрия тарзида қурилган” анъанавий роман қолипни инкор қилди. Айнан шу ҳолат унинг замондошлари, XX аср модерн ёзувчилари М.Пруст, Ф.Кафка, Ж.Жойс, Т.Манн, А.Жид каби адиблар ижодида ҳам намоён бўлди.

XX аср реализмга, модернизмдан фарқли ўлароқ, оптимизм руҳидаги пафос, “инсоннинг бардош бериши” (У.Фолкнер)га, “инсонни енгиш мумкин эмас” (Э.Хемингуэй) лигига ишонч жуда ҳам хосдир. Бу ерда модернизм ва реализм ўртасида аниқ ва равшан кўришиб турадиган “айириш белги”сини ёки “ажратувчи чегара”ни ўтказиш қийин, бунинг мақсадга мувофиқлиги ҳам шубҳали. XX аср реализми модернизм руҳида дунё-

ни ҳис этиш билан (масалан, Уильям Фолкнер, Томас Манн, Ҳерман Хессе каби ёзувчилар асарларида) ва натурализм руҳидаги унсурлар билан (Теодор Драйзер ва Жон Стейнбек ижодида акс этгани каби) мураккаблаштирилиши ҳам мумкин. Таъкидлаб ўтиш жоизки, айнан модернизмга хос бўлган қатор услублардан, масалан, “онг оқими” бадиий услубидан фойдаланиш реализмга ҳам ёт эмас. Умуман олганда, модернизм ва реализм ўртасидаги “чегара”ни шакл, бадиий услублар нуқтаи назаридан эмас, гарчанд улар ниҳоятда муҳим ва аҳамиятли, мазмуннинг ажралмас қисми бўлса-да, бошланғич фалсафий тафаккур, яъни инсон концепцияси нуқтаи назаридан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Муаммони бироз соддалаштириб, умумий тарзда баён қилгудек бўлсак: модернизм руҳи билан суғорилган адабиётнинг қатъиятсиз, ҳалокатга маҳкум этилган нотавон қаҳрамонига реализм руҳидаги адабиётнинг фаол, кураш олиб боришга шай қаҳрамони қарши турди. Модернизм тарафдорларининг объектив борлиқнинг мажхул универсал қонунларини бадиий жиҳатдан асослаб беришга бўлган интилишига реализм тарафдорларининг тарихийлик тамойилини, яъни ҳар бир нарса ёки ҳодисага тарих нуқтаи назаридан ёндашишни, муайян ижтимоий таҳлилни қарши қўядилар.

Реализмнинг бадииян мукамаллиги, ифода воситаларнинг кенглиги роман шаклларининг, яъни ижтимоий, сиёсий, фалсафий, интеллектуал, фантастик, детектив, утопик каби жанрларининг хилма-хиллигини ва ранг-баранглигини яққол намойиш қилди. Бу ерда ҳаётнинг кенг манзаралари ҳам (Роже Мартен дю Гар, Теодор Драйзер), афсона ва ривоятлардан фойдаланиш ҳам (Габриель Гарсиа Маркес, Умберто Эко), рамзий ифода ва рамзли ҳикоя ҳам (Макс Фриш, Уильям Голдинг), фантастика ҳам (Рей Бредбери), фалсафий мушоҳада ҳам (Жан-Пол Сартр, Албер Камю), бадиий тўқима ва ҳужжат синтези ҳам (Жон Дос Пассос), беллетристика ва мусиқа синтези ҳам (Ромен Роллан), услубларнинг ғалати ва ажойиб аралашмаси ҳам (Курт Воннегут) мавжуддир. Роман жанрини бойитишда “Доктор Фаустус” (1947) романида услуб “оҳангдошлиги”дан, афсона ва истеҳзодан фойдаланган немис ёзувчиси, Нобель мукофоти лауреати (1929) Томас Манн (1875-1955), ўз услубида рамзий ифодани, онг оқимини ва гротескни бир бутун яхлит ҳолга келтирган бўлса, яна бир машҳур адиб, Нобель мукофоти лауреати (1949) Уильям Фолкнер (1897-1962) ҳам бу жараёнга ўзининг ҳиссасини қўшди. Икки жаҳон уруши оралиғида ўтган вақт ичида жаҳон адабиётида “йўқотилган авлод” (Г.Стайн) намояндалари, америкалик адиблар Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй (1899-1961), Френсис Скотт Фитцджеральд (1896-1940), Жон Дос Пассос (1896-1970), Томас Вулф (1900-1938), Жон Стейнбек (1902-1968), Синклер Льюис (1885-1951) яратган асарлар оламшумул аҳамият касб этди. Шунингдек, XX аср жаҳон адабиётида Ричард Олдингтон (1892-1962), Эрих Мария Ремарк (1898-1970), Анри Барбюс (1873-1935)ларнинг уруш мавзусига бағишланган, Бертолд Брехт (1898-1956), Иоганнес Бехер (1891-1958), Анна Зегерс (1900-1983) ва Лион Фейхтвангер (1881-1958) ларнинг фашизмни қораловчи ва ниҳоят, Синклер Льюис (1885-1951), Жорж Оруэл (1903-1950) ларнинг тоталитар тузумларни қаттиқ танқид остига олган антиутопия романлари роман жанрини янада такомиллаштирди, ранг-баранг мавзу ва услубий жиҳатларини кашф этди.

Модернизм адабиёти намояндаларидан бири, француз ёзувчиси Марсел Пруст (1871-1922)нинг “Йўқотилган вақтни ахтариб” (1927) номли кўп жилдли туркумида ҳикоявий услуб йўлида олиб борилган тажрибалар ва турли маънога эга тимсоллардан фойдаланиш роман жанрини замонавий цивилизация ҳақидаги солномага айлантди, айна пайтда ирландиялик адиб Жеймс Жойс (1882-1941) тажрибаларига ҳам кенг йўл очиб берди. У янгича поэтик услуб кашфиётчиси сифатида майдонга чиқди. Ушбу услубда бадиий шакл ўзида ғоявий, психологик ва бошқа жиҳатларни мужассам этиб, мазмун ўрнини боса оладиган даражада намоён бўлди. Адибнинг “Дублинликлар” (1914) номли ҳикоялар тўплами, “Мусавирнинг ёшлиқдаги портрети” (1917), “Улисс” (1921), “Финнеган жанозаси” (1939) асарларининг мазмунини батафсил ҳикоя қилиб беришнинг имкони йўқ, уларни изоҳлаш ҳам катта қийинчилик туғдиради, негаки уларда мураккаб “онг оқими” бадиий услуби ҳамма нарсани бошқаради, мазмунда ҳал этувчи омилга айланади.

Санъат – санъат учун дегувчи қаламкашлар мураккаб услубларни кашф қиларкан, фақат мутахассислар, ёзувчиларгина тушуниши мумкин бўлган ғайритабиий тажрибалар орқали ёзувчилик санъатининг моҳияти – сўзни, услубларни, бадиий воситалар мажмуини тубдан янгилайди. Жойс ўз ижодида айнан шунга амал қилди ва ўзидан кейинги авлодга

катта таъсир кўрсатди, адабиёт назариётчиларини мулоҳазали бўлишга ундади. Жойс новаторлиги шундаки, у турли бадиий услублар билан тажрибалар ўтказиб, “Дублинликлар”, “Мусавирнинг ёшлиқдаги портрети”, “Улисс”, “Финнеган жанозаси” асарларида “роман портрет” жанрига янгича руҳ бағишлади, бу жанрнинг ҳали очилмаган қирраларини, “онг оқими” услубининг ёрқин ва бир вақтнинг ўзиде тугал шаклини намоён қилди.

Бутун диққат-эътиборни онгда кечувчи (англанган ёки анланмаган ҳолда) – бунинг аҳамияти йўқ) жараёнларга қаратиш яна бир модернист ёзувчи Франц Кафка (1883-1924) ижодининг ўзига хос хусусиятларидандир. Унинг қаҳрамонларига доимо ўзини-ўзи қовлаш, ўзини-ўзи таҳлил қилиш, ўздан қандайдир тушуниб бўлмас айбни топиш хос одат рамзига айланади. Кафка қаҳрамонлари XIX аср романи қаҳрамонларидан фарқли ўлароқ, уларни даҳшатли тушдек, мудҳиш манзарадек таъқиб остига олган тақдирни ҳийла-найранглар ишлатиб бўлса-да, енгилга ҳаракат қилишмайди, аксинча, қисматга итоаткорона бош эгишади. Кафканинг абсурдга мойил, ташқи олам олдида ғайришуурий кўрқинчга тўла, ўқувчида ваҳимали ҳиссиётни кўзғатишга қодир романлари – жаҳон адабиётида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Худди М.Пруст ва Ж.Жойсда бўлгани каби, Уильям Фолкнер ижодининг аҳамияти нафақат танлаб олинган мавзулар, балки пала-партиш парчалардан иборат, бир чизиқ бўйлаб ҳаракатланмовчи ҳикоя услуби устида тажриба ўтказиш орқали уларни мужас-самлантириш, очикдан-очик баён этиш билан боғлиқдир. Модернизм руҳидаги адабиёт (Ж.Жойс, В.Вулф) таъсирида ривожланган мураккаб адабий-услубий шакл Фолкнер ижодини замондошларидан ажратиб туради, баъзида бир-бирини бўлиб турувчи фикрлар оқими, тасодифий таассуротлар ва четдан туриб, гўёки бетараф, эҳтироссиз олиб борилган қузатувларни қалаштириб юборилганлиги туфайли асл маънони, асосий мазмунни англаш мушкул. Фолкнернинг полифоник (кўп овозли) прозасида сюжет чизиқлари, худди ўрмондаги тор сўқмоқлардек, гоҳ кўринмай кетади, гоҳ яна пайдо бўлади. Улар бир романдан бошқасига кўчиб ўтади, қутилмаган бир пайтда ёзувчининг ҳикояларида учраб қолади.

Роман жанрида тимсолларнинг мураккаб тизимидан фойдаланиш ва онгда кечаётган ассоциацияларни қайд қилишга бўлган интилиш XX аср ўрталарида ҳам сўнмади. Модернист ёзувчилар асарларида матннинг зичлиги, сўзлар билан ўйнаш, муайян бадиий тасвир услубига тақлид қилиш, жиддий ижтимоий ва сиёсий муаммолардан қочиш каби тенденциялар янада кучайди.

Ирландиялик ёзувчи Сэмюэль Беккет (1906-1989) роман ва драмаларида ўз онгида қамалиб олган, атрофдаги одамларни баҳолашга ақли ожиз, атроф муҳитни ўзгартиришга қурби етмайдиган қаҳрамонларни яратди. Адибнинг “Моллоу” (1951), “Малон ўлими” (1951), “Номсиз” (1953) романларидан таркиб топган трилогиясида “янги роман” жанрининг илк шакл-шамойили кўринди, вақт ўтиб Беккет бу жанрнинг асосчиси деб эътироф этилди. Романнинг бу шаклида макон ва замон категорияларининг маъно-мазмунни ўз аҳамиятини йўқотади, воқеа-ҳодисаларнинг хронологияси бузилади, бутун борлиқ алоҳида онларга парчаланиб кетади, гап қаторларини муаллиф ўзи хоҳлаган тартибда тизиб чиқади. Бир тилдан бошқа тилга ўтиш роман структураси билан олиб борилган тажрибаларни лексика сатҳига ўтказишга сабаб бўлди, аниқроғи, сўзлардан иборат конструкциялар ўз мантиқи ва аниқлигини, маъно ва мазмунини йўқотди, гап тузилиши таркибий қисмларга ажратилиб, мутлақо янги, шу пайтгача бўлмаган яхлит ҳолатда терилиб чиқадиган бўлди.

Постмодернизм адабиёт ва адабий танқидда илк бор XX асрнинг 50-йиллари охирида майдонга чиқди. У ҳақда биринчи бўлиб танқидчи Ирвин Хау (1920-1993) “Оммавий жамият ва постмодерн адабиёти” (1959) мақоласида гап очган эди. Эллик йил бўлибдики, постмодернизм хусусида то бугунга қадар давом этаётган кескин баҳс-мунозараларга айнан у сабабчи бўлиб қолмоқда. И.Хаунинг янги адабиётга бўлган муносабати, умуман олганда, салбий ва пессимизм руҳида эди. Мунаққид ўз мақоласида Э.Хемингуэй ва У.Фолкнер, А.Дёблин ва Г.Грасс, Х.Л.Борхес ва Г.Г.Маркес, Т.С.Элиот ва Ж.Жойс каби кўплаб ёзувчиларнинг модернизмдан фарқли ўлароқ, постмодерн адабиёти ўзида лоқайдлик, бўшлиқ, илғор салоҳият ва зарбдор кучнинг камайганлиги билан ажралиб туради, деб таъкидлайди. Адабиётдаги бу йўналиш ижодий ўзига хосликни намоён этиш мақсадида бир мунча чекланган имкониятларни юзага келтирди.

Постмодерн адабиётининг мақтовга лойиқ жиҳати шундаки, у синфий жамиятда мавжуд бўлган “билимдон”лар санъати ва “билимсиз”ларнинг “чала санъати” ўртасидаги аввалги табақаланишни йўқ қилганлигидадир. Янги адабиёт, шунингдек, санъат соҳасида профессионализм ва дилетантизм ўртасидаги тафовутга барҳам берди, санъаткор ва мухлислар ўртасидаги алоқа узилишларини бартараф этди. У, ўзида хилма-хил ва ранг-баранг мавзулар ҳамда бадий дастурларни мужассамлаштириб, фақат интеллектуал ва элитар адабиёт бўлмасдан, бир вақтнинг ўзида хаёлпарастли, хиссиётли ва энг муҳими оммавий бўлиб қолди.

Постмодернизм руҳида ижод қилаётган ёзувчи “икки ёқлама йўл тутадиган мунофиқ вакил” сифатида гавдаланди. У ўзини технологиялаштирилган воқелиқда ҳам, ғаройиб мўъжизалар оламида ҳам бирдек яхши ҳис этади. Унинг учун таъқиқлаб қўйилган мавзулар, кириши маън этилган ҳудудлар йўқ. Унинг ижодий маҳсули кўп тилли ва кўп овозли бўлиб, ўзида энг сара ва оммабоп дид ва таъбни мужассамлантирган бўлади. Уни ўзгалардан туб ва кескин фарқ қилувчи плюрализм фалсафаси ажратиб туради. Постмодерн услубида яратилган “идеал роман” қандай қилиб бўлса ҳам реализм ва ирреализм, формализм ва “мазмун”, соф санъат ва ижтимоий-сиёсий вазиятга қараб йўналтирилган санъат, элитар ва оммавий проза ўртасидаги тўқнашув устида бўлиши лозим.

Постмодернизм оқимининг йирик намояндаларидан бири, италиялик ёзувчи Умберто Эко (1932)нинг “Атиргул номи” (1980) романи ўз муаллифига жаҳоншумул шуҳрат олиб келди. Асарнинг сеҳрли таровати ва жозибadorлигига адабиётшунослар ҳам, китобхон аҳли ҳам тан берди. Роман эришган муваффақият кутилгандан ҳам ортиқ бўлиб, эндиликда у халқроқ бестселлерга айланди. “Атиргул номи” романи постмодернизм руҳига хос бўлган барча хусусиятларга, қолаверса, структуравий тузилишга эга. Асар детектив жанрга хос мазмунда: қотиллик воқеасидан бошланади. Бошидан маълум бўлган мураккаб сюжет чизиғи, воқеаларнинг чалкашиб кетиши борган сари содир бўлаётган жиноятлар замирида бир маромда сақланиб туради, воқеалар ривожининг сусайишига йўл қўймайди. Романда рўй бераётган воқеалар етти кун орасида ривожланиб боради ва шу ораликда еттита қотиллик содир этилади. Бунинг устига, ҳар бир кейинги қотиллик тобора аёвсиз бешафқат тус олиб бораркан, китобхоннинг бутун диққат-эътиборини бир жойга жамлаб, ушлаб туришга имконият туғдиради. Жанр жиҳатидан “Атиргул номи” нафақат детектив, балки ўқувчиларда меҳр ва ҳавас уйғотувчи тарихий роман ҳамдир. Роман ҳаммабоп, барча ёшдаги китобхонларга тушунарли мазмунда бўлиб, уни ўқиганда чинакамига завқ оласиз. Хуллас, асар китобхон дидига мос ва жавоб бераоладиган даражада. Романнинг оламшумул моҳияти айнан шу хислатларида бўлса ажабмас.

Постмодернизм – ниҳоятда мураккаб адабий жараён дир. Франциялик постмодерн адабиёти назариячиси Жан-Франсуа Лиотар (1924-1998) таъбири билан айтганда, постмодернизмни “мураккабликнинг бошқариб бўлмайдиган даражада ортиб бориши” қабилида тушунмоқ лозим. Бу таъриф постмодернизмнинг муҳим бир жиҳатини ўзида акс эттирса ҳам, аслида бу тушунча ўзида жуда умумий ва кенг маънони англатади. Буни биз постмодернизмнинг аҳамиятлироқ жиҳатларини модернизм тамойиллари билан таққослаб кўрганимизда ишонч ҳосил қиламиз. Назаримизда америкалик жамиятшунос олим Зигмунд Бауман (1925-2003)нинг постмодернизмга берган таърифи назарий ва амалий жиҳатдан бирмунча адекват ва тушунарлидек кўринади. Унинг таърифича, “постмодернизм – бу ўз мағлубиятининг мумкин эмаслигини тан олган модернизмдир”.

Модернизм ўз олдида улкан ва глобал мақсадларни қўйган эди. Илоҳий кучларга қарши чиқиб, у инсонни, жамиятни, табиатни, ҳаттоки бутун олам ва коинотни ўзгартиришга, қайтадан яратишга азм қилди. Кўзланган мақсадларга мувофиқ табиат тубдан ўзгартирилган ва бўйсундирилган бўлиши лозим эди, жамиятда эса чинакам адолатли миллатлараро муносабатлар ўрнатилиши, инсон эса онг-шуур ва ўзини-ўзи англашга эга бўлган юксак даражадаги мукамал шахсга айланиши талаб этиларди. Бу аслида модернизм лойиҳасининг туб моҳияти саналарди. Адабиётда бу лойиҳанинг амалга ошишига қарийб икки аср керак бўлди. XX аср ўрталарига келиб адабиётда ушбу лойиҳанинг анчагина қисми бажарилмай қолганлиги, унданда аҳамиятлироқ томони эса – умуман бажарилмаслигининг аён бўлганида эди.

Буларнинг барчаси модернизмнинг танглик ҳолатини намоён қилди. Натижада, унинг ўрнига постмодернизм майдонга келди ва инсоний қадриятлар глобал инқирозга

учраётганини яққол кўрсатди. Постмодернизм эса инсониятнинг ўтган ҳаёти ва тараққиёт йўли маълум даражада хатоли бўлиб чиққанини ва унга жиддий ўзгартиришлар ҳамда тўлдиришлар киритиш талаб этаётганлигини ёқлаб чиқди. Бир жиҳатдан у XX аср сўнггида ўтиш даврини ўзида ифодалаб, келажак ҳақидаги масалани эса очиқ қолдирди.

XX асрнинг 80-йилларида Лотин Америкаси романнавислари ижодидида “тажрибавий роман” жанри жадал суръатда ривожланди. Натижада маҳаллий афсона ва ривоятлар, фантастик тўқималар, сиёсий ва ижтимоий долзарб муаммоларни қориштириб талқин этувчи репортаж услубидаги серҳашам ва антиқа образлиқдан иборат “сеҳрли реализм” прозаси майдонга келди.

Колумбиялик ёзувчи Габриель Гарсиа Маркес (1927) ўз асарларида асосий эътиборни Лотин Америкасининг узоқ ўтмишига бориб тақалувчи сиёсий-ижтимоий адолатсизлик тарихига қаратди. Худди Фолкнер каби, Маркес ҳам “Ёлғизликнинг юз йили” (1967) романида фантастик образларни реал шахслар билан бир вақтда ҳаракатга келтирган дабдабага юз тутиш ва инкирозга учраб, дом-дараксиз йўқ бўлиб кетиш воқелигини бир оила тарихида кузатади.

Роман сюжети шунчалик мазмунга бойки, унинг фабуласини аниқлаш қийин, ҳар бир саҳифада роман учун муҳим бўлган воқеа-ҳодисалар рўй беради. Маркеснинг “сеҳрли реализм” деб аталувчи бадиий услуби кўп жиҳатдан оммавий китобхонга қаратилганлиги билан боғлиқдир. Бу услуб нафақат Лотин Америкаси, балки барча оддий китобхоннинг мифологик ва хурофий тасаввурига йўғрилган онгига мос келади. Маркес фикрича, дунёни шу тариқа идрок қилиш, шу тарзда англаш, тушуниб етиш китобхонга маъқул ва осондир.

М.Пруст ва Ж.Жойсдан тортиб то У.Фолкнер ва Э.Хемингуэйгача бўлган тажрибакор ёзувчилар боши ва охири аниқ белгиланмаган роман шаклини яратишга ҳаракат қилган бир пайтда, тугал маъно касб этувчи роман яратувчилар ўз фаолиятини бир сонияга ҳам тўхтатишмади. Анъанавий реализм, ўзининг сюжет кескинлиги билан, аниқ таърифланган образлари билан, энг муҳими, равон ва тушунарли тили билан XX аср адабиётида етакчилик мақомини мустаҳкамлаб бораверди. Шу ўринда инглиз романнавислари бир мунча илгарилаб кетдилар.

Ўз ижодидида ғоя ва урф-одатларни тасвирлашга асосий эътиборни қаратган инглиз ёзувчиси Олдос Хаксли (1894-1963) романларида фикрнинг теранлигини, Ивлин Во (1903-1966) прозасида фожиавийликнинг устуворлигини кузатамиз. Ҳар иккала адиб жаҳон адабиётида айнан анъанавий роман устасидек намоён бўлишди. Ўз романларида детектив сюжетни диний мавзулар билан қориштириб тасвирлаган яна бир инглиз ёзувчиси Грэм Грин (1904-1991) қаҳрамонларининг руҳий ва маънавий азоблари сатрга туширилади. Адиб романларидаги воқеалар қаерда содир бўлишидан қатъий назар, унинг қаҳрамонлари раҳмсизлик ва бағри тошлик исканжасига тушганида, мағлубиятга учраганда – мурасасиз ҳукм сурган дунёда қандай қилиб яшаб қолиш, инсонийлик қиёфасини йўқотмаслик учун кураш олиб боришади.

Хуллас, XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон адабиётида ижтимоий-сиёсий роман майдонга чиқди ва у одамларнинг ижтимоий тажрибасини, азалий орзу-умидларини, дунёни билишга бўлган интилишларини ифода қилишга қодир адабий шаклга айланди.

XX аср сўнггида содир бўлган глобал ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий жараёнлар бадиий адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Илгари илғор оқимлар саналган модернизм, соцреализм, постмодернизм ўз умрини деярли яшаб бўлди. Эндиликда Гарольд Пинтер, Орхан Памук, Ле Клезю, Фредрик Бегбедер, Кадзуо Исигуро, Амин Маалуф, Эдвар Вади Саид, Максан Фермин каби адиблар роман жанрининг янги ҳикоя қилиш услублари орқали янги оқимларни кашф этишга интилмоқдалар.





Самандар ВОҲИДОВ

Видо достони

Достон-марсиядан боблар



Сўнгги кўнгироқ

*Сўнгги йўлга бормоқдан олдин бордим сенга,
Тавба этдим, қалбда борим чақирдим сенга.
Эй дўстим, менга берилган бу омонат юрак
Ёрилмасдан олдин юракни ёрдим сенга.*

Садриддин Салим БУХОРИЙ

*Саккизинчи март,
Душанба...
Ўғлим кирди –
Дориларнинг ҳиди тўлган хонамга.
Салом берди ўғлим:
– Дада, тузукмисиз?
– Шукур, ўғлим яхшиман анча...
Тинч ухладим ҳарна бу кеча.
– Телефонда Садриддин амаким...
– Э, тақсирми?
– Ҳа...
Телефонга тутаман қулоқ,
Хаста дилга ёнгандай чироқ –
Ўша таниши хушчақчақ овоз,
Эгасининг атворига мос.
Жаранглайди мисли тилла кўнгироқ:
– Ҳа тақсиржон, ассалому алайкум,
Узр энди...
Безовта қилмадимми саҳар мардондан?
– Йўғ-е, тақсир, аксинча,*

Безовталиқни ҳайдадингиз безовта жондан.
 – Бахайр, тақсир,
 Самадбекдан кеча эшитдим,
 Тобингиз сал қочган эканми?
 – Э, йўғ-е, шунчаки биров...
 – Мен, дейман, акам бунча камнамо?
 Безарар, тақсир, безарар...
 Дард дегани келару кетар.
 Сиқилманг, шифо оллоҳдан.
 Дуо қиляпмиз, иншооллоҳ,
 Кўрмагандай бўлиб кетасиз.
 – Айтганингиз келсин, – дейману
 Ўпкам тўлади.
 Садриддиннинг бу одатин
 Барча билади.
 Бировни безовта қилса бир оғриқ
 У ташиши чекади бемордан ортиқ.
 Ҳамманинг жонига уланган каби
 Жон ришталари
 Ёки хабар етказгандек
 Фаршталари,
 Дардманднинг ҳолидан оғоҳ юраги,
 Гўё бу дунёда бошиқалар деб юради.
 – Қандай янгиликлар бор? – дейман,
 Таскинбахш кулгусидан олган каби руҳ,
 (Бу кулгудан не кўнгиллар топмаган шукуҳ).
 – Э, тақсиржон,
 Янгиликлар бир жаҳон...
 Ҳаммасини айтмай, десам,
 Ёрилмасин, дейман телефон.
 Энг аввало, ижодкорга тугилган имкон –
 Қарор¹ни ўқигандирсиз?
 Бай, бай, бай...
 Ана ижодпарвар замон...
 Ғамхўрликлар бўлгач шоҳона,
 Энди ёзмасликка йўқдир баҳона.
 Юртбошимиз бу ишончни аҳли қаламга –
 Ўйлайманки,
 Ибрат эрур аҳли оламга.
 Дуо қилинг, эзгу ишлар ижодкорини,
 Яйраб ёзиши пайти келди, тақсиржон!..
 Қанча шукур қилсак камдир
 Мустақиллик берган неъматга.
 Кўз тегмасин, эл бахти деб,
 Жон куйдирган давлатга...

¹ Президентимизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондиди ташкил этиши ҳақидаги қарори назарда тутилмоқда.

Ҳа, дарвоқе,
 Гёте² ҳам чиқди ниҳоят.
 Зое кетмас экан, ҳарқалай,
 Қилинган меҳнат.
 Бугун-эрта келиб қолар, иншооллоҳ,
 Ҳа, худо подшоҳ...
 “Табассум заргари”³ ҳам келди ўтган кун,
 Аҳмаджондан олиб ўқидим,
 Зўр чиқипти...
 Ашуралибек⁴ кўнгироқ қилди.
 Яқин орада
 Бухорода тақдимоти бўлар экан китобнинг.
 Ҳудо хоҳласа,
 Устоз руҳин шод этамиз бўлиб жамулжам...
 (Афсус, сенга бу кун насиб этмади, укам).
 Хуллас, гап кўп, хушxabарлар кўп,
 Ҳаммаси ҳам бир-биридан хўб...
 ...Яна ўша фараҳбахш кулгу,
 Кулгу эмас жарангдор ёғду
 Бемадор танимга кўшади мадор,
 (Ҳа, дунёда мадорбахш кулгулар ҳам бор)...
 – Ташаккур, тақсир...
 – Қишлоқ гулга буркангандир?
 – Ҳа, кеча кўча айландим бироз,
 Ўриклар гуллапти қийғос...
 – Ана, ана ... энди буёғи Наврўз,
 Сумалак, гўлингоб, нишолда –
 Минг битта дардга даво...
 ...Хайрлашамиз,
 Юраклар бир дунё завққа тўлиб,
 Хайрлашамиз, жума кун учрашмоқ бўлиб...

 Тамом...
 Бу – охирги салом,
 Сўнги хайрлашув,
 Бу сўнги калом,
 Видолашув эканлигин билмай ажрашдик.
 Билмасдикки, жума эмас,
 Маишаргача энди хайрлашдик...
 Қайдан билар беҳабар банда
 Устимиздан кулиб тургандай

² Садриддин Салим Бухорий таржима қилган буюк немис шоири Гётенинг китоби ҳақида гап бормоқда. Афсуски, таржимон бу китобни кўра олмади.

³ “Табассум заргари”. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устоз Неъмат Аминов ҳақидаги хотиралар китоби.

⁴ Ёзувчи Ашурали Жўраев – Неъмат Аминовнинг шогирди.

*Остонада турар айрилиқ,
Орамизга парда тортгандай
Пешонада турар айрилиқ,
Сухбатимиз тугашин пойлаб
Парвонадай юрар айрилиқ...*

Машиғум хабар

(Чоршанба, 10 март, соат 17⁰⁰)

***Бир кун паймона тўлгай,
Оҳким, бу вужуд ўлгай.
Вужуд руҳнинг шаҳридир,
Шаҳар вайрона бўлгай.***

Садриддин Салим БУХОРИЙ

*Осма томизгининг сўнгги томчиси –
Томиб, “сепоя”ни сурдию четроқ,
Шифокор қўлтиқлаб “шифо халтасин”
Чиқаркан, телефон чалди қўнгироқ.*

*Қўлин деразадан чўзиб рафиқам
Телефон гўшагин олди ташқари.
“Алло”, дея, саси пасайди бирдан,
Эшитилмай қолди менга гаплари.*

*Доктор чиқиб кетди,
Эшик ортида –
Не, деб, гўнгиллашиди, англай олмадим.
Рафиқам хонамга кириб оҳиста,
Ҳол сўраб, бошимда узоқ турди жим...
...Яна жиринглади телефон шу дам,
Гўшакни олар у чўчиган каби:
“– Ҳа мен... йўқ ҳали...
Айтолмаяпман.
Хўп, домла, айтаман...”
Қўяр гўшакни.*

*– Ким, дейман?..
– Дўстингиз Муҳаммад ҳожиси... –
Титраган қўлларин юзига босар. –
– Ўзингизни қўлга олинг, дадаси,
Айтмасам бўлмайди...
Айт деяптилар.
Садриддин укангиз...*

Бир соат олдин
 Бандаликни бажо келтириптилар...
 Гурзи тушган каби жисмим чилпарчин
 Қилдию совурди мудҳиш бу хабар.
 “Садриддин...
 Наҳотки?..
 Ахир, ўтган кун
 Дилбар суҳбатидан этиб баҳрабар..
 Ё янгилиш эшитиб қолдими хотин,
 Ёки босинқираб туш кўрдим магар?”

Дилбандига видо айтар Бухоро
 (11 март, субҳидам)

**Кема сузар тўлқинлар ҳам унутдир,
 Манзил аниқ, манзил номи сукутдир.
 Дунё билан охират орасида
 Сузайтган кема асли тобутдир.**

Садриддин Салим БУХОРИЙ

Минори Калонга таяниб турар
 Ҳасса тутган каби Масжиди Калон.
 Юлдузларин тўкиб қўз ёшларидай,
 Юзин тонга артиб бўзарар осмон.

Кўк кийган гумбаздан аза хабарин –
 Англаб, букчайибди Тоқи Заргарон.
 Мир Араб деворин асрий тошлари
 Мунгайиб боқади рангги заъфарон.

Қор пок қалбнинг рамзидир

Садриддин Салим Бухорий дафн этилган оқшом
 Бухорода паға-паға қор ёғиб, шаҳарни нурдай оппок
 рангга бўяди.

Оқ рангга хуштор эдинг
 “Оқ ранг – нурнинг ранги”, деб,
 “Оқ ранг билан покланар
 Дилнинг қора зангги”, деб.

Бизга қора кийдириб
Ўзинг ўраниб оққа,
Бир қучоқ оқ нур бўлиб,
Сингдинг қора тупроққа.

Сен оқ рангни суйгандай
Суйдим сени оқ ранг?
Ногаҳон ёққан қордан
Ҳамма қолди ҳангу манг.

Гул кийган оппоқ баҳор,
Оқ баҳорда ёгса қор,
Нур узра нур ёгганин
Тасдиғи бу эҳтимол.

Ё, оллоҳ, марҳаматинг
Шунчаларми беканор?
Ўрик гули ёггандай
Оққа беланди мозор.

Раҳматинг аямадинг
Суйган қулингдан халлоқ.
Сенга борар йўлингни
Шу қордай эттингми оқ?


Балки, қор учқунлари
Иймонидан зиёдир
Ё дуоғўй муҳиблар
Дилдан қилган дуодир.
Балки, дўстлар кўксидан
Учган навҳа-наводир.
“Оқ қалдирғоч”, “Оқ қуш”¹нинг
Пати тўзган ҳаводир.
Фарзанду набиралар
Бўғзидаги нидодир.
Шариф шахринг Бухоро
“Оҳи”даги видодир.
Не бўлса ҳам беғубор –
Қор пок қалбнинг рамзидир.
Қора қабрни оқартган
Оқ ранг аршининг файзидир...

¹ Садриддин Салим Бухорий китобларининг номи.



тафаккур дурдоналари

ЭПИКУР



МИНОКЕВСТА МАКТУБ

Донолик ёшу қарига бирдек ярашади. Донишмандликни излашда ёшнинг аҳамияти йўқ. Ахир, кўнгилни соғлом тутишнинг эрта-кечи бўлмайди-ку! Ҳаётни ўрганиш, фалсафани англашнинг вақти ҳали етиб келмади ёки ўтиб кетди, дейиш бахтиёрликни бой бериш ё уни кечиктириш билан баробар. Шу сабабли, ёшу қари донишмандликни изламоғи даркор. Ёш бўла туриб ҳам доно бўлиш мумкин. Биз шууримизга бахтиёрлик олиб келадиган иш билан машғул бўлиб, хотиржамликка эришамиз.

Ўлимнинг биз учун хатарли жойи йўқ. Буни тушунишга одатлан. Ўлим биз ўйлаганчалик кўрқинчли эмас. Ундан устун келишнинг ягона йўли – мангу ҳаётга кетишдан олдин умрбоқийликни қўлга киритишдир. Ўлимдан кўрқувчи киши нодондир. У жон оғриғини ўйлаб эмас, ўлим келажак сари тобора жадал илгарилаётгани учун ҳам ундан кўрқади. Аслида, ўлим табиатдаги ҳодиса каби бир кўринишдан иккинчисига ўтишдек гап. Ўлим биз учун ҳеч нарса. Гап шундаки, биз тирик бўлганимизда у бизга яқинлаша олмайди. У келганида эса биз аллақачон кетиб бўлган бўламиз. Бир вақтлар инсонлар ўлимни энг шафқатсиз иблис деб билишган. Вақти келиб эса ўлим уларга ҳаётдаги иблислардан қутулишнинг ягона чораси бўлиб кўринган.

Донишманд одам ҳаётини қадрлайди ва унинг поёнига етишидан у қадар ҳам изтиробга тушмайди. Одамлар мўл-кўл овқатдан кўра, оз бўлса ҳам мазали таомни афзал кўрганлари

Эпикур миллоддан аввалги 341-270 йилларда Афинанинг Самос оролида яшаб ижод этган қадимги юнон файласуфи ҳамда эпикурианизм фалсафа мактабининг асосчидир.

Эпикурианизм таълимотига кўра, фалсафа инсонга бахтга эришиш, осуда ҳаётни қўлга киритиш, тинч ҳамда эркин бўлиш, оғриқлардан қутулиш ва қадрдон дўстлар даврасида ўз ҳаётини қониқиб яшаши учун йўлланмадир. Эпикурнинг қайд этишича, хузур-ҳаловат ва дард эзгулик ҳамда ёвузликни аниқлашдаги ўлчовлар ҳисобланади. Ўлим тана ҳамда қалб ҳаракатининг ниҳоясидир. Инсоннинг эришган ютуқлари ёки унинг бошига ёғиладиган балоларнинг худога дахли йўқ. Булар инсон ҳаракатининг оқибатидир. Борлиқ – ниҳоясиз ва абадийдир. Оламда содир бўлгувчи воқеалар бўш макондаги атомларнинг ўзаро таъсири ҳамда ҳаракатига боғлиқ.

Эпикурнинг қарашлари ўша замон олимларининг у қадар диққатини тортмаган. Айниқса, Демокрит унинг фикрларига шубҳа билан қараган. Боиси, детерминизм (нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги материалистик таълимот) борасидаги бир қатор кескин мулоҳазалари Демокритникидан фарқ қилган.

каби, донишманд одам ҳам узоқ эмас, маъноли ҳамда хушвақт умр кечиришни маъқул кўради.

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, келажак тамомила бизнинг ихтиёримизда эмас. Унинг келишига қатъий ишониш ёки келмаслигидан ташвишланиб, умидсизлик гирдобига фарқ бўлишимиз ярамайди.

Унутмайликки, кучли хоҳиш кўп ҳолларда чексиз нафратга сабаб бўлади. Қаноат эса хотиржамлик ва бахтиёрликнинг калитидир. Хоҳишларимизнинг баъзилари табиий. Баъзилари эса асоссиз. Табиий хоҳишларимизнинг ҳам маълум қисмигина зарур. Қолганларига эҳтиёж йўқ. Бунинг фаҳмига етиб, уларни ажрата оладиган киши улардан танасини соғлом тутиш ва тафаккурини бойитишда фойдаланади. Бу аснони ҳаётнинг мазмуни ва умрнинг хайрли давоми деб билади. Биз доимо кўнглимиз ва танамизнинг эҳтиёжини босадиган нарсаларни қидирамиз. Азобланганимиздагина ҳузур-ҳаловатни истаймиз. Шу сабабли ҳам ҳузурни ҳаётнинг энг муҳим палласи деб биламиз. У бизнинг энг олий истагимиз бўлиб, ҳар қандай танловнинг, шу билан бирга, нафратнинг асосидир. Ҳузур ҳар қандай нарсага баҳо беришда бош ҳакамдир. Афсуски, ҳузур-ҳаловат ҳамisha ҳам ҳақ бўлавермайди. Аммо, дунёдаги энг улуғ ҳузур-ҳаловат қаноатли бўлишдир.

Нон ва сув оч қорин ва қақраб кетган лаблар учунгина ҳаловатлидир. Эҳтиёжларини меъёрида ушлаб турган киши ортиқча муаммоларга дуч келмайди.

Ҳузур-ҳаловат – бу танадан оғриқни даф қилиш ва кўнгил безовталигидан халос бўлишдир. У шоҳона таомлар тортилган тўкин дастурхон эмаслигини ёдимиздан чиқармайлик.

Ҳузур-ҳаловат кўнгилни бесаранжом қилаётган ўй-хаёллардан халос этувчи, бизни улардан ҳимоя қилувчи ҳамда олдимиздаги тўсиқларга асосли илож топувчи идрокдир. Шу сабабли ҳам фазилатлар орасида энг яхшиси мулоҳазакорликдир. Идрок, ифтихор ҳамда адолат фаровон ҳаётнинг ажралмас бўлағидир.

Мана шу фикрларга суянган одам ўлим кўркувидан батамом халосдир. Бундай одам яхши нарсаларга ва эзгуликка қанчалик тез эришиш мумкинлигини билади ва бунга осон эришади. Шунингдек, иблис кучининг меъёрлари ҳам унга маълум ва у бундан унчалик ҳам хавотирга тушмайди. Баъзилар учун қочиб-кутулиб бўлмайдиган, ҳукмдор ҳисобланган тақдирни у менсимайди. Сабаби, ҳаётдаги воқеликларнинг аксарияти эҳтиёж, қолганлари тасодиф ва яна бир қисми ўзимиз боис рўй беришидан у яхши хабардор. У эҳтиёжни, масъулиятни емирадиган куч ҳамда уни ўткинчи деб билгани сабаб, унга бўйсунмайди. У нодонларча завқу шавққа буркангандан кўра, доно бўлиб, фақир ҳолда ҳаёт кечиришни маъқул кўради.

Сен менинг айтганларимни ёдингда тут. Узинг ва сенга ўхшаганлар билан биргаликда, буларга амал қил. Шунда ҳеч қачон на ўнгингда, на уйқунгда ҳеч нарса сени безовта қилмайди.

Инглиз тилидан Шуҳрат САТТОРОВ

Эпикур асос солган мактаб кичкина бўлса ҳам, бу мактаб ривожини учун у бутун умрини бағишлаган.

Эпикур фалсафаси жамики яхшилик ҳамда ёмонлик ҳузур-ҳаловат ва азоб туфайли туғиладиган тўғулар боис юзага келади, деган назарияга асосланади. Ушбу назарияга кўра, нимаики яхши бўлса, у ҳаловатдир, нимаики ёмон бўлса, у азобдир. Ҳузур-ҳаловат ҳамда азобни Эпикур яхшилик ҳамда ёмонлик ўртасидаги ахлоқий тафовутнинг асоси, деб ҳисоблайди. Баъзи бир ўринда ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, азобланишни танлаш, янада лаззатлироқ ҳузур-ҳаловатга эришишга хизмат қилишини таъкидлайди. Ҳузур-ҳаловат исташ ҳамда излаш орқали ўлим кўркувидан ҳамда маъбудалар жазосидан халос бўлиб, хотиржамликка эришиш эпикурианизм таълимоти назариясининг асосий қоидаларидан биридир.

Эпикурнинг учтагина хати тўлиқ ҳолда, Диогеннинг “Маиҳур файласуфлар” асари ҳамда Ватикан кутубхонасида сақланаётган қўлёзмалар орқали, шунингдек, унинг папирусга ёзилган “Табиат ҳусусида” номли асаридан бир нечта парчалар бизгача етиб келган.

Таржимондан



Дил күйіңге ыңизлар сурат



Юлдуз ЗОИРОВА

* * *

*Бугун капалакдек безубор кўнглим
Барда шабнам каби титраб турибди.
Умримнинг меҳмони гўзал болалик
Гулжияк кўчада чотиб юрибди.*

*Чақноқ кўзчаларда ҳаёт ҳайрати,
Мурғак юракчада яшайди орзу.
Ёшлиқни шодликка офушта айлар,
Болалик жылгалар лабида кулгу.*

*Хаёлга туташиб гўзал орзулар
Қалбда умид бўлиб порлаб турибди.
Ҳисларга тўлдириб нозик кўнглимни,
Гўзал ифори-ла чорлаб турибди.*

*Юксак манзилларга бошлайди йўллар,
Юракда гул каби гуллайди орзу.
Болалик-гулкўнгил қизалоқ бўлиб,
Сен менинг кўнглимда яшайсан мангу.*

* * *

*Тун...
Бағрида яйрайди юрак,
Ишқ созини чертиб оромжон.
Бугун яна қувончга тўлар
Сўзларингиз тинглаб ёрижон.*

*Хаёл...
Кўзларимда мудраган уйқу,
Ой нурларин тарайди беҳол.*



Зухра ОЧИЛОВА

* * *

Эрталабдан у одам
Тинмай қорни курайди.
Баҳорга йўл топмоқчи...

* * *

Толим сочим
попуғи яшил,
Иболарим,
нозлимим яшил,
Қош, мижгоним,
назарим яшил,
Юрсам поён,
манзилим яшил,
Томирларим,
илкима яшил,
Зумрад тошли
эгнима яшил,
Кўнглим яшил,
туйғум-да яшил,
Хонишларим,
ғулу-да яшил,
Камолим-а,
истагим яшил,
Кафтимдаги
қисматим яшил.

* * *

О, рангин либосли хуришдининг
қитиғидан жонланди ҳаёт.
Кўклам таъмин туйган ўт-ўлан
тонг шавқидан товланар, наҳот?

Ошиқ булбул томогидаги
навосига маст боғлар кўнгли.
Кеш тоғларин биқинидаги
шаршаралар ҳайдагай мунғни.

Чечакларнинг рухсори мамнун,
табассум-ла қарар оламга.
Ўйланаман, баҳоржон, айтгил,
мен ўхшайман қандай одамга?

Сал девона, галатман, балки,
керакманми, ахир, келганман...
...Шу тонг каби соғлом ҳис билан
ҳаётни безубор севаман...

Шаҳрисабз

* * *

Қизнинг кўзларида улғаяр осмон,
 Руҳият кулбасин гуллагани ҳақ.
 Қарсақлар ёғдирган теракзорларнинг
 Яшил яноқлари покликка илҳақ.

Қизнинг кўзларида улғаяр осмон,
 Сазойи йўлаклар оқликка ётган.
 Томирда тўпори дарёлар сизар,
 Гўё юрак кўкка қовушиб кетган.

Қизнинг кўзларида улғаяр осмон,
 Оҳиста одимлар санар япроқлар.
 Бахт тирик. Манзиллар яқин дафъатан,
 Борлиққа ўлинлар ёзар сўқмоқлар.

Қизнинг кўзларида улғаяр осмон,
 Кўнгиш заминида орзулар тугун.
 Ор сўнар гурурнинг тимсолларидан
 Эрта кўтарилар исёнлар учун.

Хамон, қиз кўзида улғаяр осмон,
 Кўкка улоқтирар замин дардларин.
 Ошиқлар бир лаҳза тингламоқ учун
 Кўҳна қояларнинг юрак зарбларин.

Қизнинг кўзларида улғаяр осмон,
 Гўё юрак кўкка қовушиб кетган.

* * *

Оқшом юрмиш пешонасин дурра кезган йўлларида,
 О, отамнинг чопонини пешайвонлар кийиб тинди,
 Олмазорда тилимланган қўлларида олма қучиб,
 Болакайдек оғиз очган гулайвонга тутар энди.

Отам бирла вақт мизғийди бу шамолранг кулбаларда,
 Кулбасида насимларнинг жой танламас телбаси бор.
 Тун болиши четларига боғ кўйлаги илинди-ёв,
 Саратонда бармоғида соч тарайди шафтолизор.

Эҳ, отамнинг белбоғида ҳиди қолса мезонларнинг,
 Ёлғизлари тазарруда қайтиб бермиш тинкасини.
 Шажарларнинг новдалари умр тилаб тирмашади,
 Бахтки, ўшал, минг йилда бир ўпа олса елкасини.

Қиқирлайди дарахтларнинг юрагида аҳмар гуллар,
 Рашиким, анинг қиқирлаган кулгучини тўсғум, дейди.
 Воҳ, отамнинг дўпписига кўчиб олар шафтолилар,
 Шул дўппига юрак қоним қадаҳмонанд сузсам эди.



Дилновоз ҚЎЛДОШЕВА,
 Зулфия номидаги Давлат
 мукофоти совриндори



Қўшма



**Хуришида ЮСУФ
қизи**

* * *

*Эрияпман, кечикиб ёққан қор каби,
Бўй чўзган ишқ қучоқларида.
Мени кун авради, шамол алдади,
Тўлмадим жилганинг қирғоқларига.*

*Нега ортда қолган кунларга учдим,
Хаёл кунда бўлди, хотир бўлди дор?!
Ўзлимдан кечиб, тупроқни қучдим,
Уйғотгин, қайтгин, деб, шивирлар баҳор.*

* * *

*Бўлди.
Келма.
Керакмас энди.
Тасаллига эмасман муҳтож.
Йўлингда ишқ ёмғири тинди,
Яна кулди мен кутган сирож.*

*Кўй.
Эланма.
Кетгин бутунлай.
Шафқат нима унутиб бўлдим.
Авалги маъшуқа эмасман, чиндан,
Ҳилол янгиғ нурадим,
Тўлдим.*

*Сен ҳам кутма.
Мен ҳам бормаيمان.
Нима қолди муҳаббатга хос?
Сенда қолди хўрланган ишқ-у,
Мендагиси куюк дил, холос.*

Тошкент



**Гулрухсор
МАМАТҚУЛОВА**

* * *

*Сизни кутиб, соғинавериб,
Соғинчларим кўксимга ботар.
Хаёлларим тун оғушида
Аллалаган гўдакдек ётар.*

*Дил кўшикига чизилар сурат,
Синалади чексиз бардошлар.
Шодликларни қувиб кетиб дард,
Қарогимга тўлдирар ёшлар.*

*Атиргуллар йўлларим тўсиб,
Изларимга тўкилар ҳар он.
Лек, юрагим гунчасидан зор
Соғинчлар-ла томчилайди қон.*

* * *

Кўзингизда яшайман, мен,
Кўзингизда яшнайди жисмим.
Тонг кўз очган жажжжи майсанинг
Лабларида янграйди исмим.

Нигоҳингиз нигоҳим чақар,
Кипригимда ором олар кун.
Арғимчоқда ястаниб ётар –
Дард дилимга сачратиб учкун.

Избоскан

* * *

Оқшом елларида тебранар дарахт,
Атиргуллар хазон баргларин тўккан.
Чигирткалар овози янграб,
Оқшом борлигини унутган.

Лойқаранг анҳорнинг шовқинларини
Қурбақалар ютади чайнаб:
“Қур-қур”лардан озади кўнгил,
Сув оқади қалқиниб, ўйнаб.

Еллар шивиридан кўнгил яйрайди,
Нени эслаб, нени кўмсагинг келар?
Нимқоронги бостириб кирар кўзимга,
Нигоҳларим шомнинг ранггига инар.

Тикиламан интиқ, атрофим мисранг,
Чимчилай бошлайман, узилар майса.
Оқшомдан ўзликни, ўзни қидирсам,
У мендан-да хасис, мендан-да қайсар.

Шопириб-шопириб ўйнайман сувни,
Шалоплаб ўзини отар қурбақалар.
Тинглайман сув чалган шивир, гулувни,
Ҳисларим гўёки тўлқин, пўртаналар.

Оқшом, сув бўйида кезаман ёлғиз,
Қоронгилик ина бошлар кўзимга...

* * *

Ёмгир бўлиб тўкил қалбимга,
Майли, кўнгил жикқа нам бўлсин.
Тупроқ ҳиди инган салбимда,
Сувратингни исми жам бўлсин.



Марям АҲМЕДОВА

Ёмғир бўлиб ёггил юзимга,
Шаффофдайин чайилсин юзим.
Осмон рангги кўчсин сўзимга,
Юлдузлардай чақнасин кўзим.

Ёмғир бўлиб юв, гидирларим,
Дилда губор қолмасин сира,
Тарк этса-да, ширин сирларим,
Дунём бўлсин сенга асира.

Ёмғир бўлиб айлан томчига,
Юрагимда қон бўлиб оқсин.
Озор номли согинч санчиги
Ишқ азоби каби ўт ёқсин.

Ёмғир бўлиб тўкил қалбимга,
Ёмғир бўлиб тўкил...
Ёмғир бўлиб...
Ёмғир...

Китоб



Гавҳар ОБЛОЕВА

* * *

Бир кам дунё юклари оғир,
Чидамоқдан йўқ ўзга чорам.
Оғзим ошда, бошим-чи тошда,
Хўрсинади сабрим кўп бора.

Мен – дардимни қораловчи тун,
Ҳеч бир таскин тополмай, охир,
Тонгга қадар боримни тўкиб,
Бўшатаман қалбимни бир-бир.

* * *


Ёлғизлик сиқади юрак-бағримни,
Таскин тополмадим ўзимга-ўзим.
Шум рақиб сингари таъқиб қилади,
Ҳатто, бир кўзимга иккинчи кўзим.

Енгиб ўтолмадим синов кунларни,
Атиргул мисоли сўлдим, тўкилиб.
Бир илинж топмадим, имкони йўқдир,
Сир бой бермас дардим, дардини тилиб.

Ёлғизлик, оҳ бунча шафқатсизсан, сен,
Ҳаттоки, ширин ҳис бермайсан менга?
Ҳаёт ташвишидан чарчадим-ку, мен,
Бир чимдим бахт берсанг, не бўлар дилга?!

Навбаҳор

МУТОЛАА



Абдулла УЛУҒОВ,
филология фанлари номзоди

ҒАДДОР ЁХУД ТУҲМАТНОМАЛАРНИ КИМ БИТГАН?

Асл асарлар йиллар ўтиши билан ўзининг аввал маълум бўлмаган янги қирраларини намоён этаверади. Хусусан, уларнинг қаҳрамонларига турли даврда турлича муносабат билдирилади. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи, шубҳасиз, ана шундай асарлар сирасига киради. Номланишининг ўзиёқ сирли-жумбоққа йўғрилган “Ўткан кунлар” неча ўн йиллардан бери ўқувчиларнинг энг сеvimли асарларидан бири бўлиб келади. Романни ҳар гал мутолаа қилганда китобхонни, аввало, адибнинг сўз санъаткори сифатидаги маҳорати, воқеаларни сир тутиши ҳайратлантиради. Айни чоғда, асарни ўқиш жараёнида, кўнгилда турли саволлар туғилади, муаллиф воқеаларнинг баъзи жиҳатларини очиқ қолдиргани ўйлантиради. “Ўткан кунлар”даги мана шундай нуқталардан бири, унда берилган мактублар билан боғлиқдир. Маълумки, ушбу роман сюжетида мактублар катализатор вазифасини бажариб, воқеалар ривожига шиддатли тус беради. Мактублар сабаб, қаҳрамонлар ҳаётида кутилмаган кескин бурилишлар ҳосил бўлади. Агар асардан мактублар олиб қўйилса, унинг сюжети жуда жўн ва пароканда бўлиб қолади. Қаҳрамонлар мактуби роман сюжетини яхлит тутиб турадиган зарурий ҳалқа саналади. Ана шу ҳалқа – мактублардан бири тушириб қолдирилса, воқеалар орасида узилиш юзага келади. Абдулла Қодирий ушбу романда мактуб мотиви асосида бир-бири билан мантиқан боғланган салмоқли яхлит сюжет яратишга эришади. Романда дастлаб Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабекка “каромат қабилдан сўзлаб, бирмунча насиҳатлар қилиб” ёзган хати келтирилади. Ушбу хат сабаб, “худонинг ҳақни ноҳақ қилмаслиги соясида” Отабек ва Мирзакарим қутидор ўлимдан қолади. Кейин, “хон бўлмаса ҳам хонликдан-да юқори бир кучга молик сиёсат курсисига ўтирган” Мусулмонқулнинг Ўш ҳокими тарафидан ёзилган ҳамду санодан иборат мактубни, сўнг Ўтаббой қушбеги ва Отабек устидан битилган иғвони ўқиши тасвирланади. Адиб Ўш ҳокими мактуби орқали хон саройидаги ҳашамат, дабдаба, сохта хушомад, лаганбардорлик авж олганини кўрсатади. Кейинги мактуб, яъни, иғво шу даражада ўткир ва таъсирчан битилганки, у ким тарафидан ёзилгани ва бунинг оқибати ўқувчини беихтиёр қизиқтириб қўяди. Чунки адиб Ўтаббой қушбеги ва Отабек устидан ким чакув уюштирганини жумбоқлигича қолдиради. “Мактубда ўз отимни ёзишга ҳам тиламадим. Ёш хонимизга тинч ва шавкатли давр, давлат хоинларига ўлим тилаб – бир ғариби бечора”, деб туҳмат битган иғвогарнинг кимлиги анча кейин – романнинг, “Кулиб қарамаган бахт” фаслида уста Фарфи тилидан: “Бу қизга бизнинг Ҳомид ҳам харидор экан. Ҳалиги Отабек қизга уйланиб қўйгач, бизнинг Ҳомид тиканга ағанаб, орадан Отабек билан Мирзакарим акани кўтариш фикрига тушган ва бўлмаган чақимчиликлар билан уларни дор остига тортишга муваффақ бўлган! Аммо худонинг ҳақни ноҳақ қилмаслиги соясида, бир

мактуб сабаби билан, кутмаган жойда дор остида нажотга чиққанлар. Булар оқлангач, Ҳомиднинг ўзи қамаладиган бўлиб, аммо қўрбошининг ёрдами орқасида Қўқонга қочиб қутилган ва у ерда ҳам тинч ётмай, Ўтаббой қушбегини порахўрликда айблаб, Мусулмон чўлоққа ариза берган”, деб маълум қилинади. (Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1974 йил. 232-233 бетлар. Бундан кейинги кўчирмалар шу нашрдан олинади). Асарнинг бошқа ўринларида ҳам воқеаларнинг сир тутиб келинган жиҳатлари шу тарзда очиб берилади. Жумладан, Отабекни азоблаган жумбоққа уста Фарфи томонидан: “Отабекнинг Тошкентдан ҳам уйланганини билиб, унинг тилидан бир талоқ хати ёздирадир-да (изоҳ – А. У.) Мирзакарим аканикига киргизадир”, деб аниқлик киритилади.

Романнинг аввали “Иситма орасида” фаслида Ҳомид Жаннат опага: “Илгари гал ёздириб берганимдек ўз режамизга мувофиқлаб, Отабек тилидан яна бирини ўмартириб бераман”, дейди. Бу уста Фарфининг “Отабекнинг.. тилидан бир талоқ хати ёздирадир-да..”, деган гапига мувофиқ келади ва, табиийки, Ҳомид “ўз режасига мувофиқ” тухматномаларини кимга ёздирган, деган саволни пайдо қилади. “Иситма орасида” фаслида Ҳомиднинг кечинмалари: “Энди бу иккинчи сохта хатни ёздириш-да, гарчи ҳозир Отабекнинг қўлёмаси ўз қўлида бўлса ҳам яна қўрқинчли эмас эди. Эндиги хатни ниҳоятда эҳтиёт билан нусхага қараб ёздиришини кўнглидан ўтказди...” дея баён этилади. Демак, тухматномаларини Ҳомиднинг ўзи ёзмаган. Бу қабих ишда унга кимдир кўмаклашган. У тухматномаларини кимгадир ёздирган.

Уста Фарфининг “Отабекнинг тилидан бир талоқ хати ёздирадир-да...” дейиши, Ҳомиднинг “ёздириб бераман”, “ўмартириб бераман” деган таъкиди кишини ўйлантиради. Муаллиф Ҳомид ёздирган сохта мактубларни “хиёнатнома” деб атайди. Адиб асарнинг “Хиёнат” фаслини “Юқорида Отабек томонидан олинган мактубнинг ҳақиқати мана шу йўсин хиёнатнинг натижаси эдики, биз энди хиёнат қаҳрамонлари билан таништирамиз”, деб тугаллайди ва кейинги фаслларда Содиқ, Жаннат опа, Му-талнинг кирдикорлари билан таништириб, уларнинг чиркин қиёфасини кўрсатади. Лекин Ҳомиднинг ғараз, тухматга тўла чиркин “хиёнатнома”ларини ким битгани хусусида ҳеч бир ўринда изоҳ бермайди.

Роман сюжетида Отабек, Ҳомид, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек оғим, Кумуш сингарилар фаол қаҳрамон сифатида кўринади. Улар асардаги деярли барча воқеаларда бевосита ёки бавосита иштирок қилади. Муаллиф воқеалар марказида турган бу қаҳрамонларнинг қиёфаси, ўй-кечинмаси, хатти-ҳаракати ва ўзаро муносабатини жуда таъсирчан ёритади. Романда яна шундай қаҳрамонлар ҳам борки, улар “сахна”да кўринмайди, лекин номи тилга олинади. Шундай қаҳрамонлардан бири – Умарбекдир.

Маълумки, Абдулла Қодирий қаҳрамонларини уларнинг портретини чизиш орқали “майдон”га олиб киради. “Ўткан кунлар” муаллифи инсон образини яратишда адабиётда азалдан қолипга айланган бу анъанавий усулдан жуда самарали фойдаланади. Асарда персонажлардан деярли барчасининг портрети чизиб берилади. Умарбекнинг эса, воқеаларда бевосита қатнашмагани учунми, қандай одам эканлиги, кўриниши қанақалиги, нима иш билан шуғулланиши маълум қилинмайди. Умарбек билан Ҳомид ўртасида қандай алоқа борлиги ҳам аниқ айтилмайди. Асарда Умарбекнинг номи икки ўринда – биринчи марта уста Фарфи, иккинчи марта Ҳомид томонидан тилга олинади. Уста Фарфи уста Олимнинг уйида Отабек ҳам иштирок этган суҳбатда ҳамкасб кадрдонига: “Сиз Умарбекни Ҳомидга яқин дўст эканлигини биларсиз, албатта... Ўша Умарбек билан ораларида яқинда бир совуқлик тушди-да, бундан ўн кунча илгари Ҳомиднинг бир мудҳиш ваҳшати тўғрисида Умарбекдан бир сир эшитдим. Ҳомид Комилбекни ўлдирганда устида бўлмаган бўлса ҳам, аммо ҳалиги эшитган сиримнинг далолатига қараб, албатта, Комилбекнинг қотили Ҳомид деган фикрга тушдим”, дейди. (Ўша нашр. 232-бет). Ҳомид Содиққа: “Менинг бу сиримни сиздан бошқа ҳеч ким билмайди. Умарбек билан бир оз нари-бери бўлиб қолган эдим, ҳайтовур тагин орани очиб юбордик”, деб айтади. (Ўша нашр. 241-бет). Умарбекнинг номи романда бошқа эслатилмайди. Аммо уста Фарфи ва Ҳомиднинг унинг тўғрисидаги сўзлари Умарбек “қора чўтир юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол, ўттиз беш ёшлардаги” кимсанинг қабих ишларидан хабардорлигини билдиради.

Асарда Ҳомиднинг жиноий ишида бевосита иштирок этган Содиқ, Жаннат опа, Муталнинг хатти-ҳаракатлари аниқ тасвирлангани ҳолда, “Ҳомидга яқин дўст”, “ҳамма вақт юриш-туриши бир бўлган” Умарбекнинг нима иш қилиши, у Ҳомид билан нима учун “нари-бери қолгани-ю ҳайтовур тағин орани очиб юборгани” хусусида ҳеч қандай изоҳ берилмайди. Бу образ романда сирли жумбоқ бўлиб қолади. Шундай бўлса-да, уста Фарфининг сўзлари, Ҳомиднинг эътирофи “хиёнатнома”ларни Умарбек битмаганми, деган гумон, тахминга асос беради. Албатта, асардаги ҳар бир сўз, жумладан, ундаги мактуб, аризалар ҳам муаллифга тегишли. У қаҳрамонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ўқувчи тасаввур қиладиган тарзда ифодалайди, уларни худди ҳаётдаги одамлар сингари гапиртиради. Китобхон ҳаёлан романнинг сир-сеҳр мужассам саҳифаларига берилиб, воқеалар ҳаётда ҳам худди асарда нақл қилинганидек кечишига чиндан ишонади. Асардаги ажойиб манзаралар, қутилмаган учрашувлардан эртаклар эшитмай улғайганидан унча-мунча нарсага ҳайратланмайдиган бўлиб қолган. XXI аср китобхони ҳам беҳад таъсирланади. Жумладан, Кумушни ҳушсиз қилиб қўйган мактуб ҳам уни бефарқ қолдирмайди. Ҳомиднинг Отабек, Ўтаббой қушбеги устидан уюштирган тухмат тўла мактубини ҳозир ҳам ўқувчилар ҳаяжонсиз ўқий олмайди.

Роман асосида аввал ишланган бадиий фильмда Ҳомид хиёнатномалар ёзаётгани, у Отабекнинг яқин киши сифатида тўйда иштирок этгани ва унинг елкасига тўн ёпишгани кўрсатилади. Асарда эса Ҳомид Отабек ва Кумушнинг тўйи хабарини етти кундан кейин Қўқондан қайтаётган чоғида эшитгани ва тиканга ағанагандай аҳволга тушиб, аламига чидолмасдан “икки хотинини арзимаган бир сабабни баҳона қилиб, яхшигина ургани”, сохта хатларни ҳам у ўзи ёзмагани, балки “ёздириши”, “ўмартириб бериши” маълум қилинади. Синчков ўқувчи ҳам қаҳрамонлар ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган таъсирчан мактубларни Ҳомид ўзи ёзмай, кимгадир ёздирганини ҳис этади. Чунки Зиё шоҳичи айтганидек: “Ҳомид қўланса гаплар учун яратилган одам”. Уста Фарфи ҳам унинг тўғрисида худди шу гапни айтади. Ҳомиднинг гап-сўзлари ҳам худди шуни тасдиқлайди. “Қўланса гаплар учун яратилган” Ҳомид сингари кимсалар эса, Мусулмонқулдай қаҳри қаттиқ амалдорни “ниҳоятда тутактирадиган”, Мирзакарим қутидор каби кўпни кўрган кишини ғазаб отига миндирадиган “ўлчовлик сўзлардан иборат” мактубни ҳар қанча уринганида ҳам ёза олмайди. Тўғрироғи, Ҳомид тоифасидагилар ҳеч бир замонда қўлига қалам олиб, қоғоз қорайтирмайди. Бундай заҳматга уларнинг бўйни ёр бермайди. Ҳомидга ўхшаганлар ҳамиша ёзув-чизув ишларини бировларга бажартиради. Ҳар қанча ҳаракат қилганида ҳам Ҳомид “кўзларим зулм ёши билан жик, кўнглим давлат хоинлари кўрқинчидан титраган бир ҳолда қалам тебратаман” тарзида мактуб битолмайди. Ҳомидлар ўтган замонларда ҳам, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам хат битиш қўлидан келадиганларни алдаб-авраб устамонлик билан ўз йўриғига солади ва ўз талабига мувофиқ таъсирчан жумлаларни ёздиради.

Агар романда Ҳомиднинг тухматномаларини битган киши ҳам худди Содиқ, Жаннат опа, Мутал сингари ҳаракатлантирилганида эди, унинг сюжети янада тармоқланиб, воқеалар тамоман бошқача тус оларди. Чунки ҳар бир қаҳрамоннинг воқеалар жараёнига қўшилиши сюжетда янги йўналишларни ҳосил қилади. “Ўткан кунлар” муаллифи воқеалар драматизмини кучайтириш ва ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш мақсадида, асарнинг кўп ўринларида воқеаларнинг энг муҳим жиҳатларини сир сақлайди. Чунки барча персонажларни воқеалар жараёнига жалб этиш ортиқча ба-тафсилликни келтириб чиқаради.

“Ўткан кунлар” романи “саҳна”сида тўқсонга яқин, аниқроғи саксон олти персонаж кўринади. Уларнинг айримлари асосий қаҳрамон сифатида майдон марказида ҳаракат қилса, баъзилари бир-икки кўриниб, четга чиқади. Шундай персонажлар ҳам борки, уларнинг шунчаки номи қайд этилади. Масалан, асарда Умарбекнинг номи икки ўринда тилга олинса, Кумушнинг амакиси Муҳаммадраҳим Йўлдош ўғли ҳамда тоғаси Аҳмадбекнинг номи бор-йўғи бир ўринда эслатилади. Яъни, романнинг “Қутилмаган бахт” фаслида: “Домланинг: “Сиз ким Кумушбиби Мирзакарим қозил, ўзингизни тошкентлик мусулмон Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлига бағишламоқ ваколатини амакинги Муҳаммадраҳим Йўлдош ўғлига топширдингизми?” деган сўроғи олти-етти қайтарилгандан кейин, шунда ҳам янгалар қистоғи остида аранг унинг розилиғи олин-

ди”, деб ўтилади. (Ўша нашр. 58-бет). Аҳмадбек эса, “Офтобойим қариндошларидан “жонкуяр” деб танилган”, деб таърифланади. Шундай бўлса-да, Кумушнинг амакиси ҳам, тоғаси ҳам Мирзакарим қутидор хонадонидagi бирор-бир тадбир, йиғинда кўринмайди. Шунингдек, Ойша буви Офтобойимнинг онаси, Мирзакарим қутидорнинг – қайнонаси, Кумушнинг бувиси сифатида улар билан бир хонадонда яшагани ҳолда, оиладаги бирор воқеага муносабат билдирмайди, ҳеч кимнинг гапига аралашмайди. Тўғрироғи, муаллиф уни воқеалар жараёнига унчалик жалб этмайди.

Албатта, муаллиф персонажларни ўз ижодий мақсадига мувофиқ ҳаракатлантиради. У айрим қаҳрамонларни воқеалар марказига қўйгани ҳолда, айримларини “майдон”да бир-икки кўрсатиш билан чекланади. “Ўткан кунлар”да Отабек, Кумуш, Ҳомид, Ўзбек ойим, Ҳасанали, Мирзакарим қутидор, Зайнаб асосий қаҳрамон сифатида ҳаракат қилса, Мирзакарим қутидор хонадони чўриси Тўйбека, Ҳасаналининг хотини Ойбодок икки-уч ўринда “саҳна”га чиқади. Воқеалар маромида уларнинг ўрни унчалик сезилмайди. Романда Умарбек Ойбодок, Тўйбекадан пастроқ даражадаги персонаж ҳисобланади. Яъни, Ойбодок, Тўйбека муайян ҳаракатда кўрсатилгани ҳолда, Умарбек воқеаларда умуман иштирок этмайди. Аммо “Умарбек Ҳомиднинг яқин дўсти”лиги таъкидланиб, улар орасига совуқлик тушгани, Ҳомиднинг қабих ишлари Умарбекка маълум экани, у “Умарбек билан бир оз нари-бери бўлиб қолиб, ҳайтовур тагин орани очиб юборгани” эътиборга олинса, “Ўткан кунлар”да сюжетнинг энг муҳим йўналишларидан бири ривожлантирилмасдан қолгани ва у бевосита Умарбек образи билан боғлиқлиги аёнлашади. Агар асарда Умарбек образи Ҳасанали, лоақал Содиқ образи даражасида тасвирланганида эди, муаллиф таърифича “Ҳомиднинг ёмонлик корхонаси”нинг жирканч манзараси очикроқ кўринарди. Чунки Ҳомидларнинг ҳамтовоқлари билан муносабати ҳамиша зиддиятли кечади. Негаки, “ёмонлик корхонаси”даги кимсаларни ўзаро ҳурмат, инсоний меҳр-оқибат ришталари эмас, балки манфаат илинжи боғлаб туради. Бу тийиқсиз иллат домига тушганлар истаган пайтда бир-бирининг кўзига чўп суқади. Худбин, манфаатпараст кимсалар яқин кишилари, ўз ҳамтовоқларига нисбатан ҳам турли қабихликларни қила олади. Содиқ Ҳомидга: “Агар Отабек Тошкентга кетмаган бўлса, ул ҳолда ўзингиз айтгандек қилиб, тўппа-тўғри эртага Салим шарбатдорнинг олдига бораман-да, ўғлингни Мирзакарим аканинг илгари тошкентлик куёви ўлдирди, мен ўз кўзим билан кўрдим, дейман. Ана ундан сўнг хумсанинг ҳолига маймунлар йиғласин!” дейди. (Ўша нашр. 242-бет). Абдулла Қодирий салбий образларга муносабатини пардалаб ўтирмайди. У бундай персонажлар портретини нафрат, ғазаб билан чизади. Жумладан, Содиқни: “Йигирма икки ёшлар чамасида бўлган бу йигит сариқ танли, уккининг кўзидек чақчайиб, ўйнаб ва ёниб турган қизил кўзли, юзига парчинлангандек юза (пучук) бурунли, манглайи қанча ташқарига ўсиб чиққан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган, қисқаси вақтсизроқ яратилиб қолган бир маҳлуқ”, деб таърифлайди. (Ўша нашр. 177-бет). Содиқ Ҳомидга: “Бу кунгача иккитасини жойлаштирдим, учинчисига ўтса, нима қилади?” дея одам ўлдирганини айтиб мақтанади. (Ўша нашр. 184-бет). Содиқ пул учун Ҳомидга ўхшаганлар буюрган ҳар қандай ишга қўл уради. Бундай “вақтсизроқ яратилиб қолган бир маҳлуқ”ни жиноий ишларига шерик қилиб олган Ҳомид ҳам табиийки, агар манфаатига салгина зид келса, ўз ҳамтовоқларини аямайди. Ҳомид яқин дўсти Умарбекни ҳам алдамаганида, уларнинг ўртасига совуқчилик тушмасди. Умарбек ҳам Ҳомиднинг қабихликлари тўғрисида уста Фарфига гапирмасди.

“Ўткан кунлар”да Ҳомид, Содиқ, Мутал образлари нуқул қора бўёқларда кўрсатилиши кўпчиликда эътироз туғдиради. Чунки ёмон одамлар муайян фазилатлардан, яхши кишилар маълум бир қусурлардан холи эмаслигини ҳамма билади. Лекин Ҳомид сингари қабихлар, Содиқ, Мутал сингари зўравонликни касб этганлар ҳамма замонда истаганча топиладик, ҳаётнинг бу ҳақиқатини ҳам инкор этиб бўлмайди. Умуман, адабиётдаги “ижобий қаҳрамон”, “салбий қаҳрамон” муаммоси жуда мураккаб ҳодиса. Жаҳон адабиётида инсон образи азалдан “ижобий қаҳрамон”, “салбий қаҳрамон”га ажратиб кўрсатиб келиниши ҳам шундан далолат беради. Абдулла Қодирий барча персонажларга ўз муносабатини очик билдиради ва улар худди шундай эканлигини бевосита кўрсатади. Жумладан, Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожига

эҳтиром билан қарагани ҳолда, Ҳомид, Содиқ, Мутал, Жаннат опа, Мусулмонкул кабиларнинг суратини ҳам, сийратини ҳам қора бўёқда чизади. Маълумки, яхшилар ҳаётда яхшилик қилишга интилиб, доимо бошқаларга наф келтиради. Ёмонлар эса сўзи, хатти-ҳаракати билан кўпчиликни ранжитиб, ташвиш келтиради. Қизиғи шундаки, улар ўзларининг зараркунандалиги, жиноий ишлари тўғрисида ўйлаб, изтиробга тушмайди. Ҳомиднинг қабиҳликлари буни тасдиқлайди. У бегуноҳ кишиларга бемалол тухмат қилади ва бундан виждони заррача қийналмайди. Аксинча, уста Фарфи айтганидек, у доимо, “Фурсат келиши билан яна бир ёмонлик қилмоққа, қутидорнинг қизини ўзиники этишга ўйлаб юради”. Ҳомид Кумуш билан бирор марта гаплашмаган. Мирзакарим қутидор ҳам ўн етти ёшли ёлғиз қизини икки хотини бор, ўттиз беш ёшли бир кимсага беришни истамайди. Ҳомид эса, шундай монеликларга қарамай, истагидан қайтмайди ва худбинона ниятига зўравонлик билан эришишга ҳаракат қилади. Кишининг ички дунёси унинг хатти-ҳаракатида билинади. Хотинларига муносабати, давраларда айтадиган гап-сўзлари, бегуноҳ кишиларга тухматлар уюштириши, Комилбекни ўлдиртириши, Содиқни Отабекни ўлдиришга йўллаши, уста Олимнинг қайниси Сайфига зўравонлик қилиши, Кумушни ўғирлашга урингани Ҳомиднинг ички дунёси ҳам қиёфаси сингари хунук, жирканчлигини намоён этади. Шунинг учун яқинлари Ҳомидни “қўланса гаплар учун яратилган”, дейишади.

Ўқувчи Отабек, Кумушни қийноқларга солган, хонадонидагиларга кўп ташвиш келтирган тухматномаларни ташкил этган Ҳомиддан нафратланади. Шу боис Ҳомид тухматномаларини кимга айтиб ёздирганига кўпчилик эътибор бермайди. Мавлоно Жалолоддин Румий “Маснавий маънавий” асарида шундай байтни келтиради:

*Чун қаламким, тушса ғаддор дастига,
Шубҳасиз, Мансур борур дор остига.*

Энг қаҳри қаттиқ, золим ҳукмдор ҳам асос бўлмаса, бировни жазолаёлмайди. Одамни, у ким бўлишидан қатъи назар, қамаш, қатл қилиш ҳеч бир замонда жўн, осон иш эмас. Бунинг учун кимдир шикоят қилиши, унинг даъволари текшириб аниқланиши керак. Жабрдийданинг арз-доди асосли топилсагина, жиноятчи белгиланган қоидалар асосида жазога тортилади. Лекин ҳаётнинг ғаройиб сир-синоати шундаки, баъзан бегуноҳ кишилар ҳам тухмат туфайли кўп азият чекади. Халқнинг “Тухмат тошни ёради” мақолида ҳаётдаги шундай ҳодисалар назарда тутилади. Ғаддорлар шундай тухматларни тўқишадики, баъзан тажрибали, адолатли қози, судьялар ҳам ҳақиқатни аниқлаёлмасдан нотўғри ҳукм, хулоса чиқаради.

Ҳомиднинг тухматномаларини ҳам бир ғаддор ёзиб берган. У қабиҳ ишнинг фаол иштирокчисидир. Тухматномаларни битган ҳам худди Содиқ, Жаннат опа, Мутал сингари Ҳомиднинг ҳамтовоғи, шеригидир. У Ҳомиднинг жиноий ишига Содиқ, Жаннат опа, Муталдан кўра кўпроқ ҳисса қўшган. Лекин муаллиф негадир бу ғаддорни панада қолдирган. Зукко, лаёқатли кишилар ҳам баъзан нафси йўриғига тушиб, ўзи истамаган ҳолда, ҳомидларнинг “ёмонлик корхонаси” хизматини қилади. Лекин тухматчилар ҳаддидан ошиб, қотилликка қўл урганида, уларнинг виждони ғалаёнга келади. Негаки, ўқимишли, маърифатдан баҳраманд кишилар “худо ҳақни ноҳақ қилмаслиги”ни ҳамиша ҳис этади. Умарбек ҳам бегуноҳ Комилбекнинг фожиаи ўлимидан виждонан азобланган ва Ҳомид билан “нари-бери бўлиб” қолгач, унинг “ваҳшат”лари ҳақида уста Фарфига гапириб берган.

“Ғаддор” – арабча сўз бўлиб, сотқин, хоин, золим, хиёнаткор, маккор, фирибгар маъноларини билдиради. Ҳаракат, аъмолида шу иллат мавжуд кимсалар ҳар қандай тубанликка боради. Ҳомидлар доим ғаддорларга таяниб иш тутади. Отабек, Кумуш, Мирзакарим қутидор сингари кишилар ишонувчанлиги боис Ҳомид сингари худбинлар ва уларнинг тегирмониға сув қуядиганлардан панд ейди. Отабек, Мирзакарим қутидор бошларига шунча тухмат ёғилса-да, Ҳомиднинг номини тилга олмайди. Юсуфбек ҳожиди, Ҳасанали ҳам яқинлари “қўланса гаплар учун яратилган одам”, дея таърифлаган кимсадан шубҳаланмайди. Улар диёнатли, иймон-эътиқоди мустаҳкам кишиларга хос йўл тутишади. Диёнатли кишилар аниқ асос бўлмагунча ҳеч кимни айбдор этишмайди.

Иймони сушт кишилар эса сабрсизликлари туфайли бошқалар тўғрисида дарҳол турли шубҳа, гумонга берилишади.

Ҳомиднинг тухматномалари уларни зукко киши битганидан далолат беради. Айнан ўшанинг хизмати туфайли Ҳомид бегуноҳ кишиларни кўп изтиробга солади. Чунки ёзишмаларга ҳамиша аниқ асос, далил, ҳужжат деб қаралади. Ҳомид Мирзакарим Қутидор уйига кетма-кет совчи жўнатишларидан натижа чиқмагач, “хатни хат қилгувчи котиб”ни ишга солади. Ўша котиб Ҳомиднинг мақсадига мувофиқлаб, мактуб, ариза битиб беради. Барча можаролар ўша мактуб, аризалар туфайли содир бўлади. Ҳомид худди яхши иш бажармоқчидек мамнунлик билан: “Илгариги гап ёздириб берганимдек ўз режамизга мувофиқлаб, Отабек тилидан яна бирини ўмартириб бераман”, дейди. (Ўша нашр. 183-бет). Ҳомид андишасиз бўлгани учун Отабек, Ҳасаналининг олдиди жияни Раҳматга: “Сенингдек йигитлар учун, албатта, битта хотин ҳам ортиқчалик қилади!” деб айтади. Ҳаётдаги барча муаммо, зиддиятлар мол-давлати, мансаб-амалига мағрурланиб, бошқаларни назар-писанд қилмайдиган Ҳомид сингари андишасиз такаббурлар туфайли келиб чиқади.

Донишмандлар қадрдон кишиларнинг дўстона суҳбатини дунёдаги энг ширин нарса дейишади. Ҳомид “қўланса гаплари” билан шундай кишилар суҳбатини ҳам бузади. Табиийки, шундай кимсага ҳамтовоқ тутиниб, унинг тухматномаларини битган ҳам яхши одам саналмайди. Ўша ғаддор ёзган мактуб, аризаларни ўқиётганда, киши баданига бехосдан совуқ бир нарса теккандай сесканиб кетади. Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожининг мактублари эса самимий дил изхори бўлгани боис, қалбни тўлқинлантириб, ҳаммага ажиб ҳислар бағишлайди. Кумушнинг мактубидаги қалб изтироблари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Умуман, Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг мактубларида уларнинг руҳий олами, характер хусусиятларини ёрқин очиб беради.

Отабекнинг мактубларида унинг вазмин, босиқлиги, обдон ўйлаб мулоҳаза юритиши сезилади. У ҳар бир нарсани ўзи аниқлаб, билиб олишга интиладиган одамлар сирасига киради. Отабек душанба кечасидаги қонли олишув чоғида Ҳомиддан: “Менга жавоб беринг-чи: бу ёмонликларингизда сиз ҳақлими эдингиз? деб сўрайди. (Ўша нашр. 253-бет). Ҳомид эса: “Ҳақли эдим!” деб жавоб беради. У жароҳатланиб, ўлар ҳолатда ётган пайтида ҳам шу гапини айтади. Асарда бу: “Ҳомид ҳолсизланиб ётар экан, уни беш қадам наридан кузатиб, тек турувчи Отабек заҳарханда ичида “Ҳақлими эдинг?” деб сўради. Кучаниб “Ҳақли эдим!” деди Ҳомид ва қўлидаги ханжарини Отабекка отди, ханжар Отабекнинг ёнига келиб тушди”, деб тасвирланади. Ҳомиднинг Кумуш билан кўришмаган, гаплашмаган, унинг ота-онаси билан ҳеч қандай алоқамуносабати бўлмаган ҳолда, бундай даъво қилиши ҳам турли саволларни туғдиради. Шуниси аниқки, Ҳомид кабилар ҳамиша манфаатини ўйлаб, узоқни мўлжаллаб иш тутади. Улар кўпинча, ўз мақсадини бошқаларга сездирмайди. Ҳомидлар ҳамма замонларда кумушларни қўлга киритиб, давлатманд оталарнинг мол-мулкани ўзлаштириш пайида бўлишади. “Қора чўтир юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол”нинг турли найранглари замирида ҳам унинг ана шу худбинона нияти туради. Албатта, асарда бирор ўринда, Ҳомиднинг шундай нияти борлигига ишора қилинмайди. Лекин Ҳомиднинг жон-жаҳди билан уринишлари унинг мақсади ғаразли эканлигини билдиради.

Умуман, турли табиатли одамлар орасидаги муносабатлар юксак маҳорат билан тасвирланган “Ўткан кунлар”ни қайта мутолаа қилиш ҳар бир киши учун ҳамиша мароқли кечади ва ўзбек адабиётининг бу биринчи романи санъатнинг асп асари сифатида, шубҳасиз, турли қизиқарли мулоҳазалар уйғотади.



УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ



Рауф ПАРФИ

Яна қайтиб келдим...

* * *

ГУНЧАЛАР ПУШТИРАНГ ВА ЗАЪФАР
 Зангори япроқлар шаҳрида.
 Гунчалар орзумдек ҳар сафар,
 Гунчалар қалбимнинг бағрида.

Қалбимнинг бағрида бир жаҳон
 Фаройиб эртақлар айтади.
 Мен қайтиб келмасман ҳеч қачон,
 Гунчалар, албатта, қайтади.

1962

* * *

ДЕРАЗАМГА УРИЛАДИ ҚОР,
 Жаранглайди жарангсиз кумуш.
 Деразамга урилади қор,
 Қор сингари оппоқ бўлди туш.

Бир ажойиб қор ёғар бу кеч,
 Учиб тушар менинг ёнимга...
 Мен-ку, сени ўйламасман ҳеч,
 Сен тушасан аммо ёдимга...

1963

* * *

*БАЛКИ ЎЧГАН ЭДИМ ЁДИНГДАН,
Ширин хаёлингни буздимми?
Лайло, Лайло, сенинг ёнингда
Япроқ каби кўрдим ўзимни,
Ширин хаёлингни буздимми?*

*Сени ўйлаб келмайди уйқу –
Қора туннинг ўзга сеҳри бор.
Тушларимда топай деб гулрў
Мен ухларман мангу, эҳтимол.
Гўзал тушлар тилайман, Лайло...*

*Яна пайдо бўлдинг йўлимда,
Яна йўлларингда бўзладим.
Бечора қалб сенинг қўлингда,
Кўзларингда менинг кўзларим.*

Нечун пайдо бўлдинг йўлимда?..

1963

*ШИРИН УХЛАР ТОНГ ЧОҒИ ГЎДАК,
Ухлар гўдак ё тонг кўксиди,
Ёки гўдак қучоғида тонг
Ухлар ширин ҳам тинч, осуда.*

1964

* * *

*СЕНИ ТОПГУНГА ҚАДАР,
Қандай яшадим мен?
Наҳотки яшадим?*

1964

* * *

*ЁМҒИР ЁҒАР, ШИҒАЛАБ ЁҒАР,
Томчилар томчилар сочимга.
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.*

*Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Мен унга очаман бағримни.
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Аста унутамаман ёмғирни.*

Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Охир мени асир этар ул.
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Ёга бошлар қогозга кўнгил.

1965

* * *

ЯНА ҚАЙТИБ КЕЛДИМ. ЧАНГ ТЎЗГАН
Йўлимизни соғиндим, она.
Том устида майсалар ўсган
Уйимизни соғиндим, она.

Азиз даргоҳ остонасида
Сизни қалбим билан қучайин,
Тўйиб-тўйиб сопол косада
Муздек қудуқ сувин ичайин.

Ҳар бир нарса яқиндир менга,
Ҳар бир нарса менга қадрдон.
Қараб қолдингизми йўлимга
Иссиқ нонлар узиб тандирдан?

Койимангиз мени бу сафар
Унутди деб уйни, даламни,
Не чора бир дил ёнса агар,
Севиб қолсам бутун оламни.

О, қишлоқнинг мунис чиройи...
Аччиқ пиёз тўғрайин ўзим.
Дил соғиниб йиғлади доим,
Ҳозир, майли йиғласин кўзим.

Тарғилланиб бормоқда осмон,
Оптоқ ҳидга тўлмоқда бағрим.
Айтингиз-чи, борми соғ-омон
Шахло кўзли менинг тарғилим?

Оғушимда зангори сезги,
Кипригимда суюқ ҳаяжон.
Кўзларимда юмалоқ севги,
Саломатман мен ҳам, онажон!

Қайтиб келдим яна. Чанг тўзган
Йўлимизни соғиндим, она.
Том устида майсалар ўсган
Уйимизни соғиндим, она.

1966

*УЙҒОН, ЭЙ, МАЛАГИМ, ТУР ЎРНИГДАН, ТУР,
Оташин музларда исинайлик, юр.*

*Ёнгинли дарёда қулоч отайлик,
Бу ердан кетайлик, фақат кетайлик.*

*Ундан ҳам олисроқ кетармиз ҳали,
Ундан ҳам олисроқ, менинг гўзалим.*

*Қарагил, энг ёрқин бир юлдуз ёнар,
Ёруғ бир чаман бу ... кетармиз яна.*

*Бугун шоҳ эрурман, тилак тилагил,
Бугун мен гадоман, тингла, малагим.*

1966

ОЙБЕК ХОТИРАСИГА

*Тоғлар аро бир ойдин булоқ,
Атрофида шивирлар ўтлоқ.
Булоқда шаън ва собит чирой.
Нур йўлидек ўйлари йироқ
Сувда мангуликдек сузар ой...*

*Бироқ, ҳайҳот, бир қуюн келди...
Ойдин булоқ қайга беркинди?!
Қайдадир шаън ва собит чирой?
Фалакларга қарайман энди,
Фалакларда сузиб юрар ой...*

1968

* * *

*ПАҒА-ПАҒА ОППОҚ ҚОР ЁҒАР,
Боғлар киймиш илоҳий либос.
Юрагимни бир оташ доғлар –
Қуёш тутиб келаётир ёз.*

*Нима бўлди? Кипригинг намли,
Кўзларингда яширин асрор.
Девордаги суратим қани?
Нима бўлди? Қалбингда не бор?*

*Ёғар оппоқ, паға-паға қор,
Дардим қорлар каби сочилар.
Хув, йироқда гуллаган баҳор
Бўйлари кўксимга санчилар...*

1969

* * *

*ВУЖУДИМ ЯЛЛИҒЛАНАР НАФАСИНГДАН,
Сен шундай яқинсанки, жон қадар, ахир,
Барибир, сени согинаман, севгимим.*

1975

* * *

*ЁШЛИК ЗАНГОР ФАСЛ. КЕЧДИ, САРҒАРДИ,
Тўкилди у. Шафқат билмас баргрезон.
Қора совуқларга отиб юборди,
Шамоллар пойида синмоқда хазон.
Ёшлик зангор фасл. Кечди. Саргарди.*

*Ҳарна ўтди, мендан ўтди, омон бўл,
Қанча фарёд қилмай қайтариб бўлмас.
Ҳар қалай олдинда бордир сўнгги йўл,
Токи етгунингча хотирот ўлмас,
Ҳарна ўтди, мендан ўтди, омон бўл!*

*Видо табассумли олам, ёшлигим,
Кўзларимда қотган жолам, ёшлигим,
Кўкларга етмаган нолам, ёшлигим,
Сувга чўкиб кетган болам, ёшлигим,
Видо табассумли олам, ёшлигим.*

1977





Абдуғафур РАСУЛОВ,
филология фанлари доктори,
ЎзМУ профессори

ТОЛЕРАНТЛИК ВА РУҲИЙ ПОКЛАНИШ

“Тоқат”, “қаноат”, “бағри кенглик” тушунчалари лотин тилида толерантлик дейилган. Юнончадаги “катарсис” сўзи руҳий покланиш, қалбнинг ҳузурланишини билдиради. Толерантлик билан катарсис аро қандай боғлиқлик бор? Бадий ижод синоати толерантликдан катарсисгача босиб ўтиладиган жараёни таҳлил қилиб беришда англашинилади. Одамзод туғилибдики, жисмоний зарбаларга, руҳий-маънавий тазйиқларга дуч келиб, энгиб энгилиб яшайди. Ғафур Ғулом шеърлятида: “Вой, бечора жоним!” деган нидо ҳамиша жангалаб туради. Миртемир куйиб, ёниб, ўртаниб: “Одам бўлдимми менам!” дея хўрсинади. Айниқса, XX асрда юзлаб ёзувчилар “фарёд” чеқдилар: туҳматга чидадилар, бири-бирдан даҳшатли қамоқхоналарда азобландилар, отилдилар, чала ўлик ҳолатида кўмилдилар. “Олтин занглас” (Шухрат), “Кўзёши томган ҳикоялар” (Саид Аҳмад), “Кафансиз кўмилганлар”, “Жавоҳирлар сандиғи” (Шукрулло), “Гулаг архипелаги” (Александр Солженицин), “Арбат болалари” (Анатолий Рибак) сингари асарларда тоқати-тоқ бўлган санъаткорлар қалбидан томиб турган қонни аниқ кўриш мумкин.

1. Мақсуд Шайхзода, Восит Саъдулла, Тўхтасин Жалолов, Ҳамид Сулаймон сингарилар даҳшатда кечган кунлари ҳақида ёзмадилар. Ёзиш – азобларни қайта туйиш, қалбни қайта кийнаш, дардни янгилаш. Саид Аҳмад “Борса келмас дарвозаси”ни ёзиб бўлганидан кейинги ҳолатини эслайди: “Мана, “Борса келмас дарвозаси”га нуқта қўйдим. Ўрнимдан тураётганимда бошим айланиб, ўтириб қолдим. Ичкари уйда телевизор кўриб ўтирган куёв ўғлим Маҳмуджонни чақирдим. У рангимни кўриб, кўрқиб кетди. Шошиб томиримни ушлади. Ичкаридан аппарат олиб чиқиб қон босимимни ўлчади. 200 га 130”. (*“Киприкда қолган тонг”*. “Шарқ” НМАК. 2003 йил. 201-202-бетлар).

Хотирлаш шунчалик азоб бўлса, ўша даҳшатларнинг ўзи қандай кўрқинчли кечганини тасаввур этиш қийинмас.

Толерантлик ва катарсис бадий ижоддаги муҳим қонуниятни кўрсатади. Яъни, реализм ҳаётий воқеаларни айнан кўрсатиб беришмас. Санъаткор минг азоб билан ёзган асар китобхон қалбини поклайди, ҳаётга, инсонларга муҳаббатини оширади. Ижод жараёнида истеъдод заҳарни асалга, тўтини булбулга, жаҳолатни бағри кенгликка йўналтира олади. Истеъдод табиатида ҳаётбахшлик, сурурийлик, истиқболга интиқлик бор. Санъаткор ҳаёт ҳақиқатини тасвирлайди, айна пайтда, инсоний меҳр, жозоба, руҳ элексирини асар моҳиятига сингдиради.

Ғафур Ғулом шеърлятида мантиқ узра мантиқ етакчилик қилади. Лирик қаҳрамон етим ўсганини, бир меҳрибон қўлга, нондай азиз сўзга интиқ яшаганини эслайди. Мана, унинг ўзи урушда етим қолган бола тепасида мижжа қоқмай тунни тонгга улайди, ҳаёлида турли воқеалар жонланади. “Сен етим эмассан” шеърининг хотимасини ҳаёт кўшиғи, истиқболга ҳавас дейиш мумкин. Шу нуқтада китобхон “эриб” кетади, қалби чиннидай покланади.

Фафур Фуломда толерантлик бағри кенглик шамойилида кўпроқ намоён бўлди. Шоир дил ҳароратини дўстларига илинди, яқин-йироқ қадрдонларни уйига чорлади: мевазор, полизларга жумла жаҳонни таклиф қилди. Унинг шеърларида сохталик, юзакилик йўқ:

*Тилими тилимни минг тилим қилган
Қирқмалар боғлади юкин қовғага,
Асалжон Шакаров паспорти билан
Бебилет жўнайди дўстга совғага.*

“Куз келди”.

Фафур Фулом поэзиясида авлодлар аро муносабатга алоҳида эътибор берилади. До-нишманд шоир англашича, аجدод ҳамиша авлодни қўллаши, унинг ўсишига ҳисса қўшиши керак.

*Сиз, ахир, осмонни олмоқчи бўлсангиз
Мен не учун елкамни тугтиб бермайин?!*

“Сизга”.

XX аср ўзбек адабиётида етук асарлар яратилди. Лекин социалистик реализмнинг санъатдаги етакчи метод сифатида тасдиқланиши; гуманизмнинг бир ёқлама, чўлтоқ талқинланиши, ниҳоят, инсон ва табиатнинг бир-бирига зид қўйилиши шўро адабиётининг бедаво дардига айланди. Шулар ҳақида ўйларканман, беихтиёр, “Бошсиз одам” (Абдулла Қаҳҳор) ҳикоясидаги мана бу тасвир ёдимга тушаверади: “Уста Абдурахмон қизларни кўп уради. Бир куни Нисо буви: “Урсангиз, ўша дўконингизга олиб бориб уринг”, деганида уста: “Ҳа, жонинг ачийдими, бундан кейин мен ураётганда кулиб турмасанг уч талоқсан...” деб юборади. Шундан кейин Нисо буви кўп марталаб “кулди”. (Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. Биринчи том. Тошкент. 1967 йил. 80-бет). Шўро ёзувчилари, Нисо бувидай уч талоқдан кўрқиб, кўп марталаб “кулди”лар. Мана шундай сер “кулги”лардан бири Миртемир эди. У ярим аср ижод қилган бўлса, биронта ёрликқа лойиқ топилмади. Икки кам етмиш йиллик умрида куни рўшнолик кўрмади. Тўғри, шоирнинг шўх-шўх яллалари, серзавқ алёрлари, меҳрга тўйинган ўланлари кўп. Лекин Миртемир ёшлигидаёқ ёмонотлик қилинди: Беломор-каналда эркислар, ижтимоий ҳаётдан четлатилганлар қаторида қора терга ботиб ишлади. Кечирилди. Она юртида яшади, ижод қилди. Лекин кўнглидаги ғашлик, армон сира кетмади. У “Паттининг ҳасратлари”, “Тошбу”, “Азалик”, “Дўстимнинг умр йўлдоши”, “Холтош” сингари шеърларни эмин-эркин ёзди. Бунинг боиси шундаки, шоирнинг қалб қатларида алам, армон қат-қат. Шоир юрт кезди, дўстлар орттирди, шогирдлар тайёрлади, ўйноқи қўшиқлар ёзди. Лекин фарзандлик бурчини ўтолмаганидан, онасига чин фарзанддай хизмат қила олмаганидан кўнгли ғаш, дард дунёси қоронғи:

*Сени жиндак хушбахт қилгани –
Тагсиз жарлардан ўтолмаганим,
Сени сўнги йўлга ўзим узатолмаганим –
Тоғдай зил.
Абадиятдай чексиз армон бўлиб қолди дилимда, онагинам!
Одам бўлдимми менам?*

Миртемир дунёдан дарёдай оқиб ўтди, алам, ғашликларга ботиб кетди. Шоир ижодида “Бетоблигимда” шеъри алоҳида қимматга эга. Мажнунтол тагига ўтқазилларини сўрайди лирик қаҳрамон. Мажнунтол азалдан аёл, онадай эъзозланган. Афсонавий қаҳрамонлар гўзал қизларни дарахт ораси (ичи)дан топганлар. Иккинчидан, мажнунтол қадди дол бўлса-да, ҳарорат, тоза ҳаво улашадиган она мисоли. Умр бўйи онасини эслаб, қўмсаб келган лирик қаҳрамон мажнунтол тагига ўтқазилларини сўрайди:

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.*

Шоир ғашлик, алам ҳақида ёзади, лекин унинг шеърларидан ғам-андуҳ уфуриб, кўнглини вайрон қиладиган руҳ сезилмайди. Миртемир шеърлятида ҳаётнинг зарба, тазийқлари бор.

Лекин улар зинҳор бадиий асар табиатидаги покловчи руҳни, қалбни эркаловчи завқни тўсиб қўймайди. Аксинча, Миртемирнинг лирик қаҳрамонида руҳ тиниқлиги, яшаш зиддияти аниқ кўринади. Толерантлик – ҳаёт мураккабликлари, зиддиятлари, паст-баландликларини аниқ кўрсатувчи восита. Миртемир шеърлятидаги толерантлик бағри кенгликкинамас, ҳаёт зиддиятларини аниқ-тиниқ кўрсатиб берадиган санъат синоати.

Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шуҳрат, Шукрулло, Саида Зуннунова сингарилар ноҳақлик нималигини ўз бошларидан кечирдилар. Азоб-уқубатларининг бир чимдиминигина тасвирладилар. Лекин улар юртни тарк этишни, элдан чиқишни ҳаёлларига келтирмадилар. Сабр-тоқат, эл-юртга садоқат улардаги толерантликнинг ёрқин кўриниши. Жабрланган ижодкорлар асарларида халқдан, юртдан нолиш туйғуси йўқ. Аксинча, Мақсуд Шайхзода “Тошкентнома” достонида, “Мирзо Улуғбек” драмасида юртга, элга бўлган самимиятини тасвирлади. Шуҳрат ижодида “Олтин зангламас”, “Жаннат қидирганлар” романи алоҳида ўрин эгаллайди. Шукрулло “Кафансиз кўмилганлар”, “Жавоҳирлар сандиғи” асарларида ҳаётидаги қора кунларни эслайди. “Кафансиз кўмилганлар” романида совуқ ўлкаларда маҳкумлик азобини тортаётган инсон жасоратини кўрсатади. “Жавоҳирлар сандиғи” асарида ҳам ҳаётининг аламли дамларини хотирлайди. Шукрулло асарида жаҳл, рақибларидан нолиш кайфияти бўртиб кўринади. Китобхон – зийрак, фаросатли. У воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаб етади. Ижодкор одам айбдор қидиришни эмас, руҳидаги зиддиятлар жараёнини кўрсатиши етарли. Саид Аҳмад, Шуҳрат, Мирзакалон Исмоилий, Ёнғин Мирзо сингари қатағон қилинганлардан Восит Саъдулла Шукруллога йўллаган мактубида қуйидагиларни ёзади: “Шундай яхши ғояларни тарғиб қилувчи “Жавоҳирлар сандиғи” нга ўч хисси муносиб эмас эди. Шу ерда бир яхши топилма, тағдор гап бор экан: пакана одам ўзига тенглаштириш учун новча пайини (ҳасаддан) қирқиш керакми, деган маънодаги жумланг... Бир вақт менга дўстимиздан озурда бўлганлигини айтганинда, сенга таскин берган эдим. Ҳаммасини унутибсан, жаҳл... устунлик қилибди. Аммо эсдаликларинг бунга муҳтож эмас эди”. (“*Ғойибона муҳаббат*”. Тошкент. “*Meriys*”. 2010 йил. 62-63-бетлар).

2. Бадиий асар шахсий ғараз, жаҳлдорлик, қасд олишни ҳазм қила олмайди. Бошқача айтганда, толерантлик-қаноат, хусусий майлни кўз-кўз қилмаслик, бошқалар манфаати йўлида ўзига маломатни раво кўриш. Шеърлятда бу ҳолат кўзга яққол ташланади.

Шеърда толерантликнинг кўриниши, уни шеършунос ва ижодкорлар томонидан талқин қилиниши “Фарида Афрўз шеърляти: талқинлар..., тақризлар..., суҳбатлар..., бағишлов шеърлар...” (*Тошкент, “Davr press”. 2010 йил*) номли китобда кўзга ташланади.

Фарида Афрўз шеърлятидаги толерантлик деганда фироқ, алам, ўкинч сингарилардан униб чиққан навниҳоллар, оппоқ умидлар, қалбни эркалайдиган куй, сандалга солинган чўғнинг бозиллаши англашилади. Шоир қалби – бепоеён дала. Унга ҳар нарса экилган. Лекин олинадиган ҳосил – ҳаёт элексири, қалбни поклайдиган мўъжиза.

Шоира ижодида миллийлик, иймон-эътиқод жуда кўп шеърларида намоён бўлади. Қалби ёнганида, дили оғриганида лирик қаҳрамон яратганга суянади, ҳақ таолодан мадад кутади.

Фарида Афрўз шеърлятида толерантлик доимий изланиш, англаш тушуниб етишдир:

*Билдим, армонимнинг умри узоқдир,
Пояндоз солинган излар тузоқдир.
Билдим, хиёнатнинг йўли чароғон,
Билдим, бўйнимдаги маржон фироқдир,
Билдим...*

Ушбу шеърни шарҳлаб, истеъдодли шоира Ҳалима Аҳмедова шундай фикрни ёзади: “Аслида, қисмат занжирининг бош ва охири қаерда, биз билмаймиз? Билганимиз шуки, ишқ ва хижрон, соғинч ва висол, қайғу ва шодлик ҳаминша бир-бирини тўлдириб, бир-бирига боғланиб яшайди”.

Шўро давлатининг деярли бошидан-адоғигача яшаган, Ўзбекистонимиз мустақиллигининг йигирма йиллик тантаналарига интилиб бораётган Фозила Сулаймонова Фарида Афрўз шеърлятининг нозик томонларини англабдилар. Шеършунос устозимиз шоира шеърлятидаги **ташландиқ қудуқ, сувга чўккан тош, эски тегирмонга эътибор қаратиб**, уларнинг сўз кўзгусидаги кўринишидан завқланадилар. Қарийб бир асрни яшаб қўйган инсоннинг олий кечинмалар ҳақидаги фикрлари киши ҳавасини келтиради. Ерости

Маҳмудов “Катарсис” сўзининг маънолари тавсифи” (*“Шарқ Юлдузи” журнали 2010 йил, 6-сон*) мақоласида толерантлик ва катарсис моҳиятини ёритишга яқин келади: “Эсхил оқилона таъкидлаганидек: “жафо чеккандагина ҳодисаларнинг моҳиятини билиш мумкин”. Пушкиннинг “Мен фикрлаш ва жафо чекиш учун яшамок истайман”, деган сўзлари ҳам шунга мос келади. Лекин бу жафо чекиш онгни оғриқ, қўрқув ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар орқали қийнамаслиги, балки одамларнинг фикр-туйғуларини мусаффолаштириши керак. Ҳақиқий шоир, у қайси замонда яшамасин, ана шундай улуғ мақсад билан ижод қилади”.

Толерантлик глобаллашув, кескин миграция, коммуникативлик шароитида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ҳол ЮНЕСКО томонидан “Толерантлик тамойиллари – декларацияси”ни (1995 йил, 16 ноябрь) қабул қилинганидаёқ сезилган эди.

Мангу мураса йўриғини излаш файласуф-сиёсатдонларни ҳамиша ўйлантириб келган. Немис философи Иммануил Кант амалий ақл билан маънавият муаммоларини ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди. Унинг “мангу мураса” ҳақидаги қарашлари мантикий равишда “мангу тинчлик” ғоясига олиб келади. Бу масала узвий равишда толерантлик моҳиятини англашга ундайди. Англашилинадик, глобаллашув, миграция, коммуникативлик толерантлик билан боғланади. Энди толерантликни ақл нури билан ёритилган эрк, озодлик, замин-эркин ҳаракат билан алоқадорликда англаш лозим бўлади.

Толерантликни Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бундай ифодалайди: “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот – коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”. “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” – ниҳоятда муҳим, ҳаётий қонуният эканлигини замон тасдиқлапти. Мамлакатимиз раҳбари мана шу қонуниятдан заррача ҳам йироқлашаётгани йўқ. Воқеа-ҳодисалар моҳиятини, ҳаётнинг туб илдизини теран англаётган Юртбошимиз, санъаткор, ёзувчи, файласуфлар тили билан айтганда, толерантлик ва катарсис назариясини тўлдириб, бойитиб бормоқда.

Хуллас, ўта оддий кўринган толерантлик, зинҳор тор тушунча эмас. У бадий адабиётда, санъат турларида бўлмасин, катарсис ғояси билан узвий боғланади. Табиат ва жамиятнинг асосий қонунияти – гўзалликка интилиш, синергетика билан туташади. Яъни, толерантлик ва катарсис санъатнинг, жумладан, адабий танқиднинг илдиз масалаларига уланиб кетади.

Шухрат РИЗАЕВ

ЯХШИ “ЁМОН” ОДАМ ЁХУД ЯНГИЛАНГАН РЕАЛИЗМ

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад портретига чизгилар

Замонавий ўзбек адабиётида янгиланган реализмнинг концептуал асосда намоён бўлишида Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг ўзига хос ўрни бор. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллар охирларидан адабиётимизда мазкур йўналишнинг муайян эстетик концепция негизда шакллана бошлаб ривожланиши ва сўнгги ўн йилликда авжланиб, адабий-эстетик тенденция тусини олиши айнан шу ижодкор асарлари мисолида ўзининг аниқ-тиниқ тасдиғини топди.

Бундай услубий йўналиш адибнинг илк ҳикояларидан бошлаб, “Нигоҳ”, “Паноҳ”, “Ором-курси”, “Сўроқ”, “Соф ўзбекча қотиллик”, “Ҳижроним мингдир менинг”, “Куза...” қиссалари ҳамда “Бозор” романида амалий кўриниш касб этган. Аммо шуни алоҳида таъкидламоқ ўринлики, ёзувчининг ижодга “ўзгачароқ ёндашиши”, “турфа тажрибалар”и реализм доирасида юз беряпти. Мана, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўз эътирофи: “Фикри, суяги шўро дав-

рида қотиб улгурган аксарият адибларимиз, адабиётшунос олимларимиз кўз кўриб, қулоқ эшитган нарсанигина реализм деб аташади, яъни, ҳаётда юз берган воқеа-ҳодиса реал, ҳаёлдаги, тасаввурдаги, тушдаги кечинмалар нореал! Бошқа сезги аъзолари ҳам мавжудлиги, дунёни эҳтирослар, туйғулар, сезгилар орқали идрок этиш мумкинлиги ва лозимлиги, интуиция, кўйингчи, инсонга хос кўзга кўринмас майллар тан олинмайди. Ваҳоланки, ҳаёлимиз ҳам, тасаввуримиз ҳам, тушда кўрганларимиз ҳам кундалик турмушимизда кўраётган манзаралар сингари реал, мавжуд! Демак, **реализм** тушунчаси ниҳоятда кенг! Тасаввуримизга сиғмас даражада кенг! Шунини тан олсак, бадиий тасвир воситаларимиз ҳам чексиз даражада кўпаяди, тан олмасак ... ” (Хуршид Дўстмуҳаммад. Озод изтироб қувончлари. Тошкент. “Маънавият” нашриёти. 2000 йил. 47-бет).

Демак, реализм доирасида ҳар қандай экспериментлар қилиш имконияти чекланган эмас. Хуршид Дўстмуҳаммад мазкур фикр, аниқроғи, ижодий-эстетик кредодан келиб чиқиб, имкон қадар ҳар бир катта-кичик асариди шундай экспериментлар қилади. Асосан бадиий тасаввур, онг ва онг ости жараёнлари билан ишлайди. Ишлайдигина эмас, уларни акс эттиради. Тасаввурда пайдо бўлган ҳолатни макон ва замонда тўхтатиб қўйиб, уни ҳар томондан ўрганишга, ифодалашга ҳаракат қилади. Масалан, саксонинчи йиллар сўнгларида эълон қилган “Паноҳ” қиссасида шундай.

Ёзувчи ўзбек ўқувчисига ҳодиса, ҳолатларга янгича ёндашув таклиф этаётганини назарда тутиб қиссанинг номи остига “ёхуд 13 октябрь 22 ю 13 да бўлган воқеа”, деб аниқлик кириптиб қўяди. Айни шу дақиқада қаҳрамони Аҳмадали ҳаёлида, онгги ва онг ости қатламларида кечган жараёни бутун ассоциациялари билан илғаб акс эттиришга ҳаракат қилади. Кўрсатилган аниқ вақт оддийгина вақт эмас, фавқуллодда ҳодиса – ер қимирлаш содир бўлган дақиқа. Ана шу фавқуллодда воқеа қаҳрамон онггидаги фавқуллодда ўй-ассоциацияларни уйғотиб юборади. У айни чоғда ҳаракат ҳам қилади. Чунки уйдан опасини кўргани чиқиб кетган. Воқеа содир бўлганда, уйдан бир неча юз метр нарироқда бўлади. Ана шу масофани босиб ўтиш, шунинг орасида рўй берган онггаги жараён, дақиқа ичра тафаккур эврилишлари, қатлам-қатлам онг ости англономлари тасвирга, психологик таҳлилга тортилади. Бадиий асарда “Онг оқими” деб номланувчи бу эстетик эксперимент ўқувчини фаол ишлашга, муаллиф билан баб-баравар бадиий тадқиқот ўтказишга мажбур этади. Муаллиф – ўқувчи муносабати бутунлай бошқа доирага кўчади. Руҳий мулоқотга айланади. Ўқувчи воқеабанд тафсилотли асарлардаги каби кузатувчи, ёзувчи измидаги ҳодиса эмас, айнан, тенгтошли ишловчи, ёзувчининг ҳаммуаллифи мақомини олади. Чунки ёзувчи онг жараёнида бўлганидек, мозаика принципида синдириб, парчалаб ташлаётган лахтақлардан бир бутун яшаш, икки ва ўрни билан ҳатто учга бўлиниб кетадиган қаҳрамоннинг “мен”ини аниқ белгилаб олиш ўқувчидан росмана ҳаммуаллифликни, муаллиф билан бирга, бутун жараёни обдон ўрганиб, тадқиқ этиб, сўнг муайян маҳражларга келтиришни тақозо этади. Айни чоғда, асар ҳар қандай тажриба эканидан қатъий назар, миллий-этниқ тушунча, тасаввур ва қадриятлар негизида шакллантирилиб, жиддий таъсирига ғоя ташиди. Ўзбек заминиди, соф миллий-этниқ тушунчалар негизида шаклланган, тарбия топган ўзбекнинг ўзбекча ва ўзбекона фикрлаши, онг жараёнини тадқиқ этиши юрт, қадрият, меҳр-оқибат, садоқат каби ниҳоятда инсоний тушунчаларнинг инсонга паноҳ эканлиги ҳақидаги яхлит ибратли ҳиссани аёнлаштириб беради. Асарнинг модерннинг айнан ўзи эмас, балки модернлашган реализм эканлиги бир чеккаси шунда ҳамдир. У янгиланинг ўзи учун янгилан, тадқиқотнинг ўзи учун тадқиқот, санъатнинг ўзи учун санъат яратаётгани йўқ. У ўқувчини фаол ҳаммуаллифликка таклиф этиб, унинг қалбига, онгига муайян қадрият, ибрат, ҳаётбахш тушунча билан кириб боряпти. Ўзига хос поклаяпти, мунавварлаштиряпти. Реалликда ирреаллик, фожиада катарсис – тозариш ҳолатини бериш орқали ўқувчини гуёки поклаяпти. “Онг оқими” ўзбекона ифодада ўзбекона қадриятлар тасдиғига, ривожига хизмат қиляпти. Ёзувчи тажрибаларининг муваффақияти айнан шунда.

Орада яна қатор ҳикоялар, қиссалар ва роман ёзиб, адиб “Паноҳ”дан йигирма йил ўтиб, “Куза...” қиссасини эълон қилди. Бу асар ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад экспериментаторлик анъанасининг давоми, лекин ривожланган, такомил топган давоми. Бу давомийликда реализм ва турфа модернистик тамойиллар омихталигининг тиниқлашгани, янада узвийлашгани яққолроқ кўринган.

“Куза...” бошдан – охир тамом мажозийликка қурилган асар Эрнест Хемингуэй айтмоқчи, ўндан бири сув юзида, қолгани сув остида бўладиган муз тоғ-айсберг мисол тамойил деярли ҳар сатрига сингдирилган бу асарни ҳам ҳамдардлик, ҳам муаллифдошлик кайфияти билан мутолаа қилади, ўқувчи. Чунки ҳар икки қабул ва ҳолат учун тўла асос бор. Ҳамдардлик бу

зоҳиран қараганда, асарнинг мажозий дунёсига умуман кирмаганда ҳам, оддийроқ нигоҳга дарҳол илғанади. Бу, аввало, асар қаҳрамони Умиднинг руҳий носоғ Опаси билан боғлиқ лавҳаларда кучлироқ сезилади. Бу психологик мистификация, ғайришуурий мотивлар, тафсилотлар орқали ифода топади. Опа ҳақидаги маълумотлар, яъни, унинг хушрӯй аёллиги, турмушга чиқиб, сўнг она айтмоқчи, “қайси суллоҳнинг тўймаган суқи” назаридан савдодий куйга тушиб қолгач оилавий ҳаёти бузилгани, ғалати-ғалати “қилиқлари”, муштипар онанинг куйиниши, ҳадик-хавотирлари, гоҳ баён қилиниб, гоҳ тасвирланиб борган сари ўқувчининг ҳамдардлик ҳисси ортади. Умиднинг “васий”лиги каби ўқувчида васийлик кайфияти уйғона бошлайди. Ҳамдардлик даражасининг ҳиссий-эмоционал намоён бўлиши, албатта, аввало, инсоннинг сезимлар доирасида шаклланиши ва яшаши билан боғлиқ табиий жараён.

Қиссада ҳамдардлик учун асос берадиган иккинчи мотив – бу интеллектуал публицистик мотив. Яъни, асар бошланишидан – охиригача давом этадиган уч дўст суҳбати – баҳси. Чет элдан таътилга келган Азиз болаликдан бирга ўсган энг қадрдон дилдош дўстлари Умид ва Фарҳодга кўнглидаги, фикридаги ўй-кечинмаларини, дардларини тўкиб солади. Яъни, қачонки, халқимизга хос одатлар, хусусиятлар, бидъат, борди-келди таомиллар ва ҳоказо “одамгарчилик” деб аталувчи биргина тушунча замиридаги бутун этник менталитетимиз оёғимизга кишан бўлмай, “қора қозон қайнаганига шуқр” деявермай, онг, савия, талаб, қарашлар ўсса-ўзгарса, биз бу қуроқ дунёда “кимга”дир айланамиз, мавқе топамиз, деган ташвишлари, куйинишлари ўқувчини фикрлашга даъват этиб, ҳамдардлик ўйи ва туйғуларини кўзғайди.

Асардан ўқувчи қалбига кўчадиган яна бир ҳамдардлик-тўшақка миҳланиб қолган Устознинг ғариб, маҳзун ҳолатлари тасвирланганда сезилади. Психологик таҳлилий йўсиндаги бу ҳолатлар Умиднинг кўзи-кўрими, кузатуви, ички таҳлиллари, муносабати орқали берилди. Айнан, Умидни ўз ўғлидай кўрадиган (“Мақсуд қатори ўғлимсиз”) Устозга муносабати бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Йигитнинг Устоздан мунтазам хабар олиши, соатлаб бемор тепасида ўтириб, унинг сўлиётган қиёфаси, ҳолатларига ичдан чуқур разм солиб, “ночор ва ожизона бир изтиробда термулиб ўтириши”, шу йўсин оқибат кўрсатиши бари ўқувчида ҳамдардлик кайфиятини айни бу муносабат билан ҳам устувор этади.

Яна бир ҳамдардлик, аниқроғи, ҳамрозлик, ҳиссий-эмоционал кайфият Умиднинг Котибага муҳаббати, унинг хаёлий дунёсида жонланадиган қизнинг гўзаллиги, “оппоқ, пахтадай, аллақайси замон аслзода сарой маликаларига ўхшаш” қиёфаси, қизни кўрганда, унинг майин, ёқимли овозини эшитганда “қўлларини сал силкитса учиб кетадигандек” энгиллик, самовийлик ҳис қилиши каби ҳолатлар тасвири ўқувчининг ҳам балки қачонлардир, балки шу дамларда бошидан кечирган ё кечираётган туйғуларига эш-уйқаш келиб, ҳамдардликдан сал бошқачароқ, ёруғроқ, умидворроқ, завқлироқ узвий муносабатни пайдо қилади.

Демак, асарга дастлабки зоҳирий қараш-ёндашишда ўқувчи ундаги тасвир, таҳлил, асосий образ ва бошқа персонажлар ҳолатларидан таъсирланиб, ҳамдардлик кайфиятини туяди. Бунда у ўзига ортиқча юк юкламай, оддий кузатувчи мақомида қолиш билан чекланиши ҳам мумкин. Дастлабки таассуротларнинг ўзида асар ҳақидаги ижобий фикрларни шакллантиради. Бироқ, ўқувчи фаол – фикрловчи бўлса ва асар, айнан, фикрлашга ундовчи руҳи, хусусияти билан интеллектуал ёндашувни талаб этаётганини тушунса, энди у аста ҳаммуаллифга айлана боради. Ёзувчи – муаллиф билан бирга тасвирланган, баён қилинган барча лавҳа, ҳолат, кайфият, образ, персонаж, мотив, мазмун, ишора, метафора, ташбеҳ, монолог (ташқи ва ички), диалогларнинг ичига кира бошлайди. Бу жараён ондаги таҳлиллар, муносабатлар, топилмалар тарзида кечади ва, айнан, шуниси билан муаллиф-ўқувчи муносабатини ҳаммуаллифлик даражасига кўтаради.

Асарнинг рамзий-мажозий мазмуни қандай, ўқувчини ҳаммуаллифликка ундовчи жиҳатлар нимада, бу саволларга жавоблар, аввало, қиссанинг композицион қурилишига оид фикрлардан оидинлашиб келади.

Ўтган аср сўнги чорагидаги энг машҳур интеллектуал ўйинлардан бири бу кубик-рубик эди. “Куза...” қиссасининг композицион қурилиши ана шу ўйинни эслатади. Кубикнинг ҳар хил рангдаги яси бўлақларини бир рангдаги бутунликка келтириш учун неча бора айлантириб мослаштирилганидек, асардаги парчаларга бўлиниб – сочилиб ётган бир бутунни тиклаш, яъни, лавҳа, тафсилот, тасвирлар, воқеа ва ҳолатларни онгда муайян тизимга, яхлитликка келтириб олиш керак бўлади.

Хуршид Дўстмуҳаммад “онг оқими” ифода усулини қўллаш асносида, ўқувчини фаол фикрлашга даъват этади. Синиқларни яхлитлаштирган сари тўрт макон ва тўрт замон – вақтдаги мотив – мазмундан лейтмотивга – бош ғояга яқинлашиб боради. Ўқувчи ҳар бир

сатрдан берилаётган информация-ахборотни аввал тўғридан-тўғри, сўнгра эса, кўчма – рамзий маъноларда англаб боради. Рамзийлик учун дастлабки ишора яхлит тафсилот, ҳолатларнинг парчаланиши бўлса, кейингиси кичик-кичик деталларда (масалан: қўл телефоннинг “тринг”лаши, “минғирлаши”, “нағма қилиши”, “Азизнинг “йўқолиши” ва “топилиши”, “беморнинг кумушдек ... сочларини силаш”, “уст-бошингизга қараб қўйинг, йигит” деган дақи – эслатма ва ҳоказо), исмлар маъносида (Умид, Азиз, Мақсуд, Лариса Латиповна ...), тилшунослик қоидаларига кўра вазифаси ва қариндош-алоқадорлиги назарда тутилганда турдош от бўлиб ифодаланиши лозим бўлган персонажларнинг бош ҳарфда берилиши (Опа, Устоз, Котиба) кабиларда кузатилади. Бу ўринда аниқки, Опа, Устоз, Котиба тўғридан-тўғри тушуниладиган бир қиёфали шахслар эмас. Уларнинг ҳар бирига оид лавҳаларда ирреалликка, мажозийликка ишоралар яққол англашиб туради.

“Ҳасад ва ҳавас билан қўшилган назар-нафас”нинг қурбони Опа ана шу хаёлий-рўёдаги кузатувчи назарлардан қочиб юради. Унинг ғайришуурий хатти-ҳаракатларида: “Ўз ҳолимга кўясанми – йўқми, ит?!” дея укасини ёзғиришларида ва интуитив кароматларида, Умиднинг Опаси тузалишига умидланишида унинг жўн, оддийгина ер фуқароси эмаслиги аёнлашиб боради. Устознинг интеллектуал – фалсафий мушоҳадалари ва, аввало, “кузатувчи ва кузатилувчи” ҳақидаги ноодатий саволлари, ўйлари, бемор алфозда Умид нигоҳидаги ҳолатлари, ўлими – барида тилсим, сирлилик бор. Устоз қўйган башарий саволларни кимлар беради, кимлар бу муаммолар атрофида ўй суради, мушоҳада юритади, дея хаёлга толади ўқувчи. Котибачи, Устозни ишхонада ва беморлигида Умид билан боғловчи робита, йигитнинг ҳаётига нур, Опасига соғайиш зарофатини бағишлаётган халоскор куч, яъни Умиднинг ҳар жиҳатдан умиди ўлароқ, оқлик рамзида намоеън бўлувчи малоика, қаҳрамоннинг “ичига-вужуд-вужудига сингиб ... фикри-хаёлига, нафасига айланиши” унинг самовий мавжудот эканига ишора бўлиб туюлади. Ҳатто, қисса охирида, Умиднинг жуфтига айланган қизнинг рутбаси, макони ўзгариб, энди вазифаси ҳам, номи ҳам катта ҳарфлар билан тилга олинмаслигида-да бир рамзий белги-ишора бордек...

Ўқувчи ҳаммуаллиф ўлароқ, асарнинг таркибига, сўзлар, образлар рўёсига сингигани сари рамз, тағмаъноларни туяверади. Ва, энг муҳими, асар якунида ўша тўрт доира-қатлам қаъридаги маъданни топади – ким кузатувчи, ким кузатилувчи, дея ҳар қанча иддао қилма, гоҳи уч дўстнинг баҳслари каби қизиқ-ёниб эҳтиросларга берилма, яъни, Азиздек кузатилувчи тақдир-қисматдан ҳар қанча қочма, ё Опалар назар-нафас исқанжасида доимий кузатилаётган бир савдойи ҳолатига келма, ёки Устоз каби кўнглининг бир чеккасида, бир пучмоғида энг кучли, буюк кузатувчига айланиш илинжини пинҳон сақлаётган шайтоний хоҳишларни зухур этма, оламда бор қилувчи ҳам, йўқ қилувчи ҳам энг олий кузатувчи бор. Кузатилиш инсон зотининг қисмати. Ана шу қисматга иймон келтиргувчилар саодат топувчилардир...

Ҳаммуаллифга айланган ўқувчи балки асарда бундан-да теранроқ ғоявий-фалсафий фикр, бундан-да қатламлироқ тағматлар, рамзлар топар.

“Куза...” қиссаида “онг оқими” тажрибаларидан (мозаика, монтаж усули, ички монолог) фаол фойдаланилган. Аммо ундаги қаҳрамон ва бош ғоя инкишофига кўра, бир-бирига охир-оқибат боғланиб кетадиган тўрт воқеа – тафсилот, ҳолат ва персонажлар устуворлик тамойиллари асосида, тўрт хил адабий ифода йўналиши бўйича тасвир ва тадқиқ этилади. Шартли номлаганда: дўстлар лавҳалари – анъанавий реалистик усулда; Опа лавҳалари – магик реализм анъаналарида; Устоз мулоқотлари – фалсафий интеллектуал реализм йўсинида; Устознинг бемор ҳолати тасвири, тафсиллари бош қаҳрамон Умид нигоҳи, ички моноллари билан теран психологик реализм йўналишида ифода топади...

Хулоса шуки, буларнинг бари ҳаётбахш реализм доирасида. Зеро, бундай бадий ифода усулларининг қоришиқлиги олам ва одам дунёсидаги ҳар бир катта-кичик ҳодисанинг мураккаблигида, уларнинг неча-неча минг йиллар давомида турли хужайралар синтезидан кристалланиб ҳозирги биз учун реал ҳолатга келиши натижасидадир. Кечаги чўкичу чўқмор ўрнини бугун яна кўшимча юзлаб функцияларни бажарадиган робот-машиналар эгаллаб олганидек, эндиликда, адабиёт ва санъатда ҳам яқранг ҳодисалар бўлмади. Зотан, адабиёт ва санъат ўзи аслиятдан бошлаб яқрангликни инкор этган, турфаликни кашф этиб тараққий топган. Ана шу турфаликда оламу одам гўзаллигини инкишоф эта бориб, фикрловчи инсонда руҳнинг бемисл қудрати ва абадийлигига ишонч, эътиқод пайдо қилган. Зеро, Хуршид Дўстмуҳаммад ижодини фақат ҳиссий ёндашувнинг ўзи билан таҳлил этиб, тушунтириб бўлмади. Унда ҳиссиёт тўлқинлари ҳаммиша тафаккур қирғоқларига урилиб туради. Бири иккинчисини ўзаро тақозо этади. Бинобарин, ўзан бор, бироқ, у қазилган каналдек тўппа-тўғри ўзан эмас, балки ҳаёт йўлларининг оддий кўзга ноаён энг теран хилъ-

атлари, энг чекка пучмоқларини қамраган ўзан. Шулар қуйилиб, қисса, роман деган катта ўзанлар тўлиб, тўлиқиб оқади. Қанча-қанча руҳий ва ақлий қувват тилагидаги инсонларга обиҳаёт бағишлайди, қондиради. Хуршид Дўстмуҳаммад ўзанларидаги зилолга пиёла ботирмоқ осон иш эмас, гарчи, у шаршара эмас, ўзан бўлса-да. Гоҳо чуқурликда, гоҳо шитоб оқишидан бир ҳовуч сув олиб сипқариш мушкул келади. Аммо машаққатини чекиб, чанқоқликни бир сидра қондирдингми, энди, қайта-қайта ичгинг ҳам келаверади. Машаққати чўчитмайди, аксинча, зилолини ширинроқ, тотлироқ қилади. Бу неъматдан баҳрамандлик қалбни, тафаккурни поклайди, ғуборлардан тозалайди.

Санобар ТўЛАГАНОВА

РАМЗЛАРГА ЯШИРИНГАН МАЪНИ

Адиб ва фольклоршунос Шомирза Турдимовнинг “Шарқ юлдузи” журналининг ўтган йилги 5 сониди эълон қилинган “Сиртлон” ҳикояси ўқувчини мушоҳадага чорлаши билан эътиборли. Бир ўқишда сир бериши қийинроқ кечадиган бу ҳикоя: мажозларга, поэтик рангларга бой. Кичик жанр ҳисобланмиш ҳикояда танланган бадиий ранглар мутаносиб, шакл ва мазмун уйғун. Муаллиф тасвир ва ифодада ўзгачароқ усулни танлаганки, унда фалсафий мушоҳаданинг салмоғи анчайин фикрни кўзгаб, ўйга толдиради. “Сиртлон”да ровий-ҳикоячи – муаллиф. Фикрий – шуурий ҳолат, муҳокама-мушоҳада, инсоннинг синовлардан ўтиш ва покланиш жараёни қаҳрамон онгида юз беради. Муаллиф онги оннинг онгидир. Ҳикоянинг конструктив қурилмаси уч босқичдан иборат. Асарнинг аввали ва охирида реал ҳаракатни ҳис қиласиз. Аммо, асосий босқичда воқелик фақатгина қаҳрамон ўй-хаёлида – онг ости оқимида юз беради. Тушуниш бироз мушкулроқ тасвирий ифода ўқувчини чалғитиш баробарида, уни мушоҳадага етаклайди. Қаҳрамон кўлида қизил елим челақ билан итига овқат излаб йўлга чиқади. Эътибор беринг, “қизил” елим челақ. Кейин белида “белдови” йўқ кўприк бор бўлса-да, ариқдан сакрай олишга кўзи етмаса-да, барибир, сакрайди. Зидловлар кетма-кет келса-да, қаҳрамон умидга таваккал қилади. Мувозанатини бир зум йўқотиб қўйса-да, амаллаб оёққа туради. Кўприкнинг нариги тарафида “на ирқи, на миллати, на жинси” бор бозорчи хотинлар ўтирибди. Улар қаҳрамоннинг хотинига қарши тарафда “бозор” қилишмоқда. Йигитнинг кўлидаги челақ оғирлик қилиб сувга бироз ботади. Унинг ақлига энг муҳими, “суяк оғир-ку, оқиб кетмас”, деган фикр келди. Энди унинг челагидаги овқат итига озлик қилиши мумкин. Бориға кўнгли тўлмай, қаноатни унутиб, қаҳрамонимиз “итига емиш” қидиради. Ажиб қонуният, одамзод ўз манфаати бирлашадиган йўлда дарров ўзига йўлдош топа олади. Қаҳрамон ҳам бозорчи хотинлардан “итига” овқат олиш учун ва яна назоратчилардан қутулиш истагида, уларнинг ҳомийлигига ишониб таваккал қилади. Қизиғи, бозорчи хотинлар учун ҳеч қандай тўсиқ, ҳеч қандай назоратнинг ўзи йўқ. Текширувчилар уларни кўриб-кўрмаганга олишади, гуёки улар беҳабар. Аммо, қаҳрамон таъқибдан холи эмас. “Назоратчи” ким?. Виждонми, имонми, нафсми?..

Муаллиф ҳар бир деталдан унумли ва самарали фойдалана олган. Борхес воқеликни тасвирлашда икки йўлни фарқлашни таклиф қилади. Биринчиси – табиий, реал воқелик. Иккинчиси эса, сеҳрли маҳдудлик ва реалликнинг бирлашувидир. Унда ҳар қандай детал бир нарсага ишоратдир. Ишоратни англаш жараёнида тафаккурнинг қайроқ тошларида фикр чархланади. “Имконсизлик одамни топқир этади”. “Катталарга эрмак кучукчага қисмат” каби луқмалар тафаккурнинг қат-қатига сингдирилган заковатнинг акс-садоси. Таҳлилга қайтсак, хуллас, бозорчи хотинлар сотади, бу олади. Йигит қараса, челаги “бўм-бўш”. Ҳатто, сўрашга улгурмасдан олдин бир аёл унинг челагини тўлдириб беради. Унинг ақлига “ит эти-суяк билан тирик, одамнинг этига итидан яқин йўқ”, деган фикр келади. Жумбоқ жумла – калит жумла. Ҳикояда асосий гап ҳам эт ити ҳақида. Эт-вужуд, ит-нафс. Кимдир ўзидан-ўзини истаб топади, кимдир ўзидан-ўзини топа олмай овора.

“Бозорчи” аёллар шайтоннинг қутқуси, алдов йўлидаги макр-фириб...

Қаҳрамон бир пайтлар ўлиб кетган Олапарини кўриб қолади. Бу ерда эгасини кўришдан мамнун бўлмаган Олапар мунгли, ерга қараган. Йигит Олапар тарафга ўтмоқчи бўладию, лекин ўта олмайди. “Эгасиз” итларнинг вазоҳатидан у қўрқиб кетган эди. Машинадан чиққан “қўнжи суякка тўла” эркак ва аёл қийқирганча шунча итдан қўрқмасдан воқеликка сингиб кетади. Улар “қўнжидаги суяк” шаҳвоний ҳирс, шайтоннинг аёл ва эркак қонига зоҳири. Ўртада қандайдир “саробдек парда” борлиги эслатиб ўтилади. Олапарнинг «мунгли» аҳволини кўрибми, уятдан лов-лов ёнган йигитнинг ҳароратиданми, ишқилиб кўлидаги “қизил” елим челақ эриб “ерга оқиб тушади”. Челақ нима сабабдан “елим”дан эканлиги ҳам энди ойдинлашгандай.

Фикримизнинг исботи учун воқеанинг бошланишидаги “қизил” челақка тўхталсак. Қизил ранг нафснинг, ҳирснинг, очқўзликнинг рамзи. Одамзод қизил ранга қанчалик интилса, шунчалик залолатга, нафс ботқоғига ботади. Қаҳрамон бекорга итига овқат излаганда кўлига қизил челақ кўтармаган. Унинг қалбида нафс ва иймон уруш бошлаган. Ўз хотинининг ёнидан кетиб қолганини “сезмай” қолиб, бозорчи хотинлардан ҳамдардлик истаб, уларнинг ёнига ўтиши, мана шу курашнинг кўринишидир. Дунёда зулмининг авж олиши, қонларда шаҳвоний ҳирснинг кўпчиши, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаслик, инсоннинг ақли, имони эмас, балки, тананинг-нафснинг ҳукмронлиги инсоннинг “ити бўшалиб” бўйинбоғини йўқотиб қўйишига ишора эмасми? Ҳар лаҳзада шайтон қутқусига алданишга мойил инсоннинг нафс кўчасида онгли, онгсиз кезишлардаги кўнгил кечинмалари ҳикоянинг асоси. Ҳикоянинг кодига калит саҳна бор. Йигитнинг телефони жиринглайди. У рақамга тикилиб туради-да “яшил” тугмачани босади. Қаҳрамон ҳеч қандай тугмачани босмаслиги ҳам мумкин эди. Қизил тугмадан ҳам фойдаланса бўларди. Лекин у рақам эгасини танийди ва бу унинг учун кутилган. Қўнғироқни қабул қилмасликнинг иложи йўқ. Савол жавобга эътибор беринг:

- Қандай бордингиз?
- Қил кўприқдан ўтгандай...
- Қўрқоқ...
- Айбим бўйнимда...
- Қутилдим дейсиз-да.
- Итимга тутилмадим...
- Қанақа ит яна ?
- Бўшаб-бўшалмаган ит.

Сезаясизми, бу йигит кимгадир ҳисоб беришга мажбур. Бу ақл ва нафс ўртасидаги диалог. Ўз-ўзига ҳисоб бериш, уни сўроқ қилиш, телефондаги терговчининг овози инсон вужудидаги имон-эътиқод. “Яшил” ранг комилликнинг, имон, эътиқод, ҳидоят йўлининг ранги. Қаҳрамон қизил йўлақлардан қил кўприқдан ўтгандай ўтиб, яшил йўлакка эсон-омон ета олди. Энди руҳ хотиржам. Имон бут, қўрғон саломат. Ҳикоядан кўзланган мақсад, маъни ҳам шунда, асли.

Ичкаридан аёлининг овози унинг хаёлини бузиб юборди.

- Ити яна бўшалиб кетди, бойласа-чи.
- Жойида-ку.
- Ҳозир мени кўриб уясига қайтди-да.

Йигит “айб устида қўлга тушган боладай” ўзини аёлининг олдида йўқотиб қўйди. Гўёки аёли у борган жойдан хабардор, унинг сиридан воқиф бўлиб қоладигандек эди. Қаҳрамоннинг Олапар деб ўйлаган ити ўрнида, малла Сиртлон кўзларини “йилтиратганча” думини ликиллатиб турарди. У Сиртлонининг бўйнига занжирини илди...

Муаллиф нафс ҳақида рамзлар тилида ҳикоя қилади. Ҳикояда “итнинг овқати” ҳам ғоя, ҳам истиора, ҳам рамз сифатида хизмат қилган. Бўлак орқали бутун мўлжалга олинган. Ёзувчи нишонни беҳато ололгани аниқ. Шукрки, курашда нафс мағлуб, имон-эътиқод ғолиб. Ҳикоя охирида қаҳрамон Сиртлоннинг бўйинбоғини боғлаб кўнгли ором олади. Интиҳодан ўқувчи ҳам хотиржам. Ўз-ўзига ҳисоб беришга бурчли инсон буюк имтиҳонга доим тайёр бўлмоғи даркор. Ҳикояда сўзлар исрофини сезмайсиз. Асардаги йигит ва унинг аёлининг диалоги мантиқий фикрнинг қаймоғи, асарнинг бош ғояси ҳам шу ерда аёли томонидан таъкидланган. “Итини боғлаб қўйсачи?” Унинг овозида ҳам бўйруқ, ҳам

тахдид, ҳам ишорат бор. Улар бир воҳага тегишли бўлган шевада ўзаро учинчи шахсда сўзлашадилар. Муаллиф инкишофидаги топилмалар ўзига хос. Ёзувчи кўнглидаги дард-ни, руҳий изтиробни сўзга жойлаб, сўзни мажозга айлантиришнинг энг мақбул йўлини танлай олган. Муаллиф фольклоршунос олим ҳам. У фольклор илмини жаҳоний ва тарихий кўламда ўрганиб, ўзбек илми тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётир. Фольклор илмидаги рамз ва тимсолларнинг бадиий умумлашмаси, бадиий синтези ўлароқ, юзага келди. Муаллифнинг содда ўз услубига эга эканлиги фикр ифодасида намоён бўлади.

Дилмурод ХОЛДОРОВ

ҚИССА СЮЖЕТИДА УСЛУБ ЖИЛОЛАРИ

Ижодкор услуби ҳақида гап кетганда, албатта, унинг сюжет қуриш маҳоратига ҳам эътибор қаратилади. Бадиий асарда қўлланган образли ифодалар, бадиий тасвир воситалари, фразеологик бирикмалар, халқ оғзаки ижоди намуналари – мақол, матал, ривоят ва ҳикоятлар ижодкорнинг истеъдод қирраларини, бадиий тафаккури ва сюжет қуриш маҳоратини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Шойим Бўтаевнинг “Муюлишдаги уй”, “Шўродан қолган одамлар”, “Шамол ўйини”, “Эски арава”, “Бир кунлик меҳмон”, “Шоҳона совға” қиссаларида сюжетнинг турли йўсинлари кўзга ташланади. Баъзи ўринларда маълум бир қаҳрамонни таништириш ёки воқеа баёнига киришиш олдидан жузъий чекинишлар бўлади. Аслида, бу тарзда бадиий сюжетнинг ички сирларини ўрни-ўрнида жойлаштириш ижодкорнинг ўқувчини сирли бир тарзда “ушлаб тура олиш” маҳоратига боғлиқ. Шу жиҳатдан қаралганда, адибнинг қиссалари сюжетда реал воқеликка, ғайритабиий, фавқулодда, тўсатдан юз берадиган сирли ҳодисалар уйғунликда тасвирланади. Хусусан, “Шамол ўйини” қиссасида Ойбулоқ қишлоғидаги алғов-далғовли ҳолат, Тепа қишлоғида тўсатдан пайдо бўлиб қолган Беркинбой, кампирларнинг момоулоқ базми ёки жинлар базми тасвирланган ўринларда шундай уйғунлик мужассамлашади. Адиб Ойбулоқ билан Тепа қишлоғи одамларини, қисса охирида Қум қиялиқдаги тўртта хонадон аҳлини ўзаро таққослаган ҳолда, ўз олдига қўйган ғоявий-бадиий мақсадини амалга оширади. Тинч-фаровон, биров билан бировнинг иши бўлмаган, баҳамжиҳат яшаётган Тепа қишлоғи аҳли орасига Беркинбой, сўнгра, шу қаҳрамон воситасида қиссага олиб кирилган ва асосий образлардан бири сифатида тасвирланган – Ёшиузоқ пайдо бўлгандан кейин вазият ўзгаради. Қишлоқдан барака кўтарилади, ёвузликлар юз беради, нопокликлар авж олади. Демак, ёзувчи поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ инсон умри, жамият ҳаёти, оила тотувлиги учун жуда муҳим деган улғу бир фикрни асари моҳиятига сингдиради.

Ёзувчи “Шўродан қолган одамлар” қиссасидаги ака-укаларнинг худбинлиги, беоқибатликлари ва ҳаётдаги фожиасини тасвирлаш учун ўзига хос сюжетдан фойдаланади. Асарнинг дастлабки қисмидаёқ, адиб муаллиф сиймосида ўзининг муносабатини билдириб ўтади. Яъни, китобхонни асар руҳига олиб киришга ҳаракат қилади:

Ука кетди.

Ака қолди.

Улар на кечани эслашди.

Чунки, кечани билмасдилар, хотирлай олмасдилар, унинг қоронғи осмони қабатларида чақнаган милёнлаб шуълавор юлдузларидан, сутдай тошиб долғаланган ойларидан ғофил эдилар; олис дунёлар насимларидан кўнгиллари бебаҳра, наинки бебаҳра, кўнгилнинг ўзи ҳали таваллуд топмаганди: кулманг, биродар, кулманг; кўнгил таваллудисиз одамнинг бу дунёга келиши, юриши, кетиши бир ҳашорат умричалик эмаслигини ҳожи поччангиздан сўрасангиз, яхшилаб тушунтириб қўяди.

На бугунни ўйлашди.

На эртани қайғуришди.

Ҳайф, бир қорин...

Келтирилган парчада асарнинг бутун мазмуни, адиб айтмоқчи бўлган фикрларнинг калити яширин. Инсон тафаккури ва шуури бийдай далада ўзидан-ўзи шаклланиб қоладиган ҳодиса эмас. У минглаб йиллар мобайнида сайқалланади. Ирсият қонунларига бўйсунди.

Инсоният воситасида ўтказилган ҳар қандай нотабиий қонуниятлар, сохта ғоялар кўнгилик қаҳатчилигига, унинг таназулига олиб келади. Ўз “кеча”сини англамаган, “олис дунёлар насимларидан” беҳабар инсоннинг тақдири қандай бўлиши, фожиалар гирдобига тушиши, айниқса, ўзининг фожиасини англаб етмаслигини асардаги қаҳрамонлар нутқи орқали тасвирлаш имконияти йўқ эди. Шу ўринда, қиссахон нутқининг киритилиши асарнинг қимматини оширади. Зеро, асардаги қиссахон образи адиб мақсади ва ниятини амалга оширувчи воқеа эканлигини ҳисобга олганда, адиб идеаллари шу образда намоён бўлади.

Адабиётшунос Баҳодир Карим қайд этишига: “Шойим Бўтаев услубида кўпсўзлик, пичинг, киноя, юмор ва жиддият уйғунлиги бор; батафсиллик устувор. “Шўродан қолган одамлар”да ҳам ёзувчи асосий ўзак воқеаликка қадар Назоратчининг психологиясини, табиатини ёрқин очишгача бўлган саҳифаларда жуда кўп тафсилотларни ёзади. Назоратчининг кимлиги, қандай одамлиги, шўроларга нақадар дахлдорлиги ўз хизмат вазифасини бажарадиган ҳибсхона постдаги вазиятда, касбдошлари, ҳибсхона бошлиғи ва Суннат ўғри билан бўлган узук-юлуқ мулоқотларида очилади. Ёзувчи уни кам сўзлатади, кўп ўйлатади”.

Асар давомида Назоратчининг лақмалиги, Амакининг худбинлиги очила боради. Қиссанинг бирор жойида на Назоратчининг, на Амакининг қулоғига азон айтиб қўйилган исмлари эслатилади. Аслида ҳам, уларни исми билан айтиш лозим кўрилмайди. Шу нуқтаи назардан кейинги йиллар қиссачилигида кўзга ташланаётган исмсиз ва ташқи қиёфаси аниқ тасвирланмаётган қаҳрамонлар, аниқ бир сюжет чизигининг йўқлиги оддий ҳолга айланиб қолди ва бугунги кун ўқувчиси бунга кўникиб ҳам боряпти.

Ёзувчининг **“Эски арава”** қиссасида ҳам ўзига хос сюжет қурилишини кузатиш мумкин. Қиссада адиб китобхонга яхши таниш бўлган Гоголнинг **“Ўлик жонлар”** асари қаҳрамонларини ҳаёлан Ўзбекистонга сафар қилдириб, мустамлакачилик сиёсатининг мудҳиш оқибатлари, ўзга миллат урф-одатларини англамай ўзлаштириб олиш ва унинг аянчли оқибатларини рамзий-мажозий услубда очишга ҳаракат қилади.

Павел Иванович Чичиков ўз малайи Селифан билан қуйидагича суҳбат қуради:

– Шошма-шошма, сен қандайдир етти қаватли бир манзилнинг энг пастки қаватида қийналиб анча вақт ётдингми?

– Мен сиздан баландроқда, учинчи қаватда эдим, – деди Селифан тиржайиб.

– Оз-моз ичиб турганимизни ҳисобга олишмаганда-ку, нақ беҳиштининг ўзидан жой тегарканку-я. Аммо-лекин, сизнинг гуноҳларингиз кўп экан. Яхши одам эдингиз-ку, хўжайин. Шунча гуноҳ орттирганингизни пайқамай ҳам қолганимни қаранг (130-бет).

Сезгир китобхон англайдики, Ўзбекистонга “оқиб” келган фуқароларнинг аксарияти жиноят оламига алоқадор, ўз юртида кўним топмаган кишилар эди.

Чичиковни кутиб олиш учун атлас қўйлакли қизнинг нон-туз кўтариб чиқиши, эркак кишиларнинг ўпишилари, саримсоқпиёз ҳиди, деворларга чизилган суратлардаги қор, қайинлар, қўзиқорин тераётган қиз расми ўз маъносига қараганда, кенгроқ моҳият касб этади. Ёзувчининг салбий ҳолатларга қаҳрамонлар тили ёки муносабати орқали фикр билдириш услуби қиссанинг қимматини янада оширади. Қисса қаҳрамонларидан бири, куллик сиёсатини амалга оширувчи, барча топшириқларга ўйламай, лаббай, деб жавоб берувчи Нишонбой Ҳурзамонович билан Чичиков ўртасида қуйидагича суҳбат бўлиб ўтади:

– Юртингизда офатлар бўлиб турадимми? – деб сўради у Нишонбой Ҳурзамоновичга қараб.

Кўққисдан берилган бу савол Нишонбой Ҳурзамоновични шошилтириб қўйди, у хушини йўқотганча:

– Ташкил қиламиз! – деб юборди.

Павел Иванович кулди.

– О, йўқ! – деди у. – Офатлар дегани табиий ҳодиса. Ахир, сизнинг қўлингиздан кучли қор ёки ёмғир ёғдириш келмайди-ку? Тўғрими?

– Сиз учун келади, Павел Иванович...

– Раҳмат, раҳмат! Илтифотларингиз учун ташаккур! Шундай гапларни гапирасизки, худди худо юборадиган вабо-балоларни ҳам ўзингиз тарқата оладигандек-а...

Сиз учун тарқатамиз, Павел Иванович... Нишонбой Ҳурзамоновични кузатиб турган Чичиков уни эси жойидами, йўқми деган фикрга боради. Мустамлакачилик замонидаги ақл бовар қилмас режаларнинг қабул қилиниши: на иссиқни, на совуқни билмай боши фақат меҳнатдан чиқмайдиган, фақат даласини ўйлайдиган деҳқонқулларнинг пайдо бўлишига: “Ташкил қиламиз!”, “Сиз учун тарқатамиз!” деган куллик сўзлар сабаб бўлганлиги, Оролнинг қуриши, она табиатнинг ифлосланиши, нобоп тарбияли болалар, назокатдан, нафосатдан узоклашган аёллар, имон-этиқоддан беҳабар инсонларнинг вояга етиб қолишига мана шундай қуруқ сиёсатлар сабаб бўлганлиги очила боради.

Қиссадаги ҳар бир образ, у каттами ёки эпизодик образми ўз вазифасига эга бўлиши лозим. Нишонбой Ҳурзамонович, Собакевич образи асарда бор-йўғи икки-уч марта кўриниш беради. Лекин, уларнинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Яқин ўтмиш воқеаларини бугунги кун билан таққослашга ундайди.

Шойим Бўтаевнинг "Муюлишдаги уй" қиссаси замонавий, дедектив мавзуга яқин услубда ёзилган. Қиссага киритилган ҳар бир образ, тасвир, воқеалик бир-бирига узвий яхлитликда олиб борилади. Бош котибни кутиб олишдаги оворагарчиликлар, Ёрибекнинг шаҳарга келиши, Тошқувват билан кечадиган саргузаштлар, Саид Мавлавий, Асад, Назокат, Отажон, Муса, Усмон Акрам каби одамлар билан танишув, асар таркибига киритилган Тошқувватнинг "Ҳаётим йўллари" қиссаси саксонинчи йиллар типик шароитини ёритишга хизмат қилган.

Асардаги Ёрибекнинг тоғаси Усмон Акрам образи ўзига хос тарзда ёритилади. Унинг тасвири асарнинг бошида бир марта берилса-да, китобхон хотирасида сақланиб қолади. Унинг гапириш манералари ҳам ўзига хос, худбинликдан иборат:

- Хў-ўш, қалай, энди? Уйдагилар соғ-омонмилар?
- Дуруст... Салом айтишди...
- Тузук, тузук, саломат бўлишсин! Бугун келганмидилар?
- Ҳа-а.

– Тузук, тузук, яхши қиптилар. Меҳмонхона-пеҳмонхонага жойлашиб олдиларми, ёинки бугуноқ қайтмоқчимилар?..

Тоға-жияннинг қисқагина суҳбатидан англашиладики, катта ёзувчи Усмон Акрам туғишган жияни олдида ҳам ўзини худбинона тутати. "...Соғ-омонмилар?", "Бугун келганмидилар?", "Яхши қиптилар", "Жойлашиб олдиларми, ёинки бугуноқ қайтмоқчимилар..." – каби жумлаларда такаббурлик, менсимаслик, сезилиб туради.


Усмон Акрам хотинини қақриб: "Чой бериб юборсакмикан!" дея мурожаат этади. Кўринадики, у оила аъзолари билан ҳам шу хилда муомала қилади. Жияни Ёрибекни: "...Салом айтадилар, дея ўзи кетишга даъват этади". Шу билан тоғасидан паноҳ истаб келган жиян мулоқоти барҳам топади.

Ўз яқинларидан мадад ололмаган Ёрибек ноҳақ қамалиб чиққан Тошқувватдан яхшилик кўради. Унинг ёрдамида ҳаётнинг баланд-паст томонларини ўрганади, катта ҳаётга тобланиб чиқади. У билан боғлиқ эпизодларда адиб ҳаётдаги иллатларни очишга интилади. Асардаги Тошқувват образи ҳаётда адашган, пул-бойлик кетидан қувиб, умрини хазонга айлантирган, охирида афсус-надоматга тушиб, инсонлик шаънини йўқотмаган кишиларнинг вакили. У яқинларидан ажраган, ота қарғишини олган. Бироқ, у Ёрибекка ҳаётдан ўз ўрнини топиб олишида катта ёрдам беради.

Сюжетнинг қизиқарли бўлиши ижодкорнинг маҳорати билан белгиланади. Шойим Бўтаев инсон туйғулари билан боғлиқ бўлган ўта мураккаб ҳодисаларни қисқа имо-ишора тарзида кўрсатади, баъзан қахрамонлар билан боғлиқ сирли воқеаларни асар охиригача сир сақлайди. Бу ҳолат китобхонга ҳузур бағишлайди, воқеалар давомини тезроқ билишга ундайди.

Ёзувчининг "Бир кунлик меҳмон" қиссаси сюжети ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Йигирма йиллик собиқ курсдошлар Саидмурод ва Холмўминларнинг учрашуви, асар сюжетига аста – секин кириб келувчи Абди, сўпи ва унинг келини билан боғлиқ турли мишмишлар, тўйдаги машашалар, сўпининг уйига ўт тушиши, минг йиллик чинор билан боғлиқ воқеалар, Элчи бованинг бошидан ўтган саргузаштларида инсон маънавий-руҳий оламида мавжуд бўлган мураккаб, зиддиятли ҳолатлар ўзига хос тарзда очила боради. Айниқса, қишлоқда сўпининг уйига ўт кетиши ҳақидаги хабар тарқалгандан кейинги воқеалар тасвири китобхонни ўйлашга, рамзлар ортига яширинган сирларни билишга ундайди. Қисса қахрамонларидан бири Элчи бованинг: "Болалик супасидан тушдингми, бас, зулмат сени бағрига тортиб кетади. Оҳ-оҳ, қанчалар айш-ишрат, кайф-сафо, заҳар-зуққумлар жо бўлган экан-а, бу бағрига! Сен шунда боладан фарқли ўлароқ, кўркмай кўясан, нега деганда, ўзинг ҳам зулматийга айланасан. Зулматийнинг роҳат-фароғатиям, айш-ишратиям, ҳаётиям, мақсадиям зулмат. Ана шунда у супага абадул-абад қайтиб чиқолмайсан", деган гаплари ўқувчини чуқурроқ мушоҳада қилишга ундайди. Фаришталар ҳам сажда қилган инсон болаларининг ўта қабарик феъл-атвори зулмат кўйнида: на туш, на ўнгда содир бўлаётгани ноаниқ бир тарзда тасвирланади. Зулмат кўйнида инсоннинг ким ва нима эканлигини англашишга ҳаракат қилади.

Асар сюжетининг бу тарзда қурилиши ҳам ҳозирги ўзбек насрида бўй кўрсатаётган услубий қирралардан биридир. Шойим Бўтаев қиссаларида кўзга ташланаётган персонаж нутқидаги ўзгаришлар, қахрамон характерининг турфалиги, асар сюжетида киритилаётган турли ривоят, воқеа ва ҳодисалар бугунги насримиздаги янгилинишлардан далолатдир.



Қудратулла ОМОНОВ,
филология фанлари номзоди

ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАР ТУРКИЙ ТИЛДАГИ РАСМИЙ ВАСИҚАЛАР

Ўзбек тили расмий услубининг илдизлари узоқ ўтмишга эга. Бу теран илдизлар туркий давлатчилик тарихи билан узвий боғлиқ; ҳужжатчилик иши – давлатчилик тарихи билан изма-из юради. Ҳар бир давлат ўз худудида иш юритиш қоғозлари ҳамда бошқарув ишлари, қолаверса, ёндош эллар билан кўшничлик алоқаларини ўз тилида бўлишини истади. Айни ҳолат, давлатнинг ўзлигини намоён этувчи муҳим белгилардан бири саналади. Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳам ҳужжатчилик ишларининг кўпроқ она тилида олиб борилганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Ушбу сиёсий, тарихий ва лингвистик жараёнлар туркий ҳужжатлар услубининг тўла-тўқис, мукамал бир қолипда шаклланиви, туркий расмий ёзмалари услубнинг равнақиға кенг йўл очиб берган.

Аждодларимиз ўзаро ҳуқуқий муносабатларини қайд этишға алоҳида эътибор берганлар. Шу боис, ўтмиш ёзма меросимизнинг анчайин катта қисмини расмий матнлар ташкил этади.


Илк ва ўрта асрлардан бизға қадар етиб келган расмий матнлар, аждодларимизнинг иш юритувчилик соҳасидаги ёзма нутқ маданияти ҳамда расмий доираларда қўлланилган адабий меъёр ва уларнинг ҳуқуқий онгини кўрсатувчи энг ишончли далиллардир.

Расмий матн услуби йўналишида тадқиқот олиб бориш, аввало, унинг лексикасига эътибор қаратишни таққозо этади. Аёнки, сўз матн англашнинг ўзагидир.

Сўзға услуб жиҳатдан ёндашув фикрни аниқ ифодалашға кўмак берувчи сўз танлаш заруриятини пайдо этади. Муаллиф томонидан сўзнинг тўғри танлангани фақат услуб аломатлари бўлиб қолмай, матннинг ахборот ташиш қимматини ошириб, мазмун таъсирини кучайтиради. Сўзни ўринсиз танлаш эса, фикрни англантишда қийинчилик келтириб чиқариш баробарида, мантиқий хатоликларға ҳам сабаб бўлади. Бу масалада аждодларимиз томонидан расмий матнларда сўз қатъий ўз англамида ишлатилганини кўрамыз. Агар матндаги сўзни ўзгартиришға ҳаракат қилинса, матн ташиган маъно бутунлай ўзгаргандай таассурот қолдиради.


Расмий матнда сўз танлашда катта аҳамият берилган. Давлат институтлари – девонға тегишли иш ёзмалари билан шуғулланувчи масъул ходимлар “алимға”, “ёзғучи” ва “битиғчи” деб аталган. Уларнинг машаққатли меҳнатидан дарак берувчи айрим матнларни кўздан кечирганда, ҳужжат тузувчилар матн битиш жараёнида ҳар бир сўзни ўрнида, керакли қуршовда ишлатилишиға катта эътибор қилишганиға гувоҳ бўламыз. Шунингдек, бизға қадар етиб келган тегишли васиқаларнинг айримлари ҳужжат тузиш ишини ўрганаётган ўқувчиларнинг битикларидир. Улар диққат билан кўздан кечирилса, ҳужжат

матнида кўп қайтарилувчи бўлимлар, канцеляризм, қолигли бирликлар, формулярларни машқ қилинганини, айрим сўз ва бирликлар ўчириб ташланганини кўриш мумкин.



Чунончи, айна кезде, Берлин фанлар академиясининг фондида U белгиси остида ўн мингга яқин туркийда битилган матнлар сақланади. Ана шу матнларнинг аксариятини ҳуқуқий ёзмалар ташкил этади. Айна фонддаги U 5534 рақам остида сақланаётган ёзда васиқаларнинг бошланмасидан ўрин олувчи киши отлари ёзилиши керак бўлган қатор ўчириб ташланган.

Шунингдек, кишилар ўртасидаги олди-берди муносабатларни қайд этиш мақсадида тузилган ҳужжатларнинг мазмуни ва улардаги сўз танлаш меъёрига ҳужжат битган киши ҳамда ҳуқуқий муносабатни амалга ошираётган томонлар, унга гувоҳ сифатида қатнашган шахслар масъул бўлган. Одатда, ҳужжатда амалга оширилаётган олди-берди муносабатига ҳуқуқий тус бериш учун икки киши гувоҳ сифатида қатнашган. Бироқ, алоҳида ҳолатларда тўрт кишигача холис сифатида иштирок этиши мумкин ҳисобланади. Шу боис, ҳужжат тугалланмасида уни битган кишининг оти, гувоҳлар номи, ёзма расмий томонлардан кимнинг сўзи билан ёзилгани ва неча қайта томонларга ўқиб берилгани қайд этилган банд мавжуд бўлади. Шу ўринда, ер олди-сотдисига бағишланган U 5239 сонли васиқанинг тугалланмасига эътибор қаратсак:



Бу нишон мен Тўлак Темурнинг-ул.
 Бу нишон мен Буян Темурнинг-ул.
 Бу нишон мен тануқ Карайнинг-ул.
 Бу нишон мен тануқ Темур Буқанинг-ул.
 Бу битигни мен Буян Темур ўз илигин битийу тегинтим.
 Бу белги мен Тўлак Темурнингдир.
 Бу белги мен Буян Темурнингдир.
 Бу белги мен, гувоҳ Карайнингдир.
 Бу белги мен, гувоҳ Темур Буқанингдир.
 Бу ҳужжатни мен Буян Темур ўз қўлим билан ёздим.

*U 5239 сонли васиқанинг
тугалланмаси*

Бу сингари тугалланма барча васиқаларнинг ажралмас компоненти сифатида доимо мавжуд бўлган.

Баъзи фуқароларга тегишли ҳужжатларда айрим сўзлар ўчирилиб, ўрнига бошқаси ёзилган, таҳрир қилинган, тузатилган расмий матнлар ҳам учрайди. Масалан, U 5260 рақамли ҳужжат қарзга шароб олингани тўғрисидадир. Ана шу ёзманинг учинчи қаторида қарзга олинган шаробнинг миқдори *ярим бўр* ҳажмида кўрсатилган бирикма мавжуд бўлиб, устида яна ҳам аниқ бўлишини таъминлаш мақсадида *қал* ҳисоб сўзи киритилган ва *ярим қал бўр* кўринишига келтирилиб таҳрир этилган:

Ана шу тузатишдан сўнг шаробнинг миқдори аниқлашиб, *Турин Бақшидин ярим қал бўр* кўринишига келган. Ёки U 3907 сонли васиқада жумла таҳрир қилингандан сўнг унинг устига тамға босилган:

Буни ҳужжат битилаётган вақтнинг ўзида тузатиш киритилганига ишора сифатида қабул қилиш мумкин.

Бизнингча, бу хил ҳужжатларнинг борлиги матн яқунлангандан сўнг томонларга ўқиб бериш жараёнида, айрим сўз ва жумлалар томонларнинг эътирозига сабаб бўлганини кўрсатади. Ана шу сўз ва жумлалар ўчирилиб бошқаси билан алмаштирилган бўлиши мумкин. Шундан сўнг ҳужжат имзоланиб, тасдиқланган ва олди-берди муносабатига ҳуқуқий тус берилган. Фуқароларга тегишли ҳужжатлар билан боғлиқ ушбу далиллар аждодларимиз расмий ёзмалари таҳрири билан ўзлари шуғулланганини, ўша кезларда расмий ёзишмаларнинг муайян меъёри яхши шакллангани, расмий ёзмалар услуби жамиятга ўрнашгани, кишиларнинг аксари фақат ўқиш ва ёзиш саводидан ташқари, расмий ёзишмалар тузиш лаёқатини, яъни, ҳуқуқий саводхонликни ҳам ўзлаштирганини кўрсатмоқда. Буларнинг бари ўша кезларда ҳужжат битиш қонунқоидаларидан сабоқ беруви муайян мактаблар фаолият олиб борган бўлиши мумкин, деган мулоҳазага асос бўлади.

Шу ўринда, аждодларимизнинг ҳуқуқий тафаккури тўғрисида немис шарқшуноси Ле Кокнинг фикрини келтириш ўринли бўлади. У ёзади: “Расмий ёзмаларнинг салмоқли бўлагиди олди-берди муносабатига киришаётган кишилардан бири шахсан, ўз қўли билан ҳужжатни тузганлиги очик кўрсатилган. Ҳужжатларнинг тузиш жараёни бирор-бир ҳуқуқшунос ёки нотариус назорат қилгани расмий матннинг ҳеч қаерда қайд этилмайди. Бундан келиб чиқадиган муҳим хулоса шуки, ҳужжат тузишнинг йўл-йўриқлари ва унда қўлланилувчи ҳуқуқий формулярлар жамиятнинг барча қатлами кишилари томонидан ўзлаштирилган кўринади. Туркий ҳужжатларнинг битилган вақти Европадаги салб юришларидан олдинги ва кейинги даврга тўғри келади. Ўша кезларда европалик олийнасаб феодаллардан қанчаси бунинг сингари расмий ёзмаларни рисоладагидек туза олиш лаёқатига эга бўлган. Шундай қилиб, айна туркийлар, ўша чоғларда ҳуқуқий саводхонлик жиҳатидан устун экани ҳаммага аён бўлмоқда”.

Илк ўрта асрларнинг расмий ёзмалари наشري билан боғлиқ ўта муҳим масала хусусида бир оғиз сўз. Тарихимизда кечган давлатларнинг бошқарув тизими, қонунчилиги, ижтимоий-иқтисодий, хўжалик ва сиёсий ҳаётдан сўзловчи нодир ҳужжатларнинг катта қисми ўтган асрнинг биринчи чорагида нашр этилган. Эндиликда, қадимги расмий матнларни тадқиқ этиш соҳасида тўпланган тажрибаларни қўллаган ҳолда, қадимий ёзувларимизда битилган кўҳна расмий ёзмаларнинг барини мужассамлаштириб, бир тадқиқот доирасида жамлаб қайта чоп этишнинг вақти келди. Ана шундай йўналишдаги илмий иш – илк ва ўрта асрлардаги ўзбек давлатчилигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, кўшни эллар билан дипломатик муносабатлар кечмиши, қонунчилик тизимининг шаклланиши, ўлкамизда божхона ва солиқ хизматларининг юзага келиш тарихини ўрганишда, шунингдек, аждодларимиз бунёд этган салтанатларда она тилимизнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда қимматли маълумотлар беради.



гулқайчи

Восит АҲМАД



АҚЛЛИЛИК БАЛОСИ

Ҳажвий ҳикоя

Ота-онаси хизмати ва меҳнати билан Хушнуд тенгдошларига нисбатан барвақтроқ улғайди: кўп китоб ўқигани учун билимлироқ бўлиб ўсди. Лекин уни ишлатишда ҳали меъёрни билмагани сабабли азиятлар ҳам чека бошлади. Бу бутун ҳаётида одат тусига айланди.

Ҳар қалай баҳсларда қатнашиб, калтак остида қолган Сукротнинг ачинарли ҳолати бошига тушмаган бўлса-да, у ҳам бу борада кўп кўргиликларни кечирди. Нохушликлар мактаб ёшидаёқ юз берди.

Бешинчи синфда ўқиётган болакай ёш ўқитувчига уч марта танбەх берди.

– Опа, Навоий билан Бобурни алмаштириб юборяпсиз.

Учинчи танбەхдан кейин тоқати тоқ бўлган ўқитувчи қулоғидан чўзиб ташқарига олиб чиқди. У ёқ-бу ёққа қараб олгач сўради:

– Хўш, қаерида адашдим?!

– Ҳамма ерида, айниқса, туғилган ва вафоти саналарида...

– Тўғриси қандай?

Хушнуд айтиб берди. Ўқитувчи ҳозиргина чўзган қулоқларини силаб қўйди.

– Энди, Хушниджон, программа катта. Адашиб кетаркансан-да. Лекин буни секин, синфдан ташқарида, дарсдан кейин айтсанг ҳам бўлади-ку. Болалар олдида...

Йўқ, у бундай қилмади. Чунки у тенгқурлари нотўғри билимга эга бўлишини хоҳламасди. Қулоқлари ҳам кўп чўзилаверганидан каттайиб борарди, лекин шартакилик қилишни қўймас эди.

Мактабни тамомлаб муҳандислик олийгоҳида ўқиётганда ота-онаси уйлантириш пайига тушди. Бунда ҳам у кўп ғавғоларни келтириб чиқарди. Аввалига бечора оила пешволари “ўзимиз пиширган ош...” дея, қўл қовуштириб туришди. Аммо Хушнуд тобора қуюшқондан чиқиб борарди. Ақлли ўғил ҳар гал қиз кўргани чиққанда ё ўзи ҳурпайиб қайтар, ё келин бўлғувчи қочиб кетган бўларди. Аммалари ҳам ундан обдон зерикашди.

Бир куни Хушнуд учрашувга чиққан қизни мактабга етаклаб қолди. Одатда йигитлар қизларни боғларга, музқаймоқхоналарга бошлагувчи эди. Аммалар ҳайратда қараб қолдилар. Қиз ҳам “Бу жинни бўлганми” дегандек, ортидан хушламайгина эргашди. У қизни география хонасига олиб кириб:

– Қани, Маҳлиёхон, Ўзбекистонни кўрсатиб юборинг, – деди харитага ишора қилиб.

Ҳам эсанкираб, ҳам жаҳлланган қиз мактабдан қочиб чиқди. Хушнуд ҳукм чиқарди: Ўзбекистонни кўрсатиб беролмаган қиз менга муносиб эмас.

Бошқа бир қиздан:

– “Ўткан кунлар”ни ўқиганмисиз? – дея сўраб қолди.

Қиз ўқимаган экан, у ҳам кун тартибидан тушди. Яна бир куни янги “номзод”дан “Амир Темурни биласизми?”, деб сўради. Билмас экан – у ҳам хотинликка нолайиқ топилди. Нолайиқ топилдигина эмас, тутқазилган гул ҳам ундан тортиб олинди.

Бундай чегараси йўқ машмашалардан тўйган она охири ёрилди:

– Ҳой, сен харидор киёмисан ё ишга ўқитувчи олаётган мактаб директори?

– Ойи, оддий саволларимга жавоб беролмаган қиз билан қандай қилиб бир умр яшайман?

– Вой ўлмагур, қиз кир ювиш, овқат қилишу нон ёпишни билса бўлди-да. У сенинг ўқувчингмики, ҳар куни савол-жавоб қилиб ўтирсанг...

Ҳартугул унинг ҳам муносиби топилди. Бу борада у Хушнуддан ҳам ўтиб кетди. Ўқув юртларида таълим олмаган эса-да, шундай ғазаллар ўқидики, Хушнуд маҳлиё бўлди-қолди. Учрашув сўнггида ҳатто четларига Саъдий ҳикматлари битилган рўмолча ҳам ҳадя этди. Ўша қиз умр йўлдоши бўлди.

Хушнуддан ҳамкасблари ҳам безор эди. У туйқусдан савол бериб қолишидан ёки олдида қовун тушириб қўйишдан чўчиб ўзларини олиб қочиб юришарди. Айниқса, у “Техник ходимга адабиёт-санъат-у, тарих нега керак?”, деганларни талаб ташларди. Бир куни тушлик пайтида ҳамхонаси билан кино санъати борасида суҳбатлашиб қолди. Гап айланиб аввалроқ вафот этган машҳур ўзбек артисти тўғрисида кетганда шериги хол қўйди.

– Ҳақиқатдан зўр артист-да, янги кинолари чиқмай қолди-я.

Мириқиб суҳбатлашаётган Хушнуд томоғига бир нарса тиқилгандек ютинди.

– У энди ўйнолмайди...

Бир куни ишхонага лектор келиб Амир Темур ҳақида маъруза қилди. Бир соатли нутқда Амир Темур сўзи ўттиз етти марта такрорланди. У ҳар гал Амир Темир дер, Хушнуд Амир Темур дея тузатарди. Лектор, қайта-қайта танбеҳ эшитгач, анча тўғри талаффуз эта бошлади.

Хушнуд оддий муҳандис бўлишига қарамай, ҳар соҳадан яхшигина маълумотга эга эди. Айниқса, миллий кадриятлар, маданиятга оид соҳаларда анча зукко эди. Шунинг учун атрофидагилар уни Даҳо, Мавлоно деб аташарди. Бинолар пештоқи, йўл бўйларидаги нотўғри ёзувлар ҳам нигоҳидан қочиб қутилмасди. Ўша ёзувлар ўнганмагунча мутасаддиларни тинчитмасди. Бир олим уни шундай дея алқаганди:

– Яхшиям шундайлар бор-а. У санитар, атрофдаги иллату кирларни тозалаб юради...

Лекин ёши улғайган сари, қолаверса, атрофида жини суймайдиганлар кўплиги боис асаблари қақшаб, тез-тез хасталанадиган бўлиб қолди.

Қайси куни бир ҳамкасби ногаҳон ташланди.

– Ўлчовни ўз даражангизда қўяверманг, ўз ишимизни пухта билсак бўлади-да, – дедию балого қолди.

– Аввало, ўз ишингизни ҳам яхши билмайсиз. Иккинчидан, эсингизга солиб қўяй. Фудболдан йироқ бўлганингиз боис, ашаддий ишқибоз бўлмиш бошлиқ машинасидан ўсал ҳолда тушириб юборилганингиздан сўнг ўлиб-тирилиб шу спорт турини ўргандингиз-ку. Нега энди ҳеч бўлмаса ҳар бир фуқаро билиши керак бўлган, ўзга миллатлар олдида хижолатчилиги ўлим билан баробар бўлган оддий кадриятларимизни, адабиётимиз ва санъатимизни билишдан, ўрганишдан қочасиз?

Хушнуд ака таъсирида атрофидагилар – қариндош-уруғлар, хусусан, ҳамкасблари у-бу нарсаларни ўрганиб қўйишга тиришишар, унинг тигига учрашдан, тўғриси, қаттиқ чўчишар эди.

Оилада хотини анча маслақдош бўлса-да, баъзида у ҳам эри “қилмиш”ларидан додлаб юборишига сал қоларди. Айниқса, қизига харидор бўлган йигитларни минг

чиғириқдан ўтказишлари жонига тегди. Куёвликка номзодлардан бири физика ўқитувчиси экан. Уни хўп тафтиш қилгач, бир неча қонунни билмаганлиги учун, “Чала ўқитувчи куёвум бўла олмайди” деди. Яна бир бўлғуси куёв одам анатомиясини билмагани учун, пешонасига “йўқ” муҳрини босиб тўнғиллади.

– “Куёвингиз жарроҳми ёки қассоб?” дейишларини хоҳламайман.

Шундай ҳолларда тоби тобора ёмонлашарди. Ҳар қанча ўзини эҳтиётласа ҳам ўчакишгандек нохушлик рўпарасидан чиқиб қоларди.

Узоқроқ танишларидан бириникидаги зиёфатда китоб жавонидаги турфа хил чиройли муқовали бадий адабиётларни кўриб кўзи қувнади. Сўнг Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси” романини кўрсатиб:

– Буни ўқиганмисиз? – дея сўради.

– Йўқ, – деди уй эгаси.

– Манову, Жек Лондонни-чи?

Хушнуд ака феълидан беҳабар уй соҳиби дангалини айтиб қўя қолди:

– Қаёқда? Ҳеч бирини ўқимаганман. Бу абадий китоблар уйни безаш учун-да...

Адабий сўзи билан абадий сўзининг фарқига бормаган катта китоб жавони эгасининг лоқайдлиги Хушнуд акага қимматга тушди. У бир йўла ётиб қолди. Энди хотинига қийин бўлди-да. Ҳол сўровчи касларни зимдан тергаб, қовун туширувчи думбуллардан беморни эҳтиётларди. Аммо... Танишларидан бири кўргани келди. Келмасаям бўларкан, у шошаётгани, бир ёзувчи юбилейига бориши кераклигини гап орасига қистирди.

– Шеърларини ўқимаганман. Сўз бериб қолишмасмикин?!

– У шоир эмас, носир.

– Йўқ, Носиржон эмас, Камолжонни юбилейи.

– Ўхх!

Хушнуд ака юрагини чангаллаганча эшикни кўрсатди-ю, ўзи...

